

ВИГОДСКАЯ



Э. ВИГОДСКАЯ

ХАВФЛИ ҚОЧОҚ



Н. Кочергин расмлари

014693

ЎЗСР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

Тошкент — 1959

БИРИНЧИ ҚИСМ ДОРДАН ҚОЧИШ

Биринчи боб

ҲИНД ТЕЛЕГРАФИ

Бу одам кечаси юриб, кундузи ухларди. Белини қисиб турган чарм тасмасини аллақачон ўрмонга, улоқтирган пойафзалини ҳам ечиб, оёқ яланг борарди. Йўлдан адашиб кетмаслик учун у баъзан тўхтаб тунги овозларга узоқ-узоқ қулоқ солиб турарди. Катта Арава Йўлдан эшақларнинг ҳанграши, қамчиларнинг шатиллаши, узоқ-да арава гилдирагининг гичиллаши кечалари ҳам эшитилиб турарди. Бу одам йўлни чеккалаб, чакалақлар, бутазорлар ва баланд ўтлар орасидан борарди.

У Ҳиндистон йўллари қоқ жазирама туш пайтида одамлардан холи бўлганда (Шимолдаги кўчалар ярим кечада шундай кимсасиз бўлади) дарахтга чиқиб, олдинга қарарди. Жамна дарёси ялтироқ тасмадай бўлиб, Катта Йўлни кесиб ўтган ерда, кенг қумлоқ йўлни туялар қатнайидиган сўқмоқ кесиб ўтган жойда у шимолга бурилади.

Бу одам ҳиндлар каби кўчани чангитмасликка ҳаракат қилиб, товонини ерга оҳиста босиб борарди. Инглизлар бундай юришни билмайдилар.

У йўл-йўлакай кўйлаб борарди:

Чандала, чамара, Сакра-Чунда!..

Омонлик берма уларга, Чунда-Сакра,

Омонлик берма уларга, Чунда-Валка,

Соҳибларнинг барин қир, кулини совур,

Чандала, чамара, Сакра-Мата...

Йўловчининг орқасидаги деҳқонча бўз тўрвада нон бор эди. Бу солдатларга бериладиган кафтдаккина қаттиқ лочира, атрофига кунгира қилинган чапатти эди. Бу одам ўрмонлардаги илдизларни, нордон наъматакни чайнади, бамбукнинг ниҳол новдасини, дала четида тўкилиб қолган арпа донини териб ер эди-ю, аммо нонга тегмас эди.

Йўловчи баъзан нонни тўрвадан олар, ундаги қадимий хатга ўхшаган безакни диққат билан кўздан кечирар ва яна жойига солиб қўярди. Нон йўлда ўтказилган узоқ кунлар мобайнида қуриб тошга айланди, қуёш қизигида пишиб кетган гиштадай қаттиқ бўлиб қолди.

Йўловчи кўп кунлардан кейин шимолга бурилди. У энди катта Арава йўлдан соат сайин узоқлашиб борар, унга энди катта қишлоқлар борган сари кам учрар, ўрмон йўлга яқинлашиб келар эди. Эндиликда у баъзан кун чиқар олдида яширинмай, очиқ йўлда бораверарди. Яқинда қўшилган бу вилоятларда, Аудда яшовчиларнинг ҳали ҳеч нарсадан хабарлари йўқ... Аллақанча миль жанубда Қалькутта яқинида бўлган воқиалар ҳақидаги хабар бу ерларга ҳали етиб келмаган эди.

Аммо, баъзан у бирдан ваҳимага тушиб қолар, гўё уни бу ёқларга кетишга мажбур этган нарса орқасидан қувлаб етаётгандек вужудини титроқ босарди; яқингинада арқон эзиб юборган жойлари—оёқлари, орқа кураги, қўлининг елка олдидаги ҳали битиб кетмаган яралари яна шишиб кетгандек бўларди. Томири тортишиб, ҳолдан кеткизарди, у сўқмоқдан бурилиб чакалакзорга, тиканакли чангалзорларга, одам бўйидан баланд ўтлар орасига кириб кетар, ўтиб бўлмас ботқоқликлардан борарди...

— Яхши эмас, Инсур,— деб шивирларди у шундай пайтларда ўзига ўзи. — Кўп ваҳимага тушаверма, бунақада сени осонгина ушлаб олишади, Инсур!..

Қатта ва кичик икки йўл кесишадиган жой яқинидаги бамбукзорда йўловчи ўнг томонга бурилди. Чакалакзорни кесиб ўтиб дастлаб қарашда ўтлар орасидан кўзга илинмайдиган бир ариқ олдида чикди-да, қирғоққа ёғиб, ухлаб қолди. У кўп ухлади; қуёш аллақачон кўтарилиб, ерни қуритди, ҳавони қиздириб, ғарбга ёнбошлади. Бир саёқ ит ариқ бўйига келиб, ўтларни, бу одамнинг яланг оёқларини, елкасини ҳидлади, кейин ўнинг ёнида турган тўрвага бўйинини чўзди. Одам оч итнинг зўр бериб приллашидан уйғонди, ит нонни сезиб тўрвани ғажиб...

— Соҳибга йўл берилсин!.. Капитан-соҳибга! — деб бақиршарди хизматкорлар.

Лела соҳибларнинг гилам ёпилган тахтиравонини узоқдан кўриб, нарироқ кетарди. У кансамахнинг «Соҳиблардан эҳсон сўрама, уларнинг юзи оқ бўлса ҳам кўнгиллари қора» деган сўзини ёдида тутди.

— Соҳибга йўл берилсин!.. Қудратли соҳибга!..

Май—йилнинг энг иссиқ оyi. Ҳали ёғингарчилик бошланмаган. Катта Арава Йўл тепасида чанг бурқсар, йўл устини тўзон булути қоплаган эди.

Туш пайтидагина чанг ерга ўтирар, қийқириқлар тинарди. Одамлар йўл чеккасига ёпирилишар, араваларнинг соясида дам олишар, ухлар, иссиқ қайтиши билан яна йўлга тушардилар.

Лела узоқдан фақирларнинг узун қалпоғини кийган чолларни кўриб, бир неча марта дарахт ва тош панасига бекинди. Уч тишли таёқчаси билан пешонасини яра қилган даҳшатли кекса фақир шу эмасмикин?.. Унинг қаршисидан илон, маймун, мис шар кўтарган фақирлар келишарди. Занжир, ёғоч қути кўтариб олган фақирлар кўринди-ю, уч тишли мис калтакча кўтарган фақир кўринмади.

Гуруч халта тезда бўшаб қолди. «Дехқондан, райотдан сўрагин, унинг ўзи камбағал, шунга қарамай, беради»,— деган эди кансамах. У узоқ иссиқ кунда очнаҳор кезиб, кейин алоҳал йўлдан далага бурилди.

Чопилган ерда бир дехқон оиласи билан ишларди. Райот озгин елкасини эгиб, бир парча ерида бир дона шоли ҳам нобуд бўлмасин учун ёввойи ўтларни қўли билан эҳтиётлаб териб олмоқда. Иккита кичкина қиз оғир ёғоч челақнинг бандидан таёқ ўтказиб олиб, қимматли майсаларни суғориш учун ўлиб-тирилиб сув гашишмоқда. Уларнинг онаси — дехқон хотин араванинг каттакон гилдирагига суяниб дам олиб ўтирибди.

Лела бориб дехқон хотинга таъзим қилди.

Хотин латтага ўралган, ўт аралаштирилганидан жигар ранг тусга кирган юпқа арпа нонни олди.

— Қолган бор-йўқ нонимиз шу,— деди у эрига нима қиларини билмай.

Ориқ, силласи қуриган, ҳорғинликдан юзлари қорайиб кетган райот Лелани диққат билан кўздан кечирди.

— Уйинг йўқми, қизим?— қатъий сўради дехқон

— Йўқ. Ўнам ўлган.

— Отангчи?

— Отам соҳибларнинг полкида хизмат қилади.

Деҳқон хотинига ўғирилди.

— Отаси сипоҳи экан. Қизга нон бер,— деди деҳқон.

Хотин ноничинг роса учдан бир қисмини ушатиб, Лелага берди.

Катта Арава Йўл тезда дарё қирғоғига ёндошди. Лела отаси аллақачон Баррақпурдан шимол томонга, қарама-қарши томонга, мамлакатнинг ичкарасига қочиб кетганини билмай, борган сари олға қараб юра берди.

Баржалар, уч бурчак қора елканли қайиқлар Ганг бўйлаб пастга, Банорасга қараб сузардилар. Лела шундоққина сувнинг лабидан судралиб борарди.

Лела йўл ёқасига жойлашиб олган деҳқон оилаларини кўп кўрди. Салқин тушишини кўтиб ётган бошқа йўловчилар жойларидан туриб, яна йўлга тушар, улар эса қола берар эдилар. Борадиган жойлари йўқ эди.

Уларнинг уйларида нонлари қолмаган. Ҳосилининг учдан икки қисмини инглизлар олиб кетган, экишга шолиси қолмаган райотлар туғилиб ўсган қишлоқларини ташлаб кетмоқда эдилар.

Уларни қайтариб келиб, занжирбанд қилардилар. Соҳиблар деҳқонларни желхонага — солиқ тўламайдиганларни қамайдиган қамоқхонага тикардилар. Уларни қийнашар, бармоқларини бамбукнинг ёриғига киргизиб сиқишар, хомага осилтириб қўяр, бурунларига қизил калампир сепардилар. Райотлар қочиб кетишар, яна йўл четига чиқиб ётардилар. У ерда, шафқатсиз ҳинд куёши тигида неча-неча кунлаб, ориқ, мадорсиз чўзилиб ётардилар.

Бир куни Лела қирғоқда дам олгани ўтирди. Икки хотин қайиқ боғлаб қўйиладиган ерда уймаланиб юришарди.

Улардан бири Леладан:

— Қаёққа кетяпсан? — деб сўради.

— Онам ўлган, отамнинг олдига кетяпман, — деди пичирлаб Лела.

Хотинлар Лелани қайиққа чиқариб олишди, Лела улуғ дарёда анча кун сузди. У иссиқда қайиқнинг қамиш бостирмаси остида дам оларди.

Кечаси улар ҳиндларнинг муқаддас шаҳари бўлган Банорас ёнидан сузиб ўтдилар. Девони—нур байна



Инсур ирғиб ўрнидан турди, чўчиганидан ҳатто ранги оқариб кетди: нонни олиб кетишига сал қолибди-я! У итни бир тепиб ҳайдади-да, тўрвани очиб қаради. Хайрият, нон омон экан, худога шукур!

Қоронғи тушиб қолди; у тез-тез ўрмон оралаб ўтадиган нотекис сўқмоқ йўлдан илгарилаб кетди.

Бу жойлар йўловчига таниш эди, у бир неча марта тўхтаб, атрофга қаради. Чакалакзор тезда сийраклашиб, катта қишлоқнинг похол қулбалари икки томондан ўрмон сўқмоқ йўлини қуршаб олди. Йўловчи батамом қоронғи тушишини кутиб турди, кейин бир қулба ёнига борди-да, қамиш эшигини тақиллатди.

Эшик очилиб, уй эгаси чиқди; у йўловчини кўриб, бир учиб тушди-да, меҳмонни ичкари олди.

— Узоқдан келяпсанми? — деб сўради уй эгаси. Йўловчи ўтириб, чарчаган қўлларини тиззасига қўйди.

— Калькутгадан, — деди йўловчи.

— Уҳ-ҳў, жуда олис йўл босибсан, Инсур! Йўлда нима-лар кўрдинг?

— Кўп нарсa кўрдим! — деди Инсур. — Бихор қишлоқ-ларида хотинлар ўғирларда шоли ўрнига қуритилган барг-янчмоқдалар... Оллоҳобод кўчаларида очлар изғиб юри-шибди, бечоралар от ва туяларнинг тезагини титиб, ичи-дан дон териб олишяпти. Кўп жойларда кексалар ва гў-даклар ўрмонларга чиқиб, бамбуқнинг ниҳол новдасини чайнай бошлаганлар.

— Яқин орада бизда ҳам шундай бўлади, — деди оҳис-тагина уй эгаси.

Инсур индамади.

— Дон-чи? — деб сўради Инсур.

— Мана бизнинг нонимиз! — уй эгаси қамиш қутича-дан қаттиқ нон олиб ушатди. Ушатишдан нондан қоп-қора қумдек тарик кепаги тўкилди.

— Шолиларингиз қани?

— Соҳиблар олиб кетишди.

Инсурнинг ранги ўчди.

— Мен бу ерга жуда оғир йўл босиб келдим, — деди Инсур. — Ўрмонлар ва ботқоқлар, бамбуқ ва тиканли чангалзорлар орасидан ўтиб келдим. Мен ўтган ерлардан олмахон ҳам ўтолмас эди. Аммо бу ерда ҳам, катта ша-ҳарлардан йироқ бўлган ўрмонлар ва тошлоқ даштлар ортидан ҳам улар сизларни топишяпти, Ордар-Синг!

— Йўлбарс ўрмонда ўлжа излаб кезар экан, йўлнинг фарқига бормади.

— Йўлбарснинг панжаларини қирқиб ташлаш керак!..

Йўловчи халтасидан нонни олиб, стол устига қўйди. Уй эгаси нонни қўлига олди ва ундаги безакка узоқ ти-килди.

— Барракпурдами? — деб сўради уй эгаси.

— Барракпурда! — деб жавоб берди меҳмон.

— Нимадан бошлашди?

— Ўқлардан бошлашди.

Улар жуда оҳиста гаплашишди. Уй эгаси хотинини ча-қирди, унга гўдирлаб бир-икки оғиз сўз айтди-да, ҳалиги лочира нонни берди. Хотин шу заҳоти кулбанинг қоронғу бурчида нивисиб, бемаҳалда ўчоққа олов ёқди, хамир қор-ди... Эраклар кутиб ўтиришди.

Уй эгаси йўловчининг тошдек қотган юзига тикиларди.

— Қариб қолибсан, Инсур! — деди уй эгаси.

Йўловчи бош ирғитди.

— Хотиннинг ҳаётми, Инсур?

— Билмайман, — деди йўловчи. — Ушандан бери ҳали уйда бўлганим йўқ...

— Вой-бў! — деди уй эгаси ва ачиниб тилини чиқиллатди: — Ун йилдан бери уйингга бормадингми?.. Вой-бў, хотинингнинг тоза шўри қурибди-ку, Инсур!..

— Ҳа, — деди йўловчи, — қизим ҳам...

У уй эгасининг бурчақда уймалашаётган икки қизчасини боши билан ишора қилиб кўрсатди.

— Менинг қизим булардан катта! — деди Инсур. — У ҳозир... — Инсур ўзича ҳисоблаб жим бўлиб қолди, — ўн уч ёшга кирди.

Уй эгаси тилини яна чиқиллатди.

Хотини уйнинг қоронғи бурчидан чиқди.

У столга худди Инсур олиб келганга ўхшаш ўн иккита бир хил юпқа лочира қўйди.

Уй эгаси булардан олтитасини меҳмоннинг олдига суриб қўйди.

— Қолганлари менга, — деди уй эгаси.

У олтита лочирани олди-да, ташқарига чиқди.

Тезда уйнинг бамбуқ девори орқасидан кишиларнинг гўнғир-гўнғир гаплашган овози, қишлоқ бўйлаб яланг оёқ кишиларнинг шипиллаб юургани эшитилди, кейин атроф жим бўлиб қолди. Уй эгаси қайтиб кирди.

— Чопарлар кетишди! — деди уй эгаси. — Шимолга, ғарбга, Жамна бўйлаб пастга, жанубга.

— Ордар-Синг, ҳаммага хабар қил, тайёрланишаверсин! Вақт жуда оз қолди. Хайр!

Йўловчи қолган олтита нонни олди-да, ташқари чиқди. Уй эгаси меҳмоннинг йўлини машъал билан ёритди.

— Эртага Ферузободдагилар, Бартпурдагилар билишадди, — деди уй эгаси. — Индинга Годулдагилар... Олтита нон... олти қишлоққа чопар жўнади... Қоқилиб кетма, Инсур!

У машъални баландроқ кўтарди. Қоронғиликда бу ерларга яқинда ўрнатилган, янги рандаланган оппоқ телеграф устунни кўринди. Дарахтларнинг барглари тепасидан ўтган симлар гувилларди, бу симлардан ўтган йилдан бошлаб Лахордан Банорасга, Калькуттадан Пешаворга — ярим оролнинг бу чеккасидан, у чеккасига турли хабарлар оқарди.

— Юқорида пўлат томирлардан электр шайтони учиб боряпти. — деди уй эгаси, — Деҳлига, Лахорга, Пешаворга жуда тез учади, о-о!

У бошини чайқади.

— Менинг овозим ундан ҳам тез учади, Ордар-Синг! — деди йўловчи. — Ундан анча тез учади! — у кулиб ҳам қўйди, бу унинг суҳбат вақтидаги биринчи кулгиси эди.

Уй эгаси қичқириб юборди ва орқага ташланди. Қўлидаги машъал қалтираб кетди.

— Ё авлиё Парватти! — деди уй эгаси. — Тишларингга нима қилди, Инсур!..

У машъални меҳмоннинг юзига тутди.

Олдинги: ҳам юқоридаги, ҳам пастдаги тишлари ўрнида милкдан зўрға чиқиб, синган, сийқаланган чўғиртакларгина кўриниб турарди. Худди арра билан аралаб ташлангандек тишлари йўқ эди.

— Нима қилди тишларингга, Инсур! Силовсинникидек тишларинг бор эди-ку!..

Инсур жавоб бермади.

— Тишларинг темирдан ҳам қаттиқ эди!

— Темир қаттиқлик қилди! — деб жилмайди йўловчи. — Хайр, Ордар-Синг!

Йўловчи нари кетди, кейин бир нарсa ёдига тушгандек кетига қайтди.

— Сен мени Инсур деяпсанми? — деди у. — Бу номни унут, Ордар-Синг.

— Инсур, ҳа Инсур-Панди, мен сени ҳамиша шундоқ атаган эдим, — деб ғулдиради уй эгаси.

— Бу номни унут! — деб кескин қайталади йўловчи. — Мени Панди деб ата, ким кўп — Панди кўп, тўғридан-тўғри Панди деб атайвер! Хайр!

У қоронғиликқа кириб кетди.

Иккинчи боб

УЧҚУНЛАР ЙИРОҚЛАРГА КЕТАДИ

Панди чоштгоҳда ўрта миёна бир ҳарбий станцияга келди, у станцияни бошдан-оёқ — офицерлар турадиган оппоқ чиройли уйдан тортиб, яланғлик орқасидаги солдатларнинг қатор кулбаларигача юриб ўтди. Эронликнинг ярим қоронғи дўқонидаги усти берк пешайвонга кириб, сояда кечасини кутиб ётди. Тамом қоронғи тушиши билан



устига янги қамиш ёпилган бир хил солдат кулбаларини ёқалаб кетди. У ёқ-бу ёққа қараб олди-да, орқадан айланиб ўтадиган ёлғизоёқ йўлга бурилиб, отлар турадиган ҳовлига, ундан ошхона орқали тўпчилар турадиган уйга кирди.

— Кимсан? — деб қатъий сўради ноиқ, ерли капрал ва шу заҳоти жим бўлди. Инсур унга кафтида қандайдир тўқ қизил тул узатди. Ноиқ гул баргининг нақшларига тикилди.

— Кир! — деб шивирлади ноиқ.

У Инсурни уйнинг ичкарисига олиб борди. Шошиб-пи-

шиб пичирлашишгани пастаккина кенг хонага ёйилди, остана олдидан одамлар ўринларидан туришга бошлашди. Ерга хира қора чироғ қўйишди. Ҳаммалари ерда давра олиб ўтиришди. Панди эса ўз гулини ёнидаги сипоҳининг қўлига тутқизди. Бу ботқоқликда ўсадиган тўқ қизил нилуфар эди. Гул қўлма-қўл ўтди. Ҳамманинг ҳаяжони юзига тепарди. Ҳар ким нилуфарнинг баргидаги нақшга жимгина тикилиб, уни ёнидаги шеригига узатарди. Ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмади. Кейин ҳаммалари меҳмонга қарашди. Инсур ўрнидан сал кўтарилиб қўйди.

— Калькутта яқинида чақилган чақмоқнинг учқунлари узоқларга кетади! — деди Инсур. — Барракупурда икки полк қуролсизлантирилди, икки минг сипоҳи уйларига кетишди. Кеча Мирзапурда офицерларнинг уйлари ёнаётган эди, эртага Оллоҳободда ёнади. Сипоҳилар, тайёр бўлингиз!

У тўпчиларнинг дарғазаб юзларига қараб чиқди.


— Биз уларга хизмат қиламиз, улар бўлса қишлоқларимизни хонавайрон қилишади. Биз уларникида ишлаймиз, улар бўлса оталаримиз, хотин, бола-чақаларимизнинг шолиларини тортиб олишади. Юз йилдан бери мамлакатимизда йўлбарс дайдиб юрибди, элимизнинг бечора танасини тирноқлари билан пора-пора қилиб йиртмоқда. Бундан юз йил илгари Роберт Клайв деган соҳиб ота-боболаримизни алдаган эди. Плэссдаги машъум жангда Ҳиндистон Британияга бўйсундирилган эди. Биз, алданган ота-боболарнинг набиралари, алдашга қилич билан, ҳақоратга ханжар зарби билан жавоб берамиз. Сипоҳилар, тайёр бўлингиз! Ажнабийларнинг ҳукмронлигига хотима бериш керак!..

— Хотима бериш керак! — деб такрорлашди нафрат билан, паст овозда.

Соч-соқоли оқарган кекса ноиқ ўрнидан турди.

— Улар бизни ўз қироличаларига қасамёд этишга мажбур қилишяпти. Қиролича даврига келиб аҳвол бундан илгариги қирол пайтидагидан ҳам бадтар бўлиб кетди!.. Занжирбанд қилинган маҳбуслар ортилган кемалир еримиз қирғоғидан борса келмайдиган узоқ элларга яна ҳам кўп сузадиган бўлиб қолди.

— Улар бизни минглаб миль узоқларга, ўзгаларнинг ерига, у ердаги одамларни бизнинг қўлимиз билан бўғиб, ўлдириш учун ҳайдаб боришади!..



— Улар бизни узоқ ва қуп-қуруқ сахро жойларга олиб кетишади.. Бундай жойларда биз, ҳиндлар, таҳорат ололмаймиз ва совуқдан ҳалок бўламиз...

— Соҳиблар ҳукмронлигига хотима берилиши керак!. Юзинчи йилнинг сўнгги куни уларнинг Ҳиндистонда эгалик қилишларининг сўнгги куни бўлиши керак.

— Улар озчилик, биз эса минг-минглаб ҳисобланамиз!. Биз уларни яна ўзлари келган денгизга ҳайдаб юбора оламиз-ку!

— Қишлоқлардаги оталаримиз, ёр-биродарларимиз фақат бир оғиз гапни кутиб турибдилар! — деди мусулмонча салла ўраган ёш сипоҳи ғазабидан ҳатто ўрнидан бир оз кўтарилиб.

— Ҳарбий станцияларга бу гап етказилди!..

— Калькутта яқинида чақилган чақмоқнинг учқунлари узоқларга кетади! — деб такрорлади Инсур.

Нилуфар даврани айланиб, яна ўзига келди. Инсур гулни ўнг қўлининг кафтига қўйди ва баргини тўғрилади.

Шу он ноиқнинг ишораси билан икки сипоҳи ўрнидан турди. Ҳиндча салла ўраган бири гулни Инсурнинг қўлидан олиб, жимгина лабига тегизди. Иккови ҳам секингина уйдан чиқишди.

— Менинг чопарларим тез югуришади, — деди ноиқ. — Эртага Аграда, индинга Мирутда эшитишади.

Инсур бош ирғиди.

— Эсон-омон кўришгунимизча хайр! — у ўрнидан турди. — Менинг йўлим узоқ, — деди Инсур. — Мен шимолга кетяпман.

Тонг отди. Қуёшнинг илк нурлари баланд ўтларнинг пушти ранг пахмоқ тиканларини ёритди. Инсур-Панди сипоҳичасига бир хил одим отиб, орқасида тўрвасини осилтирганича кетиб борарди. О, у бу ерларни — фақир қишлоқлар, тош босган далалар, тоғлардан шошиб-пишиб келаётган тез-оқар дарёларни биларди! У очиқ йўлдан қўрқмасдан борарди. Телеграфнинг пўлат симлари ҳали бу ерларга етиб келмаган эди. Бу ердаги ҳокимлар Калькутта яқинидаги воқналарни: ерли солдат британиялик офицерга ўқ узганини, сипоҳиларнинг икки полки тарқатиб юборилганини, мамлакатда офицерларнинг уйлари қўп кун-

лардан буён ёнаётганини ва гуноҳкорларни топиб бўлмас-
лигини билишмас эди...

Инсур милма-милъ йўл босиб, дам олишни ҳам, овқат-
ланишни ҳам унутиб, тез юриб борарди. Бир қуни у ҳатто
полициянинг жигар ранг будкаси олдидан ўтиб кетди, де-
разадан бошини чиқариб қараган навбатчининг овозига
жавоб ҳам бермади. Елкасида деҳқонлар тўрваси, оёқ
яланг, бошида салла, эгнида сипоҳиларнинг тор шими, у
ҳам тиканак ва илдизларга илашиб йиртилган, ямал-
ган...

Навбатчи: «Отпускага чиққан ерли солдат қишлоғига
келяпти» деб ўйлади-да, Инсурнинг орқасидан қувламади.

Панди бир хилда, толмас одим ташлаб илгарилаб бор-
ди. Йўл чеккасидаги ўз ерида энгашиб турган бир райот¹
қаддини ростлади-да, диққат билан унга қаради.

Райот кетмонча билан қуруқ, тошдек ерни чопарди.
Хотини эса, сув келтириш учун ўша ер ёқасига ариқ қазир-
ди. Иккита бола энг катта тошларни териб, бир чеккага
тўплашяпти. Болаларнинг яланғоч елкалари тердан йилти-
рарди.

Деҳқон кетмонини ерга тираб, Инсурга қаради.

— Қаёққа кетяпсан, дўстим? Нима иш билан? — сўра-
ди у.

— Юртимизда итлар билан инглизларгина бекор сан-
ғийди, — деб жавоб берди Панди ҳиндиларнинг мақолини
эслаб.

Инсур тезда ғарбга бурилди-да, Жамна дарёсининг
қирғоғи бўйлаб ёлғизоёқ йўлдан кетди. Шу ерда қаерда-
дир, ўн милъ нарида, қоронғи ўрмонда унга таниш почта
станцияси бор эди. Станция назоратчиси — кансамах ҳам
Инсур Пандини ҳали унутмаган бўлса керак.

У йўл-йўлакай қўшиқ айтиб борарди:

Чандалалар, чамарлар, дайди чонгарлар,
Кулол, тўқувчи, кўча супурувчилар
Соҳибларни қиринг, қўрқоқ соҳибларни;
Уларнинг юзи оқ-у, ичи қоп-қора,
Мардлиги сиртлонча-ю, виждони йўлбарс.
Уларни ҳайдангиз, шафқат қилмангиз,
Биз солдатлар, сипоҳилар, ёрдам берамиз сизга.

¹ Р а й о т — ҳинд деҳқони.

Ўз найзаларимизни уларга санчамиз дарҳол,

Уларни денгизга тез чўктирамиз,

Ўзлари келган ўша денгизга.

У тушга бориб йўл бетида, чангда ухлаб қолди.

Жамна дарёси ёқалаб кетган ўша сўқмоқдан шимолга қараб икки туя келарди. Олдинги туянинг бир кўзи кўр бўлганидан ҳамма вақт чапга буриларди. Туя йўл чеккасида ётган кишини босиб олишига сал қолди.

— Нима қилиб йўлда ухлаб ётибсан?— деди туякаш.

Ҳинд бошини кўтармай алланималар деб ғудиранди.

Бир кўзли туя тўрвадаги нон ҳидини билиб, Инсурнинг елкасига бўйнини чўзди:

— Ҳа-а, туямга овқат тайёрлаб қўйганмидинг?— деб бақирди туякаш.

Унинг орқасидан:

— Ким у? Ким билан гаплашяпсан?— деб сўраган кескин овоз келди.

Бу инглиз соҳибнинг овози эди.

Панди ҳали ҳам бошини ўгирмаган эди. У чапаттини тўрвасидан олиб, туякашга берди. Туякаш нондаги жим-жима нақшларни кўриб, ўша заҳотиёқ жим бўлди.

— А-а!— деди туякаш ва туясини ниқталади.

Панди лип этиб бир ёнга ўзини урди-да, баланд ўсган ўтлар орасига сингиб кетгандай ғойиб бўлди.

— Ким у? Нима кўрдинг?— деб сўради ҳалиги овоз.

— Нима кўрдинг дейсизми? Йўлда тупроққа қоришиб ётган бир гадони кўрдим. О-о... А-а...

Туякаш овозини барала қўйиб, ашула бошлади.

— У анави биз қидираётган одам эмасми?— деб сўради соҳиб.

— Йўқ, соҳиб, биз излаётган одам эмас,— деди туякаш.

У туяларни олдинга ҳайдади.

Учинчи боб

ЧАНДАЛА

Қатта Арава Йўлдан узоқда, ўрмон ичкарисига жойлашган жимжит почта станциясига кечга қолган икки меҳмон келди. Келишди-ю, кансамахга— станция назоратчисига букилиб таъзим қилиб, пешайвонга ўтиришди. Иккала аёл ҳам почаларигача тушадиган, четига йўллик

ҳошия тутилган оппоқ кенг узун юбка кийган, пешона ва елкаларини пастгача бекитиб турган оқ сорий ўраган эди.

Бу ерларда бунақанги кийинишмас эди.

Бу аёллар тоғликларга — узоқ шимолдан келаётган йўловчиларга ўхшарди.

— Узоқдан келишипти,— деб ўйлади кансамах.

Йўловчи аёллар хотинлар хонасининг эшиги олдиغا ўтиришди. Улардан бири сорийсини пешонасидан кўтарган эди, кансамах аёлининг ориқ, аммо гўзал, ҳорғинлик ва хасталикдан азобланган юзини кўрди. Аёл пешайвон устунига суянганича кўк шиша билагузук тақилган озғин қўлларини икки тиззасига қўйиб ўтирарди. Йўловчилардан иккинчиси, биринчи аёлнинг қизи бўлса керак, ўн уч ёшлардаги паст бўйли, қорачадан келган қиз узоқ йўл босиб келган онасининг оёғини ювишга сув келтирди.

Кансамах онанинг озғин юзига разм солди; хотиннинг кўзлари иситмадан хиралашган, қўллари қақшаб қалтирарди.

«Очмикин?» — деб ўйлади кансамах. — «Безгакмикин?»

Йўловчилар овқат сўрашмади.

«Гадой бўлишса керак»,— деган қарорга келди кансамах.

Аммо аёллар хайр сўрашмасди. Онаси озғин бўйнидаги тасбиҳни олиб, оҳиста шивирлаб ибодат қила бошлади.

Кансамах сахий одам эди, у қолган гуручни заранг косада келтириб, қизга берди-да, уларнинг овқат ейишига қараб турди. Қиз гуручни ҳалиги заранг косадан еди. Онаси латга-путталари орасидан ўз косасини олиб, гуручни ўшанга солиб еди.

«Брахман экан!»— деб ўйлади кансамах.

Кечга бориб хотиннинг аҳволи оғирлашди. Безгак унинг озғин аъзойи баданини қандай қақшатаётганига, тасбиҳ ипи дармонсиз қўлида қандай қалтираётганига қараб туриш даҳшатли эди. Почта бенгалосида бир йўловчи мем-соҳиб — инглиз офицерининг хотини тунаш учун тўхтаган. Унинг чўрилари хотинлар ётадиган хонанинг ҳаммасини эгаллашган. Кансамах бу икки аёлни бостирмага олиб борди. Бостирманинг бурчида бир қучоқ янги шоли походи ётарди.

— Шу ерда тунанглар,— деди кансамах.

Брахман хотин энгашиб таъзим қилди-да, эшитилар-эшитилмас дуо ўқиди.

Кансамах чиқиб кетди.

лик қилолмайсан. Сенинг зотингдаги одамлар бир умр дайди итдек санғиб юришга маҳкум этилган.

Лела оқ рўмолини пешонасига яна пастроқ туширар, онасининг сўзини тинглар экан, бутун вужуди титраб қалтирарди.

Онаси бу жойларни бир умрга тарк этишни истогандек, улар Жодпурдан шимол сари тобора узоқлашиб боришарди. Чўл тезда тугаб, тошлоқ йўллар бошланди, бунда қишлоқлар ҳам кам. Улар гўё ернинг нариги бурчига етишмоқчидек, борган сари шимолга қараб силжишарди. Кўп кунлар йўл юрганларидан кейин



уфқда паға-паға оппоқ булутлар пайдо бўлиб, кетмай туриб олди.

— Булар тоғ! — деди онаси Лелага. — Ҳималай, ернинг бурчидаги қорли тоғлар.

Яқиндан қарашса тоғ ёнбағирлари қора ва кул ранг экан, ёлғизоёқ йўллар ям-яшил жарликлардан илон изи бўлиб кўтариларди. Йўл муйилиши тепасида, баландда қарағайлар қад кўтарган.

Лела илгари бунақанги дарахтни сира кўрмаган: мева ва барги ўрнига кўп-кўп кўм-кўк игналари бор-а.

— Шимол! — деди онаси. — Ернинг бир бурчи!

Она-бола баланд тоғлар орасида тунашди.

Бу ерда тунашга тошдан қилинган кулба, адашиб қолганларни чақириш учун кергига баланд қилиб ўрнатилган қўнғироқ, гадо ва дарвишларга похолдан ётоқ жой бор эди. Бу ерда улар билан қотма, сариқ юзли иккита индамас тибетлик, Мадорасдан келаётган бир гадо кампир ва бошини қишлоқ кулоллари пешонасига танғийдиган, титилиб кетган кўк рўмол билан боғлаб олган яна бир ҳорғин йўловчи йигит тунаб қолишди. Тибетликлар туни бўйи қора тасбиҳни ўгириб, шивирлаб ибодат қилишди, онаси йўловчи йигит билан гаплашди. У Ражпутани — Лела онаси билан келишаётган юртни қидириб, узоқдан, Қалькуттадан келаётган экан. Йигит ўша юртдан Батма-Севани деган хотинини излаб топмоқчи эканини айтганда, онасининг ранги гуручдан ҳам оқариб, рўмоли елкасидан тушиб кетди.

— У хотинда нима ишинг бор? — деди она.

— Мен унинг эри ёнидан келяпман, — деди йўловчи.

— Инсурни танийсанми? Мен унинг хотини бўламан, — деди онаси. — У қаерда?

— Мен уни Қалькутта ёнида... яқинда кўрдим.

Йўловчи жуда секин, пичирлаб гапира бошлади... «Чидашга ортиқ тоқат қолмаган эди... Соҳибларга қарши икки полк исён кўтарди... Инсурни ушлаб олишди... у ҳозир зиндонда...»

— Зиндонда? — деди она, Лела онасининг овозини танийлмади.

— Ҳа, у билан яна икки сипоҳи ўлим хавфида... Мен ўртоқларимизга унинг хотинини топиб, воқияни айтман деб ваъда берган эдим...

Лела йўловчи йигитнинг шамоллаганга ўхшаш салгина хириллаган овозини, титилиб кетган камзилини,

чечак изи қолган юзини ва ялтираб турган кул ранг кўзларини эслаб қолди. Йўловчини Чандра-Синг деб аташарди.

Эрталаб онаси гуруч унидан ёпилган нонини Чандра-Синг билан бўлиб ейишди.

— Эримнинг ёнига бораман! — деди онаси. — Эҳтимол, кўриб қоларман..

Улар шарқ томонга бурилишди ва улуғ Ганг водийсига олиб борадиган йўлни ахтаришди. Улар жуда тез юришса ҳам, Батма эри ҳақидаги шум хабарни эшитгандан бери назарида худди жуда секин юришаётгандек туюларди. Ниҳоят Ганг дарёсининг кўм-кўк суви тепаликлар орасидан ялтираб кўзга ташланди. Улар улуғ дарёнинг пастки қум босган соҳилидан бордилар; пастга, дарё оқимиға қараб сузаётган қорамтир елканли қайиқлар улардан ўзиб кетарди.

— Тезроқ юр, Лела! — дерди онаси. — Жуда ҳам секин юряпмизда!

Бир кун улар соҳилда, зах жойда тунаб қолишди, ўшандан бери қора безгак Батмани қийнайди.

Мана, энди кўп кунлар йўл юришгач, Батма кансаманинг бостирмасидаги похол тўшакда ҳушсиз ётарди. Батма ҳозир ҳам алаҳлаб, яна нари кетишга шошиларди.

— Нега бунақанги секин юряпмиз, Лела?.. Тезроқ юр, эҳтимол уни кўриб қолармиз!

Хастанинг аъзойи бадани ҳаракатдан қанчалик қолса, унинг маъно англаб бўлмайдиган алаҳлаши шунчалик кучаярди.

— Уҳ-ҳў, яна шунча узоқ йўл босиш керак-а... Фалокат... Оёқлар букилиб кетяпти... Тезроқ, қизгинам, югур... Чоп! Ҳали улгурамиз, Лела!

— Ҳа, ҳа, — дерди Лела унинг қўлини қисиб.

Батма-Севанининг қўллари кўп ўтмай бўшашиб, терлаб кетди, алаҳлаши қолди. Батма кўзини очди.

— Кечикдик, Лела! — деди онаси чехрасида ўлим қийноғи билан. — Етолмадик, у ҳалок бўлди!

Батманинг қўллари шалвираб тушди. Кўзи шипга тикилди, қорачиғи бир нуқтада тўхтаб, аста-аста хиралаша бошлади.

Эрталаб кансамах мурда тепасига келиб, ачиниб тилини чўкилатди-да, бош чайқаб:

— Ай бай! Ўлибди! — деди.

Лела онасининг тепасида қимирламай ўтирарди.

Марҳуманинг очилиб қолган пешонасида икки кўк чизик — браҳман зотидаңлигини билдирадиган белги аниқ кўриниб турарди.

— Браҳманми? — деб сўради кансамах.

Қиз бош ирғиди.

Лела икковлари қушдаккина қуруқ жасадни кўтариб, бостирма деворининг ёнига, салқинга олиб чиқиб қўйишди.

Кансамах кетди.

Лела онасининг юзини йўл-йўл уқа тутилган эски оқ сорий билан бекитди, эсдалик учун қўлидаги кўк шиша билагузукни олди, онасининг тепасида қўл қовуштириб, дуо ўқимасдан жимгина турди-да, нари кетди.

— Ҳой қиз, шошмай тур! — деб тўхтатди уни кансамах.

У Лелани уйнинг верандасига олиб борди.

— Қаерга кетяпсан?

— Калькуттага.

— Шундай узоқ ерга-я? — ҳайрон бўлди кансамах.

— Нега?

— У ерда отам бор, — деди қиз. — У зиндонда. Ойим унинг олдига боргин деган.

— Сен уни қутқара оласанми? — деб сўради кансамах.

— Мен боришим керак, — деди Лела. — Ойим

бормоқчи эди, етолмади. Эҳтимол, мен етиб борарман.

— Жуда узоқ! — деди кансамах. — Калькуттага-я,

вой-бў!.. — у бошини чайқади. — Қийин, жуда узоқ!

Лела индамади.

— Мен йўлда ейишингга гуруч бераман, — деди кансамах.

У бир халтача олиб, товоқдан унга пиширилган гуруч сола бошлади.

— Сен қанақа зотдансан? — деб сўради кансамах

ниманидир еслагандек бўлиб. — Овқатни онангдан бошқа единг.

У қизнинг пешонасидаги зот белгисини кўриш учун юзидан сорий кўтармоқчи бўлди. Аммо Лела орқадаги зинапояга тушди.

— Мен чандаламан! — деди қиз. — Қўл тегизма.

Кансамах ҳайрон бўлиб, орқага тисарилди. «Чандала-

ла? Йўл қўйиб бўлмас никоҳдан бўлган фарзанд?.. Барча зотлар хазар қиладиган чандалами?..»

— Вой-бў, — деди кансамах. — Жуда ҳам қийналасан, қизча!

— Кечир! — деди Лела кетмоқчи бўлиб.

— Тўхта! — кансамах узоқдан туриб гуруч солниган халтани унга ташлади. — Ол буни, эсон-омон етиб бор.

Лела эгилиб таъзим қилди-да, кетди.

— Эсон-омон етиб бор! — деди орқасидан кансамах. — Анави сўқмоқдан Жамна соҳили бўйлаб, пастга, сувнинг оқишига қараб тўғри кета берсанг Катта Арава Йўлга чиқасан. Катта Йўлдан бориб, кейин шарқ томонга бурил, Калкуттани сўра, у денгиз бўйида, соҳиблар турадиган шаҳар. Йўлда одамлардан эҳсон сўра, оч қолмайсан. Деҳқондан, райотдан сўра, унинг ўзи камбағал, лекин шафқат қилади. Сипоҳилардан, пиёда аскарлардан, суворилардан сўра, йўқ демайди. Лекин сўқирларга, фақир ва гадоларга яқин йўлама. Соҳиблардан ҳам садақа сўрама—уларнинг юзи оқ бўлса ҳам кўнгли қора. Айниқса бир кўзли туя миниб юрган қотма соҳибдан қўрқ!.. Бор, болам, эҳтимол, етиб оларсан.

Тўртинчи боб

РУМОЛЧАДАГИ ГУЛ

Маълум сўқмоқ Инсурни ўрмон орасидаги пастқам почта станциясига олиб келди. Пастак почта бенгалосининг қамиш ёпилган томи қалин чангаллар орасида кўринмай кетган. Инсур тўғри станциянинг ошхонасига ўтди. Сонини оқ лунги билан ўраб, бошига оқ латта ташлаб олган кансамах (ошпаз ҳам ўшанинг ўзи эди) меҳмонни дарҳол таниди.

— Салом! — деди у.

— Салом! — Инсур таъзим қилди. — Янгиликлар борми?

— Бор!— деб жавоб берди кансамах. У меҳмонни ўзининг эшик ўрнига юлқа қамиш парда тутилган махсус ярим қоронғи хонасига олиб кирди. Бурчакдаги шолчада, ҳиди гуркираб турган бир қучоқ ўт тагида бир боғлам хат ётарди.

— Мана! — деди кансамах.

Инсур боғлам хатни ечди. Унда яқингинада, мартда ёзилган хатлар ҳам, февралнинг бошида ёзилган эски хатлар ҳам бор эди. Инсур конвертларни тез-тез бир томонга олиб ташлай бошлади: у ҳукумат ахборотини қидиранди. Аҳа... Мана! Муҳр босилган катта сургучли кўк конверт. Ким ёзган экан? Калькуттадан генерал Герсей Симладаги генерал Ансонга махфий хабар ёзибди. Бенгал армиясининг қўмондони генерал Ансон уч ойдан бери дам оляпти —буни бутун Ҳиндистон билади, — у Ҳималай тоғлари этагидаги хушманзара Симла атрофларида йўлбарс овида. Шундай пайтда генерал ўзига муносиброқ иш топмабди-да. Хўп, хўп. Қани, Герсей соҳиб Ансон соҳибга нималарни ёздикин?

Инсур конвертни очди.

„... Аҳвол шундайки, мен бирон чора кўришга ожизман, — деб хабар қиларди генерал. — Ҳарбий қисмларни Бенгалнинг бир еридан иккинчи ерига тезда кўчиришгагина эмас, ҳатто буйруқларни ўз вақтида тарқатишга ҳам имконим бўлмай қолди. Почта жуда кечикиб келади, мунтазам алоқа йўқ, ёмғиргазчиликдан ҳамма йўллар юриб бўлмас ҳолга келди, менинг ихтиёримдаги курьер туялар етарли эмас. Яқинда Қрим уруши пайтида Британия империясини оз бўлмаса ҳалокатга олиб келай деган сусткашлик, тепса-тебранмаслик, ҳаракатда ўзбошимчалик ҳозир Ҳиндистонда ҳам рўй-рост кўринмоқда. Буйруқлар бажарилмайди, ёки жуда кечикиб бажарилади. Оддий маълумотлар бир ердан иккинчи ерга бир неча кун деганда етиб келади, — масалан, Барракупурдаги ачинарли воқиялар ҳақидаги хабар Калькуттага етти кун деганда, тўртинчи мартда етиб келди, оддий хат ташувчилар эса бу масофани ярим соатда босади“.

Инсурнинг қорача юзига табассум югурди. У яна ўқий бошлади:

„... Менга британиялик солдатлар етишмаяпти. Эрон билан уруш туфайли королликнинг деярли барча пиёдалари Эрон чегарасига чақириб олинган, Калькуттадан то Динапургача бўлган тўрт юз миль жойда биттагина европаликлар полки бор.

Бенгал ва шимол-ғарбдаги вилоятларнинг ҳарбий станциялари яланғочланиб қолди; Оллоҳободдаги ўқ-дори омборларини фақат ерли соқчиларнинг ўзлари кўриқлаб турибди, Канпурда ерликларнинг тўртта пиёда полкига битта тула бўлмаган европаликлар ротаси тўғри келади, Деҳли қўрғонида биронта британиялик солдат йўқ... Бу яна қатъий ва кескин чоралар кўриш лозим бўлган ана шундай пайтга тўғри келдики, озгина бушлик, озгина сусткашлик бутун Ҳиндистон империясини бой беришимизга олиб келиши мумкин..."

Қансамах ошхонада мис қозонни қаттиқ тақирлатди. Инсур хатни қўйнига суқди, сочилиб ётган хатларни тезлик билан йиғиштириб, ўт тагига бостирди-да, парда ёнига бориб ибодат қилаётган ҳиндидек бамай-лихотир чордана қуриб ўтирди.

Қамиш парданинг тирқичларидан у почта станциясининг ҳовлисини ва ҳовлида бўлиб турган ҳаракатларни яхши кўриб турарди. Бенгалода тунаган англиялик леди оқсочлари билан ҳовлига чиқди. Мем-соҳиб жўнаб кетмоқда эди. Тўрт хизматчи мем-соҳибнинг сандиқлари ва саквояжларини олиб чиқишди. Ҳаммоллар тайёр бўлиб туришарди, кенг тахтиравон устида маржонлар билан безатилган парда ҳилпиради. Оқсочлар хавотир бўлиб, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа елиб югуришарди. Икки хизматкор ледини ўтқазишарди. Тахтиравон чодирни тагида катта сафар елпугичи ёйилди.

Тахтиравонга аввал қўлида чақалоқ кўтарган энага, кейин каттароқ ўғил бола билан ледининг ўзи чиқди. Хизматкорлар саквояж ва қолларни елкаларига кўтариб олишди. Ниҳоят ҳамма нарса тайёр бўлди. Ҳаммоллар бараварига ҳа-ҳалашиб, бир зарб билан тахтиравонни ердан узиб олиб, оёқ яланг дарвозадан олиб чиқиб кетдилар.

Яна жимлик чўкди. Инсур яна хатга қаради, охиригача ўқиди, кейин иккига буклаб, майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Бенгал армиясининг қўмондони хушманзара Симла тепаликларида кўпроқ йўлбарс ов қила берсин!.. Кейин у пардани очиб қўйди.

Ҳовли бўш эди. Қансамах англиялик леди кетганидан кейин ундан қолган майда-чуйда ахлатни бурчакка тўплаб қўймоқда эди.

Инсур ташқарига чиқди. Бостирма деворининг соясида устига гижимланган гулли аёллар рўмоли ёппаган ингичка узун нарса чўзилиб ётарди.

— Бу нима? — деб сўради Инсур.

— Бир хотин, — истар-истамас жавоб берди кансамах. — Шу кечаси бостирмада ўлиб қолди.

— Очми? — деб сўради Инсур.

— Билмадим. Безгак бўлса керак. Узоқдан келган экан... Қизи ҳам бор эди.

Рўмол тагидаги нарса инсоннинг жасади эканлигига ишойиб бўлмас, ингичка ва узун бу нарса икки-учта қуруқ новда-ю, гижимланган газмолни сал-пал кўтариб турганга ўхшарди.

Инсур бостирма деворига қараб юрди-да, тўхтади. Рўмолнинг ҳошиясидаги оқ устига тикилган қора ва қизил товуслар унга танишдек кўринди.

Инсур тикилиб қаради.

Негадир юраги жиқ этиб кетди, у яқин бориб жасад устига эгилди.

— Улар қаёқдан келишаётган экан? — деб сўради у ҳаяжондан бўғилган овозда.

Ҳеч ким жавоб қилмади: кансамах ичкарига кириб кетган эди.

Инсур нима қиларини билмай тик туриб қолди, кейин рўмолни кўтарди.

У бир неча секунд михлангандек қимирламай, мурданинг юзига тикилиб қолди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди, Инсурнинг юзида пайдо бўлган қайғуни ҳеч ким кўрмади.

Кейин у марҳуманинг юзини оқ сорий билан бекитди-да, нари кетди.

— Батма! — деди у. — Сени қайтиб шу аҳволда кўрдим-а, Батма!..

У яна йўлга тушиш керак эканини эсдан чиқаргандек, узоқ туриб қолди.

Кансамах яна ҳовлига чиқди.

Инсур ундан сўради:

— Сен у билан бир қиз ҳам бор эди дедингми?

— Ҳа, ўн уч ёшларда... У кетиб қолди.

— Қанақа қиз эди? — деб сўради Инсур жуда қизиқиб.

— Қошлари қора, чиройли, аммо жуда ориқ.

— Отини билмайсанми?
 — Йўқ. У фақат узоқдан келишаётганини айтди.
 Ражпутанадан келишибди.
 — Ҳа, ҳа, — деди Инсур, — Ражпутанадан...
 У дарвозада узоқ туриб қолди.
 — Қаёққа қараб кетди, — деб сўради Инсур.
 — Жануб томонга... узоққа! — деди қўл силкаб кансамах. Мен йўлда ерсан деб унга гуруч бердим.
 Инсур кетишни истамаётгандек ҳамон дарвозада турарди.
 Кейин у халтасини елкасига осиб, камарини қисиб боғлади.
 — Кетяпсанми? — сўради кансамах.
 — Ҳа, — деди Инсур. — Хайр.
 У дарвозадан чиқиб, ўнгга, дарё томонга бурилди-да, тўхтади.
 — Сен унга йўлда ейишга гуруч бердингми? — деб қичқирди узоқдан кансамахга.— Кансамах, тақдир сенинг ишларингни ҳам ёрлақасин!..
 Кейин у яна шимолга томон кетди.

Бешинчи боб

КАТТА АРАВА ЙЎЛ

Лела машаққатли ва узоқ йўл босди.
 Баъзан у йўл бетидаги тошларга ўтириб қўшиқ айтарди:

Қанотингни бер менга, каптар, сув устидан учиб ўтайин!

Гўзал оққуш, бергил патингни, тўлқин узра сузиб кетайин
 Қанотингни бергил, эй балиқ, сув тагидан сузиб борайин.

Эй қурт, бергил минг оғингни, ер остида тез ўрмалайин!

Лела Катта Арава Йўл бўйидаги пиёдалар юрадиган сўқмоқдан борди, кун бўйи қаршисидан одамлар ўтиб турар, аравалар судралиб келар, отлиқлар отларини елдиришар, йўғон бўйинларига қўйғироқ осилган филлар ерни гумбурлатиб чопишарди. Ҳаммоллар устига гилам ёпилган, дастаси узун тахтиравонларни зингиллаб кўтариб боришарди. Офицер-соҳиб отда елиб борар, хизматкорлар отдан кейинда қолмасдан унинг ёнида чопиб келардилар.



Лела сопол кўзадан сув топиб, боланинг лабини ҳўлади. Бир оз ётгач бола гапга кирди, у шошиб-пишиб, эшитилар-эшитилмас кучсиз товуш билан гапирарди.

Бу кулбада у билан кимки яшаган бўлса, ҳаммаси очдан ўлибди... Онаси, акаси, иккита синглиси, отаси... У ёлғиз қолган дастлабки вақтда йиғлаган, кейин жим бўлган. Бурчакдаги похолда дераза тирқишидан қараб ётган. Қанча кун шу хилда ўтганини эслай олмайди. Похол орасида илонлар шитирлашиб юришар, аммо жим, қимирламасдан ётганидан унга тегмасдилар. Энди у кўп кутмайди, сингиллари, отаси, акаси ўлганидек у ҳам ўлади...

— Йўқ, йўқ! — деди Лела. Унинг юраги увишиб кетди.

Лела кулба ичини супурди, сополларни териб ташлаб, маймунларни ҳайдаб чиқарди: ориқлаб кетган, тажанг маймулар болани хафа қилишлари мумкин. Кейин болани яна кўтариб олиб, остонага ўтқизди. Қиз унга кўм-кўк ўт, пул келтирди.

Бола ўтларни қилтириқ қўлларига олар экан, зўрға жилмайди.

— Кетавер, опажон! — деди бола. — Қаёққа бораётган бўлсанг, кетавер.

— Мен сени бирга олиб кетаман! — деди Лела. Унинг юраги ачишди. — Мен сени олиб кетаман, бирга кетамиз... Нон топиб еймиз.

Бола бошини сарак-сарак қилди.

— Юролмайман, — деди бола.

— Мен кўтариб оламан!

— Йўқ!— деб бош чайқади бола:— Опажон, кетавер! — деди у. — Ўзинг бир амаллаб етиб оларсан... Мен шу ерда қоламан.

У тўғри айтарди. Уни энди ҳеч нарса сақлаб қололмас, ҳатто нон топиб берганида ҳам у тирик қолмасди.

— Оёқ ялангмисан, опажон? Акамнинг сандалини кийиб ола қол, ана курсининг тагида турибди... Юрининг осон бўлади.

Бола эшикнинг бамбук ёндорига бошини қўйиб, жим бўлиб қолди. Лела у мудрапти деб ўйлади. Аммо бир соатча ўтгач, қақирса бола қимирламади. У шу куйи, кўзи очиқ ҳолда ўлиб қолган эди.

Лела у билан видолашиб, йўлида давом этди.

Юриш кундан-кунга оғирлашди. Қиз тез-тез ерга ўтириб қолар, қирғоққа, улуғ дарёга узоқ-узоқ боқарди. У энди қаёққа, нима учун кетаётганини аниқ билмас эди.

Унинг олдидан араб отларида, икки ғилдиракли енгил араваларда соҳиблар ўтишарди. Улар ҳеч кимга қарамас, башаралари ёвуз, такаббур эди, гўё бутун мамлакат унинг еригина эмас, ҳавоси ҳам, тепасидаги осмон ҳам уларга қарашлидек эди. Гўё бутун Ҳиндистон, Ҳиндистоннинг ҳамма олтини, ери, одамлари, шоҳиси, шолиси, марвариди — ҳамма нарсаси уларга қарашлидек эди.

«Бутун дунё бизга қарайди! — Бу такаббур башаралар худди шундоқ дерди.— Сиз ифлос ҳиндлар эса, қулсиз!.. Сизнинг ишингиз бизни тахтиравонда кўтариб юриш, болаларимизни боқиш, бизга шолли экиб бериш, пахта ўстириш, ер қазиш, туя ҳайдаш, ашула айтиш, садақа сўраш ва очликдан ўлиш...»

Лела йўлда кимнингдир чала еб ташлаган маккажў-хори сўтасини топиб олиб, унинг ҳаммасини, донидан тортиб қовзоғигача еди. У заҳарли чумолидан еб бўладиган чумолини ажрата олар, уларни кафтига териб олиб ер эди. Юраги эзилди, очликдан силласи қуриди, оёқлари қалтирарди.

Шундай қилиб Лела яна бир кун, икки кун йўл юрди... У худди тушида кўраётгандай, бир катта ҳовуз олдидан, аллақандай кўм-кўк боғ ёнидан ўтиб борарди. Лела бу жойлар Калькуттанинг бир чекаси эканини билмасди.

У боғнинг яшил ихотаси олдида тўхтади. Гўзал боғ: тиниқ ҳовуз, гуллар, кўм-кўк чинорларнинг барглари. Катта оқ уй дарахтларнинг соясида кўмилиб турибди. Ихота олдидаги скамейкада кўк ёқали оқ костюм кийган бола ўтирарди. Аммо унинг қўлидаги нарса боғдан ҳам, гуллар ва фонтанлардан ҳам чиройли эди. Лела боланинг қўлига тикилганча қолди. Бола сандвич-катта гўшт бўлагини икки бурда юмшоқ нон орасига қўйиб ер эди.

— Бер! — деди Лела. У кансамахнинг насиҳатини унутган эди.

Бола қайрилиб қараб, қўрққанидан қичқириб юборди. Леланинг кўзига кўзи тушди.

— Ма! — деди бола. У нонни ҳам, гўштни ҳам қизга берди. Кейин чопиб уйига борди-да, каттакон пирог олиб чиқди.

— Тагин бер! — деди Лела. — Мен жуда очман.
Бола маъқуллаб бош иргиди.

— Ҳиндлар ҳамиша оч бўлади,— деди бола. У қизга яна пирог келтириб берди.

— Энди ухлаш керак, — деди Лела.

Боғнинг ичи салқин эди. Лела ихотадан ошиб ўтди-ю, сояга ётиб ухлаб қолди.

Бола уйига югурди.

— Ойи, боғимизда бир қиз ётибди, — деди бола онасига.— Катта, чиройли, аммо жуда ориқ. Уйда олиб қолмаймизми?

Миссис Пембертон боққа чиқди.

— Сен шундай сахийсанки, Фредди, ҳаммага раҳминг келаверади! — деди миссис Пембертон.

У қизни уйғотиб, бошдан-оёқ разм солди.

Кўйлак ўрнига уводага ўралган, сочлари узун, оқ сорийси қорача текис пешонасига тушиб турибди...

— Чиройли қиз экан!— деди мисс Пембертон.

Лела соҳибнинг хотини нима деяпганини тушунди ва маъноли қилиб жавоб берди. Қизни уйларига олиб боришди, кичкина чақалоқнинг энагасига ёрдамчи қилиб қўйишди.

Чақалоқ Бетси кун бўйи оқ дока ёпилган беланчакда ётарди. Лела Бетсини чўмилтириш учун илиқ сув қилиб берар, ерга ҳидли эссенция сепар, энага ва онаси ухлашганда беланчакнинг тепасига боғлаб қўйилган катта елпиғичнинг тизимчасидан тортиб, болани елпиб ўтирарди.

Лела чаққон, сеҳни ўткир қиз эди. Тезда уни олдига гулдор пешбанд тутқизишиб, кираверишдаги уйларга қўйишди.

Хўжайин. мистер Пембертон баланд бўйли, бурни узун, овози йўғон киши эди. У кун бўйи кабинетида у ёқдан-бу ёққа гурс-гурс юриб, баланд овоз билан хат-тотларга ишга тааллуқли хатлар ёздирарди.

— Шоли, шоли, шоли,—деган гапларни эшитарди Лела нуқул.—Бристолга беш юз қоп шоли, Копенгагенга икки минг қоп.

Мистер Пембертон шоли билан, дунёда энг яхши ҳисобланган Бенгал шолиси билан савдо қиларди. Ҳиндистон шолиси ортилган кемалар Европанинг барча портларига қараб кетарди.

— Утган йил юз минг центнер сотилган эди,— деган гапларни эшитди Лела,—бу йил юз йигирма беш минг...

Хўжайин чет элга чиқарилган шоли билан Бенгал аҳолисининг ярмини тўйдирса бўларди.

Уй атрофида оч кишилар кезиб юрар, панжара олди-га гадолар келиб тўхташарди. Улар нон сўрашарди. Соҳибнинг хотини раҳмдил бўлиб, гадоларга овқат берарди. Хўжайин эса бош чайқаб:

— Ҳиндлар ҳамиша оч,— дерди.

Кўп ўтмай, хўжайиннинг ўғлига Бомбейдач бир қўғирчоқ совға қилиб келишди. Қўғирчоқни кўриб, Леланинг ранги ўчиб кетди: ўша чол-ку! Ипак латтадан моҳирлик билан тикилган қўғирчоқ фақир. Чўққи қалпоқ, қирғий бурун, ола-қуроқ увада... Қўғирчоқ ипини тортса қўл кўтарарди.

Фредди жуда севинди. Лела эса икки кеча ухламади. Кўз олдидан қўл кўтариб турган даҳшатли чол кетмасди. Лела кечаси секин турди. болалар хонасига кириб, қўғирчоқни олди-да, боққа чиқди. Бир бурчакка бекиниб, қўғирчоқ фақирнинг қўлларини, оёқ ва бошини суғуриб олди, ҳар ер-ҳар ерга кўмди. Қизни боғдан ушлаб олиб, хўжайиннинг олдига келтиришди.

Фредди ерда юмалаб, бақирарди.

— Вой қўғирчоғим! Вой қўғирчоғим!..

Ҳамма хизматкорларни хўжайинларнинг хонасига тўплашди. Хоним қаттиқ дарғазаб эди. Халат кийган хўжайин овқат ейиладиган хонага кирди. У жирканиб юзини буриштарди: Лела ёш соҳибнинг қўғирчоғини ўйирлади!.. Қиз Британия фуқаросига тегишли нарсага қасд этди...

Ўша куни эрталабоқ Лелани қамоққа олиб кетишди.

О л т и н ч и б о б

ЖЕЛХОНА

Лела биринчи кун эртадан-кечгача рўмолига ўралиб олиб, турма ҳовлисининг бурчагидаги офтоб ерда, қизиб кетган тошлар устида, атрофда бўлаётган нарсаларга қарашга ҳам ботинмай ўтирди...

«Желхона!.. Тутқунлик!..— дерди Лела кўз ёшларини ичига ютиб.— Энди мени отам ёнига сира ҳам юбормай-дилар».

У оҳ-нолаларни, шитирлаган овозни эшитди; кимдир ёнидан ўтиб кетди, кимдир уни туртди ва ҳақорат сўз айтиб пичирлади. Лела қимир этмади. Ёнида кимнингдир:

— Бошимдан сорийимни ечиб қўй?— дегани эшитилди.

Девор ёнида, у билан ёнма-ён оқ рўмол ўраган икки хотин гужанак бўлиб ётибди. Хотинлардан бири қаттиқ инграрди.

Лела ёнидаги хотиннинг юзидан рўмолини кўтариб қўйди.

У қўллари кўкрагига букиб қўйилган, изтиробда чўққайиб ўтирган хотинни кўрди. Хотиннинг бармоқлари иккита тахта орасига сиқиб, арқон билан маҳкам боғлаб ташланган эди. Тахтакачга тик қоқилган михлар гўштини тешиб ўтганди. Шишиб кетган бармоқларидан қопқора қон сирқиб турибди.

— Бу нима? —қўрқа-писа сўради Лела.

— Исканжа,— деб жавоб берди хотин.

Иккинчи хотин ҳам қимирлаб қолди. Кўринишидан, у ҳалиги ёнида ўтирган хотиннинг онаси эди.

— Буни қара!

У Лелага қўлини кўрсатди: суяклари тўрайиб, гўшти ириб кетибли.

— Исканжани қўлимдан кечагина ечишди!— деди у хотин.

— Нима учун исканжага солинган эди?— деб сўради Лела.

— Жун тўқиганимиз учун. Биз асли бихарликмиз. Бизнинг қишлоқларда соҳиблар тўқий олмайдиган нозик жун газламалар тўқилади.

— Соҳиблар ўз дастгоҳимизда жун-газлама тўқишимизга йўл қўйишмайди,— деди иккинчи тўқувчи.— Бизни суд қилишади. Агар судья раҳмдил бўлса, бир қўлнинг бармоқларини кесишга буюради. Жоҳил бўлса, иккала қўлнинг бармоқларини кесади. Судья ҳам соҳиб-де.

Лелани даҳшат босди, у нима дейишини билмасди.

Шу пайтда кишиларнинг овози эшитилди. Икки киши кирди. Хотинлар жим бўлишди.

Ҳовлига кирганлардан бири —кўк салла ўраб, катта зирак тақиб олган новча афғон ҳовлини кўздан ўтказди. Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Мана буни торт!— деб кўрсатди бошига оқ пўкак шлём кийган, совуқ башарали, соқоли қирилган пакана

соҳиб. У девор тагида ғужанак бўлиб ўтирган, ошпазча оқ қалпоқ кийиб, сонига йўл-йўл лунги ўраб олган кекса ҳиндни кўрсатди.

Бу баварчи — ошпаз эди.

Афғон кекса ҳиндни ҳовлининг ўртасига судраб чиқди.

Ошпазнинг ранги қув ўчиб, қалт-қалт титрарди.

— Бечора Рунбар!— деди кекса тўқувчи хотин.

Турма назоратчиларидан иккитаси афғонга ёрдамга келишди. Учовлашиб ҳиндни ҳовлининг бир бурчагидаги пахсанинг орқасига судраб кетишди.

Пакана соҳиб елиб-югуриб, буйруқ берарди.

— Ёишларни келтиринг!— деб буюрарди пакана соҳиб.

Турма назоратчиларидан бири чўғдек қизитилган ёишларни кўтариб чопди.

Девор орқасидан даҳшатли фарёд эшитилди:

— О-о!

— Сен ифлоснинг қорнингга меҳтарни ўтқазаман!— деб қичқирарди пакана соҳиб.

Ҳовлидан белбоғига калта супурги қистириб олган, сонига жигар ранг лунги ўраган болани турткилаб келтиришди. Бу меҳтар, яъни кўча супурувчи эди.

— Вой-бўй!.. Бу қандай шармандалик!— деб қичқаришди хотинлар. — Кўча супурувчи унинг баданига тегади-я! Бечора ошпаз, ўз зотини йўқотади...

— Гордон соҳибнинг белбоғи қани?— деб қичқирарди девор орқасидан пакана соҳиб.

Ошпаз жавоб бериш ўрнига инграрди, холос.

— Хўжайини Гордон соҳибнинг ипак белбоғи йўқолган экан,— деб уқтирди кичик тўқувчи хотин. — Икки кундан бери шу олмадимикин деб бечора Рунбарни қийнашяпти.

— Қопларни келтир!— деб буюрди соҳиб ҳалиги афғонга.

Афғон ҳовлидан баҳайбат чарм шарварга ўхшаш бир-бирига туташтирилган иккита узун қопни олиб ўтди. Унинг ичида аллақандай тирик нарсалар қимирлар, типирчилаб, чийиллар эди.

— Каламушлар!— деди Лелага ҳалиги кичкина тўқувчи хотин, кўзлари олайиб.

Девор орқасидан яна:



— О-оҳ!.. О-оҳ!.. — деган нола эшитилди: Оч каламушлар қамалган қопга чолнинг оёғини суқишди.

— Қўйворинглар! — деб бўқирди чол.

— Гордон соҳибнинг белбоғи қани?..

— Билмайман, қасамёд этаманки, мен билмайман! — деб хириллади ҳинд.

Қоп жони бордек сакрарди. Каламушлар чийиллаганча ҳар томондан бечора ошпазнинг оёқларига ёпишиб, баданини тилка-пора қиларди.

Ҳадемай пахса, девор орқасидан эшитилаётган инг-

раш тинди. Ошпазни оёғидан судраб, ҳовлини бир айлантириб чиқишди. У ҳушидан кетди.

Пакана соҳиб маҳбусларни айланиб чиқди. Одамлар жазирамада узоқ вақтдан бери овқатсиз ётишарди. Бирининг қўллари орқасига қайрилиб боғлаб, оғир қадоқ тош осилган. Яна бирининг чап оёғини қўшиб, бутун аъзойи бадани арқон билан чандиб ташланган. У белига қўйилган ғиштларни кўтариб, эгилганича ўнг оёғида турибди. Яланғоч елкасида кун куйдирган яра пўрсиллаб ёрилиб кетган. Учинчиси, энг четдагиси кўндаланг хомага қўлидан осиб қўйилган. У бошини ёнига солинтириб, тез-тез нафас олар, ҳар замонда чангак тортгандек бадани учиб қўярди.

— Буларга уч кундан бери сув беришмайди, — деди кекса тўқувчи хотин. — Булар солиқ тўламаган деҳқонлар.

Пакана соҳиб ҳаммани айланиб чиқди. Энг қаттиқ турганларнинг елкасига туз сепишни буюриб, кетди.

«Тезда навбат менга ҳам келади»,— деб ўйлади Лела. У кечгача кутди. Лекин қуёш ботиб кетди ҳамки, у ҳеч кимнинг эсига келмади.

— Жимгина ўтиравер, қизим!— деди кекса тўқувчи хотин.— Эҳтимол, бу кичкина соҳибнинг эсига дарров туша қолмассан.

Лела қамоқхонани дарров ўрганиб олди. Кўп ўтмай у бундаги барча хилват жойларни, маҳбусларни қийнай-диган ерларини, ертўлалар ва қалин девор билан ўралган панжарали чуқур кандукларни билиб олди, у ерда касаллар ётарди.

Маҳбуслардан биттаси биринчи кунданоқ Леланинг эътиборини ўзига тортди. У ҳовлининг бир бурчида ёлғиз ўзи, бошқалардан пастаккина девор билан ажратиб қўйилган жойда ўтирарди; у чўққайиб ўтирганича тебраниб, секин, бир хил оҳангда ғўлдирарди. Унинг пешонасида, бошини бойлаб олган оқ рўмоли тагидан, кўндалангига чизилган учта қора чизиқ кўринарди.

«Таҳқирланган зот»дан экан! — деб қўйди Лела.

Бу маҳбуснинг олдига ҳеч ким яқин бормас эди. Паст зот ҳисобланган кўча супурувчи мехтарлар ҳам, кўнчи-чамарлар ҳам (ўлдирилган мол терисининг ҳиди келиб тургани учун улар ҳам нопок дейиларди), ҳатто ўраларни тозалаб юривчи «паст» зотли кишилар ҳам унга қўл тегизолмас эдилар. Бу одам Ҳиндистонда энг

паст зот ҳисобланган пария зотидан эди. У ҳамма сув ичадиган ариқдан сув ичишга ҳақсиз эди. Қоровуллар бехосдан кийим-бошимиз тегиб кетмасин деб нарироқдан ўтардилар. Унга бирор ери тегиб кетган киши ўша заҳоти шундай пария бўлиб қоларди. Унга нонни узоқдан туриб иргитишарди.

Ҳатто париянинг нафасини ҳам ҳаром ҳисоблашарди.

Бу пария соқов эди. У бир меёрда тебраниб, жим ўтирарди.

Лела соқовга диққат билан тикилди. Юзининг аллақаери танишга ўхшади. Бу одамни қаерда кўрган экан? Чечак сал-пал чақа қилиб кетган ориқ юзи, кул ранг кўзларининг қараши, унинг бир сафар тўсатдан турма ҳовлисига тез кўз югуртириб чиққандаги ўткир боқиши!..

У Лелага қарадими экан? Йўқ, қарамади. Шундай бўлса ҳам Лела у ҳамма нарсани кўриб, ҳамма нарсани пайқаб турганини тушунди.

Қиз кечалари яхши ухламас эди: куни бўйи кўрганлари тунда тушига кириб қўрқарди. Бир куни Лела совуқ харсанг тош устида уйқусиз ётишдан чарчаб, ўрнидан турди-да, девор ёқалаб кетди. У парияни ўраб турган кесак девор орқасида одамларнинг гаплашган овозини эшитди. Лела девордан секин қаради.

Ун бештача киши париянинг атрофида вуж бўлиб ўтиришибди. Ҳаммалари унинг сўзига қулоқ беришган.

— Қузгун менга эркликдан хабар келтирди, — деди пария секин, бўғиқ товуш билан. Лела унинг овозини эшитиб титраб кетди.

— Тутқинлар, тайёр бўлинглар... Яқинда турмалар очилади...

Енгилгина шамоллаганга ўхшаш сал хириллаган овоз... Лела кўзини юмди, хотиралар уни довдиратиб қўйди... Баланд қора арчалар, ҳовозадаги қўнғироқ, тоғдаги кулба ва онасига Барракпурдан хабар келтирган йўловчи йигит...

Леланинг «Чандра-Синг!» — деб бақириб юборишига сал қолди.

— Соҳиблар ҳокимияти тугайди... Осмондаги қалхатлар шундай деб қийқирмоқда, гўристонларда қарғалар шундай деб қағиллайди. Бутун ҳинд халқи ўз еридан золим иблисни абадий ҳайдаш учун кўтарилади.

— Эшитинглар, эшитинглар! — ҳаммалари яқин сурилиб, зич давра олиб ўтиришди, одамлар бирон сўзни эшитмай қолмайлик деб қимирлашга қўрқардилар.

— Махратларнинг шамшири аллақачон кўтарилган. Ражпутларнинг қиличи, мусулмонларнинг ярим эйи кўтарилмоқда!.. Сатлеж дарёсининг нариги ёғида турмаларнинг эшиги очилмоқда... Йигирма минг маҳбус бир оғиз сўз билан қўлга қурол оладилар. Тутқунлар, сигнални кутинглар! Энди узоқ эмас!..

Кишилар Чандра-Сингнинг сўзини пойма-пўй такрорлардилар:

— Узоқ эмас! Узоқ эмас!

— Ёвуз иблисни шаҳар ва қишлоқларимиздан яқинда ҳайдаймиз!..

Лела у ёғини эшитмади. Секингина жойига қайтиб кетди. Эрталаб яна париянинг кесак девори ёнига келди. Чандра-Синг чордона қуриб, тебранар, кўзлари ярим юмуқ эди.

— Чандра-Синг! — деб секингина чақирди қиз.

Чандра-Синг бир сесканиб қўйди-ю, аммо қовоғини очмади..

— Чандра-Синг, Батма-Севани ёдингдами? — деб сўради Лела. Пария кўзини очди.

— Мен унинг қизиман, — деди Лела.

— Батма қани? — шўшиб сўради Чандра-Синг.

— Ўлди. Мен бу ерга узоқдан, Катта Арава Йўл билан келдим. Отамни қидириб юрибман.

— Отанг бу ёқдан кетиб қолган.

— Қаерда у? — деди Лела.

Чандра-Синг сирли қилиб, ҳиндларнинг эски мақолича:

— Деҳли йўли олис, — деди.

— Уни қандай топсам бўлади, Чандра-Синг?

— Мен яқинда у турган жойга бораман.

— Мени ҳам олиб кет, Чандра!

Чандра-Синг индамади.

— Кечаси одамлар билан нима тўғрида гаплашганимни эшитдингми? — деб сўради Чандра-Синг.

— Эшитдим, — деди Лела.

— Шунга нима дейсан?

Лела рўмоли тагидан онаси совға қилган кичкинаёғна қинғир ханжарни олди.

— Мен ҳали кичкинаман, Чандра,— деди Лела.— Аммо қўлларим кучли, зарбим жойига тегеди.

Чандра-Синг қизнинг ички ҳароратдан қорайиб кетган ўжар юзига боқди.

— Ҳа, — деди Чандра-Синг. — Сен бизнинг Пандининг қизисан.

Уларнинг орқароғидан гурс-гурс оёқ товуши келди.

— Ханжарни бекит! — деди шошиб Чандра-Синг.

Лела ўгирилиб қаради.

Иккита турма назоратчиси ҳовлида сув солинган катта ёғоч челақ кўтариб келарди.

Лела шу заҳотиёқ ханжарини яна жойига яшириб қўйди. У шошиб ҳаракат қилганидан оқ рўмоли бўйнига тушиб, соч ва пешонаси очилиб қолди.

— О, о! — деди бирдан Чандра-Синг ва биров бўғандек жим бўлди. У Леланинг пешонасидаги уч қиррали оқ нишонани кўрган эди.

Қизнинг қорачадан келган юзига қизиллик югурди.

— Ҳа, мен чандаламан! — деди Лела.

У ҳошиясига гул солинган рўмол билан бошини кўзларигача ёпди.

— Бу нишонани ким кўрса мени нари ҳайдайди, — деди қиз бўйин эгиб. — Сен ҳам... — Лела гапини тугатолмади.

— Ҳеч ким сени ҳайдаётгани йўқ, қиз! — деди шошиб-пишиб Чандра-Синг. — Йўқ-йўқ!.. Сен дўстимнинг қизисан.

У кутилмаганда қизга мулоҳим табассум қилди.

— Ҳеч нарсадан қўрқма, Лела. Мен сени бу ердан олиб чиқиб кетаман.

Шу кундан бошлаб Лела бирмунча хотиржам бўлди. Пембертонлар уни унутиб юборган бўлсалар керак. Пакана соҳиб желҳона ҳовлисида ўтиб кетаётиб, у томонга қарамайди ҳам. Чандра-Синг унга турмадан олиб чиқиб кетаман деб ваъда берди. Лела яна ўз қўшиқларини эслади.

Қечқурунлари у кундузги иссиқдан совуётган харсанг тошларда ўтириб, секингина куйларди:

Пешонамни ўрайман оқ сорий билан.

Оқ сорий беркитар елкаларимни.

Йўлим олис, йўлим оғир,

Деҳлигача йўлим олис ва оғир...

БОШ ПАНДИ

Полковник Гаррис хавотирга тушди. У ўз солдатлари орасида бегона кишини кўриб қолди. Гаррис артиллериячилар биносига кирганда ҳамма жим турарди. У солдатларнинг юзида саросималик кўрди. Бегона киши ёнлама турар, полковникка қарамас эди. Унинг кийимлари кир, қовоғи солиқ бўлиб, берилган саволларга жавоб қайтармасди. Гаррис бу дайди одамни қўлга олишни буюрди.

Полковник бутун ҳарбий станция бўйлаб одимларини катта отиб, ўз хонасига кетмоқда. Қуёш эндигина ботган; кунни бўйи мисдек қизиган ер сандалининг юпқа чармидан ўтиб, товонини куйдиради.

Усти берк ҳовуз, унинг орқасида бамбуқзор ва кишилар турадиган жойдан алоҳида қилиб, доира шаклида тошдан ясалган бинолар, бунда солдатларнинг қуроллари сақланади. Ундан нарида, икки томонга чинор ўтқазилган кенг хиёбон, унинг икки томонида офицерларнинг чиройли уйлари. Полковник ҳеч қаёққа қарамасдан одим ташлар, бу хиёбон, бу бамбуқзор ва уйлар аллақачон жонига теккан эди.

«Бу қутилмаган ташрифнинг маъноси нима бўлди экан? Энди менинг полкимда ҳам кўнгилсиз воқиялар содир бўлиши қолган эдими?»

Гарриснинг кайфи бузилди. Қизи Женнини Лондондаги тинчгина пансиондан чиқариб олиб, Ҳиндистонга олиб келишни бевақт ўйлаган экан-да.

Полковникнинг Ҳиндистондаги хизмати бўйича эски оғайниси капитан Генри Бедфорд отпускадан кейин Англиядан қайтишида Женнини ўзи билан олиб келишга ваъда берди. Энди Генрини қандай қилиб огоҳлантирса экан? Хат ёзишнинг вақти ўтди; хат Лондонга уч ойда боради. Генри бўлса март ойининг ўрталарида йўлга чиқмоқчи эди.

«Шундай воқиялар бўлиб турганда ўн икки ёшли қизни Марказий Ҳиндистонга олиб келиш — қандай бемаънилик!.. Йўқ, ҳозирги пайтда Ҳиндистон аёллар ва болалар келадиган жой эмас. Биз эртага ўзимизнинг ҳам нима бўлишимизни билмай қолдик».

Гаррис йўл-йўлакай асабийлашиб сигара тутатди. У яна яқинда бўлиб ўтган хатарли воқияларни эслади...

Ҳаммаси Барракпурдан бошланди. Бу воқиалар худди тиниқ осмонда чақмоқ чақилгандек бўлди! Машғулотдаги икки полк бирдан янги тарқатилган патронларни олишдан бош тортди. Қимдир сипоҳиларга патронлар ўралган қорғоз макруҳ ёғ билан, чўқанингми, сигирнингми ёғи билан мойланган, дебди.

— Муқаддас сигирнинг ёғи-я!— деб қичқиришарди ҳиндлар.— Биз унга қўл ура олмаймиз. Ота-буваларимиз сигирни муқаддас деб билишга ўргатишган ва уни ёғи учун ҳам, гўшти учун ҳам сўймасликка буюрганлар... Патронга қўл тегизсак, зотимизни йўқотамиз-а!..»

— Ҳаром чўқанинг ёғи-ку!— деб ҳаяжонланишарди мусулмонлар.— Қуръонда мусулмон кишининг ҳаром ҳайвонга қўл уриши ман қилинган... Биз ота-боболаримизнинг эътиқодидан қайтмаймиз!

Иш кутилганидан кўра жиддийроқ тусга кирди: Панчи деган бир ерлик солдат британиялик офицерни отди.

Ерликларнинг икки полкини тарқатиб юборишга тўғри келди. Қуруллари олиб қўйилган сипоҳилар энди бутун мамлакат бўйлаб санғиб, ҳарбий станцияларда элни лойқатиб юришибди...

Патсимон япроқлар орасида милтиқнинг стволи ялтираб кетди. Усти берк ҳовуз ёнида гиштин будка ва қоровул турибди.

— Постда ҳамма ёқ тинчми?

— Ҳамма ёқ тинч, полковник-соҳиб.

«Тинч?» Лейтенант Франк унга бундан уч кунгина бурун учинчи ротадан топилган сирли жимжима гул солинган кулча келтирди-ку? Бу кулчалар полкдан-полкка, қишлоқдан-қишлоққа ўтиб юрибди. Бу шартли даракчи нимани билдиради? Ўз номини, ерлик капрал Лалл-Сингдан сўраса, у болаларча кулади, на ўзи, на отаси, на бобоси умрида хат битилган бундай кулчани кўрмаганини айтади ва бир бутилка ром ичиб олганларидан кейин, Гаррис соҳибнинг кўзларига шундай кўринган ёки шайтон қулоқларига пичирлаб айтган, унинг нопок номи одамлар ўртасида уч марта лаънатлансин!— дейди.

— Худога шукур, Гаррис-соҳиб, худога шукурки, менинг ротамда ҳаммаси тинч!

«Ҳаммаси тинч?» Қўшни станцияда икки кечадан бери офицерларнинг уйлари бараварига ёняйти-ку? Бутун юқори Бенгалда офицерлар икки ойдан бери тўппончала-

рини ёстиқ тагига қўйиб ухлашади. Ерлик солдатлар яшайдиган линияларда¹ кечалари арининг ини бузилган-дек олаговур...

Полковник сигарасини итқитиб юборди. Англияда ҳа-ли ҳеч нарсани билишмайди, чунки Лондонга хат жуда кеч боради. Женни билан Бедфорд ҳам аллақачон Ҳин-дистонга сузиб келаётган бўлсалар керак.

Ой чиқди. У усти банан дарахтларининг шапалоқ барглари билан ярим ёпилган думалоқ тош бинони ёрит-ди. Курол склади ва склад ёнида ерли қоровул.

Ким навбатчи? Полковник ой ёруғида ўзининг ерли капрали Лалл-Сингнинг думалоқ, хушчақчақ юзини та-ниди.

— Постда ҳамма ёқ тинчми?

— Ҳаммаси тинч, полковник-соҳиб!

«Ҳаммаси тинч» деган бу сўзни эшитганида, бу жил-майишни кўрганида Лалл-Сингнинг башарасига уриб юборгиси келарди.

— Хайрли кеч, Лалл-Синг!..

— Хайрли кеч, полковник-соҳиб!..

Полковник бош хиёбонга чиқди. Унг томонда, да-рахтлар орқасида офицерлар йиғиладиган хонанинг катта ойнасидан ёруғ тушиб турибди. Кундузги иссиқ-дан мияси айниган ёш офицерлар ром, пальма арағи ичишар, карта ўйнашарди. Дим, зерикиш!.. Тўпланган-лар бугун йиғилишда янгилик эшитишмоқчи: капитан Ходсон келаман деб ваъда қилган. Вильям Ходсон қа-миша бирон янгилик келтиради.

Аммо полковник ўз уйига бурилди. Йиғилишга ке-йинроқ киради. Аввал бугун ушланган дайдини сўроқ қилиши керак. Полковник жомадорга — ерли лейтенантга ушланган кишини бенгалосига олиб киришни буюрди.

Хабарчи шам келтириб, столга қўйди. Веранданинг қамиш пардаси қимирлаб кетиши билан чироқ атрофи-ни булутдай чивин қоплади.

Полковник исиб кетиб, кителини ечди. Тебраниб ту-радиган тўқима креслога ўтирди-да, оёғи билан итариб, оҳиста тебрана бошлади.

¹ Л и н и я — ҳарбий станциядаги кўча; линияларда ҳинд ас-карлари қамиш кулбаларда яшайди. Европалик солдатлар ка-зармаларда яшайдилар.

— Олиб кирилсин! — деб буюрди полковник.

Ҳиндни олиб киришди. Соқчилар эшик ёнида туришди.

— Отинг нима?!

Бу киши оғзини очмай, мужмал қилиб ғудурлади. У ён томонига маъносиз қараб турарди.

— Қаёқдан келяпсан?

Яна мужмал ғулдираш, бемаъно, англаб бўлмас қараш.

Бу кишининг салласи мусулмонларникидек ўралган бўлиб, печи ўнг томонда эди, аммо мусулмонлар салласи остидан ҳинднинг узун сочи чиқиб турибди.

— Мусулмонмисан? — деб сўради полковник.

Бу киши «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Ҳиндмисан?

Яна тушуниб бўлмас ғулдираш.

— Патанми? Эронийми? — полковникнинг тоқати тоқ бўла бошлади.

— Йўқ.

— Кимсан бўлмаса? Гапир! — деб бақирди полковник.

— Тоғли деҳқонман, — деди бепарқ ҳолда у киши ва қўли билан шимол томонни кўрсатди.

Полковник бу мужмал бўғиқ ғулдирашни эшитиб, қулоқларини динг қилди. Бу киши ўрду тилида гапирарди, Юқори Ҳиндистонда ҳамма шу тилда гапирарди. Аммо унинг талаффузи қандайдир бошқачароқ бўлиб, Гаррис буни аниқ пайқаб ололмади.

У ҳиндга диққат билан тикилди.

Ҳинд полковникка оҳиста қаради, шунда ҳинд билан полковникнинг кўзлари учрашиб, улар бир секунд бир-бирларига куч синашгандек тикилиб қолишди. Ҳинд хунук жилмайиб, кўзини олди.

«Хавфли иблис!» — деб ўйлаб олди полковник.

— Қаёқдан келяпсан? — деб сўради Гаррис яна кескин қилиб.


— Узоқдан! — деди ҳинд ҳамон шимол томонга мужмал ишора қилиб.

— Панжобданми?

Ҳалиги киши тилар-тиламас бош ирғади:

— Ҳа. Панчанададан.

Полковник қулоқларини яна динг қилди. Бу киши



эронийлар ва Беш дарёнинг туб аҳолиси сингари «Панжоб» демади, балки «Панчанада», яъни «Беш дарё мамлакати» деди. Панжоб билан қўшни бўлган ғарбишимолий Ҳиндистон ҳиндлари Беш дарёни шундай аташади.

«Ражпутана!» — деб ўйлади полковник.

Ҳинднинг эшик ёндори олдида қаддини рост тутиб туришидан полковник солдатларга хос одатни таниб олди. Баланд бўйли, хушбичим, елкалари кенг, — бундай деҳқонларни Синдда, Ражпутанада, Юқори Ҳиндистоннинг ҳамма ерида йиғиб олишган эди. Улар одатда европалик солдатлардан икки дюм новча, машқда чаққон, походда чидамли ва парадда жуда кўркем бўларди.

Бу тушуниб бўлмас ғалати қурама кийимлар: салла, деҳқонларнинг паткаси, енгсиз нимча, липасига ўраб олган ифлос латталар-чи!.. Гаррис бу нарсалар рангини ва шаклини йўқотган солдат шимининг парчалари деб қасам ичишга тайёр эди.

— Тинтилсин! — деди полковник.

Нимча остида яланғоч сержун кўкрак, елкада аянчли деҳқон форма эски халта.

— Ҳеч нарса йўқ! — деди жомадор.

Ҳалиги киши четга қараб жилмайди.

Шу пайт Гаррис бирдан тебраниб турган креслосини тўхтатди.

— Халтангни менга бер-чи! — деди у.

Сумка бўш бўлиб, тагида бир неча қуруқ нон ушор бор эди, холос. Аммо полковник халта бойланган ингичка чармни тортиб олди-да, боши узра кўтарди.

— Сипоҳи! Қочоқ сипоҳи!

Бу ингичка чарм солдатлар халтасини осиб юрадиган тасма эди.

Ҳалиги киши бир нафас ўзгарди: уни қўрқув босди, қулоқлари динг бўлди. Сўнг эса яна ўша сохта, бемаъно қараш.

— Қайси полкдансан? — деб бақирди полковник.

У индамасди.

— Мен сени осаман, аблаҳ! Солдатларим турган жойга нега келдинг?

— Ҳамқишлоқларни кўргам!

Энди бегона киши полковникнинг юзига тик қараб,

худди темир билан жуда ғалати сийқалангандек тишларини кўрсатиб, очиқчасига куларди. Полковник Гаррис креслосидан ирғиб турди.

«Бу тишлар!..» — Гарриснинг эсига бир нарса тушгандек бўлди. «Арқон еб юборган тишлар» деган сўзларни яқинда у қаерда эшитган эди?.. Аммо хаёлидаги фикр аниқланмаёқ яна ёдидан чиқди.

Гаррис жомадорга қўл силкиди.

— Олиб чиқ...

— Хўп бўлади, полковник-соҳиб.

— Икки ҳисса соқчи қўйилсин, — деди полковник. — Сен жавоб берасан ҳали!

— Хўп бўлади, полковник-соҳиб!

Офицерлар тўпланган уйга ҳали ҳам борса бўларди. Полковник янги кителини кийди. «Эртага яна бир сўроқ қиламан» — деб қўйди у ичида.

Ходсон аллақачон офицерлар тўпланган катта меҳмонхонада ўтирарди.

Уни Панжобнинг ҳамма ерида, Пешавордан тортиб Лахоргача билишарди. Новча, ориқ, тор елкали, ҳиндлар айтганча «қотма соҳиб» Ходсон Ост-Инд компаниясининг офицери бўлиб, ўзининг тез юрар туясида Юқори Ҳиндистонни бошдан-оёқ кезиб чиққан эди.

— Туямнинг бир кўзи кўрмаса ҳам, ўзимнинг иккала кўзим яхши кўради, — дерди Ходсон.

У ҳамиша энг сўнгги янгиликларни олиб келарди.

Ходсоннинг олдига бир стакан ўткир пальма ароғи қўйилди, офицерлар картани ташладилар, ҳамманинг қулоғи меҳмонда эди.

— Очиқ душман қўрқинчли эмас, яширини қўрқинчли! — деди Ходсон суҳбатдошларига ўткир кўк кўзлари билан шошмасдан қараб чиқиб. — Ҳиндистонда шу йилнинг бошидан буён уруш кетаётганини биласизларми, жентльменлар? Бу уруш махфий равишда юзлаб кўзга кўринмас қўллар томонидан тайёрланяпти. У қишлоқдан-бу қишлоққа олиб бориб юрилган кулча нонни ким кўрди? Бу қўлдан-қўлга тасаввур қилиб бўлмас даражада тез ўтаяпти. Бугун олти қишлоқ билса, эртага қарабсиз — юз қишлоқ билибди. Менинг одамларим бу нонни майдаламоқчи, бурдалаб, сувга бўктириб кўрмоқчи бўлишди, натижа чиқмади. Биз уларнинг тилини билиб ололмадик.

— Азизим Ходсон, сизки билиб ололмабсиз, бошқа кишининг қўлидан келиб бўпти!..

Гаррис қўлларини ёзди.

— Ҳа. Менки уддасидан чиқолмадим, бошқа ҳеч ким уддалай олмайди, — деди у такаббурлик билан тасдиқлаб. — Бозорларга, ибодатхоналарга, ҳаммомларга ва савдо-сотиқ қилинадиган жойларга одамларимни қўйдим. Нузирободда бир фақирни топдим. Ажойиб фақир! Бу чол туғилганидан буён олтмиш йилча вақт мобайнида асло ювинмаган, сочини ҳам, оёқ ва қўлларидаги тирноқларини ҳам олдирмаган. У учи ўткир мих қоқилган тахтада ётар ва байрамларда кўмир аланга олиб ёнаётган жойнинг устидаги столбада бир неча соат осилиб тураркан. Халқ уни зиёрат қилгани борар, унинг авлиёлигидан хайратга тушарди. Ўн рупия берган эдим, чол менга ушлаб қолинган бир кучоқ хат олиб келиб берди. Аммо мен бу хатларнинг биронтасини ҳам ўқиёлмадим. Тушуниб бўлмас шарқ белгилари, сирли гаплар, ҳар хил қочириқ сўзлар. «Вишнанинг юмуқ кўзлари... Қурбон қилинган косалар устида алангали тиллар... Минг қўлли Коли, қасос маъбудаси...» Гап нимадалагини асло тушуниб бўлмайди!..

Ходсон ароққа қўл чўзди, олиб бир қултум ютди.

— Мен болаларни бўғувчилардан, бевааларни ёндивувчилардан бир қанчасини ушладим. Аммо, булар ҳаммаси аҳамиятсиз нарсас. Эски Ҳиндистон-да! Хавф бошқа томонда, жентльменлар. Эскиси ўрнига келаётган янги Ҳиндистон қўрқинчли. Биз бу мамлакатда мутаассибларнинг жоҳилликларидан эмас, қўзғолондан қўрқишимиз керак.

Гарриснинг елкаси бир сескангандек бўлиб кетди. У ром солинган стаканни нари суриб қўйди.

— Қўзғолон аллақачон бошланган. Қон тўкиляпти, — деб давом этди Ходсон. — Деҳқонлар махфий равишда тил бириктиришяпти, қишлоқма-қишлоқ шартли белгилар юрибди, сипоҳилар бир-бирларига тушуниб бўлмас сўзларни пичирлашади, муддат белгилашади... Неча юз йиллардан бери ўзаро бўлиниб келган турли зотдаги кишилар энди бир-бирларининг уйларига боришади, ёнма-ён ўтиришади, бир товоқдан овқат ейишади. О, бу махфий тил бириктириш, бизга қарши бўлганларнинг ҳаммасини бирлаштирган бу умумий

бирлик! Европадагилар буни хаёлларига ҳам келтиришмайди.

— Бу фитнани ичидан бўлиб юбориш керак! — деб гапга аралашди Гаррис.

— Бўлиб кўрингчи! — кулимсиради Ходсон.

— Мусулмонларни ҳиндларга қарши гиж-гижлаш керак. Бир-бирининг гўштини еяверсин, — деб таклиф қилди лейтенант Франк.

— Эски усул, — деди оҳиста Ходсон. — Аммо у ҳам-иша фойда беравермайди. Биз билан курашар экан, мусулмонлар билан ҳиндлар биргалашиб ҳаракат қилишга тиришадилар. Буни улар «бхай банд» деб, яъни «жон-тани бир бўлган ака-укалар» деб аташади.

Ходсон кичкина асабий қўллари билан стол устида доира чизди-да, уни тез, қатъий ҳаракат билан бирлаштирди.

— Бхай банд!.. Ака учун ука!.. Умумий кафилик!.. Жазога қатлга борса-борадики, бир-бировига хиёнат қилмайди. Масалан, Барракпурдаги воқияни эслангиз. Сипоҳилардан бири отган, бири уни яширган, учинчиси эса бутун полкни бўйсунмасликка чақирган. Учовларининг ҳам исми бир: Панди, бири — Мунгал-Панди, иккинчиси — Инсур-Панди, учинчиси эса — Бажонат-Панди. Қани, бош айбдор ким эканини суриштириб топингчи. Бизда Жонсон, Жексонлар кўп бўлганидек, ҳар қайси полкда камида ўнта Панди бор. Панди — ҳиндларда авлод номи. Шуниси қизиқки, уч Пандини қўлга олишган-у, фақат иккитасини осилишган. Учинчиси қаёққадир ғойиб бўлган. Қандайдир ҳиндча чалкашлик юз берган: кераклиги қолиб бошқа Пандини қатл қилишган бўлса керак, ёки кимдир унинг ўрнига ўз ихтиёри билан осилишга борган, асло тушуниб бўлмайди. Шуниси маълумки, ўша учинчи Панди қочган, асосий ғаламус худди ўша бўлса ҳам ажаб эмас. Арқонни тиши билан ғажиб ташлабди. ҳа, ҳа, буни қаранглар, пальма толасидан эшилган шундай қаттиқ арқонни тиши билан узиб қочибди! Энди қишлоқларда, ҳарбий станцияларда райотларни, солдатларни бузиб юрибди. Айтишларига қараганда, уни бундан беш кунгина аввал Мирутда кўришибди. У фирибгарни тишидан осонгина билиб олса бўлади, унинг тишлари...

— Тишлари!

Енгилгина тўқима стол бурчакка учиб кетди. Полковник Гаррис кутилмаганда шиддат билан ўрнидан турди-да, эшик томонга чопди.

— Полковник, нима гап?

Гаррис жавоб бермади.

— Бу ўша!.. Панди!.. Бош Панди шу!— деб гўлдурларди полковник терраса зинапоясидан югуриб тушар экан.

У харсиллаганича солдатлар линиясига қараб югурди.

Инглиз сержант унга пешвоз чиқди.

— Жонсон!

— Ҳа, сэр!..

— Тезроқ, Жонсон!.. Анави дайдини менинг ёнимга олиб кел!

— Рухсат этсангиз, сэр... Мен сизни хабардор қилмоқчи эдим, сэр...— Қўрқиб кетган сержант лабларини зўрға қимирлатарди.

— Кейин хабардор қиларсан. У аблахни бу ёққа олиб келинглар...

— Сэр, у қочиб кетибди!

— Қочиб кетибди?! — Полковникнинг юзига қон қуйилди. У тўппончасини ушлади. — Қандай қилиб? Соқчилар-чи?.. Жамдорни чақир! Отиб ташлайман, жамдорни!..

— Ерлик соқчиларнинг ҳаммаси у билан бирга қочиб кетибди, сэр.

— Соқчилар ҳам? Минг лаънат менга!.. — Гаррис кителининг ёқасини ечиб юборди. У ғазабидан бўғилиб кетган эди.


— Постларни кучайтиринг! — деб буюрди у. — Капитан Ходсонни менинг ёнимга таклиф этинг.

Саккизинчи боё

ҚИЗИЛ НИЛУФАР

— Соҳибга йўл беринглар!.. Қудратли соҳибга!..

Бирдан қишлоқ намоён бўлди (Хўрдистонда шунақа бўлади); бамбуқзор тўқай молхонадан ўраш учун ерга қоқиб қўйилган бамбуқ қозиқлар билан алмашинди. Устига қорайиб кетган похол ёпилган уйлар ялангликни қуршаб турарди.



— Соҳибга йўл беринглар!.. Қудратли соҳибга!.. —
Малай олдинда, от билан барабар югуриб борарди.

Ўзининг икки ғилдиракли извошида кетаётган Ходсон
ўрнидан туриб олди.

— Соҳиб, соҳиб! — болалар офицерлар аравасини
кўриб, нари қочишарди.

Оқ парусин костюм кийган, қора мағиз инглиз Ходсонга пешвоз чиқди. Бу инглиз коллектори мистер Форстер эди. У бу ерга, Доаба деган хилват қишлоққа яқингинада келиб жойлашган эди.

Ходсон деҳқонларга қишлоқ майдонидаги думалоқ ҳовуз бўйига тўпланишни буюрди.

У нима гап эканлигини икки оғиз сўз билан коллекторга тушунтирди. Янги форт қуриш керак. Форт қурилишига тош ишлатилади, тошни эса узоқдан келтириш лозим. Одам керак, одамгина эмас — қўтослар, аравалар ҳам керак.

Ходсон майдонга, ҳовуз ёнига чиқди.

Райотлар йиғилиб бўлишган эди. Улар ҳамма вақтадагидек елкаларини қисиб, қимирламасдан туришарди.

— Менга қирқ киши керак, — деди лўнда қилиб Ходсон. — Ёшлардан, ўттиздан ошмаганлар бўлсин. Қўтослари ва аравалари билан ҳар бир кишига бир жуфт.

Дехқонлар ўтлоқда дебсиниб турардилар. Улар чурқ этмасдилар, аммо Ходсон уларнинг чеҳрасида қандайдир янги ифодани сизди.

— Шу бугуноқ олиб келинсин, — деди Ходсон. — Кечқурундан қолмасин.

Дехқонлар орани очиб, кимгадир йўл беришди.

Сув қоровули¹ Руноват деган чол олдинга чиқди.

Чол иссиқ шамолдан, анчадан буён ёмғир ёлмаганидан ёрилиб кетган қуруқ ерга ҳассасини тираб, унга таянди.

— Соҳиб, сенинг совуқ мамлакатингда муз ерни қотириб юборади, дейишади, — деди чол. — Шунга ўхшаб, бизнинг еримизни ҳам жазирама офтоб қотириб юборди. Шафқатсиз офтобдан еримиз тошдек қотиб кетган. Унга на омон, на кетмон ўтади. Лекин яқинда ёмғиргарчилик бошланади. Осмон бизга сув ҳадя қилади, еримиз юмшайди, уни ҳайдаб, шолти экадиган пайтимиз келади. Сен одамларимизни олиб кетсанг шолини ким экади, соҳиб?

— Хотинлар қолади, — деди қисқа қилиб Ходсон. — Хотинлар билан каттароқ болалар қолади.

Чолнинг кўзлари ғамгин пирпиради, қуруқшаб кетган чеҳраси бадтар буришди.

— Ҳа, соҳиб. — деди чол. — Қўтослар ўрнига омонча хотинларни қўшамиз. Болалар елкаларида сув ташиб келтириб, экинимизни суғорадилар, шолини кўчат қиладилар... Шундай, соҳиб.

У жиддий ва дардчил юзини тўпланган одамларга ўгирди.

— Соҳиб одам сўраяпти, — деди чол. — Райотлар, унга одам бериш керак. Соҳиб биздан кўра кучлик.

— Шу бугун, кечқурундан қолмасдан, — деб такрорлади Ходсон.

¹ Марказий Ҳиндистоннинг кам сув ерларидаги ҳар бир қишлоқда қишлоқ жамоати томонидан ҳовузлардаги запас сувни қўриқлаш учун бир чол сайлаб қўйилади.

Одамлар орасида олаговур эшитилди. Уларнинг овозида яширинча таҳдид бор эди. Бир неча оғиз ўзуқ-юлуқ ҳайқириқлардан кейин бирдан аллаким ишора қилгандек, деҳқонлар жим бўлиб қолишди.

«Умидвор бўляптилар! Улар бу кеча яна қишлоқда, ўз уйларида тунашга умидвор бўляптилар, кечаси эса дўстлари ҳамтовоқлари ўрмонга қочишга ёрдам беришадил...» — деб тушунди буни соҳиб.

Ходсоннинг тажрибаси зўр эди.

— Оқсоқол ажратган одамлар ҳаммаси коллекторнинг уйига тўплансин, Форстер-соҳибнинг ҳовлисида тунайсизлар, — деди у.

Мистер Форстернинг бенгалоси қишлоқ орқасидаги тепаликда эди. Унинг уйи катта, кўркам, томига бўялган черепица ёпилган. Ходсон тунашга Форстерникига бормади. Дим, зерикарли, пашшахона ичи ғуж-ғуж чивин... Йўқ, бормайди! У қишлоққа кираверишдаги ўтлоққа чодир қуришни буюрди.

Икки малай чодирни қуришди, ичига сафар столчаси, стул қўйиб, кигиз тўшашди. Хўжайин қўл силкиб, уларни чиқариб юборди-да, столча ёнига ўтирди.

Нима бўлса ҳамки, ишқилиб бир амаллади. Аҳоли тош ташишга одам ва қўтос беради. Яна олдинга қараб бир қадам қўйилди. Сэр Жон Лоуренсга: «Форт қурилиши муваффақиятли давом этяпти» деб ёзса бўлади.

Ходсон сигара олиб чекди. У дам оларди.

Ташқарида кимдир эҳтиётлик билан юриб, чодир девори ёнига келди.

— Қиришга рухсат эт, соҳиб!..

Бу малай — класс эди. Класс қум остонадан ўтиб ичкари кирди. Кафтини юраги устига босиб, эҳтиром билан таъзим қилди.

— Сиз бир оз безовта қилишга рухсат эт олижаноб соҳиб!..

— Ҳа! — деди сабрсизлик билан Ходсон.

— Буни қара, соҳиб, чодирнинг ёнидан топдим...

У кафтини Ходсоннинг юзи олдига тутди, унда тўқ қизил думалоқ нарса бор эди.

Бу мижнланган, деярли эзиб юборилган гул эди.

— Яхши. Кета бер, — деди Ходсон.

У гулни столга ташлади. Қараб туриб, мижиғланган, четлари қорайган япроқларини тўғрилади.

— Яна нилуфар-ку! Ботқоқликда ўсадиган қизил нилуфар.

Бу ғалати гул шу билан учинчи ёки тўртинчи марта унинг йўлида учраши. Бу гул худди сирли, ўтли белгидек қишлоқларда, ҳарбий станцияларда қўлма-қўл ўтиб юрибди.

Ерлик аскарлар полкига вакил келади. У ботқоқда ўсадиган қизил нилуфар — гул барги бешта бўлган нилуфар келтиради. Ерлик старший офицер гулни младший офицерга беради, у ёнидаги сипоҳига узатади. Сипоҳи бу гулни қўшнисига, у яна бирига беради, шундай қилиб нилуфар бутун полкни айланиб чиқади. Улар бу гулни ўртоқлари қўлидан ҳеч нарса демасдан олишади-да, уни кўздан кечириб чиққач, яна бир оғиз ҳам сўз айтмасдан нари узатишади. Нилуфар энг сўнгги сипоҳининг қўлига етганда, у ҳам жимгина ғойиб бўлади ва гулни қўшни станцияга етказиб беради. У ерда ҳам гул ана шундай қўлдан-қўлга ўтади.

— Улар нимасини томоша қилишади? Гул барглари-нинг шаклиними? Уларнинг жойланишиними? Сони-ними?.. Эҳтимол ҳамма гап рангидадир?.. Қизил гул—ўт ранги қон ранги. Тезда қон тўкиладими, ҳамма ёқ қизил бўлиб кетадими?..

Ходсон нилуфарни столдан секин олиб ташлади.

Ҳа, буни Ҳиндистондаги бошқа инглизлардан кўра Ходсон яхшироқ билади. Эҳтимол қилиб бўлмайдиган ишларни ҳам бўлдирадиган кун келиб қолар. Бутун Ҳиндистон, ана шу миллионларнинг ҳаммаси бараварига бош кўтарса Пешавордан тортиб Калькуттагача бўлган йўлни инглизларнинг суяги босиб кетади.

Ходсон чодирдан чиқди. Уни қандайдир туманли ғазаб қийнади. Бу ўша гул!

Тун совуқ. Малай ўт ёқди. Яқиндаги ботқоқликдан нам тепарди.

Ходсон тик туриб, алангага боқар, бамбукларсиллаб ёнарди.

Бир нотаниш киши олов ёнига келиб, эҳтиром билан таъзим қилди-да, гулхан ёнига турди.

Ходсон унга боқарди. Бу ода^м баланд бўйли, бақувват эди. У юзини ярим ўгириб, сал букчайиб ёни билан

турарди. Деярли яланғоч бўлган бу киши кашмирлик тоғликлар совуқда елкасига ташлаб юрадиган қора жүн одеялнинг ўвадасига чулғаниб олганди.

Ҳалиги киши одеял тагидан ҳиндларнинг кичкина грелкаси — чангрис¹ ушлаб олган эди. Номанум киши гулхандан бир неча чўғ олиб, чангрисига солди.

Бу одам кетмай тураверди. У оловга ёнлама турганидан, аланга бир юзи билан оғзининг бурчини ёритар, соҳиб юзимни кўриб қолмасин дегандек, бошини ўғирмас эди. Бу одам додваллига туякашга нималарнидир фўлдирадди.

Ходсонга «Оғриқ оёқ... Тиззасида яра...» деган сўзлар эшитилди. Ҳа, туянинг оғриқ оёғи ҳақида нималардир гапиришди.

Узуқ-юлуқ эшитилган бу гап ва ўгирилган юз... Ички ғазаб, дудмал гумон Ходсонни қийнай бошлади...

Гулхан ёнига келган одам ҳамон ён томони билан қимирламасдан турарди. У жилмаярди, шекилли. Ёки бу гулханнинг алангаси юзига бир текис тушмаётганиданми?

Тун қоп-қоронғу эди. Ходсон гулхандан кўзини олди, шунда бирдан ловиллаб ёнаётган жуда катта алангага кўзи тушди.

Жуда катта ўт! Яқингина ерда, қишлоқ орқасида нимадир ёняпти.

«Коллекторнинг бенгалоси-ку!»—деди Ходсон фаҳмлаб.

Қаршисида аланга шиддат билан қутуриб, ловилларди. Оловнинг узун ёлқини осмонга кўтарилиб: «Кўриб қўй! Мана мен! Мен тирикман!.. Жим турмайман!.. Уч оламан! Сенга жавоб қиламан!..» дегандек бўларди.

«Биз бўйсунганимиз йўқ,—деб ҳайқирарди аланга.—Ҳамма ёқ қип-қизил бўлиб кетади!.. Биз жим турмаймиз!..»

Бу Ходсоннинг кундузги қилмишига жавоб эди.

Бу қўзғолон эди.

¹ Чангрис — ҳиндларнинг мис ёки темир симдан ўзлари қилиб оладиган грелкаси. Кечалари қаттиқ совуқ бўладиган Кашмирда ва Ҳиндистоннинг тоғли ерларида тарқалган.

Райотлар коллекторнинг бенгалосига ўт қўйиб юборишди, у ерга тўплаб келтирилган кишилар қочиб кетишди.

Ходсон дўпир-дўпир, товушлар эшитди. Кишиларнинг тапир-тупур ҳар томонга чопгани, аламоннинг шов-шуви, қичқирган овозлар эшитилди. У олдинга ташланди.

Ходсон ғовур-ғувур ичида:

— Панди! Панди!.. — деб чақирган овозларни эшитди. Панди? Шу он унинг миясида қизил гул, қўзғолон дарахчиси, дордан қочган Панди, гулхан ёнида турган ҳалиги новча, бақувват киши — ҳаммаси яшин тезлигида бир-бирига боғланиб келди. Бу одам шунинг учун оғзини беркитган экан-да! Бу худди ўша Панди, Панди!.. Қани у?..

Ходсон гулхан ёнига қайтиб келди. Малайлар типирчилаб қолишди. Ҳалиги одамми?.. У кетиб қолди. Унинг қумдаги изи — чангрисдан тўкилган кўмрдан ҳам ном-нишон қолмаган эди.

Тўққизинчи боб

ДЕҲЛИ — ҲИНДИСТОННИНГ ЮРАГИ

Мирутда саккиз юзта отлиқ ҳамда икки мингта пиёда аскар тайёр ҳолда, фақат сигнал кутиб турибди. Аллигурдагилар огоҳлантирилган. Аграда ҳозирланишяпти. Битхурнинг қасоскор рожаси Нана соҳиб Гвалиорда куч тўплаяпти. Соҳибларга на жанубдан, на шимолдан, на шарқдан ёрдам бўлади.

Ҳиндистоннинг юраги бўлмиш Деҳлида-чи? Ҳинд мақолида «Деҳли йўли олис» дейилади.

Деҳли яқин эди.

Ўрмон чекинди-да, Инсур ялангликка келиб чиқди. Тепаси бир-бирига чирмашиб кетган иккита таниш хурмо дарахти қайиқда сузиб ўтиладиган жойнинг бошланишини кўрсатарди. Инсур тепаликка чиқди.

Тиниқ ва тез оқар Жамна шу ерда икки катта-кичик тармоққа бўлинарди. Қайиқлар устига қурилган сузувчи кўприк нариги томонга олиб боради. У томонда, дарёнинг нариги бетида қизил тошдан қилинган баланд деворлар худди сувдан кўтарилиб чиққан. Бу Деҳли



ҳокими бўлган қари шоҳнинг саройи эди. Саройнинг орқасида европаликларнинг резиденцияси¹ жойлашган оппоқ бино, ундан нарида эса—уйлар, ариқлар, мусулмонларнинг мачити, бозорнинг тор кўчалари, ҳиндларнинг ибодатхонаси ва яна уйлар...

Каттакон шаҳар дарёнинг нариги қирғогидаги текисликда эди.

Девор тақа шаклида шаҳарни ўраб турар, тақа шаклидаги бу тош девор етти ярим милга чўзилган бўлиб, беш жойда чуқур ўйиб очилган дарвозалари бор эди: Кашмир дарвозаси, Лаҳор дарвозаси, Кобил дарвозаси. Аймер дарвозаси, Жанубий дарвоза... Кашмир йўли, Кобил йўли, Лаҳор йўли—шимолга, ғарбга, жануб ва шарққа олиб борадиган йўллар,—Ўрта Осиёдаги барча йўллар шу шаҳардан ўтар эди.

Бу Ҳиндистоннинг қадимий пойтахти—Деҳли эди.

Ана шу баланд тўқ қизил деворлар орқасида, ҳашаматли саройда темурийлар хонадонининг сўнгги ҳукмдори, кучсиз, мункиллаган чол Баҳодиршоҳ умрининг сўнгги кунларини кечирмоқда эди. Баҳодиршоҳнинг қатта ўғли ўлгач, Ост-Инд савдо компанияси шоҳга бошқа ўғлини валиаҳд қилиб тайинлашни таққиллади. Лондон савдогарлари кенгаши Баҳодиршоҳ ўлиши билан қадимий сулолага чек қўйишга қарор қилди. Деҳли шоҳи вориссиз ўлмоқда эди, шунинг учун инглиз резиденти ҳисобот кнтораи билан бирга саройга қачон кўчиб ўтарканман деб сабр-тоқат билан кутарди.

Авранг-Зеб, Нодиршоҳ, Осиёнинг шафқатсиз истилочилари бу шаҳарнинг тошларига оёқ босдилар. Форслар, афғонлар, махраттлар бу шаҳарни топтаб ўтдилар. Деҳли қачонлардир даҳшатли Индранинг ўғли шаънига Индрапутра деб аталар ва ҳиндларнинг фаҳри ҳисобланарди, кейин Шаҳанобод—Мусулмонларнинг таянчи бўлди. Унинг мачитларини араб ва турк архитекторлари қуришди, ундаги машҳур сарой планини Шоҳ Жаҳоннинг² ўзи чизди. Бу шаҳар хали Лондон дунёга

¹ Резиденция — (бу ўринда) Британия ҳукмдорининг доимий турадиган жойи.

² Шоҳ Жаҳон — Улуғ Мўғул сулоласининг (Темур авлодлари) вакилларидаи бири, истеъдодли архитектор. Деҳли саройи ва Жамна дарёси остига қурулган ер ости йўли Шоҳ Жаҳон чизган планга асосланиб солинган.

Гаррис ҳали узоқдан, сувориларнинг юзларини ҳам, мундирларини ҳам кўрмасданоқ «Кўзғолончилар!»— деб қўйди.

— Тўққизинчи полк!.. Аллигурликлар!.. Биз сизларни кечадан бери кутамиз! — деб қичқирди сувори.

Бунга жавобан қаттиқ ҳайқириқлар эшитилди... Полковник қайрилиб қараса, пиёда аскарлар югургудай бўлиб, олдинга қараб кетяпти.

— Тўхта! — деб бақирди у.

Одамлар таққа тўхтаб қолишди

— Отинглар!..

Битта ҳам ўқ узилмади.

— Отинглар! — деб бақирди полковник.

Сипоҳилар командага қулоқ солишмади.

— Лалл-Синг, бу ёққа кел!

Лалл-Синг ориқ тўриқ отида полковникнинг ёнига югуриб келди.

— Лалл-Синг, нега отишмаяпти?

— Патрон олишмаган, соҳиб, — деди Лалл-Синг. Унинг юзида шодиёна табассум барқ уриб кетди.

— Сипоҳилар, менинг ёнимга! — деб қичқирарди ок саллалани новча сувори. — Биз томонга ўтинглар, аллигурликлар!

У жуда ҳам яқин жойда турарди. Гаррис унинг эгнига кўкиш суворилар формаси кийганини аниқ кўрди. Аммо бошига узун кивер ўрнига мусулмонлар одатига оқ салла ўраган эди.

«Муҳаммад умматими? Айтгандай, ҳозир мусулмонлар ҳам, ҳиндлар ҳам якдил бўлиб кетган. Лаънати исёнчи!»— Полковник ўқ узди.

Сувори бир дам отининг бўйнига энгашди, аммо дарҳол яна қаддини кўтарди.

— Сипоҳилар, бу ёққа ўтинглар! — деб қичқирарди

— Мирутда кўзғолон!.. Бизнинг отлиқлар пол-

— Мулига кетяпти. Ҳамма пиёда ва отлиқ аскар- британияликлар ҳамма сапёрлар, ҳамма миначи- санми? жанг қиладилар!.. Соҳиблар

— Ҳинддан туриб ҳиндга қар-

— Ҳал-... чқириб жавоб беришди аллигурликлар. ... пур этиб олға юрдилар.

— Биз томонга ўтинглар, сипоҳилар! Ҳиндлар, мусулмонлар, махраттлар! Ахир биз ҳамнафас ака-ука-

лар эмасмизми? Оталаримиз қишлоқларда биз билан бирга жанг қилишмайдими, ахир?

Сипоҳилар милтиқларини ерга қаратиб, қаторларни бузиб, шодиёна қийқириқлар билан олдинга ташландилар:

— Бхай-банд! Биродарлар!..

— Ҳа, сизлар-чи, тўпчилар? — қичқирарди сувори. — Сизлар нимани кутяпсизлар? Полковник парад майдонига савалаб урсин деб турибсизларми? Соҳиблар қишлоқда уйлариғизни хонавайрон қилсинми?

— Бхай-банд! Биродарлар!.. Олға!..

Отлиқ тўпчилар қайишларни қирқиб, жон-жаҳдлари билан қийқириб, пиёдаларга етиб олиш учун олға қараб от чоптирдилар.

— Тўхта!..

Бунга жавобан сипоҳилар томонидан ўқ узилди.

— Соҳибларга қараб ўт очинглар! — деб команда берди сувори. — Тўпларни биз томонга юргизинглар!..

Сипоҳиларнинг ҳаммаси ташлаб кетилган тўплар атрофини қуршаб олган бир тўда британиялик устига ёпирилди. Сипоҳилар қийқириқлар билан тўпларни ўз томонларига гилдиратиб ўтказишди.

Британияликлар отиша-отиша, йўлнинг икки чеккасига сочилиб кетишди.

Полковник бош ирғиб, Франкни ўз ёнига чақирди.

— Фортга қайтилсин! — деди полковник.

Лейтенант нари кетди, эшитилар-эшитилмас қисқа команда берилди, британиялик ўқчилар иккала офицернинг атрофини қуршаб олди.

— Аллипурга, — деди Гаррис. — Қайтиб Аллипурга ёриб ўтамыз!..

Ҳозирча шундай қилишга имкон бор эди. Чунки британияликлар ҳаммаси отда, яхши қуролланишган ҳамда зўр бериб отишмоқда.

Шу пайт лейтенант Франк бирдан Гаррисфорлагидан тортди.

— Буни қаранг, полковник! Хали Лондон унга У Аллипур томонни кўради.

Гаррис кўзига дурб

Тонг ёришган эди, кутарилаётган қўшнинг илк нурлари текисликка ёйилган. Гаррис форتنинг чап минорасида қандайдир ҳаракат пайқади.

Энг катта тўп оҳиста ўғирилди, форт тепасида ту-

тун кўтарилиди, замбаракнинг гумбурлашидан ҳаво лар-зага келди.

Тўп йўлни ўққа тутмоқда эди.

Тўп ўқи етиб келмай ўрмонга тушди, кетидан иккинчи, учинчи ўқ узилди..

— Бизга қарата отяпти!— деди Франк.

Гаррис дурбинни кўзидан олмасдан қараб турди. Тўп атрофида ўймаланишиб юрган одамлар қораси кўринди. Бу Темал бўлиши керак, ёки Накхандир. Полковникнинг энг яхши солдатлари, энг моҳир бомбардирлар-а! Фортда уларни ўзи қолдириб келган эди.

— Хоинлар! — деди Гаррис. — Британия қироли-часига хиёнат қилдилар!

Тўп ўқи жуда яқинга тушиб, ерни қўпориб, ёрилди. Сипоҳиларнинг ҳалқаси атрофни яна қўраб келарди. Бирин-кетин икки ўқ полковникнинг қулоғи олдида нувиллаб ўтиб кетди. Франк унинг ёнига келди.

— Кетиш керак, — деди Франк.

— Йўқ! — деб жавоб қилди Гаррис.

У шундай ёнгиналаридаги дарахтнинг баргига шитирлаб ўқлар келиб тегаётганини эшитди. Сипоҳилар тобора бостириб келишарди, полковник уларнинг юзларини, кўзлари ғазаб билан ёнаётганини кўрди. Аламон орасидан ёш бир ҳинд полковник ёнига ёриб ўтди. Ҳинд оқариб кетган эди.

— Қоч, соҳиб!— деди ҳинд.— Отиб ташлашади! Қоч!..

— Товушингни ўчир, Мунгар!— деб шовқинлади аламон. — Кимга раҳм қиляпсан? У ўтган ҳафта сенинг иккита элатингни ўлар ҳолатда қилиб савалади.

Ҳинд ўзини аламон ичига олди.

— Қочиб кетади!— деб қичқирди бирданига бир неча овоз. — Қочиб бориб, устимизга соҳибларни тўплаб келади.

Полковник тўппончасини маҳкам қисди.

— Мунгар, ҳали сен,— деди полковник оҳистагина,— британияликлар ҳеч қачон қочмасликларини билмай-санми?

У яқиндан туриб ҳиндга қарата отди.

— Бекор қилдингиз, полковник, — деди Франк. — Менимча, бу яхши маслаҳат. Қаранг-а!..

Ўрмондан катта отлиқлар отряди чиқиб келарди. Энди кун ёруғида дарёнинг нариги лабидаги қўзғолончиларнинг катта лагери аниқ кўринарди. Аллигур орқада.



Сал-пал кўриниб турган ёлғизоёқ йўл билан отларигина қолди, чопқир отлари ҳали уларни бу ердан олиб чиқиб кетиши мумкин.

— Яхши маслаҳат!— деб такрорлади лейтенант Франк. Аммо шу пайт полковникнинг ўзи ҳам отининг бошини бурган эди, улар от чоптириб кетдилар.

Урмондан чиқишгач, маккажўхори даласидан бордилар, ундан нарида эса яккам-дуккам буталар ўсган бутазор келди. Полковник даладан қиялаб чолиб борарди.

Уқ полковникнинг қулоғи тагидан чийиллаб ўтиб, оқ пўкак шлёмининг тасмачасини ялаб кетди.

Гаррис асабийлашиб чавкар Робинзонига қамчи солди. Ог яна тезлади.

Кўп ўтмай Гаррис орқасидан кимдир ўага етиб келаётганини эшитди.

Бу Лалл-Синг эди. У кучининг борица озғин тўриқ отани шпор билан ниқталарди.

— Тўхта, соҳиб! — деб қичқирди Лалл-Синг.

Гаррис Робинзоннинг бошини тортди.

— Бу отингда сени отиб қўйишади! Меникини миниб ол.

Лалл-Синг ерга тушиб, ўз отини полковник олдига олиб келди.

Сипоҳи кулиб турарди.

Лалл-Синг қўпдан бери бу ажойиб отни гижинглатиб минишни орзу қилиб юрарди. Полковникнинг Робинзон деган ажойиб чавқар отини ҳатто Мирутдагилар ҳам билишарди. Сипоҳининг қорачадан келган юзида қувончли табассум порлаб турарди.

Бу табассумнинг маъносини ўйлаб ўтиришга полковникнинг вақти йўқ эди. У ҳиндга Робинзонни бериб, ўзи Лалл-Сингнинг ориқ отини миниб олди.

— Раҳмат, Лалл-Синг, — деди полковник ва яна эт чопдириб кетди.

«Наҳотки бу ҳайвон аввалгидек менга содиқ бўлса?» — деб ўйларди у.

Худди бу саволга жавоб бўлгандек, шундай қулоғи тагидан икки ўқ виз этиб ўтди.

Гаррис калласини елкасига қисиб олди.

«Мени сипоҳилар ҳар қандай отда ҳам, хоҳ яқиндан, хоҳ узоқдан танишади, — ачиниб ўйлади у. — Ҳар ҳолда Робинзонимни бекор унга бердим».

От уни далалар оша, нотаниш йўлдан тобора нари олиб борарди. Узоқдан тўп овози эшитилди, кейин тутул ҳиди келди: қаердадир яқин жойда чангал ёнмоқда эди.

Британиялик ўқчилар дала билан битта бўлиб кетишди. Франк ортда қолиб кетган.

Қуёш тиккага келди, жазирама иссиқ, чанқов полковникнинг тинкасини қуритди.

У шу ҳолатда эгарда неча соат йўл босди? Бунга айтиш олмади.

Бамбуқзорнинг нариги ёғида кенг тош йўл келди. Полковник отни ана шу йўлга солди. Олдинда қатор тизилган яланғоч дўнгликлар кўринди, дўнгликлар нари ёғида дарё ярқираб турарди.

«Ие, бу Деҳли йўли-ку!» — деди Гаррис таниб.

От қаёққа олиб кетаётганини билмаганда у миясини

тамоман еб қўйган бўларди. Гаррис қуёшга қараб вақтни аниқламоқчи бўлди. Соат учдан ошиб қолган эди.

Жуда чанқаб кетди.

Сувни қаердан олади? Олдинда, тош йўл бўйида яримлаб қолган ҳовуз кўринди, ҳовуз эмас, йиғилиб қолган оддий кўлмак сув. Кўлмакдан сув ичадими? Йўқ! Гаррис, отга шпор урди. Олга!

Олдинда Деҳли. Қадимий қалъа, шоҳнинг резиденцияси, эскидан мустаҳкамланган шаҳар. Деҳлида ерликларнинг кучли гарнизони, ажойиб ўқчилар, сапёрлар, мамлакатда энг яхши ҳисобланган артиллерия бор. Деҳлида сон-саноқсиз ўқ-дори ва ядро запаслари бор. Наҳотки Деҳлидаги полковник Риплей аллигурилик қўзғолончиларни бўйсундириш учун бир батальон ўқчи бермайдди. Гаррис тўриқ отни ниқталарди.

Олдинда чанг кўтарилди. Кимдир қаршисидан от чоптириб келарди.

Йўл бўйидаги қишлоқ жимжит эди. Қамиш томлар тепасида тутун кўринмайдди. Гўё қишлоқнинг каттадан-кичиги бирдан кўтарилган-у, кўчиб кетган.

Чанг-тўзон борган сари қийинлашмоқда. Қаршидан келаётган сувори отни тарақлатиб қўйиб келарди. Гаррис энди уланнинг¹ чўққи телпагида қоплон терисидан қилинган уч бурчакни ва отнинг кўпириб кетган тумшугини яққол кўрди.

Улан елиб кела туриб, отини таққа тўхтатди.

— Орқага қайтинг!— деб қичқирди улан.— Полковник, орқангизга қайтинг!

— Нима гап?— деб сўради Гаррис саросимада.— Нима бўлди?

— Деҳлини олишди,— деди улан.— Қўзғолончи полклар Деҳлини ишғол қилишди.

У ерга тушди-да, кўлмак сув бўйига чопиб бориб, алам ичида шартта қўл ва юзини ифлос сувга тикди.

Гаррис шундагина мундири қон бўлиб, енгги йиртилганини кўрди.

— Битта ҳам ўқ чиқармай олишди!— деди улан.— Ҳеч қандай қаршиликсиз.

Гарриснинг назарида, буларнинг ҳаммасини у тушида эшитаётгандай туюларди.

¹ У л а н — найзабардор, енгил кавалерияда хизмат қиладиган ҳарбий хизматчи (тарж).

— Деҳлини-я? Мамлакатдаги энг яхши истеҳкомни қўзғолончилар қўлига жангсиз топширишдими? Машҳур форт ва тўплар нима бўлди? Уч полк-чи? Арсенал-чи? Қалъаларчи?

— Ҳаммасини беришди! — деди улан, юзини чиройли оқ мундирнинг этагига артар экан. — Дастлабки қўзғолончилар кеча ярим кечадаёқ Мирутдан йўлга чиққан эдилар. Йўлдаги қишлоқлар ҳаммаси уларнинг орқасидан келишибди. Эрталаб Деҳли ёнига етиб келишди. Қўчма кўприкдан ўтишди... Божхона амалдорини сувга ботиришди! Соқчилар уларни дарвоза олдида салют бериб кутиб олишди. Дарвозалар ланг очик. Тўрт минг ерлик солдат, бир ярим мингтача деҳқон ҳеч қандай қаршиликсиз шаҳарга киришди.

— Гарнизон-чи? Полковник Риплей қаёқдаиди?

— Риплей ўлдирилди! — деди улан. — Ўз сипоҳилари отиб ташлашди. Бутун гарнизон қўзғолончилар томонда. Улар бир-бирлари билан ака-укадек кучоқлашиб кетишди. Ҳал қилувчи пайтда Деҳлида битта ҳам британиялик солдат йўқ экан...

Улан ўз оти ёнига қайтиб борди. Энгашиди-да, ўша довдираган ҳолатида энги жиққа ҳўл, ифлос қўли билан от айилини торғди.

— Бизникилар бир ишйи боплашди: Арсенални портлатишди. Икки ёш лейтенант портлатди. Ўзлари ҳам ҳалок бўлган бўлишлари керак.

— Майор Аббот-чи? Унинг ерли ўқчилари-чи? — деб сўради Гаррис ўзига келолмай.

— Майор Аббот оти-ю, қуролини-ю ташлаб, пиёда Курнаул йўли билан қочди... Унинг ерли ўқчилари ўз офицерларини отмоқдалар.

Улан полковникнинг юзи бирдан оқариб кетганини кўриб қолди.

— Тўхтаг, полковник, мен ҳозир сизга ёрдам бераман.

У ҳалиги кўлмакдан сув олиб келди-да, Гарриснинг шлёмини ечиб, ифлос сувни унинг бошига қуйди.

— Орқага қайтинг, полковник! — деди улан.

Икковлари ҳам эгарга сакраб минишди-да, бўм-бўш тош йўлдан орқага от чопдириб кетишди.

— Энди биз қоронғу тушгунча Курнаул йўлига етиб олишни ўйлашимиз керак, — деди улан.

ҚУРҒОН ДЕВОРЛАРИДА

Мирутда нималар бўлганини ҳали ҳеч ким билмас-да, кенаси билан ҳамма ниманидир кутарди. Шаҳар аҳолиси эрталаб соат тўртдан буён ухлагани йўқ, савдогарлар дўконни очсакмикин, очмасакмикин деб иккиланишарди. Шайтон-Парада бўлса ҳеч ким ётгани йўқ. Бугунги кун бошқаларга нима келтирса келтира берсин-у, лекин камбағаллар маҳалласи ҳисобланган Шайтон-Паранинг аҳолисига фақат озодлик келтириши мумкин.

Шаҳарнинг дарёга қараб турган деворига тонгдан бошлаб одамлар тўпланишди. Ҳамма Жамнага, кўчма кўприкка, Мирутга олиб борадиган йўлга қарарди.

Эрталаб соат тўққизлардаёқ текис йўлда—узоқда чанг-тўзон кўгарилди.

— Ушалар, ўшалар!—деб қичқиришди одамлар.

Чанг-тўзон яқинлашиб келаверди. Энди катта қўшин, бир неча минг одам кечувга қараб келаятгани аниқ кўринарди.

Ана, чанг орасидан сувориларнинг зангори мундирлари кўзга чалина бошлади — суворилар олдинда келишяпти.

Ҳаммалари оқ салла ўрашиб олган,— отлиқ суворилар жирканч киверларни ечиб ташлаб, бошларига оқ сурп ўраб олишган, — тўрттадан бўлиб, текис саф тортиб келишяпти.

— Ушалар, ўшалар, қўзғолончилар!.. Қаранглар-а, қаранглар-а!..

Суворилар Жамна кўпригига етиб келишди. Одамлар деворда қотиб қолишди.

Мана, отлиқларнинг биринчи қатори кўчма кўприкка чиқди. Омонат тахталар отларнинг туёғи остида чайқалади. Қўзғолончиларнинг пойма-пой ашуллари эшитилади.

— Қарасанглар-чи, қарасанглар-чи! Оқ шапкали божхона амалдорини сувга ботириб юборишди! Божхона ёнидаги соқчилар милтиқларини ташлаб сувориларни ўтказиб юборяптилар!.. Қарасанглар-чи, қарасанг-чи!

Деҳли минораларида тушуниб бўлмайдиган жимлик ҳукмрон. Тўплар қўзғолончиларга қарата отадими? Ша-

ҳар дарвозаси ёнидаги соқчилар уларни қандай кутиб олишаркин?

Бугун шаҳарда қоровуллик хизматини ўттиз саккизинчи пиёдалар полки, бундан беш йил аввал денгиз орқали Бирмани бўйсундиришга боришдан бош тортиб, ўз офицерларига қарши чиққан ўша машҳур ўттиз саккизинчи полк олиб борарди. Бугун қўрғонда офицернинг командасига қулоқ соладиган, ўқлаб қўйилган тўпларга запал урадиган лоақал битта сипоҳи топилармикин?

Колоннанинг боши шаҳар девори ёнига етиб келди. Қулоллар, мешкоплар, ковушдўзлар, саррочлар, темирчилар тепадан қараб туришибди. Қўрғон дарвозаси қўзғолончи полкларга очиб бериладимикин?

Одамлар худди бир кишидек нафасларини ичларига ютиб, шаҳар деворидан қараб туришибди.

Дарвозалар ланг очилди. Дарвоза олдида шодиёна қийқириқлар янгради. Соқчилар осмонга қараб ўқ узиб, салют беряптилар... Соқчилар икки ёнга ўтиб, сувориларнинг биринчи қатори шаҳарга кирди.

— Ҳал-ло, Деҳли!.. Ҳал-ло, Мирут!..

Тўпдан ўқ узилди. Сўнг иккинчи тўп, учинчи тўп гумбўрлади. Ҳамма миноралардаги тўплардан осмонга қараб ўқ узилди.

Деҳлининг тўплари қўзғолончиларга салют бермоқда.

Деворда ҳар хил овозда қийқиришиб: «Ҳал-ло!»— дейишади. Аламон кўпириб, қўллар бараварига силкинади:

— Салом, биродарлар!.. Бхай-банд!

Отлиқлар кетидан кўприкка занжирдай орқама-орқа, гоҳ сафи бузилиб, гоҳ тўғриланиб, пиёдалар кирапти, улар параддагидек қизил куртка кийишган, дўмбира оҳангига оёқ ташлаб, байроқни ҳилпиратиб келардилар. Сипоҳилар қирғоққа келиши билан сувга ташланар, сузиб, кечиб ўтардилар. Шодиёна қийқириқлар яна қаттиқроқ янграйди, мана дарё томондаги яна бир дарвоза очилади. Ўзи нима гап? Ахир бу сарой дарвозаси-ку! Деҳли ҳукмрони Баҳодиршоҳ ҳам қўзғолончилар билан биргами!.. Ҳал-ло, Баҳодиршоҳ!..

Кўприкдан деққонлар ўтишяпти. Тупроқ рангидаги кийим кийган, хонаки кўк сурпдан салла ўраган Ҳиндистон райотлари. Тошда қайралган найзалар қуёшда ярақлар, ўзлари ясаб олган узун найзалари тебраниб турар-

ди. Райотлар пидедалар билан ака-укадай елкама-елка қадам ташлаб келардилар.

— Салом!.. Бхагпут деҳқонлари! Салом!..

Сурнайчилар кўчасида бир текисда оёқ товуши, қий-қириқлар эшитилди. Эллик тўртинчи ерлик полк ўз линияларидан чиқмоқда эди.

Эллик тўртинчи полкнинг сипоҳилари шимолий девордаги кенг бўш саҳнга уймаланишмоқда.

— Ўз биноларингиздан чиқишга ким ижозат берди?.. Хиёнат! Исён!.. — Полковник майдонни қиямасига кесиб, уларнинг олдига чопди, у шлёмининг тасмачасини йўл-йўлакай қадаб борарди.

Сипоҳилар деворнинг нариги томонида аламоннинг шовқин-суронини, табрик нидоларини эшитишди. Мана, кўчанинг муйилишида олдинги сафдаги сипоҳилар кўрина бошлади.

— Қўзғолончилар ўққа тутилсин!..—деб команда берди майор. Сипоҳилар милтиқларини қўлга олдилар. Офицерлар фақат бир мартагина қичқириб команда беришга улгуришди. Бир неча ўқ узилди-да, полковник ўлдирилди, иккита лейтенант ҳам ўлди; майор чуқур хандақдан сакраб ўтиб қочиб қолди, у шаҳар деворидан нажот қидирарди.

Офицерлар қочмоқда! Соҳиблар ҳукмрэнлиги тугатилди...

— Ҳал-ло! Фаранглар рожаси ўлди!—деб қичқирарди аламон.

Эллик тўртинчи полк мирутлик полклар билан кўшилишга шошилади. Деҳли сипоҳилари билан Мирут суворилари бир-бирларини қаршилаб, ака-укалардек қучоқлашишарди.

— Деҳли ўзимизники!.. Соҳибларнинг куни битди!.. Бхай-банд!..

Шаҳар дарвозасининг бу томонидаги тор кўча энди ҳаммани сифдиrolмайди, аламон тўлқинланади, қўзғолончиларнинг олдинги колоннаси шаҳарнинг катта кўчаси — Кумуш Бозорга чиқади.

Саройда изтироб. Баҳодиршоҳ қўзғолончилардан ҳам хурсанд, ҳам хафа. Инглизлар қочишяпти — бу яхши; аммо улар яна қайтиб келишлари мумкин. Деҳли ҳукмдори қўллари қалтираб, кимхоб дўпписини кияди. У дарё томондаги дарвозани очишга, шаҳар дарвозасини ёпишга буйруқ беради. Кекса шоҳ нима қиларини билмайди.



Шаҳардаги бир қанча инглизлар саройдан паноҳ излайдилар. Пастда, шоҳнинг хосхонасига кириладиган зинапоя тагида шаҳарнинг бош ҳукмдори, мусулмон ва ҳиндларнинг жаллоди, соҳиблар соҳиби Фрэзер турибди. Сарой соқчиларининг бошлиғи капитан Дуглас зинадан чиқиб келаётир. У Баҳодиршоҳдан инглизларни ўз хосхонасида яширишни сўрайди.

Соч-соқоли оппоқ, қўрқиб қалтираган кекса шоҳ унга пешвоз чиқади. У қалтираб турган оёқларига ўралашган кимхоб тўнининг ёқасини ушлаб турипти.

— Кет, капитан! — деди Баҳодиршоҳ лаблари қалтираб. — Агар инглизларни яширсам, қўзғолончилар мени ўлдиради.

Пастдан қичқирган овозлар эшитилди. Шоҳнинг муҳрдори бўлган Хожи кира беришда Фрэзерни чавоқлаб ташлади. Халқнинг золимларга қарши ғзаби ҳаддан ташқари қаттиқ, инглизларнинг жинояти ҳаддан ташқари кўп. Аламон юқорига қараб югурди. Фрэзер ўлдирилди, капитан Дуглас ҳам шоҳнинг хосхонасида ўлдирилди.

Қўзғолончиларнинг катта аламони Кумуш Бозордан ўтиб кетяпти. Шаҳарнинг бечора камбағал ишчи халқи — тўқувчилар, қуролсозлар, тоштарошлар, мисгарлар, бочкасозлар сипоҳиларга қўшилишди.

— Қуролланинг! — деган ҳайқиряқ эшитилди. — Соҳибларнинг қуроллари олинсин!..

Аламон кўчанинг ғарбидаги боши берк жин кўчага зичлашди. Баланд девор орқасидаги Арсеналнинг думалоқ биноси кўриниб турибди. Темирчилар, эгарчилар, кулоллар, ҳаммоллар, туякашлар ўзларига нима кераклигини билдилар. Бу ерда қурол-аслаҳа, ўқ-дори, милтиқ, порох, тўплар, снарядлар — минглаб милтиқ, ўн минглаб патрон бор, қурол — қўзғолоннинг нони-ку.

Арсенал дарвозаси ёпиқ. Қироликнинг икки лейтенанти дарвозани ичкаридан ёпиб олиб, тўсиб туришибди. Арсеналдаги ҳамма хизматчилар эрталабоқ офицерларга қулоқ солмай кетиб қолишди, уларнинг ҳаммаси ҳиндлар эди, британиялик солдатлар йўқ. Арсеналнинг омборини ҳеч ким ҳимоя қилмайди.

— Деҳли ҳукмрони номидан буюраман, қурол-аслаҳа омборлари очилсин!..

Отлиқ рессолдор-Мирут полкининг ерли офицери Рустамхон дарвоза олдига келди.

Рустамхоннинг сўзига ҳеч ким жавоб қилмайди.

— Баҳодиршоҳ номидан айтяпман!

Риссолдор отдан ирғиб тушиб, қилич дастаси билан темир дарвозани қоқа бошлайди:

— Деҳли шоҳи номидан буюраман!..

— Кет!— дейишди ичкаридагилар.— Қўзғолончиларга дарвозани очмаймиз.

Бу лейтенант Форрест бўлиб, у Арсеналнинг ички биноларидан чиқиб гапираётган эди.

Аҳа, фарангилар жавоб қияпти!.. Дарвозанинг мустаҳкам кертисига темир ва тош парчалари келиб урила бошлади.

— Қурулларни бу ёққа бер, фарангилар!

— Патронларни!.. Порохларни!

— Қуруллар қўзғолончиларники! Омборларни очингиз!..

— Қўзғолончилар, йўқолингиз!.. — Ингичка, бузуқ товушда кичқирди лейтенант. — Сизлар қироличамизга хиёнат қилдингиз!..

— Энди бизнинг тепамизда ҳеч қанақа қироличанг йўқ!.. Дарвозани оч! — дерди аламон гуриллаб.

Дарвозани жуда қаттиқ уришди. Кейин қўзғолончилар деворга штурм қилиб келишди. Аммо дарвоза мустаҳкам, қўш қават, темир қоқилган.

— Нарвон! Нарвонларни келтиринглар!—деб команда берди Рустамхон. Бир группа сипоҳилар айланиб ўтиб, ён деворга штурм нарвонлари қўйишди, одамлар юқорига ўрмалашди, мана, ўнлаб кишилар девор тепасига чиқиб олди...

Шу чоқ зўр туртки ерни ларзага келтирди. Гумбурлаган овоз осмонни шанғиллатиб юборди, бундай гумбурлашни Осиё ери ҳали эшитмаган эди.

Гўё олов ҳолида бўлган ер бағри қобингани ёриб, зўр куч билан осмонга интилгандай бўлди.

Ҳалиги британиялик икки лейтенант Арсенал қўзғолончилар қўлига ўтиб кетаётганини кўриб, порох омборларини портлатган эдилар.

«Ҳаммаси осмонга учиб кета қолсин, қўзғолончиларнинг қўлига тушмаса бўлгани» — дейишди офицерлар. Лейтенантлардан бири деворнинг рампартида¹ навбатчи-

¹ Рампарт — тош деворнинг туртиб чиққан жойи.

лик қилар, иккинчиси пастда, марказий омборга кира беришда кутиб турарди. Қўзғолончилар деворга штурм нарвонлари қўяётганларида биринчи лейтенант ғазабдан оқариб кетган юзини иккинчисига ўтириб: «Улар ҳозир ёриб киришади!»—деди. Иккинчиси шалқасини бошидан олиб қимирлатди. Бу сигнал эди. Шу заҳоти порох приводи ёнида турган сержант олтингугуртни чақди.

Арсеналнинг марказий думалоқ биноси порох тикилган баҳайбат бомбадек ёрилиб кетди. Аланга ва тутун бурқсаб, осмонга кўтарилди. Қуёш юзи хиралашди. Атрофдаги уйлар гумбурлаб қулади.

«Эй, улуғ парвардигор! Ўзинг асра! Ўзинг сақла!...»—Қонга бўялган одамлар парча-пурча ғиштлар, оппоқ оҳак тўзони орасида ўзларини у ёқдан-бу ёққа урардилар.

Аламон анча орқага қайтди. Шаҳар аҳолиси қўшни кўчалардан қочмоқда. Хотинлар қичқириб, йиғлаб, қонга бўялган болаларини кўтариб борардилар.

— Рустамхон қани? Риссалдор ўлдирилди. Портлашнинг зўри билан ёнидаги уй деворига бориб урилибди.

Суворилар орасида парокандалик. Отлиқлар Мусулмон Бозоригача, Ражратт дарвозасигача чекиниб кетдилар. Арсеналга туташган кварталлар бўшаб қолди.

— Шўримиз курди, биродарлар!.. Нима билан жанг қиламиз энди?

Осмонга янгидан-янги тутун бурқсаб кўтарилмоқда, ер ости омборлари портламоқда. Омборларда портлаган ракеталарнинг қасир-қусури, ёнаётган патронларнинг отилиши анча вақтгача эшитилиб турди.

Кундуз соат уч. Бу пайтда жазирамага тоқат қилиб бўлмайди. Одамлар салқин жой қидирадилар. Улар тўрваларини ечишни, фонтанлардан сув ичишни, дам олишни истайдилар.

Баъзи сипоҳилар тўда-тўда бўлиб, тор кўчаларда дайдиб юришибди.

— Ўзимизникилардан адашиб қолдик... Қаерда тўпланишимиз керак?—деб сўрашарди баъзилар.

— Саройга бординлар. Ўша ерда кўрсатишади!—деб қичқирешарди бошқалари.

— Фарангиларнинг рожаси тамом бўлди. Энди Баҳодиршоҳ бизга бошлиқлар тайинлайди...

Аммо Баҳодиршоҳ жим. У саройдан шаҳарга чиқади-ган дарвозани ёпишни буюрди. Баҳодиршоҳ қўзғолончи қўшиндан қўрқарди.

— Рустамхон портлашдан ҳалок бўлди... Энди ким бизга риссалдор бўлади? — деб сўрашарди бир-бирларидан суворилар.

Гренадерлар полки формасидаги новча бир сипоҳи бузилмай қолган деворга тирмашиб чиқди.

— Солдатлар, ўз полкларингизни топиб олингиз! — деб қичқирди гренадер. — Ёки соҳиблар беҳосдан ҳужум қилиб, эчки подасидек ҳаммамизни қириб ташласинми?.. Мирутлик сипоҳилар!.. Туққизинчи Аллигул полки!.. Саксон икки полк отлиқлари!.. ҳаммангиз ўз байрогингиз остига тўпланингиз.

— Ҳа, ҳа... Эски ўртоқларимиз билан бирга бўлишимиз керак. Тўғри! Тўғри! — деб қичқаришарди солдатлар. — Ҳамма ўз байроғи остига тўплансин.

Пиёда сипоҳилар шовқин-сурон билан Кумуш Бозорга ва унга туташган кўчага жойлашдилар.

— Фаранглар рожаси ҳалок бўлди!.. Энди бизга Баҳодиршоҳнинг ўзи бошлиқлар тайинлайди!..

Сипоҳилар бозор майдонида ёққан гулханлари ёнида кутардилар.

— Баҳодиршоҳ нега индамайди?

— У тез орада шаҳарга жарчиларини чиқаради.

Баҳайбат, қора булут алангада ёришиб, шаҳар маркази теласида анча туриб қолди, у узоқ ва яқин қишлоқлардан, анча миль атрофдан кўриниб турарди.

Соат бешдан ошди. Тезда қуёш ботади. Майда-майда отрядларга бўлинган отлиқ суворилар кўчаларни айланиб юрибди.

— Рустамхон ҳалок бўлди... Суворилар, биродарлар, энди бизга ким бош бўлади? — деб бир-бирларидан сўрашарди мирутлик отлиқлар.

— Баҳодиршоҳдан хабар кутинглар. Отлиқ ва пиёда қўшинга шоҳнинг ўзи бошлиқлар тайинлайди.

Саройда маслаҳат бўляпти. Кекса шоҳ бу воқиялардан кейин анча вақтгача ўзига келолмади. Охири у министрларини маслаҳатга чақирди.

— Қўзғолончи полкларга кимни бошлиқ қилиб тайинлаймиз? — деб сўради Баҳодиршоҳ министрларидан.

Министрлар ташвишда. Шаҳар камбағаллари уй-уйларидан чиқдилар. Қўзғолончи деҳқонлар кўч-кўрони билан шаҳар майдонларида ётишибди. Кўчалар пиёда ва отлиқ солдатларга тўлиб кетган. Кўҳна Деҳли ҳеч қачон бунақанги кўп қўшинни кўрмаган эди.

Министрларнинг қовоғи солиқ.

— Меҳмонларимизни маҳкам тута билиш учун қаттиққўл киши керак.

Шоҳнинг ўғли Мирзо Мўғул гапирмоқчи. Ҳамма Мирзо Мўғулга қаради.

Шаҳзода базм-ишратда, отасининг саройида тинчгина ҳаёт кечириб семириб кетган. Мирзо ялқовлик билан енгисиз атлас либоснинг ёқасини тўғрилади.

— Бутун қўшинга мен бошчилик қиламан, — деди кеккайиб Мирзо.

Министрлар бир-бирларига қараб олишди. Министрлар Мирзонинг хоҳишига қарши гапиролмайдилар. Аммо кекса шоҳнинг ўзи бош чайқади:

— Ўғлим, сен оғирлашиб қолгансан, — деди шоҳ. — Отга мина олармикансан? Қўзғолончи суворилар гапингга қулоқ солармикин?

— Хавфли!— деб шивирлашди министрлар.— Шаҳримизнинг халқи қизиқ қон, мусулмонлар баджаҳл, ким билсин, халқнинг ғазаби кимга қараб сочилади?..

Саройдагилар узоқ маслаҳатлашишди-ю, ҳеч қандай қарорга келишолмади.

Жамнанинг ғарбдаги қишлоқлар ҳали бу ҳодисалардан хабарсиз эди. Инсур билан Лалл-Синг иккови тонг отганда турганларича, куни бўйи Курнаул тош йўлидан жануб ва ғарбдаги қишлоқларни ҳамда ҳарбий станцияларни айланиб чиқдилар. Инсурнинг тагида мирутлик суворилардан бири совға қилган яхши от. Лалл-Синг кумуш ранг янги шоҳи салла ўраб, кумуш ҳалқали камар боғлаган, у полковникдан олган човқари Робинзонда болалардек шод бўлиб, Инсурдан орқада қолмай, ёнма-ён борарди.

— Полковнигимиз ақл жиҳатдан ҳам, ўзиям семиз кўтосдек қўпол одам эди, у минганда от ҳам зўрға юрарди. Буни қара, менинг остимда ўйноқлайди-я, жонивор, — деб севинарди Лалл-Синг.

Улар энди отларини орқага, қўрғонга буриб, Жамнанинг кечиб ўтиладиган жойига етиб келишган эди. Бирдан отлари тўхтаб, гўё ердан чиққан қандайдир кучли зарб кўтариб юборгандек, олдинги икки оёғини осмонга кўтарди. Дарёнинг суви чайқалиб, қирғоққа урилди.

— Уни қара, Инсур!— деди Лалл-Синг.

Қўрғон тепасида бурқсаб тутун ва аланга кўтарил-

ди. Худди катта-катта бинолар қулаб, тўзонга айлангандек, Деҳлидан гумбурлаган овоз келди.

— Бу порох омборлари-ку! — деб қичқирди Инсур. — Соҳиблар Арсенални портлатдилар!

— Арсенал!.. Унда бутун Ҳиндистондагидан кўпроқ порох ва снаряд бор эди!..

Лалл-Синг Инсурга қаради. У Инсурни биринчи марта шу ҳолатда кўрди. Инсур оқариб кетган; чанг босган юзидан тер томчиб оқарди.

— Шўримиз қуриди-ку, Лалл-Синг!.. Энди нима билан жанг қиламиз?..

— Қўрғонда яна битта омбор бор, кичикроқ, — деди шошиб Лалл-Синг. — Мен уни биламан: шимолий девор ёнида, ер ости омбори.

— Унга тезроқ қоровул қўйиш керак. Қани, кетдик. Лалл-Синг!..

Улар отларни ниқталашди. Дарё лабидаги дарвозалар уларга очилди. Мусулмон Бозоридан ўнтроқда ҳали ҳам қора тутун бурқсарди, марказий бинонинг қолдиқлари ҳамон каттакон чумоли инидай биқсиб ёнарди. Вайроналар орасида хотинлар яқин кишиларини излаб юардилар.

— Буйруқ берган соҳибнинг қаҳри бунчалик қаттиқ экан-а! — деб йиғлашарди хотинлар.

— Кашмир дарвозасига борамиз! — деди Инсур Лалл-Сингга.

Улар йўлда давом этдилар. Кашмир дарвозасидан сал беридаги Ўттиз саккизинчи пиёдалар полкининг казармаларида Инсур Бенгал артиллерия полкидаги эски дўстларини топиб олди. Мана, Рунжит, Лакхи-Нат, узун бурунли, кўрс Шайтон-Оға.

— Тирикмисан Инсур? Соҳиблар сенинг осилганинг ҳақидаги буйруқни ўқиб беришган эди-ку, — дейишди уни кўрган артиллериячилар.

Ўнинчи май эрталаб, қўзғолон кўтарган полклар қўрғонга киргандан роппа-расо бир кун кейин, Ўттиз саккизинчи ерлик полкини майдонга тўплашди. Офицерлар уларга Калькуттадан жуда кечикиб келган март ойидаги эски буйруқни ўқиб эшиттиришди. Калькуттадаги Бенгал армияси штабининг ҳарбий трибунали Барракупурдаги ғалаённинг сабабчиси бўлган Панди номли уч си-поҳининг иши юзасидан ҳукм чиқарган эди.

«Учови ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинди ва ҳукм ижро этилди», — дейиларди буйруқда.

— Биз ишонмаган эдик, — деди кулиб Шайтон-Оға. — Сенга ўхшаган одам соҳибларга бўш келиб бўпти! Арқонни ҳам узиб қочарсан.

— Пандиларнинг ҳаммасини осолмайдилар, — деди Инсур. — Биз уч киши эдик, ҳозир пандилар минг-минглаб.

Инсур ўртоқлари билан Кашмир дарвозаси олдидаги запас қуrol-аслаҳа омборига бориб, унга қоровуллар тайинлаб қўйишди.

— Кўрхонага ҳеч кимни яқин йўлатмайсизлар! — деб буюрди Инсур.

Энди қўрғонда офицер-соҳиблар йўқ. Тирик қолганлари яширинча Курнаул тош йўли билан қочишган.

— Фаранглар рожаси тугади, — деб хириллади Шайтон-Оға. — Энди улар яна қайта келишмасин деб ташвишдамиз.

Ҳаммалари шаҳар девори миноралар, қалъалар, шинаклар, жанговар постларни кўздан кечиришга кетдилар.

Шарқ томонда қўрғоннинг мустаҳкам девори тагидан Ҳамна дарёси ўтади. Бу томондан шаҳарни қамал қилиб бўлмайди. Дарё устидаги қайиқлар устига қурилган енгил кўприк орқали бутун мамлакат билан алоқа қилса бўлади. Мадад ҳам, озиқ-овқат ҳам шу ердан олиб кирилади. Бу кўприкка душман яқинлаша олмайди, чунки Морил ва Дарё бастияларининг тўплари одамзодни кечувга яқинлатмайди ҳам, алоқани узишга йўл қўймайди ҳам.

Жануб ва ғарб томондан эса шаҳар деворига бево-сита шаҳар атрофидаги хонадонларнинг чалкаш-чулкаш бостирмалари, уйлари ва атрофдаги қишлоқларнинг боғлари ёпишиб кетган. Инглизлар на ғарбдан, на жанубдан қўрғонга яқинлашишга журъат этолмайдилар.

Шимол томон қолди. Инсур қўрғон деворининг шимолий участкасини, Кашмир, Аймер, Бэрней бастияларини, тош тўсиқларни, шинак ва хандақларни диққат билан кўздан кечирди. Баланд тупроқ кўтарма қалин деворни ярмигача тўп ўқидан пана қилиб турарди.

— Бу кўтармани тош билан мустаҳкамлашни ва қўрғон хандағини тўрт фут чуқурлатишни ўтган йили соҳибларнинг ўзлари буюришган эди. — деди жилмайиб Шайтон-Оға. — Меҳнатимиз зое кетмаганини қаранг-а.

Инглизлар қамал қилишга аҳд қилса, қўрғонга шимол

томондан қулай йўл топишга ҳаракат қилишади. Деҳ-
лидан шимолроқдаги текисликда қиямалаб, унча баланд
бўлмаган тепалар чўзилиб ётарди. Бу тепалар баъзи
жойларда шаҳар деворидан бир милдан ҳам яқинроқ-
дан ўтади.

— Соҳиблар шу тепалардан пана жой қидира қол-
синлар,— деди хўмрайиб кекса Рунжит.— Деҳли кучли,
уни ҳеч ким темир ҳалқага қисиб қўёлмайди.

Қўзғолончи полклар кечгача шоҳ саройидан буйруқ
кутдилар. Отлиқ суворилар Мусулмон Бозорида лагерь
қуриб олишди. Отларни аллақачон яланғочлаб, фонтан-
лардан суғоришди.

— Баҳодиршоҳнинг элчилари қани?

— Йўқ, шоҳнинг саройидан ҳали дарак йўқ.

Фақат хуфтонга яқин, қоронғида жарчи шаҳар айлан-
ди. Олдинда қора мой ёқиб машъала қилиб олган чопар-
лар боришарди.

— Эшитинглар! Эшитинглар! Баҳодиршоҳнинг буй-
руғини эшитинглар!..

— Бутун қўшинга Бахтхон бошлиқ қилиб тайинланди.

— Роҳилқандлик Бахтхон... Улуғ шоҳимизнинг буй-
руқлари шу.

— Эшитинглар, эшитинглар!..— Жарчи Боғлар кў-
часига қайрилди. Машъалалар шуъласи чинор дарахт-
ларининг баргларида сўнди.

— Бахтхон-а? Баҳодиршоҳнинг ишончига келиб-келиб
шу сазовор бўлибди!.. — деб ҳайрон бўлишарди сувори-
лар. Улар офицер Бахтхонни яхши билишарди, у шоҳ-
нинг узоқ қариндоши.

— Бахтхон қўрқоқ ва тилёғламачи, у шоҳга ширин
сўз айтишни яхши билади.

— У тулкидек муғамбир. ~~Ш~~ёндек қўрқоқ. Қандай
қилиб у бизни фарангиларга қарши жангга олиб бора
олади?

— Суворилар, кеч бўлиб қолди, эртага ҳаммасини
билиб оламиз.

Ярим кеча. Қўрғон устига қоронғулик чўккан. Кўча-
лар ва майдонларда одамлар чўзилишиб ётибди... Фон-
танлар атрофида, Катта Мачит ёнида, эрталаб мусул-
монлар қизғин савдо қиладиган Томба-бозорда — ҳамма
ерда одамлар ётишибди. Булар чарчаган солдатлар.
Шаҳарнинг куни бўйи қизиган тошлари аста-секин со-

вий бошлади. Кўчаларда ориқ мушуклар изғиб, одамларнинг бошларидан, чўзилган қўллари устидан сакраб ўтади. Қарғалар эрталабки иссиқдан дарак бериб, хириллаб қағиллайди.

Инсурнинг уйқуси келмайди. Улуғ жанг бошланди. Бу кунни боболар орзу қилишган, оталар ҳозирлашган. Ҳиндистон халқлари она-ваган озодлиги учун жангга чиқадиган пайт келди.

Инсур ёнига ҳамроҳларини олиб, яна баланд Кашмир қалъасига чиқади. Кўтарилган ой шаҳар девори орқасидаги яланғоч тошлоқ текисликни, Ножуфгур каналининг қорамтил изини, бир ярим милча наридаги пастак тепаликлар тизмасини ёритиб турибди.

Эрон урушини, Панжоб урушини кўрган, Бирма урушида қатнашган кекса артиллериячи-сержант Рунжит қалъадаги энг катта тўпнинг стволига қўлини қўйди.

— Соҳиб-офицерлар бизни кўп йил ўргатишди, — деди Рунжит. — Тўпни қандай сақлаш, яқин ва узоққа қандай отишни ўргатишди. Қани энди ўзлари Деҳлига яқин келиб кўришин, ўргатган билимларини қандай тушунганимизни билиб олишади.

Ўн иккинчи боб

БЕШ УЛИК ГЕНЕРАЛ

Ходсон сира дам олмай Лахордан Амбаллага, Амбалладан Лахорга от чоптириб бориб келди.

Ходсондан бошқа ҳеч ким от устида бунчалик кўп: йигирма тўрт соатлаб эгардан тушмай, манзилсиз, уйқусиз юришга тоқат қилолмас эди.

У икки арабий отни чарчатди, ҳозир учинчисини чоптириб бормоқда.

Ходсон генерал Ансондан сэр Жон Лоуренсга шошилинч махфий маълумот олиб борар, сэр Жон Лоуренсдан Ансонга жавоб олиб қайтарди.

Бундан ўн кун аввал, ўн биринчи майда телеграф орқали Деҳлидан Амбалла—Лахор—Пешаворга хабар тарқади.

Икки сигналчи бир бало қилиб Деҳли телеграф станциясида деярли кундуз соат учларгача туришган ва қўзғолончилардан омон қолган биттагина сим орқали бўлган воқиаларни Панжобга хабар қилишган эди.

Телеграфдан ҳаммани ҳайратда қолдириб:

«Панжобнинг ҳамма станцияларида... Бенгал армияси қўзғолон кўтарди... Деҳли душман қўлида. Британия офицерлари қўрғонни ташлаб чиқиб кетдилар», — деган хабар тарқади.

Мана энди Ходсон Лахордан Амбаллага, Амбалладан Лахорга изғиб қолди...

Армия қўмондони Ансон Ходсонга меҳрибонлик қилди. У Ходсонга сикхлардан элликта отлиқ шахсий соқчи берди. Ходсонни Ҳарбий кенгашга киритди...

Мана энди капитан Ходсон бешта кекса генерал ўртасида ўтириб, бемалол маслаҳатлар берапти.

Аҳвол жиддий эди.

Ансон бу воқиаларни Ҳималайда ўзи ёлғиз турган жойда анча кеч эшитди, Симладан Амбаллага дарров жўнай олмай, қимматли фурсатни бой берди. Ватерлоо ёнидаги жангни ҳам кўрган кекса офицер Ансон Ҳиндистон ишларида хомлик қиларди.

Ҳал қилувчи пайтда ҳеч нарса тайёр эмас экан. Палаткалар йўқ. Келаётган қўшин очиқ жойда қолди.

Юк ортиладиган ҳачирлар йўқ; уларга қарайдиганлар қочиб кетишган; ем йўқ, деҳқонлар исён кўтаришган.

На дори-дармон, на ярани боғлайдиган нарса бор. Граждан амалдорлар каловлаб қолган, улардан ёрдам кутиб бўлмайди.

Аҳвол ниҳоятда мушкул. Соч-соқоли оқарган беш кекса генерал Ансон штабнинг шошиб-пишиб қурилган кўчма палаткасида кеча-кундуз маслаҳатлашарди.

Панжоб, қўшни Панжоб Ҳиндистонни британияликлар учун қутқариб қолиши мумкин эди.

Панжобда катта тўплар, қамал артиллерияси, европалик кўп қўшин бор. Пешаворнинг ўзида, чегарада саккиз минггача британиялик солдат бор. Энг яхши кишилар, энг қобилиятли, эпчил офицерлар Панжобда. Инглизлар Ҳиндистонда ҳоким бўлиб қоладими, йўқми, буни ҳозир Панжоб, фақат Панжоб ҳал этади.

Панжобнинг хўжайини Лоуренс буни жуда яхши биларди. Аммо Жон Лоуренс Панжобни Панжобнинг ўзида туриб қутқариб қолмоқчи.

Унга хатарли хабарлар келиб турарди; Марказий вилоятлар каби Панжоб ҳам қўзғолмоғи мумкин.

«Мен буни Британия ҳокимиятининг Ҳиндистонда шу пайтгача учраган кризисларидан энг хавфлиси деб ҳисоблайман», — деб ёзди у Ансонга.

Лоуренс қатъий чоралар кўриш тарафдори эди.

— Панжобдаги ғулғулани нима қилиб бўлса ҳам бостириш керак, — дер эди у қўл остидаги одамларга.

Яқин ва узоқ ҳарбий станцияларда кўпдан буён ҳаракатсиз ётган тўпларга ниҳоятда яқин ердан мўлжал топилди: уларнинг оғзига ерлик солдатлар елкасини ўгириб боғланди. Панжобдаги чегара кучлари қўмондонининг ёрдамчиси Невилль Чемберлен Юқори Ҳиндистонда кейинги йилларда унутиб юборилган бу эски ўлим жазосини янгидан тиклади.

Лахорнинг ўзида ҳам ғалоёнлар бошланди.

Бир кечада шаҳар ва унинг атрофидаги жойлардан қўзғолон тайёрлашда шубҳаланиб етти юзтача киши қамоққа олинди.

Қип-қизил мулойим юзи, гавдасининг юмолоқлиги учун мистер Пиквик деб лақаб олган шаҳар ҳокими, Лоуренснинг ўнг қўли Роберт Монгомери ҳам ана шундай пайтда ўз кароматини кўрсатиб қолди.

Кекса Лоуренс ундан:

— Қўзғолончиларга қандай чора кўрилди? — деб сўраган эди, «мистер Пиквик» қисқа қилиб:

— Ҳаммасини осншга бўюрдим, — деб жавоб ёзиб юборди.

— Жуда соз қилибсиз, — деди Лоуренс ҳам қисқа қилиб.

Лоуренс генерал Ансонга кейинроқ, Панжобнинг ўзида «ғалаён»ни тугатгандан сўнг ёрдам беришни ваъда қилди.

— Ҳозир нима қиламан? — деб маслаҳат сўради Ансон.

— Генерал, қўл остингизда бор куч билан Деҳли устига юришингиз керак, — деди Лоуренс.

Қироличанинг Панжобдаги агенти, Юқори Ҳиндистоннинг вице короли Лоуренс Жалькутта билан алоқа узилиб қолган шу кунларда мамлакатда ҳарбий ва гражданд ҳокимиятини ўз қўлида тутиб турарди.

«Қўзғолон олови бутун Ҳиндистонни қопламасдан, дарҳол Деҳли устига юриш керак», — деб ёзди у Амбаладаги Ансонга.

«Мен қулай фурсат келишини кутсак дейман, — деб жавоб қилди Ансон. — Деҳли яхши мустаҳкамланган, менинг ихтиёримдаги тўплар эса кичкина, шаҳар деворини штурм қилишга ярамайди. Бутун мамлакат қўз-

голончиларга хайрихоҳлик қияпти. Биз, британияликлар ана шу оз кучимиз билан Деҳли қўрғони олдида қайта ўзимиз қамалга тушиб қолишимиз мумкин»...

Аммо Лоуренс кечиктириш ҳақидаги гапни эшитишни ҳам истамасди.

«Генерал, сиздан Ҳиндистонни бошқаришимизнинг бутун тарихини эслашингизни сўрайман. Қўрқоқларнинг маслаҳати билан жангда ютган пайтимиз борми?.. Жасурлардан ўрнак олиб, ғалабага эришиб келганмиз!»

Ходсон бу мактубларни Лахордан Амбаллага, Амбалладан Карнаулга олиб борди. Оёқларининг териси қадоқ боғлаб шилиниб кетган, юз-қўлларини офтоб куйдириб юборган эса-да, у генералдан шафқат сўрамади. Ходсон чарчасини билмасди. Уни қўриқлаб борган туғма чавондоз сикхлар ҳам баъзида унга зўр-базўр етиб юришарди.

Ходсон у ҳарбий станциядан-бу ҳарбий станцияга югурар, маълумот тўплар, алоқа йўлларини тартибга соларди. Сикхлар Ходсон қаёққа буюрса ўша томонга югурардилар.

Ходсон сикхларга, Деҳли мусулмонлари сизларнинг динингизга қарши юриш қилдилар, деб айтди.

— Деҳли шоҳи ўз кучини синаб кўрапти, — деди Ходсон уларга, — у ўзининг қадимги тахтини тикламоқчи. Аммо шоҳ Деҳли билан кифояланиб қолмайди. Мусулмонлар Панжобга ҳарбий юриш ҳозирламоқдалар. Улар сикх халқини бўғиб ташлаб, ерларини пайхон қилмоқчи, яйловларини, ов қиладиган ерларини тортиб олмоқчилар. Мусулмонлар уйларингизни талайдилар, ибодатхоналарни оёқ ости қиладилар, хотин-қизларни олиб кетиб, қулликка соладилар.

Сикхлар индамасдан бош силкир эди. Улар Ходсон-соҳибга ишонишарди. У жасур жангчи, моҳир мерган эди, у туғма чавандоздек қилич кесар, улар билан гаплашганда кўм-кўк кўзларини кўзларига тикиб туриб гаплашарди. Улар Ходсонга ишонар, буйруғини ғазаб билан, жимгина адо этишга отилар, бир оғиз сўзи биланоқ ўринларидан дик туриб, олға кетардилар.

Ходсон бахтли эди. У шундай урушни: командага қараб кўзғоладиган, командага қараб пасаядиган бўронни яхши кўрарди.

Амбалла—Мирут—Карнаул... Сипоҳилар қурол-ас-

лаҳа омборларини бузиб, линиялардан чиқар ва қўзғолон байроғини кўтарардилар. Отрядларга бириккан ва найза кўтарган деҳқонлар қишлоқларини ташлаб, сипоҳиларга қўшилардилар.

— Инглизларни ўлдилингиз, Ватанни — ота-бобола-римиз юртини қутқарингиз!..

Британия қироличасининг ҳокимияти қулатилди деб эълон қилинди, ҳиндлар бу халқ урушида мусулмонлар билан бирлашиб кетишди.

Мамлакат тупроғидан ажнабийларни тамомила ҳайдаш учун бутун Ҳиндистон кўтарилди.

Амбаллада генераллар кенгаши ҳамон давом қиларди.

Одам йўқ. Британиялик пиёдалар беш юз кишидан ортмайди. Жойлардаги ҳукмдорлар довдираб қолишди. Ҳарбий станциялардан ваҳимали хабарлар келиб турибди. Қурол-аслаҳа омборларини инвалидларгина қўриқлашяпти. Отлиқлар кам, отлар ҳолдан тойган. Озиқ-овқат йўқ, ҳеч нарса тайёр эмас. Бир жойда тўплар бору, одам йўқ, бир жойда артиллериячилар тўпсиз ўтирибди.

Генераллар палаткаларда терлаб-пишар, зўр бериб папирос чекишар, аммо ҳеч қандай қарорга келиша олмасди.

Қизиқ: Амбаллада, штабда маслаҳатлашиб ўтирган бешта генералнинг ҳаммаси ҳам кўп ўтмай ўлди. Тўрттаси вабодан, фақат биттаси жанг майдонида ўлди.

Бу ўлим базмини қўмондон Ансоннинг ўзи бошлаб берди. У Қарнаулга келиши билан лоҳас бўлди. Табиби ни чақиришди, штабда гул-гула бошланди.

Беморнинг аҳволи огир эди.

— Вабо! — деди штаб табиби.

Тушга бориб Ансон ўлди.

Армияга қўмондонлик қилиш вақтинча амали ва даражаси жиҳатдан Ансондан кейин турган, мужмал, сусткаш одам — генерал Барнардга ўтди. Вабо Барнардга ҳам кафан тайёрлаб қўйган эди, аммо кафанни бичиш беш ҳафтага чўзилиб кетди.

Ҳарбий кенгаш Мирутдаги полковник Вильсон коллоннаси билан бирлашиб, Деҳлига юришга қарор қилди.

Ходсон бу хабарни Мирутга олиб кетди ва сира ҳам дам олмасдан, роппа-расо ўттиз соатда етказди.

Барнард колоннаси зўр ҳаракат билан олға юрди.

Қўзғолончилар мунтазам инглиз қўшинларига қараганда тезроқ юришарди, чунки уларнинг на штаб багажи на сафар идораси бор эди.

Курнаул йўлида иккита номаълум қишлоқнинг райотлари Барнард қўшинлари билан қизгин жанг қилди, улар авжи туш пайти, жазирама иссиқда тош йўлнинг икки томонидаги похол уйларга ўт қўйиб юборди. Британияликлар ўқ остида, олов ва ҳинд қуёшининг чидаб бўлмас жазирамасида роса қовурилди.

Солдатлар милтиқнинг ўқидан ҳам кўра, қуёш иссиғидан кўп қулади.

Ҳарқалай, Барнард колоннаси яна олға силжиди ва қанча азоб-уқубатдан кейин, икки қўниб, Вильсон колоннасига бориб қўшилди.

1857 йилнинг саккизинчи июнида, қўзғолончилар Деҳлини ишғол қилганларидан деярли бир ой кейин, британияликлар шаҳар деворидан бир ярим милча наридаги дўнгликлар орқасида лагерь қуришди.

Деҳли учун бўлган жанглар шундай бошланди.

ҲАММА ЙЎЛЛАР ДЕҲЛИГА ОЛИБ БОРАДИ

Ўн учинчи боб

ЖЕННИ ГАРРИС

Мартнинг нам ва булутли кунларидан бирида, эрта билан Лондондаги дарё бўйи Арсеналининг ёғоч девори ёнидан «Оливия» деган эски юк ташувчи кема йўлга чиқди. «Оливия» иккита дала батареяси ҳамда Олий ҳазратларининг Саксон саккизинчи пиедалар полкини—Ҳиндистондаги Короллик армиясига йилда бир мунтазам равишда юбориб туриладиган қўшимча кучни олиб борарди.

«Оливия» шошиларди, чунки кеманинг капитани бўрон ва даҳшатли довуллар турадиган пайтгача Яхши Умид бурунидан ўтиб олсак дерди.

Ҳарбий юк ташувчи кемада одатдан ташқари йўловчи—Женни Гаррис деган ўн икки ёшли қиз бор эди. Женни Ҳиндистонга—отаси полковник Гарриснинг ёнига кетмоқда эди.

«Оливия»нинг капитани Женнига хотинининг каюта-сини ажратиб берди. Бу муъжазгина каюта, унинг гардиш деразаси, кечқурун тушириб, кундузи нақ шип тагига кўтариб қўйиладиган осма каравоти Женнига ёқиб қолди. Кучли тўлқин бўлганда Женнининг осма кўрпатўшаги зўр бериб у ёқдан-бу ёққа тебранар, кема деворидаги металл скрепларга бориб урилишига сал қоларди. Кемада Женнидан бошқа бола йўқ эди, шунинг

учун ҳам қиз олдиниға жуда юраги сиқилиб юрди, бунинг устиға соғлиғининг ҳам бир оз мазаси йўқ эди... У бирон нарса тўқиш, иш тикишни ёмон кўрар, катталар билан гаплашишга ботинолмас эди. Женни кемада у ёқ-бу ёққа юрар, зерикар, денгизга қараб турар, баъзан кичкинагина каютасида, осма кроватига чиқиб олиб йиғларди.

Колонияда хизмат қиладиган эски офицер, «Оливия»даги барча ҳарбий составнинг бошлиғи майор Бриггс ўзини ва ўз составини тинч деб ҳисоблар, шунинг учун ҳам каютасини ичидан бекитиб олиб, кунни бўйи ром ва брэнди ичар ёки палубага чиқиб, кеманинг қуйруқ томонида учиб бораётган денгиз балиқчи қушларини отар эди. Капитан Генри Бедфорд ром ичмас, китоб ўқимас, йўлга чиққанидан бери жуда ҳам зерикиб, овқатга ўтиришганида ёнидагиларга Бомбайда, Малабар тепалиғи ёнида шинам уйи борлигини, боғидаги ҳовузда ажойиб йўл-йўл танга балиқлар, юлдузсимон балиқлар, тропик зонада бўладиган ўттиз тўрт турдаги ҳамма балиқлар борлигини узоқ гапириб берарди. Бедфорд узоқ муддатли отпускани ўтказиб, Лондондан Ҳиндистонга қайтмоқда эди.

«Оливия» ғарбдан келадиган шамолга қарши, океан тўлқинига қарши кўрфаздан борарди. Кичкина-кичкина найза қанот балиқчи қушлар кема орқасидан учиб, қаттиқ қичқиришарди.

Улар бўрон ва шамолли, хира март кунларининг бирида, тонг пайти кўрфаздан океанга, Атлантиканинг қаттиқ тўлқинига чиқишди.

«Оливия»нинг бу сафарида кемада яна битта ғалати йўловчи бор эди, бу одам ўрта бўйли, гражданча кийинган бўлиб, юзи европаликлар учун бир оз ғалати рангда, ўзи шотландиялик тоғликлар киядиган оқ кигиз шляпа кийган эди. Унинг қоп-қора, хунук, чор бурчак тумшуғи пастга томон эгилган, одамга ўқрайиб қарайдиган, эгри оёқлари калта Сам деган ити бор эди.

Шотландча шляпа кийган бу одам — уни Аллан Макферней деб аташарди—ичига роса тикиб нарса тўлдирилган сафар халтасини бўйнига осиб олиб, палубада ҳадеб у ёқдан-бу ёққа юрар, чарм халтамга бехосдан сув тегиб кетмасин деб куйиб пишарди.

Старший офицерлар—Бедфорд ва Бриггс—иккови ҳам биринчи кунданоқ Макфернейни ёқтирмай қолишди.

— Бриггс, кўрдингизми...—деб сўради капитан Бедфорд сафарнинг биринчи кунёқ ташвишланиб майордан.—Қимматли Бриггс, бу одамнинг шляпаси қанақа-я, кўрдингизми?

— Кўрдим, Бедфорд! Шотландларнинг бир бало шляпаси-да!

— Фамилияси-чи,—деди Бедфорд, — фамилиясини қаранг: Макферней...

— Ҳеч шубҳасиз,—деди майор,—бу одам шотландиялик.

— Демак, жентльмен эмас. Шотландияликлар ҳақиқий жентльмен бўлолмайди.

— Ҳеч қачон!—деди майор Бриггс камол ишонч билан.—Бедфорд, унинг рангини қаранг-а!..

— Ҳа, ростданам,—деди Бедфорд,—туси жуда ғалати-я.

— Қуёшда куйгандан эмас бу. Жигари касал...

— Худди шундай,—деди Бедфорд.—Жигари касал. Бу одам кўп вақт тропикда яшаган.

— Кўз олдингизга келтиринг-а, Бедфорд, бу одам бутун Ҳиндистонни ва Яқин Шарқнинг ҳаммасини пиёда айланиб чиққан экан. Буни менга капитаннинг ёрдамчиси айтган...

Майор қисқа, оппоқ бурама бакенбардини капитан Бедфорднинг нақ қулоғи тагига олиб келиб, хириллаган овоз билан:

— Мақсади нимайкин, мана шуни билишни истардим!—деб пичирлади.

Бедфорд қовоғини солди.

— Қимматли Бриггс, сиз билан биз «Оливия»да олиб кетилаётган ҳарбий составга, икки юз эллик кишига, икки батареяга жавобгармиз. Бу одамнинг кимлигини билиш керак.

— Ҳа, сафар халтасида нима олиб кетяптийкин?—деб қўшимча қилди Бриггс.

Саёҳатнинг дастлабки кунларида қаттиқ шамол эсиб, совуқ бўлиб турди. Ғарб томонни қора булут қоплаб олган эди. Шамол ва намдан тўсилмаган пастки палубада солдатлар совуқ қотишарди; улар совуқдан жунжикишиб, у ёқдан-бу ёққа югуришар ёки бир-бировларига

суқилишиб, ғужанак бўлиб ётишарди. Женнини иссиқ-кина кашмир рўмоли ёки шол рўмол ўратмасдан юқори палубага чиқаришмас эди. Кечга бориб шундай қуюқ туман босардики, нариги ёқдан келаётган кемаларни огоҳлантириш учун «Оливия»нинг тумшуғидаги қўнғироқ тўхтовсиз чалинади. Женни ҳар оқшом қўнғироқнинг ана шу бўғиқ, қаттиқ ва ҳаяжонли овози остида ухлаб қоларди.

Женни тезда «Оливия»га ўрганиб, вақтини хуш ўтказадиган бўлди. У аста-секин йўловчиларга қизиқиб қарайдиган бўлиб қолди. Унга Макферней дарҳол ёқди. Макфернейнинг юзи пальма пўстлоғи сингари қорамтир, қўзлари шимолликларникидек мовий эди. Шотландиялик ўзининг Сами билан соатлаб бўғиқ, мулойим овозда гаплашар, унга ниманидир секин, сабртоқат билан, аниқ қилиб тушунтирар, ит бунга жавобан аста ингилларди. Баъзан Сам эгаси билан пастга—кеманинг омборхонасига тушар, гап энди бу ердаги эчкилар ва қуёнлар орасида давом этарди. Шотландиялик ўз итини бекордан-бекорга аччиғланмасликка, қуёнларнинг ўз ёғоч катагида айланиб юганига, озгин эчкиларнинг тўсиқ панжараси орасидан тумшуғини чиқаришига бепарво қарашга ўргатарди. Сам оҳиста ириллар, ҳатто чўчкаларга ҳам вовилламасликка ҳаракат қиларди.

Шотландиялик, ўқчилар жойлашган қўйи палубага тез-тез тушарди. Бу ерда у тезда дўстлар орттирди. Макферней матрослар, солдатлар, кемадаги юнгалар билан узоқ-узоқ гаплашарди. Лекин овқат пайтида кают-компанияда ҳеч қачон ортиқча гаплашиб ўтирмасди. Бир куни нима бўлди-ю, гап Ҳиндистон генерал-губернатори лорд Каннинг ҳақида борганда Макферней бутун кают-компанияга эшиттириб, қаттиқ овоз билан: менинг итим Сам жаннат олмаси ҳақида нима билса генерал-губернатор ҳам ҳинд ишларини шунчалик биларди, деди. Шу-шу бўлиб иккала офицер — Бедфорд билан Бриггс — шотландияликни батамом ёмон кўриб қолишди.

Ғарбдан эсаётган шамол тинди. Норд-ост турди. Баҳайбат океан тўлқинлари «Оливия»га ёпирилди. Даҳшатли куч гоҳ кемани тўлқинлар оралиғидаги ўпқонга, пастга тортар, гоҳ яна юқорига итқитар эди, эски шхуна гижирлаб, инграгандек бўлар, кўпик ва тузли томчилар минут сайин палубани қоплар эди.

Кечаси тўлқин кучайди. Шамол кема арқонларига урилиб гувиллар, каюталардаги осма кроватлар зўр бериб у томондан-бу томонга бориб келарди. Женни гоҳ пастга—полга сакраб тушиб, саквояжига ўтириб олар, натижада саквояжи билан бирга у ёқдан-бу ёққа сурилиб, кема деворларига бориб уриларди; гоҳ яна тепага, кроватига чиқиб оларди. Тўлқиндан боши айланди; каютада намиққан тахтанингми, денгиз шиллигинингми иси аниқиб кетди. Женни тор коридорга чиқди.

Кўшни эшикдан бўғиқ, паст овоз эшитилди. Бу Макфернейнинг каютаси эди. Макферней ё овоз чиқариб китоб ўқирди, ё биров билан гаплашарди. Ким билан гаплашаётган экан-а? Женни коридорда узоқ турди. Бирдан кема тўлқин зарбидан ён томонга қаттиқ чайқалди, мистер Макферней каютасининг эшиги ўзидан-ўзи очилиб, Женни беҳосдан каютага отилиб кириб қолди.

Мистер Макферней стол ёнида майда қилиб бир нималар ёзилган қоғозлар устига энганиб ўтирарди. У ҳатто қайрилиб қарамади ҳам. Шотландиялик ҳалиги варақларга диққат билан тикилиб, қандайдир тушуниб бўлмайдиган: «Санда... Сакра-Чунда...» деган сўзларни овоз чиқариб такрорларди.

— Кечирасиз! — деди Женни.

Макферней ўгирилиб, қизнинг қўрқа-писа қараб турган кўзлари ҳамда узунчоқ рангсиз юзларига кўзи тушди.

У жилмайди.

— Жуда соз! — деди Макферней. — Мисс Гаррис, сиз менинг каютамга тўлқин турмаган вақтида ҳам бемалол кираверинг.

— Худо ҳаққи, кечиринг! — Женни қочиб чиқиб кетди.

Денгиздаги тўлқин фақат ўнинчи кун деганда тинди. Шамол тўхтади. Кун ботиш олдида осмон кўкиш-тўқ сариқ тусга кирди, ҳаво хийлагина илиди. Кун ботиши билан денгизда ялтироқ балиқлар сакраб ўйнай бошлади.

Женни энди палубада денгизга маҳлиё бўлиб, узоқ-узоқ ўтирарди. Англия қизга энди бегонадек, ниҳоятда олис, эллигинчи параллелнинг нариги ёнидаги совуқлар ва бўронлар чегарасидан ҳам нарига ўтиб кетгандек туюла бошлади. Женни Хиндистонни, ўзи туғилган ва

ҳаётининг дастлабки йилларини ўтказган жойни тез-тез эслай бошлади.

Женни улар турган форт девори ёнидан тоғ нишаби орқали пастга қараб кетган лента каби оппоқ тош йўлни, пастаккина тоғларнинг ёнини қоплаб ётган қоп-қора мохларни, тоғдаги қишлоқ уйларининг ясси томларини яхши эсларди. Ҳиндча уйларининг катта ҳовлиси, ҳовлидаги ҳовуз, ҳовуз ёнида кун бўйи таёқча билан кир савалаб ўтирадиган сергап ярим яланғоч йигитчалар — ҳинд кирчилари қизнинг эсида. У ҳаво ранг дакана ўраган кекса ҳинд бола боқувчини, пешона ва кўкракларига шиша маржон тақиб олган энагасини эслади; боқувчиси, энагаси тўрт ёшигача уни қўлдан қўймай кўтариб юрганларини, хонага отаси, Гаррис-соҳибнинг ўзи кириб қолганда улар ранглари оқариб, жойларида қотиб қолишларини ҳам эслади. Женни ёшлигида ўйнайдиган ўйинчоғини, қоп-қора кичкина коптоғини, уйлари олдидаги атрофига чинор ўтқазилган юмалоқ майдончани эслади. У қуйи қишлоқдан онаси олдига тиланиб келадиган ҳинд аёлларини, уларнинг қўлида йиғлаб турган оч болаларини, отасининг бу доимий чинқириқдан боши оғриғини айтиб жаҳли чиқишини эслади. Қиз пальмаларнинг пахмоқ либосини, боғ орқасидаги кактусларнинг тиканли тўсиқларини, чўлдан эсадиган иссиқ шамолни, бу шамолдан ҳамма уйга бекиниб олишини ва онасининг қонсиз юзини эслади. Онаси Ҳиндистонда ҳамиша гамгин эди, бу жойларда унинг ҳеч кими, на қариндоши ва на таниш-билиши бор эди; онасини Осиёнинг иссиқ ҳавоси ва чанги қийнарди; у ҳамиша ўз юртини, Англиянинг кўм-кўк ўтлоқларини, туғилиб ўсган Норфолькининг тоза ва салқин ҳавосини орзу қилар эди. Онаси гам чекар, йўталарди: у сил эди. Отасини Ҳиндистоннинг қоқ юрагида, Деҳли яқинида бўлган Аллигур фортига юборишди, Женни билан онаси эса Англияга кетишди. Ўшанда Женни ўн ёшда эди. Энди онасини қутқариб қолишнинг сира иложи йўқ эди — у тезда вафот этди. Женни Англияда ёлғиз ўзи қолди. У икки йилдан кўпроқ вақтини миссис Честернинг совуқ, кўримсиз пансионда ўтказди, бу ерда уни узундан-узоқ панд-насиҳатлар билан азоблашар, деразадан совуқ урар, паркдаги дарахтлар қор тагида шу қадар кўп турардики, қишнинг охирларига бориб, баҳор ҳеч қачон келмайдиган-

дай туюла бошларди. Энди отасининг эски дўсти капитан Бедфорд уни Ҳиндистонга, Аллигурга олиб кетяпти.

Женни палубада соатлаб ўтирар, денгизга қарар, қуёш нурининг денгиз сувидаги жилосини тамоша қиларди.

Март тугади. «Оливия» Канар оролларидан ўтиб кетди. Қунлар исий борди, денгиз оч зумрад рангда товланар, қуруқликдан эсаётган шабада ҳамма ёққа хушбўй ҳид таратарди.

«Яна икки ой, — деб ўйлади Женни. — Икки ойдан сўнг отамни кўраман».

Ун тўртинчи боб

ШОТЛАНДИЯЛИК МАКФЕРНЕЙ

«Оливия» Африка қирғоғи бўйлаб кўп кунлар сузди.

Фритаун олдида улар яна бўронга учрашди. Каттакатта тўлқинлар «Оливия»нинг палубасидан ошиб ўтарди. Улгурганларнинг ҳаммаси каюталарга бекиниб олишди. Қўй гўшти қовурмаси солинган тарелкаларини тиззаларига қўйиб, саквояжлари устида ўтириб овқатландилар. Ҳамманинг тоқати тоқ бўлган: тўлқин жонга теккан эди. Бунинг устига овқатлар ҳам бир бало бўлиб кетди, — «Оливия»даги янги савзавот запаси тугади.

Ёлғиз майор Бриггсгина ўзини яхши ҳис этарди. У ҳаво тинч пайтларда қанча ичса тўлқин турган пайтда ҳам шунча ичарди. Бриггс маст бўлса яна ҳам қизариб кетарди, пешонаси ва юзларидан қон томарди, аммо оёқлари сира чалишмас, шахдам қадам қўярди. У юқори палуба бўйлаб гурсиллатиб бир текисда одим ташлаб ўтар, тўппончасини ишонч билан қўлига олиб, бўрондан қочаётган балиқчи қушларни мўлжалга оларди.

— Бир!.. Икки!.. — деб санарди майор уриб туширилган қушларни. Бах! Бах-бах! — Уч... Тўрт...

Бир вақтлар қироличага энди хизмат қила бошлаган ёшгина лейтенант Бриггс Жанубий Африкада кафларни ана шундай отарди.

Кейин у Ҳиндистонга келди. 1848 йилги юриш. Бенгалдаги тинчлантирилган ҳиндларни Панжобдаги жанжалкаш ҳиндларга қарши олиб борди. Мултан қалъасини олишда қатнашди, кейин эса тинч ҳиндларни ҳам, жанжалкашларини ҳам отди ва осди.

Ҳиндистондан кейин Қримга, Шарқий урушга борди. Тўқсон учинчи Шотланд тоғ ўқчи полки билан Бриггс капитан лавозимида Қрим урушининг бошидан охиригача бўлди. Балаклава ёнида жасур рус матросларининг ҳужумига чидаш берди, Севастополь ёнида оёқдан қаттиқ ярадор бўлиб, ўз полки истиқомат қилиб турган Дуврдаги госпиталда узоқ вақт ётди.

1857 йилнинг баҳорида сулҳга келмайдиган хитойларни бостириш, Осиёнинг узоқ шарқида Британия империясининг Қрим урушида шарти кетиб парти қолган обрўсини мустаҳкамлаш учун Шотландиянинг тоғ ўқчиларини Шанхайга юборишди. Бриггс Хитойга боргиси келмай, Ҳиндистонда қолдирилишини сўради. Мана энди, 1857 йилнинг мартада уни Бомбайга доимий ишга юборилаётган пиёдалар полкининг батальони тушган «Оливия» пароходини кузатиб боришга тайинлашди.

— Бомбайми? Жуда соз! — деб хириллади майор, новча, инжиқ пастор Ленгстон ва капитан Бедфорд билан кема ошхонасида ўткир кўк тамаки чекиша туриб. Тўлқин гоҳ пасаяр, гоҳ янгидан кучаярди, тўлқиннинг зўридан қиррали кема стаканлари сакраб, стол устида сурилиб юрарди. — Бомбай армияси — Ҳиндистондаги энг яхши армия. Бу — офицерлар қирқ иккинчи йилдан буён тўппончасини ёстиғи тагига қўйиб ётадиган Бенгал эмас! Эсингиздами, Мултан ёнида сикхларга қарата ўқ отишга унамаган ва ҳатто бизга ёрдамга келган Бомбай полкларини хароб қилганлар ким эди?.. Бенгалликлар!.. Бирма урушида денгиз орқали Бирмага боришдан бош тортган кимлар? Яна ана шу бенгалияликлар. Ўттиз саккизинчи пиёдалар полки!.. Тагин сувдан қуруқ чиқишди; бутун полкдан фақат ўн уч киши осилди... Рота кетидан рота, полк кетидан полк чиқарди, улар бир-бирлари билан тил бириктириб олишган. Мен бизни Бомбайга тайинлаганларидан жуда хурсандман!

Капитан Бедфорд маъқуллаб бош иргитарди. У ҳам хурсанд эди.

Генри Бедфорд ўн беш йил мобайнида Бомбай шаҳрини атрофдаги чангалзор ўрмонлардан ажратиб турган хандақдан бир марта ҳам ўтмай, капитанлик даражасига эришиб олди. Унинг Бомбайдаги уйида бўлган барча зебу зийнатлар, махсус уқали кийим кийган хиз-

матчилари, овқат сузиладиган идиш-товоқлари унинг юрти бўлмиш Англиядаги истаган ўртача дворяннинг уйидаги зебу зийнатдан сира ҳам фарқ қилмас эди. Рождество байрамида дастурхонга худди ўша сахий, кекса Англиядагидек ичига бодом ва мағиз солинган ҳақиқий рождество пудинги ва олма билан ёғлиқ роз гушти қўйиларди.

Капитан Бомбайдаги осойишта ҳаётига, шинам уйига, айланиб юрганида ҳинд хизматкорининг соябон тутиб юришига, иккита ялангоёқ хизматкорнинг уни илонлардан ҳимоя қилиб олдида боришига ўрганиб қолган эди. У офицерлар йиғинида овқатланишни яхши кўрарди, бундаги ошпаз британияликларнинг асл биштексига ҳиндларнинг хушбўй зираворларини солишга ниҳоятда пазанда бўлиб, овқатдан кейин шундай вино келтириб беришардики, бу вино фақат Бомбай артиллерия полкидагина топиларди... Капитан: «Бундай шод-хушроам ва осойишта ҳаёт сира тугамайди» деб ўйларди. Ҳиндистон-чи?.. Ҳиндлар-чи?

Бедфорд бутун Ҳиндистон фақат инглизларнинг рождество пирогига майиз ва шоли етказиб беришгагина барпо қилинган деб чин кўнгилдан ишонарди.

— Хотиржам бўл, Женни!— деб такрорлашни яхши кўрарди капитан Бедфорд.— Тез орада Кэптаунга етиб борамиз.

Нам ҳавонинг илиқ томчилари кўйлақларга, кема арқонларига, палубанинг қизиган мис тутқичларига инарди; кечалари денгизда учар балиқлар ялтирарди. Катта Айиқ юлдузлари энди кўринмай қолди, Женни Жанубий Қутб юлдузини узоқ ахтарди, унга кема кетаётган томондаги бир неча ёруғ юлдузни кўрсатдилар.

Палуба намгарчиликдан тайғаноқ бўлиб қолган; юрганда тайғаниб кетмаслик учун капитан у борт билан бу борт ўртасига арқондан тўқилган тўр ташлаб қўйишни буюрди. Соядек енгил шотландиялик Макферней соябони орқасига қайрилган оқ кигиз шляпасини кийиб, саёҳатчилардек халтани бўйнига осиб, ҳассасини ушлаган ҳолда у бортдан-бу бортга бориб келарди. Орқасида калта, қинғир оёқли ити Сам хунукдан хунук тумшугини ҳар ерга бир тиқиб, елиб югурарди.

Кичкина, қотма ва эпчил Макферней енгил, эркин қадам ташлаб, «Оливия»нинг тумшугидан думигача бир неча бор ўлчаб чиқди.

Женни ухлай олмай, ўрнидан турди-да, коридорга чиқди... Қўшни қаютада ҳеч ким йўқ эди. Женни зина билан юқориға кўтарилди. Палуба бўш, ҳеч ким йўқ. Ўроқ ой Англияда, шимолда ўн беш кунлик ой ёритгандек ҳамма ёқни ярқиратиб турибди. Кутилмаганда турган қаттиқ шамол Женнининг юзига қандайдир белгилар ёзилган тўрт бурчак шаклдаги бир неча варақ қалин қоғозни келтириб урди. Ён томондан, кема қайиқлари нарёғидан бўғиқ ириллаш эшитиларди. Женни ўша томонга юрди. У қайиқлар олдида тинчгина ухлаб қолган бечора Макфернейни кўрди. Чарм халтаси ёнида ётарди. Шотландиялик ўз халтасини каламушлардан сақламоқчи бўлди-ю, аммо шамолдан сақлаб қололмабди. Бехосдан эсган шамол халтадан тушиб қолган қоғозларни учуриб, бутун палубага сочарди. Сам хўжайинини уйғотишга ботинмай, унинг оёғи остида ёнгини ширди.

Женни уйғотишга аҳд қилди.

— Мистер Макферней! — деди Женни ва шотландияликнинг елкасига оҳиста туртди. — Мистер Макферней, туринг!

Макферней уйғонди-ю, дарҳол туриб ўтирди. Теварак ёғидаги палуба қор ёққандек оппоқ қоғоз билан қопланган эди.

— Оҳ, илдизларим!.. — деди Макферней. — Эй, улуғ парвардигор, илдизларим!..

У қоғозларни йиғишга югурди.

— Мистер Макферней, мен ёрдам бераман, — деди Женни.

— Ташаккур, мисс Гаррис, ташаккур!.. — Макфернейнинг қўллари қалтирарди. — Илдизларим, оҳ илдизларим!..

У қоғозларни шошиб-пишиб яна халтага тика бошлади.

«Қанақа илдизлар?» — Женни ҳеч нарсани англамас эди. У тушуниб бўлмас нуқталар, доиралар, кўрсаткичлар, қисқа ва узун чизиқлар ёзилган тўрт бурчак қалли оқ қоғозларнигина кўрди.

— Мен буларни қандай қийинчилик билан топганман, мисс Гаррис! — деди Макферней. — Мен Юқори Ҳиндистоннинг барча йўллари ва сўқмоқларини айланиб чиқдим, ўрмон ва чангалзорлар орасидан Панжобнинг у қишлоғидан бу қишлоғига бордим, чўпонларнинг гулханлари ёнида, ўрмонлардаги кулбаларда, кўчманчи

гужуратларнинг манзилида тунадим. Халқнинг қўшиқларини тингладим, кексаларни қадимги нақъларни айтиб беришга мажбур қилдим. Мен мана буларни ёзиб олганман.

Макферней тушуниб бўлмас белгилар ёзилган қоғозларни узатди.

— Бу варақларда ўн икки йиллик меҳнат ва дарбадарликнинг натижаси битилган, мисси Гаррис!.. Мен турли қабилаларнинг сўзларини фақат филологларгина тушунадиган шартли белгилар билан ёзганман: «Осмон», «ер», «ота», «булут», «жангчи», «ўт», «йўл», «одам», «дарахт»... Бу сўзлар ҳинд халқларининг кўпчилигида бир-бирига ўхшаб кетади. Инглизлар Ҳиндистонга забт этувчилар сифатида келиб, ярим ваҳший нодон қабилаларни бўйсундирдик деб ўйлайдилар. Улар ўзлари талаган халқнинг маданияти ҳақида бирон нарса билишни истамайдилар. Менинг бу қоғозларим уларга ҳақиқатни очиб беради. Неча минг асрларнинг маданияти ана шу тилда акс этган. Мана, сўзларнинг илдизи!..

Варақлар Макфернейнинг қўлида титрарди.

— Мен ҳаммасини териб бераман!— деди Женни.— Ташвишланманг, мистер Макферней, биттаси ҳам йўқолмайди.

Женни учиб кетган варақларни териб келиш учун бортга чопиб кетди.

Шу пайт майор Бриггс палубага чиқди. У бир хилда гурсиллаган одим ташлаб, кеманинг тумшуқ томонига борди-да, тўхтади.

— Бу нима бало? — деб сўради майор.

У палубадан бир варақ тўрт бурчак қоғозни олди-да, бурнига яқин келтириб қаради.

— Бу ниманинг белгилари?

— Транскрипция, — деб тушунтирди Макферней. — Булар менинг ёзувим. — У майордан қоғозни олмоқчи бўлди.

— Нима? Транскрипция? — Майор ҳалиги бир варақ қоғозни қаттиқғижимлаб, қўлини орқасига қилди.— Кечирасиз, мистер Макферней, транскрипциянгизни қайтиб бермайман. Мен кемага жавобгарман, ҳурматли мистер Макферней, шунинг учун бу белгилар нимани англатишини билмоғим лозим. Аввал мен, бу

белгиларингиз қироллиқнинг обрўсига ва Британия империясининг бутунлигига хавф солмайдами, шунини аниқлашим керак.

Майор ҳарбийларча ўгирилиб, палуба тахтасини гуре-гуре босган ҳолда ўз каютасига кетди.

Туннинг қолган қисмида Женни яхши ухлай олмади. Уни аллақандай ваҳималар чулғаб олди. Женни Бриггс-ни дастлабки кунданоқ ёмон кўрарди, майорнинг хирлдоқ овози, дўқиллатиб юриши, яхши пишиб етилмаган бифштексдек қип-қизил лунжини кўрганда Женни титрарди. Женни эрталаб кемани узоқ вақт айланиб юрди. Кеча палубада бўлган ҳодиса ҳақида ким билан гаплашсаякин? Женни, Бедфорд каютасининг эшигини тақиллатди.

Генри Бедфорд сафар столчаси ёнида ёзиб ўтирарди. У қизга ажабланиб қаради.

— Нима бўлди, Женни? — деб сўради Бедфорд.

Женнининг қўй кўзи тамомила бесаранжом, сочлари ўрилмаган ва бошига чамбар қилинмаган эди.

— Денгиз-зериктирдими? — деб сўради Бедфорд. — Ёки бир еринг огрияптими?

— Йўқ, мистер Бедфорд, ундай эмас.

Қиз капитанга шотландиялик билан майор Бриггс ҳақида гапириб берди.

— Хотиржам бўл, Женни! — деди Бедфорд. — Бунга сабаб каламушларнинг тунги тўс-тўполонидан бошқа нарса эмас.

Бедфорд майорнинг каютасига қараб кетди.

Бриггс бир варақ қоғозга тикилиб, жон-жаҳди билан чекарди.

— Ҳурматли Бедфорд, бу нима эканлигини тушунтириб беролмайсизми?

У Бедфордга тушуниб бўлмас белгилар ёзилган варақни узатди.

— Мен ҳаммасини биламан, — деди Бедфорд. — Макферней ботаник эмас экан. У — филолог.

— Филолог? Ундан бадтар бўлсин! Айтгандай филолог деганининг маъноси нима ўзи, Бедфорд?

— Филолог... — Бедфорд бир оз жим қолди. — Филолог дегани ҳар хил тилларни ўрганувчи одам дегани... Ҳар хил сўзларни десамми...

— Ҳа, ҳа, ҳар хил сўзларни!.. У матрослар билан гаплашади. Ошпазлар билан суҳбатлашади! Уч кундан

бери кечкурунлари қуйи палубада бўляпти, менинг ординарецим билан унинг ўз тилида гаплашади-я!... Ирланд тилида!..

— Хавфли одам!— деди Бедфорд.

Майор сирли қоғозни силкитди.

— Бир кун ҳам!— деди майор.— Бу одамнинг бундан кейин бир кун ҳам кемада туришига тоқат қилолмайман. Кэптаунга кириб боряпмиз. Мен капитанга бу шотландияликни қирғоққа ташлаб кетишни буюраман, порт бошлиғи эса уни иши тергалиб аниқлангунча қамаб туради. Бошлиқ билан ўзим гаплашаман, — у шундай деди-ю, оғзидаги тамаки аччиғини шартта полга туфлади.

«Оливия»нинг пассажирлари икки кундан кейин қоп-қора қояларни, кучли денгиз тўлқини ва бўм-бўш Кэптаун қўлтиғини кўрдилар. Майор Бриггс қирғоққа кема капитани ёрдамчиси билан ўзи борди. У жуда тез қаттиқ ҳаяжонланиб қайтди. Порт бошлиғи етказган янгилик шу қадар кутилмаган янгилик эдики, майорнинг миясидаги ҳамма фикрлари ост-уст бўлиб кетди, ҳатто ярамас шотландиялик ҳақидаги фикри ҳам эсидан чиқди. У офицерларни йиғиб, ўз каютасини ичидан бекитиб олди.

— Исён, — деди майор. — Ҳиндистонда ерли аскарлар исён кўтаришибди. Бизга Бомбай ўрнига Калькуттага боришни буюришди.

— Калькуттага?

— Ҳа, Бенгал армияси қўмондонлигининг ихтиёрига.

Ўн бешинчи боб

КАЛЬКУТТА

Илиқ, булутдек туман яқингинадаги ерни узоқ вақтгача кўрсатмади. Туман кўтарилиши билан «Оливия»нинг пассажирлари баланд соҳилнинг қизил тупроқли кесигини, унинг тепасидаги қалин кўм-кўк тропик дарахтларини кўришди. Улар Коморин буруни ёнида эдилар.

Соҳилдаги кўм-кўк дарахтлар орасида португалияликлар томонидан уч асрча илгари қурилган эски факториянинг харобаси — ходадан ясалган қадимий минора яшириниб туради. «Оливия» рейдга турди. Каттакон ҳукумат пароходи йўгон қора трубасидан тутун бурқиратиб, со-

ҳилни тўлқиндан сақлаш учун қурилган тўсиқ ёнидан «Оливия»га пешвоз чиқиб келди.

«Сизлардан кейинда ҳам қўшин тушган кемалар кел-яптими?»— деб сўрашди пароходдагилар.

«Йўқ»,— деб жавоб беришди «Оливия»дагилар.

«Тайёрланинглар, биз сизларни буксирга оламиз»— деб сигнал беришди пароходдан.

Пароход пишқириб, дуқурлади, «Оливия»га ифлос тун бурқситди, аммо у тез боради. Уч ҳафталардан кейин «Оливия» Ганг дарёсининг кенг ёйилиб, денгизга қуйиладиган еридаги Хуггли деган ирмоғининг мансабига кирди. Улар ўнг қирғоқ бўйлаб боришар, чап қирғоқни кўришмасди, Хуггли шу қадар кенг эди. «Оливия»нинг пассажирлари палубага тўпланиб, нотаниш ерларни гамоша қилардилар. Женни бир хил ясси қирғоқни, бақа тўни қоплаб ётган, денгиз тўлқини ювган қумлоқ саёзликларни, унда-бунда похол уюми тўплаб қўйилгандек кулбаларни кўрди.

«Ҳиндистон шуми?— деб ўйлади Женни.— Хурмо дарахтлари қани?...»

Нариги қирғоқда хурмо дарахтлари ҳам кўринди. Хуггли энди торайиб, илонизи бўлиб оқар, хурмолар сув бўйида ўрмон каби ғуж бўлиб кўринар, кўм-кўк дарахтлар орасида европача оқ ўйлар кўзга ташланарди. «Оливия» Хугглида пароход орқасидан юқорига қараб анча сузди. Кейин ҳиндларнинг пастак бенгалолари, боғлар кўринди, кейинроқ муъолишда саккиз бурчакли қалъанинг оқланган яланғоч деворлари, тўплар ва портда ҳарбий кемалар кўринди.

— Мана, Калькуттага ҳам етдик! — деди Бедфорд.

Женни биринчи кун Калькуттада ҳеч нарса кўролмади; чунки уни усти берк тахтиравонда, тикилинч, олағовур марказий кўчалардан шаҳарнинг европаликлар турадиган қисмига олиб келишди. Капитан Бедфорд Женнини ўзининг калькутталиқ узоқ қариндоши миссис Пембертонникига юбориб, штабга кетди.

Пембертонларнинг уйи кўм-кўк ихота билан ўралган катта боғда эди. Инглиз-ҳинд одатича уйдаги барча хизматкорлар меҳмонга пешвоз чиқишди. Пембертон хоним ва унинг ўғли Фредди эшик олдида кутишди. Фреддининг эғнида силлиқ, оқ ёқали кўк калта камзул; Пембертон хоним Англияда бундан беш йил илгари ўйда кийиш расм

бўлган, белининг остидан бўғилган, бурмаси жуда кўп юпқа, енгил дока кўйлак кийган эди. Пастаккина уй веранда билан ўралган бўлиб, олдига маржон билан безатилган қамиш парда тўсилган. Ҳаммаси шамолда ҳилпираб, оҳиста шитирларди.

— Бугун ҳаво яхши, унча иссиқ эмас, денгиздан шамол эсяпти, — деди Пембертон хоним.

У Женнини уйнинг ички хоналарини кўрсатишга олиб кирди. Ярим қоронғи хоналар салқин бўлиб, тозалаб сулурилган ерга пулдор бўйралар тўшаб қўйилибди. Пембертон хонимнинг эмизикли қизалоғи Бетси ўз хонасида устига оқ дока ёпилган беланчақда ётарди.

— Бетсигинамни чивин қийнаб қўйди, — деди Пембертон хоним.

Эшик ёнидаги бўйрада букчайган ҳолда чордана қуриб, бола боқувчи — қулоғига ҳалқа таққан кексагина ҳинд ўтирарди. Бурчақда ёшгина эмизувчи энага мудрарди. Беланчақнинг ёнгинасида эса учинчи хизматкор аёл чўққайиб ўтириб, шифтдаги ёғоч ромга маҳкамлаб қўйилган катта елпигичнинг ипини тинмай тортиб елпирди.

Чақалоқ Бетси йиғлади, Пембертон хоним эшикни ёпди.

Тушлик овқатга балиқ гўшти, ҳўл мева, банан, димлаб пиширилган гўшт ва ширин гуруч келтириб қўйилди. Овқатни олдига гулдор фартук тутган ва қора сочига пулдор наколка қадаган ёшгина хизматчи ҳинд аёл келтирар эди. Женни тарелкасига солиб берганларининг ҳаммасини сира ҳам ея олмас эди.

— Аввалги хизматчимиз ёмон эди, — деди Женнига нолиб Фредди. — У Жон тоғам совға қилган яхши қўғирчоғимни майда-майда қилиб, ерга кўмиб қўйган.

— Эй, худойим-э, Жондан хат келмаганига бир ойдан ошди-я, — деди Пембертон хоним хўрсиниб.

Жаноб Пембертоннинг ўзи шошилинич иш билан портга кетган эди. Пембертон хонимнинг хаёли фаромуш бўлиб, овқат пайтида деярли бутунлай гапирмай ўтирди.

Овқатдан кейин Фредди Женнини боққа олиб чиқди.

— Ойим жуда хафа, — деди Фредди. — У Жон тоғамдан жуда хавотир оляпти. Тоғам исёнчилар билан урушгани кетган.



Пембертон хонимнинг укаси лейтенант Жон Томсон қўзғолоннинг дастлабки кунларидаёқ Аудга, мамлакатнинг ичкарисига юборилган эди.

Боғ жимжит; аммо кенг ҳовлида хизматкорлар бетўхтов шовқинлашиб, югуришиб юришарди. Ҳамма ерда, шийпон олдида ҳам, дераза тағларида ҳам, ошхонага кира беришда ҳам оқ ва пушти ранг магнолия очилиб ётибди. Ярим яланғоч ҳинд хизматкорлар орасида бошдан-оёқ отлиқ аскарлар формаси кийган шотландиялик солдат жуда ғалати кўринди: эғнида мис тугмали кўк-калта

камзул, бошида қора пат санчилган узун шапка, отлик аскарлар киядиган этигининг устидан шотландча калта юбкасини тушириб олган. Қўзғолон бошланиши билан, бу солдатни Пембертон хонимнинг уйини қўриқлашга тайинлашган эди.

Кечкурун Бедфорд штабдан қайтди. У янгилик топиб келди. «Армия қўмондони йўқ,— дейишди унга штабда.— У март ойидаёқ Симлага йўлбарс овлагани кетган».

Қўмондоннинг ёрдамчиси генерал Герсей саросимага тушиб қолибди. Юқори Бенгал билан алоқа узилган. Почта аравалари юрмайди. Оллоҳободдан анча миль нарида телеграф устунлари қулатилган, симлар узиб ташланган, алоқа йўқ.

Бенгалиядаги ерлик армиянинг ҳаммаси бирдамлик билан қўзғолон кўтарган. Деҳқонлар қўзғолончиларга қўшилган. Юқори Бенгал ва Ауд ўт ичида. Қадимий пойтахт жонланиб кетди. Қўзғолончилар Деҳли шохини Ҳиндистоннинг ҳукмдори деб эълон қилдилар.

Нима қилиш керак? Генерал Герсей Симлага, ўз бошлиғи генерал Ансонга устма-уст телеграммалар юборди, аммо жавоб ололмади.

Ансон қаёққа ғойиб бўлди? Наҳотки шунча вақт йўлбарс овласа? Эҳтимол телеграммалар унга бориб тегмаётгандир? Ҳиндистоннинг генерал-губернатори лорд Каннинг Амбаллага, генерал Барнардга айланма йўл билан телеграмма бериб, уни Ансонга етказишни сўради. Барнард ҳам жим.

Бенгалия армиясининг қўмондони (у Ҳиндистондаги учала армиянинг бош қўмондони ҳам ҳисобланарди) шундай пайтда қаергадир йўқолди.

Қўзғолон ҳамон янгидан-янги областларга ёйилмоқда. Жанси ҳам, Сатара ҳам, Ҳайдаробод ҳам нотинч. Ражпутлардан умид йўқ, Панжобда ғалаён. Фақат Мадорас билан Бомбай ҳозирча маҳкам турибди. Аммо эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди.

— Эй, худойим-э! Калькутта-чи,— деди Пембертон хоним Бедфорднинг сўзини эшитиб бўлиб.— Наҳотки, бу фалокат бизнинг ҳам бошимизга келса?

— Азизим, тинчланинг!.. Калькуттага ёрдам бериш учун европалик қўшинлар келяпти.

Британиялик тўпчилар ва тўплар ортилган «Оливия»нинг келишини штабда чидамсизлик билан кутиш-

ди. Бедфордга, кутинг, ҳадемай мамлакат ичкарисига юриш ҳақида буйруқ олиб қоласиз, дейишди. Аммо капитан ҳозирча бу ҳақда Женнига ҳеч нима билдирмади.

Кечаси Женнини деразаси верандага қараган катта, ярим қоронғу уйга олишди. Женни қаттиқ уйқуга кетди, эрталаб унга кечаси шундайгина деразаси тагига бир шоқол келганини, ошпаз сандалини отиб, уни ҳайдаб юборганини айтишди... Бу уйдагиларни сира ҳам ажаблантирмади, чунки шоқоллар бу ерларда доим кечалари уйларнинг атрофида изғиб итдек увиллаб юришарди

Ун олтинчи боб

ПАРИЯНИНГ ҚОЧИБ КЕТИШИ

«Оливия» портга келган куни эрталаб майор Бриггснинг иши бошидан ортиб кетган эса-да, бу гал Макфернейни унутмади.

Туш пайтида унга сержант Флетчер сирли хабар келтирди.

— Сэр, у бошқа кийим-бош кийгани кетди! — деди сержант.

— Шляпаси остидан салла ўраяпти, — деб шивирлади у бир оздан кейин. — Қаранг, сэр, худди инглизча кийинган ҳинднинг ўзи-я!..

— Яна яхши, яна яхши!.. — деб хириллади майор.

Бошини Калькуттанинг қаттиқ иссиғидан сақлаш учун ҳиндча салла устидан соябони кенг шотландча шляпасини кийиб олиб, қирғоққа чиққан Макферней бронзадек қора юзи, оёғидаги сандали, елкасига осиб олган халтаси билан ҳақиқатан ҳам европача кийинган ҳиндга ўхшарди.

Майор сержантни шу заҳотиёқ Калькутта полициясининг бошлиғи олдига юборди.

Шотландиялик Калькуттанинг ўзига таниш кўчаларидан шошмасдан кета бошлади, у Ковушдўзлар ва Тўқувчилар кўчаси ёнидаги одам тиқилинч Читпур бозорини кесиб ўтиб, Юлдуз майдонига чиқди, бу ерда унинг китоб сотадиган эронлик бир таниши бор эди.

Макферней эронликнинг усти берк дўконига кириб, чарм ва тупроқ ҳиди келиб турган эски китобларни анча титди. Ити Сам кўчада, эшик олдида бир оз мизғиб олишга улгурди. Макферней ярим қоронғу дўкондан

чиқиб, қуёш ёруғида кўзи қамашиб турганда унинг ёнига икки полисмен келди.

— Полиция бошлиғининг буйруғига мувофиқ! — деди улардан бири ва Макфернейнинг елкасига қўлини қўйди.

Шотландияликни олиб кетишди. Бир онда аламон йиғилди. Тамаки, гилам, ёнғоқ, банан, балиқ сотувчилар молларини ташлаб, дўконларидан югуриб чиқишди. Сам уйғониб эгаси кетидан чопди. Бечора ит кечикди, у тиқилишиб турган яланг оёқлар орасидан ўтолмади, соҳиблар соҳибни қамоққа олганини кўришга шу қадар кўп одам тўпланган эди.

Турма ҳовлисига соҳибни олиб кирганларида қамоқдагиларнинг ҳаммаси ҳайрон бўлиб қолди. У шотландча оқ шляпа остидан ҳиндча салла ўраб олган, юзи қорача эди, аммо Ҳиндистонда англияликни ҳинддан ким фарқ қилолмайди дейсиз. Соҳиблар бу кишини ким деб билган бўлсалар билаверсинлар-у, аммо маҳбуслар кўрган заҳотиёқ унинг европалик эканини билдилар.

Юзлари қоп-қора, сочи оқлигидан қора пешонасида ялтираб турган янги маҳбусни ҳиндлар Теманг Ори — бўрсуқ деб атадилар. У эса ўзини Макферней деб танитди.

Афтидан Макферней Калькутта қамоқхонасига тушиб қолганидан сира ҳам хафа эмасди. У маҳбуслар билан жуда тез иноқлашиб кетди. Тибетликлар, мадорасликлар, сингалезлар билан у ўз она тилларида гаплашарди. Ҳадемай қамоқхонадагиларнинг ҳаммаси уни илдам юриши, офтобда қорайган пешонасидаги бир тутам оқ сочи ва мулойим мовий кўзларидан дарҳол танийдиган бўлиб қолишди.

Макферней қамоқхонага келган куниёқ Лелани кўрган эди. Ҳошияли узун оқ юбкаси, бош ва елкасига усталик билан ўраган оқ жун рўмоли Лелани бошқа аёллардан ажратиб турарди.

— Асли қаерликсан, қизим? — деб сўради Макферней.

— Ражпутанадан, — деб жавоб берди Лела.

Макферней бош ирғади. У Ражпутанани биларди. Аммо бу ўлканинг сувсиз даштлар саёҳатчиларнинг йўлини тўсадиган, ҳали инглизлар томонидан тўла забот этилмаган эркин қабилалар кўчиб юрадиган ғарбий қисмига бирон марта ҳам бормаган эди.

Кечқурун Лела ҳовлидаги харсанг тош устида чорда-
на қуриб ўтириб, оҳиста қўшиқ айтарди:

Пешонамни ўрайман оқ сорий билан
Оқ сорий беркитар елкаларимни.
Йўлим олис, йўлим оғир,
Деҳлигача йўлим олис ва оғир...

Макферней қизнинг ёнига ўтириб, тинглай бошлади.

Йўлимда бор ўрмонлар.
О, Сакра-Валка!
Унда изгир йўлбарслар.
О, Чунда-Сакра!..

Макферней бир сакраб тушди.

— Бу ашулани қаерда ўргангансан?

— Ўз юртимда, — деди Лела.

— Нақаротдаги Чунда-Сакра... Сакра-Валка деган
сўзларни ҳам-а?

Лела унга ажабланиб қаради.

— Сиз ҳам биласизми бу сўзларни?

— Биламан, — деди Макферней. — Яна бошқа кўп
қўшиқларни ҳам биламан. Чунда-Ната-Дар... Бхатта-
Баруна...

Лела кўрқиб, нарироқ сурилди.

— Сиз фақирми?

— Йўқ, — деди Макферней. — Мен буларни қўшиқ-
лардан, эски китоблардан билганман.

Макферней қоғозларини олди.

— Сенинг юртинг Ражпутанада ота, она, опани нима
деб аташади? — сўради Макферней.

Лела айтди.

— Осмон-чи? Юлдузни-чи? Океан-чи?

— Самудра... — деб жавоб берди Лела.

Макферней бу сўзни ёзиб олди.

— Сизларнинг юртингизда ҳамма шунақа гапиради-
ми? — деб сўради у Леладан.

— Йўқ! — деди қиз. — Менинг онам ҳеч ким билмай-
диган сўзларни биларди.

— Бу сўзларни онанг кимдан ўрганган?

— Бобомдан, — деди Лела шивирлаб. — Бобом фа-
қир... У Бизнинг юртимизда ҳеч ким, ҳатто кексалар ҳам
билмайдиган дуо ва сеҳрларни билади. У илонларга, кўр-
шапалакларга ва тимсоҳларга сеҳр қилади.

— Жуда соз! — деди Макферней, — қадимий тил ай-
ниқса ана шу дуоларда яхши сақланиб қолган.

У ўз қоғозларини беркитди. «Бу ердан мен тўғри жанубий Ражпутанага бораман»,— деб хаёлидан ўтказиб қўйди у.

Афтидан шотландиялик атрофини желхонанинг баланд деворлари қуршаб турганига сира ҳам парво қилмасди.

Аммо Лела желхонага тушиб қолганидан қаттиқ қайғурар, ўз бурчагида ўтириб олиб, қўшиқ айтарди:

Желхонанинг девори баланд!

Оҳ, қандай баланд!

Қоровулнинг қараши ёмон

Оҳ, қандай ёмон!

Дарвозани тўсиб турибди

Қуриган сарв каби тик.

Оёқларин кериб турар, кетмас ҳеч ёққа.

Жуда тор ер қолдирган оёқлар орасида.

Жуда тор, зўрга сезилар.

Ундан одам ўтолмас,

Ҳатто юмронқозиқ сиғолмас унга.

Аммо кичкина учар илон бор,

Ола-була думли, кўзида ғурур,

Ўта олар ўша сирғалиб.

Қани энди илон бўлсам,

Кичининга учар бир илон.

Ола-була думим бўлса, кўзларим мағрур.

Қоровулнинг оёқлари орасидан ўтардим.

Озодликка чиқиб, эркин нафас олардим.

Желхонадан узоқларга учиб кетардим...

Лела эркинликни жуда соғинган эди.

У Чандра-Сингга бир неча марта ваъдасини эслатишга уриниб кўрди, аммо Чандра-Синг йўл-йўл чизик тортилган бошини силкитиб, сирли жилмаярди, холос.

— Сабр қил, Лела!— дерди Чандра-Синг.— Сабр қил. Сен Пандимизнинг қизисан.

Вақт ўтиб борар, Чандра-Сингнинг атрофи девор билан ўралган ўз масканида тобора хушвақт бўла бораётгани сезилиб турарди. Ҳатто унинг қўшиқлари ҳам жонланиб борди. Бир марта Лела Чандра-Синг оҳиста гингиллаб айтаётган қўшиқнинг сўзларини англаб қолди:

Дарахт остида нени кўрдим мармардай оқ,

Қовоқдай думалоқ?

Эҳтимол ширин-шакар мевадир?

Ёки тақводорнинг салласидир?

Ёки муқаддас тошбақанинг оқ косаси?..

Иўқ, бу инглизнинг гуруч тўла меш қорни...

Ҳовлидан пўкак шлём кийган соҳиб ўтиб келарди.

Буни кўрган Чандра-Синг қора бўёқ билан узун-узун чизиқлар чизилган пешонасини кўтармай, яна орқага ва олдинга тебрана берди: «Нни... Нни...»

«Соҳиблар, соҳибзодалар, эҳтиёт бўлинг!» — дегандай бўларди у қўшиғида.

Ташқаридан Чандра-Сингга билиб бўлмас йўллар орқали хабарлар келиб турарди: бу хабарларни ҳиндларнинг юпқа қоғозига ёзиб, чаққон чопарлар етказар, оқартирилган деворга кўмир билан яширинча белги қўйиб билдираар эдилар:

«Агра қўргони қўзғолди, инглиз генерали янчиб ташланди...

Британияликлар Дуобдаги шаҳар ва қишлоқлардан қочаптилар...

Золимларни мамлакатимиз еридан қувиб чиқариш учун бутун Ҳиндистон қўзғолмоқда».

Чандра-Синг кундан-кунга очиларди.

— Огоҳ бўл! — деб шивирлади у бир куни Лелага. — Шу бугун ярим кечада бу ердан кетамиз.

Лела ўша куни нонуштага берилган маккажўхори-нинг бир донини ҳам тотиб кўрмади, ҳаяжонидан бир нарса томоғини бўғарди. Аллақачон тўзиб кетган кўйлагини йиртиб, бихарлик тўқувчи хотиннинг қўлидаги порсиллаган ярасини боғлади. «Кечаси кетамиз!» — деб ўзини юпатарди Лела, аммо бу сирни қўшнисига айтмади. Тушга бориб у ҳовлининг кунгай томонига ўтди-да, бошини рўмол тагидан ҳўл латта билан ўраб, кун ботгунча шундай ётди. Жазирама офтоб оёқлари ва орқасини куйдираар, қулоқлари шанғиллар, боши айланарди, аммо у қимирламай ётаверди.

Афғон турма назоратчиси Лелани оёғи билан туртди. У миқ этмади.

— Бу қизга нима қилган? — жирканиб сўради бошига пробка шлём кийган соҳиб.

— Ўлат теккан ёки жинни бўлган, — деди афғон. — Куни бўйи офтобда қимир этмай ётибди. Ҳушсиз бўлса керак...

— Ружуф, уни биринчи дарвозанинг орқасига чиқариб қўй, — деди соҳиб. — Кечасигача ўзига келмаса ўлат текканлар орасига жўнат...

Афғон, Леланинг озғин танасини ўлакساني ушлаган-дек эҳтиётлик билан, ирганиб кўтарди-да, олиб кетди.

У қизни эрталабгача ҳушига келмаса қабристонга

элтиб ташлаш ниятида турманинг ташқи ва ички дарвозалари ўртасида бўлган қоровулхонанинг орқасидаги хилват ерга ётқизди. Ҳинд турмаларида тез-тез тарқаб турадиган ўлат касали Калькутта қамоқхонасида ҳам бир неча бор ёйилган эди.

Лела икки дарвоза оралиғида бир неча соат азобланиб ётди. Қоронғи тушиб, қоровуллар ҳовлини сўнғи марта айланиб кетгач, Леланинг ёнига кимдир оҳиста келди. Кимнингдир қўли рўмоли тагига оқшоқдан қилинган нон тиқиб қўйди. Қиз Макфернейнинг нозик қўлини таниди.

— Раҳмат, Макферней-соҳиб! — деб пичирлади Лела.

Ярим кечага яқин унинг ёнига яна кимдир келиб, энгашди:

— Сира қўрқма! Жим ёта бер... — деб шивирлади қулоғига Чандра-Синг.

Чандра-Синг қизни турғизиб, баланд гишт деворга суянтириб қўйди. Лела девордан бир нарса шитирлаб тушаётганини эшитди. Бу учи икки марта сиртмоқ қилиб бойланган арқон эди. Чандра-Синг арқоннинг учидаги сиртмоқни кенгайтирди-да, Леланинг қўлтиғи тагидан ўтқазди. Кейин секин ҳуштак чалди, девор орқасидан жавоб келгач, Лелани торта бошлашди.

— Эҳтиёт бўл!.. Девор тепасига учи найза мих қоқилган!..

Лела девор тепасини ушлаш билан ўткир мих қўлини тилди. Лела жимгина оёқларини деворнинг нариги ёғига олди. Кимдир елкасидан қучоқлади. «Сакра!» дейишди унга. Лела қоронғиликқа сакради. Шу заҳотиёқ уни бир неча жуфт қўл илиб олди ва қўлтиғидаги сиртмоқни бўшатди. Лела турмани ўраб олган зовур тагида турарди. Бир минут ўтар-ўтмас Чандра ҳам, девор тепасида Лелани елкасидан қучоқлаган киши ҳам зовурга сакраб тушишди.

Қоровулнинг шақилдоғи яқингинада шақирлади. Улар зовурдан эмаклаб бориб, унинг ёнидаги қиямаликда қулай бир ўрин топишди, ундан сассиқ сув кечиб ўтиб, ялангликка чиқишди-да, ерга энгашганларича чопиб кетишди. Тезда уйлар, дарахтлар орасига етишди, тонг ёришидан анча илгари улар одам одамни қидириб топиб бўлмайдиган эски Калькутта кўчаларидан бирида яшириндилар.

КАЛЬКУТТА ҲАМ НОТИНЧ

Беш-олти кун ўтди. Женни энди Пембертонлар уйида эшикларнинг ҳамиша очиқ туришига, тахта полсиз ерга, елвизак уриб туришига, иссиққа ва қамиш пардаларга ўрганиб қолди.

Еттинчи кун эрталаб, нонуштадан аввал Женнининг ёнига Пембертон хоним шошиб-пишиб кирди. Кечалик бош кийимининг боғланмаган ленталари елкасида тартибсиз сочилиб ётарди. Ранги қув ўчиб кетган Фредди унинг қўлидан ушлаб турарди.

— Жорж телба бўлиб қолибди!— деди қўрқа-писа Пембертон хоним.— Кабинетини ичидан бекитиб олиб, ҳеч кимни киритмаяпти.

— Кеча конторага бориб келди, тўппончасини ҳам ола кетди!— деди шивирлаб Фредди.

Женни улар билан бинонинг нариги бурчидаги мистер Пембертон кабинетининг эшиги ёнига борди. Шунча тақиллатишса ҳам мистер Пембертон жавоб бермасди.

— Жорж, бу биз ахир!— деб ялиниб-ёлворди Пембертон хоним.

Эшик орқасида оғир бир нима жаранг этиб ерга тушди-да, думалаб кетди.

— Дада, оч, бу биз!— деб қичқирди Фредди.

Эшик очилди. Аммо Женни мистер Пембертонни дарҳол кўролмади. Хона ярим қоронғу: хўжайин деразаларнинг ички эшикларини маҳкам бекитиб ташлаган эди. Эшик ёнида чўяндан ишланган каттакон овчи ҳайкали ётарди, мистер Пембертон қулфга ишонмай, уни эшикка тираб қўйган эди. Ёзув столи устида тепкиси тортилган икки тўппонча ярақлаб турибди. Ёқилган шам олдида бир тўда олтин ва пул уйиб қўйилган. Мистер Пембертоннинг ўзи бир тўда иш қоғозларини нарига суриб қўйиб, асабий ҳолатда олтинларни санарди.

— Ўзи нима гап, Жорж?— деб сўради паришон ҳолда Пембертон хоним.— Банкдаги сармоянгнинг ҳаммасини олиб келдингми?

Мистер Пембертон бошини кўтарди.

— Банкка ишониб бўлмайди. Лаънати ҳиндлар банкнинг ўзида фитна тайёрлаяптилар! Олтин запасининг

ҳаммасини ҳинд халқининг мулки деб эълон қилмоқчилар.

— Эй, худойим, бу қанақаси? Олтинларни ҳиндларга бериб бўладими? Бу қандай қароқчилик?— деди Пембертон хоним қўлини қирсиллатиб.

— Уларнинг қўлидан ҳар иш келади,— деди мистер Пембертон.— Кеча штабда бир телеграмма кўрдим. Қўзғолончилар Ост-Инд компаниясининг Деҳлидаги Ҳиндистон банкида сақланаётган ҳамма олтинини халқ мулки деб эълон қилишти.

— Оҳ, азиз авлиёлар! Ост-Инд компаниясининг олтинларини-я? Улар Англиянинг ярмини хонавайрон қилади.

Пембертон хоним эшикни маҳкам бекитди-да, олтинларни санашда эрига ёрдамлашди.

— Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди,— деди мистер Пембертон.— Портдаги юк ташувчи ҳиндлар менинг пароходимга пуруч юклашдан бош тортибдилар. Бу мамлакатда ҳеч кимга, ҳатто, ўз хизматкорларингга ҳам ишониб бўлмайди.

Пембертонлар уйида ўша кунгидеҳ ҳамма эркак хизматкорларни — отбоқарлар, қароллар, ошпазлар, боғбонларни ишдан бўшатиб юборишди. Хизматда хотин-қизлар билан ўн уч ёшдан ошмаган болаларгина қолишди.

Мистер Пембертон штабга бориб, генералдан ўз уйини қўриқлашга яна икки солдат сўраб олди. Бири ошхона ёнида, иккинчиси боғ эшиги тагида турадиган бўлди.

Фредди кичкина ёғоч тўппонча топиб олиб, эртадан кечгача боғда қушларни қўрқитиб юрди.

— Қўзғолончиларнинг ҳаммасини отиб ташлайман!— дерди Фредди.

Калькутта ҳам нотинч бўлгани учун Женнини уйдан ҳеч қаёққа чиқаришмас эди. Кечқурун соат саккиздан кейин кўчалардаги унда-бунда учрайдиган фанорлар ҳам ўчирилди, шаҳар зулматга чўмарди: ҳарбий ҳолат. Қўзғолон ҳақидаги хабарлардан юрагини олдириб қўйган инглизлар европалик хизматкорларисиз кўчага чиқмас, баллар, йиғилишлар бекор қилинган эди. Калькутта савдогарлари эрталаб идораларига кетаётганда араваларига икки жуфтдан ўқланган тўппонча жойлаб олишарди.

— Яқинда қамоқхоналар очилиб, маҳбуслар инглизлар маҳалласидаги энг яхши уйларни эгаллаб олади-

лар!— деб бир-бирларини қўрқитишарди британия-ликлар.

Калькуттадаги ерликлардан тузилган гарнизонни тезда қуролсизлантиришди. Аммо, бу ҳеч кимни тинчитолмади. Офицер ва чиновниклар ўз оилаларини Вильямс-фортга, фортдаги тўпларнинг ҳимоясига кўчиришарди.

«Фортнинг ўзида фитна бор,— деб пичирлашарди шаҳарда.— Зарбхонани портлатишга ҳозирланыптилар... Генерал-губернатор нимани ўйлайди?»

Лорд Каннинг ҳамма ёқ хотиржамлик деб ишонтирарди. У оппоқ мармар каби силлиқ, такаббурона юзини қабул маросимларида аввалгича шавқсиз тутар, генерал-губернаторнинг рафиқаси леди Каннинг эса ҳар куни эрталаб аввалгича Денгиз бўйи истироҳат боғининг бош хиёбонида соябон аравасида айланарди.

Ледининг сайр қилиб келиб, кечгача ўз ётоқхонасида пешонасига ҳўл латта қўйиб, хушбўй тузлар ҳидлаб ётишини, эрига мумкин қадар тезроқ Англияга жўнатиб юбор деб ёлборишини ҳеч ким билмас эди.

Мамлакатнинг ичкарисидан келаётган қочоқлар кишини ҳайратда қолдирадиган хабарлар келтиришарди. Бутун Юқори Ҳиндистон ўт ичида; қўзғолон кўтарган пойтахтга бошқа шаҳар ва ҳарбий станциялар ҳам қўшилмоқда. Инглизларнинг алоҳида-алоҳида тўдалари бутун мамлакатда қўзғолончилар томонидан қуршаб олинган. Қасоскор Битхур рожаси Нана-соҳиб Дуобдаги — Ганг билан Жамна дарёси оралиғидаги—мусулмон ва ҳиндларни ўз байроғи остига бирлашишга чақиради. Инглиз генерали Хьюг Уилер Каунпурда қуршаб олинган, Нана-соҳибнинг кўшинлари уни қамалга олиб, тўрт томондан қисяптилар; ҳинд тўплари Лакнауни тўпга тутяптилар, шунинг учун Лакнау резиденти Генри Лоуренс Панжобнинг барча ҳарбий станцияларига ва қўшни вилоятларга ҳадеб илтижонома юбориб, ёрдам қилишни сўрарди.

Лорд Каннинг ниҳоят Амбалла орқали қўмондонлик билан алоқа боғлади.

— Тезда Деҳлига, қўзғолоннинг юрагига зарба берилсин! — деб буюрди генерал-губернатор.

У генералнинг қўшини йўқлигини, турган еридан озгина ҳам силжий олмаслигини, чунки деҳқонлар озиқ-овқат бермай қўйганларини билмас эди. Генерални ҳар бир қишлоқда пистирма кутарди, от ва туяларни боқишга

ҳеч нарсa йўқ, аравакашлар қочиb кетяпти... Лорд Каннинг Деҳлини қамал қилиб олган инглизлар кўп талафот бераётганини, тезда ўзлари қамал ҳолатида қолишлари мумкин эканини билмас эди.

Деҳлидан жануброқда Жамна дарёсининг тармоғидаги яхши мустаҳкамланган, қадимий Агра қўрғони ионнинг охирида жим бўлиб қолди.

Наҳотки Аграда ҳам ерли полклар қўзғолган бўлса? Ана шунда Калькуттада чинакам ваҳима бошланди.

..Найзаларимизни санчиb беомон
Тоғдан қулатамиз соҳибларни биз.
Ғарқ этамиз денгизнинг тагига томон —
Ўзлари келган денгиз остига тез...

Ҳиндистонда инглизлар ҳукмдорлиги тугаётгандай эди.

Лорд Каннинг энди ҳеч кимни ҳамма ёқ хотиржамлик деб ишонтирмас, Лондонга кетма-кет хат ёзиб, Бирмадан, Эрондан, Цейлондан, қўшин юборилишини сўради. Бомбайга мадраслик ўқчилар туширилди, лорд Каннинг уларни тезда Калькуттага жўнатишни сўради. Британия қўшинлари тушган транспортлар Лондондан Шанхайга Африкани айланиб ўтарди, чунки лорд Каннинг Кэптаунга ва Коморин бурунига шошилиш хабарлар ёзиб, солдатлар тушган барча ҳарбий кемаларни тўхтатиб, унинг қўл остига, Калькуттага юборишни сўради.

«Бизга европалик қўшинлар жуда зарур. Мабодо европаликлар бўлмаса, малайяликлар бўлса ҳам юборинглар»,— деб ёзди у Цейлон оролидаги Коломбога.

Қўмондонлик саросимага тушиб қолди. У бугун бир буйруқ юборса, икки кундан кейин уни ўзгартирарди. «Оливия»нинг капитанини Коморин бурунида ҳол-жонига қўймай шоширдилар, энди бўлса кема икки ҳафтадан бери Калькутта портида бўшатибмай, янги буйруқни кутиб ётибди.

Лорд Каннинг «Оливия»да келган солдатларини исён кўтарган Бенгалга юборишини ҳам, Калькуттанинг ўзини ҳимоя қилишга олиб қолишини ҳам билмас эди.

Ниҳоят ионнинг охирларида Бирмадан, Рангундан жўнатишган бир полк европалик солдат Калькуттага етиб келди. Тез орада Мадрас ўқчилари тушган пар билан юрадиган кемалар Хугглининг оқорисига чиқди. Ўқчиларга Жорж Нэйл—яқингинада Россия билан бўлган урушда сэр Роберт Вивьен қўли остида Қора ден-

гиздаги инглиз-турк қисмларида хизмат қилган, туркларга британияликларнинг қуролини ўргатган, ўзи эса улардан бўйсундирилган ва асирга олинганларга туркчасига азоб беришни ўрганган ўша Жорж Нэйл қўмондонлик қиларди.

Калькуттадаги инглизлар, ниҳоят ёрдам етиб кела бошлади деб севинишиб қолишди.

Орадан яна бир неча кун ўтгач, майор Бриггс Калькутта пристани остоналарида ўзининг шотландияликлар полкини, Хайлэнд тоғ ўқчиларини, Севастополь компаниясидаги эски танишларини кўрди. Хайлэндликлар Хитойга кетаётган эдилар, лекин уларни йўлда ушлаб олиб, Шанхай ўрнига Калькуттага келтиришди.

Калькутта портига пул ишлаш учун узоқ вилоятлардан келган ҳинд ҳаммоллар калта юбка кийиб олган, оёғи тиззасигача яланғоч, сариқ соқолли шотланд ўқчиларини кўриб ҳайрон қолишарди.

«Хотинларми булар? Ёки шайтонми?— деб қўрқиншарди ҳиндлар.— Йўқ, булар на хотин, на шайтон. Бизнинг бу жойларда шу маҳалагача ҳеч ким кўрмаган ярим одам, ярим ҳайвон махлуқлар бўлса керак».

Майор Бриггс штабда ўзининг эски полкига тайинланди. Жорж Нэйл ўз мадрасликлари билан ҳаммадан олдин Ганг дарёсидан юқорига қараб сузиб кетди. Нэйл турклардан ўрганганларимни тезроқ Ҳиндистон қўзғолончиларига қўлласам деб шошиларди.

Бир ярим ҳафтача вақт шундай ўтди. Капитан Бедфорд олға юришга буйруқ кутарди. Женни, Пембертонлар верандасининг қамиш пардаси орқасида қамалиб ўтирарди. Калькуттага келган кунлари кечқуруноқ, шотландиялик Макфернейнинг ити Сам Пембертонлар уйига югуриб келди. Мистер Бедфорднинг изидан йўл топиб келган бўлса керак. Сам аянчли ингилаб, бир нарсани сўраётгандек Женнининг оёғига суйканарди. Женни итни ўз олдида олиб қолди.

Яна уч кун ўтди. Эрталаб барвақт Пембертонлар уйининг ташқи дарвозасини қўриқлаб турган солдат қаршисида узун, чанг босган оқ юбка кийган, қора жингала сочини оқ рўмол билан ёпиб олган, иккала билагига шиша билагузуқлар таққан ёшгина ҳинд қизи пайдо бўлди.

Солдат қовоғини солди. Унга ерликлардан ҳеч кимсани ичкарига қўйма деб қаттиқ буюрилган эди.

— Нега этик кийиб олдинг? Шундай иссиқда-я! — деб сўради қиз ингичка, мулойим товуш билан.

Солдат жавоб бермади.

— Этигингни еч! — деди қиз. — Оёғинг илвиллаб кетади.

Солдат оғирлигини у оёғидан-бу оёғига солди.

— Қоч! — деди солдат хўмрайиб.

— Еч деяпман! — деб қистади қиз. — Кел, мен тортиб юборай. Майлими?

Шу заҳотиёқ қиз ўнг оёқдаги этикни ушлаб, қумга, солдат оёғи тагига мукка тушди.

— Қоч! — деди солдат, оёғини силкитиб. — Йўқол бу ердан, ярамас.

— Хўп! — деб жавоб берди Лела. Қиз лип этиб унинг оёқлари орасидан ўтди-да, кўз очиб юмгунча ичкаридаги кўм-кўк буталар орасида ғойиб бўлди. Солдат қайрилиб қараб, боғнинг йўлкаси-ю, буталардан бошқа нарсани кўрмади.

Уша куни эрталаб Женни уйқудан туриб, боққа чиқди. Уйдагилар энди туришаётган эди. Қиз боғнинг бир бурчагидаги шохлари тарвақайлаб ўсган катта чинор тагида кимнингдир кичкинагина яланг оёғини кўриб қолди. Дарахт тагида қуюқ баргларга бурканиб кимдир турарди.

Женни яқинроқ бориши биланоқ, кўк шиша билангузукли, қорамағиз қўл новдаларни ёриб, кимдир оҳангдор овозда тезгина сўради:

— Сен Гаррис-соҳибнинг қизи Женнимисан?

— Ҳа, — деди Женни.

Шу чоқ дарахт тагидан қорача келган бир қиз унинг қаршисига сакраб чиқди.

— Дўстинг Макферней-соҳиб желхонада — қамоқда ётибди! — деб пичирлади қиз шошиб. — Сен бўлсанг ҳеч нарсадан хабарсиз боғда сайр қилиб юрибсан... ай-ай! — деди қиз қўлларини бир-бирига уриб. — Бугун уни соҳибларнинг судида суд қилишади. Судья уч юз дарра уришни буюрса нима бўлади? Ёки бутунлай сув бермай қўйдирса-чи? Тезроқ бориб, дўстингни қутқариб ол!

— Мистер Макфернейни суд қилишадими? Нима учун?

— Раҳмдил, биз билан иноқ бўлгани учун... Биз билан ўз тилимизда гаплашгани учун. Бизнинг халқимиз-

га хайрихоҳ бўлгани учун,— деди қиз шошилиб.— Соҳиблар бундай одамни ёқтиришмайди.

— Қаерда у? Уни мен қандай топаман?

Шу чоқ улардан сал наридаги дарахтлар тагида ёш боланинг ингичка овози эшитилди. Бу, боғда гилдирагини гилдиратиб юрган Фредди эди.

Қиз шу он қуюқ барглар орасига яширинди.

— Мистер Макфернейни қаердан топаман?— деб сўради саросимада қолган Женни яна.

— Желхонадан!— деб жавоб қилди барглар орасидан бир оз бўғиқ овоз.— Бозорга бориб, желхонани сўра. Ҳамма айтиб беради.

Женни уйга келиб, барча пулини тўплади: икки фунтлик қоғоз пули, тўртта кумуш шиллинги ва бир оз майда чақаси бор экан. Сам бир нарсани фаҳмлагандек, ғамгин бўлиб, қўпол тумшуғини унинг тиззаларига сўртди. Женни итни бўйнидан тасма ўтқазиб, кўчага етаклаб чиқди.

Женни иккинчи нонушта маҳалигина Пембертон хонимнинг эсига тушди. Женни қани? Хизматкорлар уй билан боғни ахтаришди, ҳеч қаерда йўқ. Кичкина меҳмон йўқолиб қолибди! Соат учга бориб капитан Бедфорд ординарецдан: олға юришга буйруқ олинди, йўлга тайёрланиш керак, деган хабар юборди. Женни тушки овқат пайтигача ҳам топилмади.

— Уни ҳинд фитнесчилар олиб қочган,— деди мистер Пембертон. Соат олти яримда Пембертон хоним ўз хонасида пешонасига латта ҳўллаб қўйиб ётарди. Соат еттида Бедфорднинг ўзи келди.

— Маргарет, тинчланинг!— деди капитан Пембертон хонимнинг паришон юзини кўриб. Кейин хонимдан ҳеч нарса сўрамади-да, меҳмонхонага кириб кетди.

Тезда майор Бриггс унга ёрдамга етиб келди-да, иккови картага тикилишди.

Мистер Бедфордни Деҳлини қамал қилган британиялик қўшинларга Калькуттадан ёрдамга юборилаётган оғир қамал тўплари карвонини кузатиб боришга тайинлашди.

Карвон ўтиб борадиган йўл маршрутини танлаш керак эди, бу эса осон эмас.

Бриггс трубкасини Ҳиндистон харитаси устидан юришиб, ярим оролининг бутун шимолий ярмини, Непал ва

ҳатто Бирманинг бир чеккасини ачиқ кўм-кўк тамаки қилиб юборди.

— Ҳаммасидан қийини — Юқори Бенгал! — деди хафа бўлиб Бедфорд.

— Ауд билан унга қўшни вилоятлар яна ҳам қийинроқ, — деб хириллади Бригс.

— Тинчланинг, ҳурматли майор, — деб таъкидлади Бедфорд. — Келинг, бир бошдан кўриб чиқайлик. Динапур-чи?

— Динапурда Уттиз иккинчи пиёдалар полки қўзғолган..

— Хўп. Уни қўяйлик Банорас-чи?

— Банорасда ғулғула.

— У ерда ярим рота британиялик солдат бор-ку!

— Бор эди! — деб эътироз билдирди майор. — Ундан нима қолдийкин, буни биз билмаймиз.

— Қани, бошқасини кўрайлик. Оллоҳобод-чи?

— Оллоҳободдан яхши хабарлар бор. У ерда: Жорж Нэйлл ўз отряди билан ўтибди.

— Демак, Оллоҳободдан Дуобни ёриб ўтиб, шимол-ғарбга қуруқликдан юрамиз. Жамнанинг чап қирғоғида аҳвол қандай экан?

— Тўхтанг! Ҳали йўлда Лакнау бор.

— Ҳурматли майор, Лакнауда иш яхши эмас. Британия қўшинлари исёнчилар томонидан қамал қилинган.

— Шундай бўлиши мумкинми? — деб ингради Пембертон хоним. — Бизнинг Жон Лакнауда-ку, ахир!..

— Тинчланинг, Маргарет!.. Лакнаудаги кучларимизга ёрдам бериш учун генерал Хавелок йўлга чиқяпти.

— Кўпдан бери йўлга чиқади у. Лекин ҳеч етолмайди. — Осон эмас-да, азизим. Йўлидаги барча ҳарбий станциялар исён кўтарган. Хўш, яна қайсиниси бор?

— Аллигур.

— Ҳа, Аллигур ва менинг азиз дўстим Дик Гаррис. Женни қаерда? — деди бирдан эслаб Бедфорд. — Уни нима қилишимизни ўйлаб кўрганимиз йўқ.

— Женни?.. Мен.. мен билмадим, қаёқда экан, — деди Пембертон хоним зўр-базўр.

Худди шу он Женни меҳмонхона остонасида пайдо бўлди. Унинг похол шляпаси бўйнига тушган, ленталари бойланмаган, кўйлагининг бурмалари ғижимланган ва гўё Калькуттанинг ярмисини супуриб чиққандай чангга

матли гиламлар илинган; гиламларнинг бирида гуллаб турган дарахт тасвирланган, унинг ҳар томонга ёйилиб кетган шохлари иккинчисиди ҳам давом этади; яна бирида товус патларини ёзиб турибди; оч сариқ патли учинчи гиламда қизил атир гул очилиб ётибди. Бу ерда Измир гиламлари, Қажрах гиламлари, Эрон ва Бухоро гиламлари бор. Ханжарлар сопидаги оқ ва қора кумуш жилода бир-бири билан баҳслашарди. Дўконга кира беришда мукка тушиб, нозик чўтка билан газламага гул солаётган рассом неча асрлардан бери тақрорланиб келаётган гул барги, аждаҳо думи ва унинг қайрилган панжалари нақшини чизарди. Бу ерда жилосиз ва кумушдек ярқирайдиган кўкиш шоҳилар, турли рангдаги кимхоб, машҳур Қашмир оқ тивитидан тўқилган роз паридек оқ ва енгил рўмоллар бор.

— Бу ёққа эмас!— деди Чандра-Синг. У Лелани яна нари олиб кетди.

Улар юлдузсимон беш бурчакли майдондан, пешайвони кўтариб қўйилган кичкина дўконлар олдидан чиқишди. Бу майдончадан юлдузнинг беш қиррасидек бешта майда раста тарқаган: Мисгарлик растаси Темирчилик растаси, Жуи савалаш растаси, Сарроқлик растаси, Кулоллик растаси. Лелани бундаги ҳар хил овозлар, тақир-туқур, шовқин-сурон гаранг қилди. Мисгарлар жом ва тарелкаларини жангиллатиб чалишар, темирчи болғасини кичкинагина кўчма сандонга гурсиллатиб урарди.

— Хайр қилинглар, хайр қилинглар!— деб зорланишарди гадолар.

— Пул, пул майдалайман!— деб бақиради сарроф, бир уюм кумуш ва чақа пул олдиға ўтириб олиб; мешкоблар мис косаларини ўткинчиларнинг қулоқлари тагида тақиллатиб, мешдаги сувдан ичишга таклиф қилишарди; бугдой сотаётган аллоф, гадо ва чумчуқларни ҳайдаб, тарозининг мис палласига дон сепарди.

Лела бир оз қўрқув босиб, индамай Чандра-Синг орқасидан борарди.

Сарроқлик растасида Чандра-Синг тўхтади. У ёқ-бу ёққа аланглаб олгач, дўконлардан бири олдиға борди-да, индамай кира беришга илиб қўйилган буюмлар орасидан чарм меш танлай бошлади.

— Чандра, мешкоб бўлмоқчимисан?— деди дўкондан паст овозли киши.

Деворга осиб қўйилган от хомутлари орасида сар-
рочнинг мош-гуруч соқоли кўринди.

— Иссиқда сув роса кетади-да!— деди Чандра сар-
рочнинг қулоғига қувлик билан.— Кекса Пахти-Лалнинг
ошхонасига боргин, ҳаммасини биласан.

У энига оқ ип билан йўл-йўл қилиб тикилган мешни
танлади-да, эгасига пул узатди.

Сарроч унинг қўлини қайтарди.

— Ошхонада ҳисоблашамиз,— деди дўриллаб, қулиб
турган сарроч.

Чандра-Синг билан Лела нари кетишди.

Улар майдоннинг шарқий бурчагида тўхташди. Ошхо-
нанинг кўчага очилган пастаккина эшигидан гуркираб
овқат ҳиди келиб турарди. Чандра-Синг ичкари кирди.
Лела рўмолини қошига тушириб унинг кетидан кирди-да,
бурчакка бориб, ерга ўтирди.

— Салом!..— Ошхона эгаси Чандрани ўзоқдан кўриб,
қўлини кўкрагига, лабига, пешонасига тегизиб табрик-
лади.

Чандра-Синг кафтини жимгина кўкрагига қўйиб,
жилмайди-да, хўжайинга яқинроқ бориб ўтирди.

Ошхона эгаси боши кал, оёқлари калта, жунсиз қиз-
ғиш кўкраги очиқ киши бўлиб, қулоғига сирень тақиб
олган эди. У Чандрага эски оғайнилардек кўз қисиб
қўйди.

— Ўзоқдан келяпсанми?— пичирлаб сўради у.

— Пиёда етсанг ҳам отда етолмайдиган жойдан,—
деди ҳазиллашиб Чандра.

— Дарвозаси берк, ўраси чуқурми?— деб кулди
ошпаз.

Чандра-Синг бош ирғади. Ошпаз фаҳмли киши эди.

— Биз сени кўпдан бери кутамиз, Чандра-Синг!—
деди яна товущини пасайтириб ошпаз.

Унинг ёнгинасида темир ўчоққа қўйилган қозон
қайнарди.

Ошпаз тувоқни кўтарди. Овқат ҳиди Леланинг димо-
ғига гуп этиб урди, унинг боши айланди. Қозонда хуш-
бўй қалампир ва майдаланган саримсоқ билан гуруч
қайнарди.

— Аввал таом, баъдаз калом!— деди кўз қисиб ошпаз,
кейин мис ликончаларга кишари сузди.

Лела билан Чандра овқатни ея бошлашди, ошпаз эса

япалоқ тўқ-қизил шапка кийган хизматкори чақириб, унга тез-тез нималардир деди. Хизматкор чопиб кетди. Лела юпқа ошхона девори орқасидан унинг яланг оёқ гурс-гурс чопиб ўтганини эшитиб турди.

Лела қалампиш ҳиди гуркираб турган шўрвани шоша-пиша ютар, ошпаз унга қараб турарди.

— Синглингми?

— Қизим,— деди жилмайиб, Чандра.

— Бундай қиз сенда қаёқдан бўлсин, ўзинг ҳали боласан-ку!

— Дўстимнинг қизи,— деб тушунтирди Чандра-Синг.— Барибир эмасми, қизим-да.

— Шундай дегин.— Ошпаз оғир тин олди. У Леланинг қўлидаги бўш ликопчани олиб, унга яна кишари куйди.

Ошхонага узун қалпоқли гадо чол билан браҳманча кийинган ундан кўра ёшроқ бир киши киришди.

Иккови ҳам кира беришга яқин ерга ўтиришди..

Браҳман тик қоматли, озғин бўлиб, чаккасидан тик кесиби тушгандек чўзинчоқ чиройли юзидаги қора кўзлари бир нуқтага қараб турарди. У гапирганда, Санёз¹ эҳромда ибодат қилаётганда қўлини дуога очганидек қўлини юқори кўтарарди.

— Мен худонинг еттинчи жамолини кўрдим,— дерди браҳман.— Вишнунинг кўзи юмуқ, аммо қовоқлари гапирарди...— у қўлларини қовуштириб, кафтини кафтига қўйди.— Вишнунинг кўзлари ўз мамлакатининг тақдиридан ёш тўкади. Битхур, Жанси, Сатара.. Ҳиндистонда тахт кетидан тахт қуламоқда. Британияликларнинг жинояти ҳаддидан ошиб кетди. Қадимий ҳукмдорларимиз, валиаҳд шаҳзодаларимиз, рожаларнинг ўғиллари, набиралари жирканч хотин, қиролича Викториянинг хизматкори бўлиб қолдилар. Мағрур қоплонларнинг болалари душман қўлидан бир бурда нонни зорланиб ейдилар!

Золим шайтон бизни ота-боболаримизнинг эркин динидан чиқармоқчи...

У билан бирга кирган чол бош иргитарди. У Лелага орқа ўгириб ўтирганидан, қиз унинг юзини кўрмасди.

— Ҳиндистоннинг қони ҳали совугани йўқ,— дерди браҳман ғазаб билан гўлдираб.— Сабр косалари тўлган, қасос алангаси ёнади! Битхурнинг валиаҳд шаҳзодаси

¹ Санёз — ҳинд ибодатхонасининг хизматчиси, браҳман зотидан бўлади.

Нана-соҳиб келгиндиларга қарши отланиб, махратларнинг аввалги байроғини кўтариб чиқди...

Брахмanning сўзларини чолдан бошқа ҳеч ким тингламасди. Ошпаз билан Чандра-Синг икковлари бировни кутгандек, ланг очиқ эшикдан кўчага тикилиб ўтиришарди.

Тезда офтоб тушиб турган эшик олдида бир одам пайдо бўлди.

У пешона терини сидирди: елкасига чарх кўтариб олган, иссиқ қаттиқ. Чархчи чархини шундайгина ошхона эшиги олдидаги тош йўлга ўрнатиб, ёнидан тиғи кенг калта пичоқ олди-да, чархлай бошлади.

— Қани пичоқ борми, чархлаб бераман!— деб қичқирарди у.

Лела ўнинг ёш, қувноқ юзини, чарх тошидан сачраган чанг сингиган қора қошларини кўрди. Чархчининг кўзлари кулиб турарди.

— Пичоқ чархлайман, пичоқ!— деб қичқирарди қувноқ йигит.— Пичоқ дейсизми, ханжар дейсизми, қилич, талвар¹ дейсизми, ишқилиб кесадиған, санчадиған, душмanning қонини тўкадиған нимаики бўлса чархлай бераман... Пичоқ чархлайман, пичоқ!..

Пичоқ қувноқ чархчининг қўлида шириллар, чарх тоши эшитилар-эшитилмас ғижирлар, пичоқнинг энли тиғидан кўкиш учқун сачрарди.

— Пичоқ чархлайман, пичоқ!..

Гўё биров чақиргандек бўм-бўш ошхонага одамлар тўплана бошлади. Лела бозорда кўрган қора соқолли қароғи солиқ сарроҳ елкасида бир бойлам юган кўтариб, эшикдан кириб келди; икки кулол лойли қўлларини арта-сурта, энг ичкарига, ошпазнинг олдига бориб ўтирди. Жунчангидан кўзлари қизариб кетган кекса тўқувчи териси буришиб, ёрилиб-ёрилиб кетган қўлларини тиззасига қўйиб, Чандранинг ёнгинасига чўкди.

— Чандра, кўпдан бери келмай қўйдинг!— деб оғир нафас олди тўқувчи.

Улар шивирлашиб гапиришдилар. Тўқувчи нақ Чандранинг қулоғига пичирларди.

Қира беришда ўтирган чўзиқ паришон юзли браҳман билан ўзун қалпоқли чол кетишмади.

¹ Шамшир.



— Мен Нана-Жини ёшлигидан билардим,— дерди браҳман бир нуқтага хаёлчан тикилиб.— Улуғ Браҳма мени унинг ёшлик ўйинларига гувоҳ бўлишга олиб келди. Нана-соҳиб Браҳмавартада тарбияланди, кейинчалик Жанси рожасига теккан ёш Лакшмибай билан Нана-соҳиб ёшликда бирга ўйнаб юришарди. Қиз етти ёшда, у бўлса ўн саккиз ёшдайди... Ҳали-ҳали ёдимда, Нана филга миниб туриб, қизни қўлига кўтариб олар ва улар икковлашиб муқаддас ўрмонда филни чоптиришарди...

Чол жим ўтирарди. Бирдан овқат емай қўйганига Леланинг назарида, у Чандра билан тўқувчининг гапига диққат билан қулоқ солаётгандай туюлди.

Бир фалокат юз берадигандай кутилмаганда қизнинг юраги зирқираб кетди. Чолнинг ифлос, чанг босган гардани ва узун қалпоғи танишдек кўринди.

Ошпаз Патхи-Лалл ҳам меҳмонга диққат билан қарди.

Чандра-Синг бурчақда ўтирган ерида қаттиқроқ гапира бошлади, Патхи-Лалл бундан безовта бўлиб, қозон атрофида айланишарди.

— Чандра, бегоналар гапингни эшитиб қолмасин!— деб шивирлади Патхи-Лалл ва кўз қири билан чолни секин кўрсатиб қўйди.— Сўнгги ҳафта ичида бизнинг кишиларимиз Калькуттада соҳибларга махфий равишда сўз етказадиган тўртта ибодатхона гадосини ушлашди.

— Биламан, биламан, Патхи!.. Қамоқхонада ётиб эсимни ачиган шўрвага қўшиб еб юборганим йўқ,— деб жавоб берди Чандра.

У сарроч билан гаплаша бошлади.

— Ҳаммаси тайёр бўлган эди, Чандра!— деди Чандранинг қулоғи тагига келиб, ғамгин ҳолда, ғўнғиллагач овоз билан сарроч. Қулоғи оғирроқ сарроч секин гапира олмас, қанча секин гапиришга тиришса ҳамки, баъзи сўзларини бошқалар ҳам эшитиб қолишарди.— Ҳаммаси тайёр бўлган эди, Чандра!— деб ғудиллади сарроч.— Мусулмонлар қўлларига қуръон олиб қасамёд этишди, ҳиндлар Ганг сувини бошларидан сочишди. Бутун Читпур Бозор қурулланган, ҳатто пастки қатордаги чамарлар ҳам қўшилишган эди. Калькуттанинг Арсенали, форти, зарбхонасини бир кечадаёк осонгина олса бўларди. Аммо инглизларнинг този итлари бундан хабардор бўлиб қолиб, соҳиблар бир кун қолганда фортдаги ҳамма қоровулларни алмаштириб, икки ҳисса соқчи қўйдилар, бутун гарнизон қурулсизлантирилди. Соҳиблар бозорларга, ҳаммомларга, одам тўпланадиган ҳамма жойларга ўз кишиларини қўйишди. Ибодатхона гадоларининг ҳаммасини сотиб олишди. Соҳиблар ҳатто уйларида ўтирган хотинлар ичидан ҳам исёнчиларни қидиришарди.

— Қашқир болалари!— деб кескин сўқинди Чандра.

Лела бу гапларни эшитмас эди. У браҳмanning ҳаракатсиз юзига, қордек оппоқ салласини пешонаси устидан қисиб турган кумуш ҳалқасига қараб турарди. Хизматкор мис идишда гуруч билан тухумга қовурилган қўй гўшти

келтирди. Чол очкўзлик билан овқатга ёпишди. Аммо браҳман гўштга қўл тегизмади.

— Улуғ Браҳма курашга ўзи одам белгилайди,—деди қўлини қовуштириб браҳман — Калидасининг башорат қилиб айтганлари бўляпти. Қимнинг танида чизиклар пайдо бўлса — ўшанга ишон, сажда қил ва кут...

Чол маъқуллаб бошини қимирлатар, Лела бўлса унинг узун чўққи қалпоғи боши билан бирга қимирласа-да, пешонасига ҳам, бўйнига ҳам тушиб кетмаётганига ҳайрон бўларди... Чолнинг бошига очиқ эшикдан офтоб тушди. Шунда Лела чолнинг бошидаги ғалати қалпоқ унинг ўз сочидан тўқилган бўлиб, ҳар ер-ҳар еридан латта билан боғланган эканини пайқади. Лела беихтиёр ундан кўзини олди.

Ошхона иссиқ. Қозондан, катта ўчоқда шитирлаб ёниб турган кўмирдан қаттиқ иссиқ урарди. Димга чидолмаган қиз юзидаги оқ рўмолини орқасига ташлаб, қорача юзи ва сочларини очди.

Лела кўзи билан кўрмаса ҳам, кимдир унга тикилиб қараётганини пайқади. Бошини кўтариб қаради-ю, шилпигланиб кетган таниш ўтқир кўз юзига тикилиб турганини кўрди.

Ўша чол... Қиз шу қадар қўрқадиган ўша фақир!

Лела юзини рўмол билан бекитиб, ерга энгашди-да, дами ичига тушиб, Чандранинг ёнида қотиб туриб қолди.

Чолни дастлаб кўрганидан буён бир йилдан кўп вақт ўтди, Леланинг пешонасидаги белги деярли ўчиб кетган, эҳтимол чол уни танимагандир!..

Йўқ. Лела фақирнинг энди ўзига, Чандрага, қора соқолли саррочга қаттиқ тикилиб қараётганини кўрди.

Лела Чандранинг қўлидан тортди.

— Чандра, биз бу ердан кетишимиз керак!..

Чандра қизнинг сўзига қулоқ солмади. Шу пайт, Леланинг бахтига, кўчадаги чархчи чархини тўхтатиб, пичоқни яширди. Ярим яланғоч бир мехтар бола ошхонага чопиб кирди. У ошхонани тезда кўздан кечириб, Чандрани дарҳол таниди-да, унинг ёнига чопиб борди.

— Чандра-Синг, тезроқ юр,— деб шивирлади бола,— сенга бир одам узоқдан муҳим хабар келтирди. У сени қуролсозлик растасида, ўша эски жойда кутиб турибди...

Чандра шоша-пиша эшикка қараб юрди. Лела унинг кетидан кетди. У орқасига қарашга ҳам қўрқарди.

— О, Чандра, қандай қўрқинчли чол-а!.. Мен ундан шундай қўрқаманки!— деди қиз кўчага чиққач.

— Ҳа, ҳа,— деди Чандра. У ҳам ҳаммасини сезган, у ҳам фақир чол ҳақида ўйлаб турган эди-ю, аммо тамомила бошқача ўйламоқда эди.

Ўн тўққизинчи боб

УЗОҚДАН КЕЛГАН ДАРАҚЧИ

Чандра-Синг Лелани шаҳарнинг шарқий қисмига олиб кетди. Улар уйларнинг бўғотлари бошга тегай деб турган тор, қинғир-қийшиқ кўчалардан, сассиқ кўлмаклардан, ҳатто кундузлари ҳам қоронғи бўладиган тор кўчалардан, Калькуттанинг ҳиндлар яшайдиган, тасаввур қилиб бўлмас қашшоқ ва ифлос кўчаларидан ўтиб омборгами, ташландиқ устахонагами ўхшаш бир ойнасиз пастак ғиштин бино олдида тўхташди. Ичкари ярим қоронғи бўлиб, бунда уларни бир неча киши кутарди. Улардан бири анчагина ёшга борган, деҳқонча кийинган, узоқ йўл юриб келгандек чапга ботган, оёғи қонаб кетган ҳинд Чандра-Сингга пеннвот чиқди.

— Салом, Чандра!— деди деҳқон.— Мен Икки Дарё мамлакатидан хабарлар келтирдим.

У Чандрага карнай қилиб ўралган қалин ҳинд қоғозини берди.

Чандра-Синг хатни ичида жуда диққат билан ўқиди-да:

— Яхши, — деди. — Энди, Ордар-Синг, ўзинг нима-ларни кўрдинг, нима гаплар эшитдинг, шулардан гапир.

— Жуда кўп нарса кўрдим, ундан ҳам кўп нарсани эшитдим, Чандра! — деб жавоб берди деҳқон. — Бизнинг мамлакатимизда, Дуоб ерларида катта уруш бўляпти. Қиролича солдатлари билан жанг қилиш учун элликта эркин полк уруш майдонига чиқди. Ганг ва Жамна дарёларининг суви қоп-қора қонга беланди. Битхур рожаси Нана-соҳиб Каунпурдан британияликларни чиқармай қўйган. Эски ёлғончи, Жон Лоуренснинг укаси, илон боласи Генри Лоуренс Лакнауда қаттиқ қамал қилинган. Қанчалаб ҳиндларнинг бошини еган генерал-соҳиб, золим Нэйл ўзлариникига ёрдамга келган, у Ганг дарёсининг Банорасдан Оллоҳободгача бўлган қирғоғини дорга гўлдириб юборди. Соҳиблар уни бекорга «темир мих»

— Карвон қандай ҳимоя қилинган? — дадил сўради Чандра-Синг.

— Қиролича тўпчилари беш юз киши, тўпга ўқ та-шувчиларнинг ҳаммаси ўзимиздан.

— Яхши. Жуда муҳим янгилик, — деди Чандра-Синг. — Карвон тезда йўлга чиқади дединг-а?

— Ҳа, эрта ё индинга. Буйруқ берилган.

— Тўп ортилган карвон Деҳлига етолмайди, — де-ди Чандра-Синг. — Жуда узоқ...

Чандра-Синг кулимсираб қўйди.

Ҳамма унга қараб турарди.

— Карвонни йўлда тўхтатишади, — деди сўзини ту-галлаб Чандра-Синг.

— Рост!.. Рост!.. — дейишди ҳаммаси. — Деҳли девор-ларига катта тўпларни яқин йўлатмаслик керак.

— Бизникилар бундан хабардор бўлишсин. Хабардор бўлганда ҳам вақтида хабардор бўлишсин.

— Мен бориб айтаман! — деди ҳалиги хат келтирган деҳқон.

— Йўқ, — деди Чандра-Синг ва унинг йўлдаги тошлар-га урилиб чақаланган яланг оёғига қаради. — Ордар-Синг, сен узоқ йўл юриб келгансан, дам олишинг керак. Сенми, Хайдар?.. Сен бошқа ишга кераксан, ўз устахонангда... — Чандра-Синг атрофдагиларга кўз югуртирди, унинг кўзи Лелада тўхталди.

Лела Чандранинг жаланглаб турган қўй кўзларига дадил боқди.

Чандра-Синг бир оз индамай турди.

— Шу қиз боради! — деди у. — Бу қиз нима керак бўл-са қилади.

— Эҳтиёт бўлсин-да! — деди хат келтирган деҳқон, қатъий оҳангда. — Ходсон-соҳиб...

— А-а!.. Қотма соҳибми? — деган овозлар эшитилди. Ҳатто бу ерда, Калькуттада ҳам кўплар уни эшитишган.

— Ходсон-соҳиб яқинда бизнинг бу жойларда махфий корпус тузибди, бу корпусни «Ерлик разведкачилар» деб аташади. У ўз разведкачиларига олтин тўлайдими ё ал-дайдими, буни билмадим, лекин жуда айёр бу қотма соҳиб, онаси шайтонга ёр бўлган экан-да, кўриниб ту-рибди. Ходсоннинг одамлари қаерда нима бўлаётганини дарров билиб, унга етказишади.

— Сотқинлар!..

— Падар лаънатилар!..

— Намак ҳаром!.. Туз кўр қилгурлар!— деди Чандра-Синг нафратланиб.

Инглизларга сотилганларни «Намак ҳаром», яъни кўрнамак, сотқин деб лаънатлашарди.

— Улар ҳамма ерда бор!— деди Ордар-Синг.— Бозорда, растада, бангхонада, ҳаммомда, кўприкларда, почта станциясида... Улар ким, қаерга, нимага кетаётганини кузатиб туришади. Болаларни, хотинларни тўхтатиб, гапга солишади. Қизча эҳтиёт бўлсин!

— Банорасдан уни қайиқда олиб кетишади,— деди Чандра-Синг.

Қайиқ Лелани ибодатхоналар ва одамлар кўп тўпланадиган жойлардан чеккада, дарахт шохлари тагида кутиб турарди. Лелани қайиқдаги ўтлардан ясалган соябон тагига ўтқазишди, кейин қайиқ қирғоқдан жилиб, оқимга қарши юқорига қараб кетди.

Қайиқчилар чап қирғоқдан қочиброқ боришарди, шунинг учун Лела Банорас ибодатхоналарини олисдан томоша қилди. Қирғоқда ажойиб бинолар ғуж бўлиб тушган. Баъзилари тошдан қилинган, усти теп-текис қирқилган баҳайбат асалари уясига ўхшайди, бошқаларининг турли шакллар ишланган, кўп нишабли томлари ҳар томонга букилиб тушган, учинчилари неча минг йилларни бошдан кечирган, ер бағирлаб қолган, устида ўт, баҳайбат дарахтлар ўсган, Ҳиндистоннинг ўзи каби қадимий. Бу ерда ҳиндларнинг Рух ибодатхонаси, Аврангзебнинг машҳур мачити ва ярим хароба Непал ибодатхонаси бор эди. Дарё шимолга томон кескин бурилди; қирғоқда эса ҳамон янгидан-янги ибодатхоналар кўриниб турибди. Бу ерда Ҳиндистондаги барча динларнинг ибодатхоналари бор. Ибодат қилиш учун бу ерга браҳманлар ҳам, жайнилар ҳам, Буддага сўғинувчилар ҳам, мусулмонлар ҳам келишарди. Дарёда Леланинг қаршисидан катта елканли кемалар, кичкина қайиқчалар сузиб келарди. Муқаддас шаҳарнинг ибодатхоналарига Ҳиндистоннинг барча шаҳарларидан зиёратчилар келишарди. Дарёдан оқимга қараб дам-бадам устига энли банан япроғи ёпиб, гул билан тўқилган чодирли кичкина қайиқ сузиб келар, чодир тагида сариқ газламага қўғирчоқ каби йўрғакланган мурда ўтирарди; браҳманни дафн қилиш учун Банорасга олиб боришарди.


Лела анча кунгача эшкакларнинг сувга шапилаб урилиши, дарёнинг шовуллаши ва қайиқчиларнинг секин-секин гаплашишларини эшитиб борди. Қирғоқлар баландлаша бошлади, чап томонда узоқларга қўзилиб кетган ўрмон кўринди, ўнг томон эса пасттаккина тупроқ тепалик эди. Бу ерда Ганг суви сап-сарик лойқаланиб оқарди. Лела ўтдан қалин қилиб тўқилган соябон ичида икки томони мумланган, ораси кавак бамбуқ таёқчани бағрига босиб, жимгина ўтирарди. Таёқча ичида олиб бориб бериш зарур бўлган хат бор эди. Лела ичида Чандра-Сингнинг насиҳатларини такрорларди:

— Қайиқ олиб бориб қўйган жойдан дарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб юқорилаб борасан, — деган эди унга Чандра-Синг, — қумлоқ тепа кўринадиди, шундай қиялик тепасида ёлғиз ўсган тамаринд дарахти бор. Шу жойдан ўрмонга бурил, ўрмон ичидан тўғри шимолга қараб юр, ҳеч нарсадан қўрқма. Ўрмонда дарахти ёниб кетган тақирга чиқасан, тақирдан ўтиб бора бер. Гулханларни кўрасан, ўрмон куйдирилган; гулхандан қўрқма, куйган ўрмондан қўрқма, олдинга қараб кета бер. Ўрмон ичидаги кичкина ўтлоқда бўм-бўш ташландиқ ибодатхонани кўрасан, ибодатхонани айланиб ўтиб, ўнг томондаги ёлғизоёқ йўлдан қишлоққа чиқасан. Қишлоқнинг ўртасида думалоқ ҳовуз бор. Ҳовуз лабидаги катта уйга дадил бориб, бошлиқни — жамдорни сўра. Бошлиқ чиқади, унга: «Йўлбарс сув ичгани келяпти», дегин. У сенга: «Овчи буталар орасида кутиб турибди», деб жавоб беради. Шундан кейин жамдорга ичига хат солиб, икки учи мумланган таёқчани бергин, кейин у нима қилишини ўзи биллади.

«Йўлбарс сув ичгани келяпти, — деб такрорларди ўзича Лела. — Бу нима деганларийкин?»

Бу сўзларнинг маъносини унга ҳеч ким тушунтириб беролмас эди. Қайиқчилар кеча-кундуз эшкак эшишар, хўмрайиб ўзаро гаплашар, Лелага қарамас ҳам эдилар.

Оллоҳобод деворлари яқинида қайиқ Гангнинг лойқа сувидан Жамнанинг тиниқ сувига ўтди. Ганг ва унинг ирмоғи бўлган Жамна ўртасида каттакон уч бурчак ташкил этган Икки Дарё мамлакати — Дуобнинг ерлари шу ердан бошланарди. Дарё шу жойда тез оқар, қайиқ қарши оқимни енгиб ўтарди. Қирғоқдаги бамбуқзорлар ўрнини дарахтсиз ялангликлар эгаллади, кейин тепаликлар, тиканакли бутазорлар ва яна ўрмон бошланди.



Орадан анча кун ўтгач, улар иккала қирғоғи дарахт билан қопланган бир сой Жамнага келиб қуйиладиган ерда тўхташди. Лела қайиқчилар билан хайрлашиб, қирғоққа чиқди. Чандра-Синг қизнинг қўлига йўлда керак бўлади деб уч рупия кумуш танга берган эди. Лела иккитасини қайиқчиларга берди, чунки улар йўл бўйи ўз нонларини Лела билан баҳам кўришди. Қолган бир рупияга у қирғоқдаги қишлоқдан овқат сотиб олмоқчи бўлди.

Аммо қишлоққа кира беришда унга биринчи бўлиб учраган озғин, силласи қуриган деҳқон хотин буни эшитиб бош чайқади.

— Пулини бекитиб қўй, қизим!—деди ҳалиги деҳқон хотин.—Бу қишлоқдан зигирча ҳам гуруч тополмайсан. Яқинда бу ерга соҳиблар отряди келиб кетди. Уларнинг аскарлари деҳқонларнинг бор буди-шудини ҳам қўймай олиб кетган. Ма, лоақал мана буни е!

Хотин Лелага бир қисм саго хурмосининг юмшоқ жойидан берди.

— Раҳмат, опа!—деди Лела.

Хотин, қизнинг оқ рўмолидаги рангли безакни, қуёшда обдан қорайган билагидаги тиниқ кўк билагузукни кўриб:

— Ражпутаналик қиз, қаёққа кетяпсан?..—деб сўради.

— Қариндошларимникига, улар шу томондаги узоқ бир қишлоқда, — деди Лела.

— Ўнг қирғоқдан юрма! Дарёни кечиб, нариги қирғоққа ўтиб ол. Ўнг қирғоқда соҳибларнинг аскарлари изғиб юришибди.

— Раҳмат, опажон! — деди Лела.

Лела Чандра-Синг айтганча дарёнинг ўрмонлик ўнг қирғоғи бўйлаб юқорилаб кетди.

Йигирманчи боб

«ПОЛКОВНИК ВИЛЬСОН» ТУПИ

Инсур ёнига фақат икки кишини: Лалл-Синг билан Арсеналнинг собиқ ишчиларидан ёш қуролсиз Застрани ёрдамга олди.

Портлатилган Арсенал атрофида штурмда деворга қўйилган нарвонлар, тошлар, фриз тўсиқларнинг пўлат па-

лахсалари ётибди. Ташқи дарвоза муъжизадек сақланиб қолган; ичкаридан тираб қўйилган темир тўсинлар ҳам омон қолган.

Ичкари сув қуйгандек жимжит.

Инсур билан шериклари портлашдан ҳосил бўлган тош уюмлари тепасига чиқишди-да, секин пастга ирғиб тушишди. Нариги томонда портлашда бузилган икки тўп турарди.

Улар қорайиб кетган тошлар орасидан эҳтиётлик билан ўтиб, яна нари юришди ва ертўлага тушишди. Қуролсоз олдинда борарди.

Зах ҳиди димоғларига урди. Инсур тўхтади.

Шаҳар узоқда, уларнинг тепасида ғувилларди. Деҳлининг серқатнов Мешкоплик растасида, Қуролсозлик, Гиламчилик ва Темирчилик расталарида тонг отгунча олағовур тинмади. Пиёдаларнинг қизил, отлиқ сувориларнинг кўк нимчаси кўчалар ва майдонларни тутиб кетган. Деҳқонлар Отбозорга кўч-кўронлари билан тушишган. Бой савдогарларнинг уйларига жимлик чўкди, майдонларни шовқин-сурон босди.

Қўзғолончилар Юқори Ҳиндистоннинг ҳамма томонидан қалъага оқиб келишарди. «Деҳли, бизнинг Деҳли!»—Бу сўзлар худди чақириқдек тилларда такрорланарди. Қадимий пойтахт катта қўзғолон байроғини биринчи бўлиб кўтарди, энди бу қўзғолон борган сари янгидан-янги областларга ёйилмоқда. Қўзғолон кўтарган қишлоқлардаги райотлар, яқин ва узоқ ҳарбий станциялардаги сипоҳилар шу ерга интилишарди. Жамна дарёсидаги сузгич кўприкда деҳқонларнинг аравалари тизилиб кетган, полклар тўла жанговар ҳолда ўтишарди. Баъзан бир кечада қўзғолган бутун бир ҳарбий станция йўлга чиқиб, Деҳлига етиб келарди.

Кумуш бозорда ярим кечагача чироқлар ўчмас, эркин сипоҳилар тунашга қўнаётиб шовқинлашарди.

«Эски байроқ тагидан жилмангиз, ҳар бир сипоҳи ўз қисмида бўлсин!»—деган шиор ташлашди қўзғолончилар. Бозордан ҳам шундай жой олишди: Тўққизинчи полк — шарқий бурчакка, Ўттиз саккизинчи полк — жанубий бурчакка жойлашди.

Барча ҳарбий даражалар бекор қилинди. «Бу муқаддас урушга қилич яланғочлаб чиққан ҳар бир киши баробар шон-шарафга эга!»—деб эълон қилишди сипоҳилар.

Деҳлидаги қўзғолончилар жиддий хавф остида эди.

лар. Буни ҳаммадан ҳам Инсур яхши билар, қалъада ўқ-дори жуда оз қолган эди. Деҳли деворларидаги тўплар ядро ва бомба етишмай, бугун-эрта жим бўлиб қолиши мумкин. Ҳозир қўзғолоннинг тақдирини порох запаси ва қурол-яроғ ҳал этарди.

Британияликлар Арсеналнинг марказий биносини портлатдилар. Аммо Инсур эски Арсеналда, марказий бинодан кўп пудли оғир тош девор — бир неча минг пудли гранит ва тупроқ девор билан ажратилган четдаги йўлда махфий омборлар борлигини биларди. Эҳтимол, баъзилари омон қолгандир.

Учовлари секин-секин олға қараб юришди. Ён томондан қаердандир хирагина ёруғ тушиб турарди. Ласкар — қуролсоз минут сайин тўхтаб, қўпориб ташланган харсангларга тикилиб қарарди.

— Эҳтимол шу ердадир! — деди ласкар ва тўхтади.

Лалл-Синг белкурак билан тупроқни кавлади. Синмай бутун қолган харсанг очилди. Унинг устида қуйма қилиб, нотаниш сўзлар ёзилган эди.

Инсур ҳарфларга узоқ қараб турди.

У инглизларнинг тилини яхши биларди. Аммо, бу сўзга у тушунмади.

Эҳтимол французчадир? Баҳодиршоҳ бир вақтлар саройда артиллерия ишига моҳир бўлган француз маслаҳатчи сақлаган эди.

Инсур оёғи билан харсангнинг чап учини босган эди, тош кўтарилди. Инсур энгашиб торгина яширин йўлга тушди, унинг кетидан бошқалар ҳам тушишди.

Ичкари жуда ҳам қоронғи эди. Лалл-Синг беш-олти қадам юргач, аллақандай яшикка туртиниб кетди.

Ласкар эҳтиётлик билан ўт ёқиб ёритди.

Махфий омбордаги яшикларга эронликларнинг ертўла-сидаги тарвузлардек ярқираб турган қатор ядро ва бомба-лар жойланган.

— Харсангни маҳкам ёпиб, жойини аниқлаб қўй! — деди Инсур ласкарга. — Энди тўпларимизга ўқ-дори кўп вақтга етади.

Аммо ласкар омборнинг ичкарисига кириб бораверди.

— Бу ерда катта тўплар бўлиши керак, — деди ласкар. — Дум-Думдан келтирилган катта тўплар бўлиши керак.

— Дум-Думдан?

Бундан кўп йиллар муқаддам, Инсур энди аскар бўлиб, машқ ола бошлаганда, уни Калькутта ёнидаги Дум-Дум тўп устахонасига юборишган. Ушанда улар устахонада оғир қалъа тўплари, йигирма тўрт фунтлик гаубицалар қуйишган эди. Гаубицаларни эски қалъани кучайтириш учун Деҳлига юборганларини у яхши биларди.

— Тўғри айтгансан, Застра!— деди Инсур.— Эҳтимол, бу тўплар портлашда бузилиб кетгандир?

Ласкар бош ирғади:

— Йўқ, ҳар ҳолда улар шу ерда, ёндаги омборда. Катта-катта, жуда оғир тўплар. Уларга «Дум-Дум» деб ёзилган эди, ўша пайтда устахонанинг бошлиғи бўлган соҳибнинг ҳам номи ёзиб қўйилган. Ўйиб, гулга ўхшатиб, чиройли қилиб ёзилган. Эсимда бор...

— Қидир!— деди Инсур.

Улар яна нари юришди. Бу гал Инсур олдинда борарди. Ер ости йўли юқорига олиб чиқди. Уларнинг тепасидан яна хирагина ёруғ туша бошлади.

— Эҳ, шайтон!— Инсур ярим қоронғида тиззасини бир нарсага қаттиқ уруб олди-да, қўли билан тимискиланди.— Ўт ёқ!

Лалл-Синг хавф-хатарни унутиб, олтин гугуртни пош-насига суртиб чақди. Бу каттакон тўпнинг лафети эди.

— Топдик!— деб қичқирди Инсур. Каттакон қалъа гаубицаси!

У тўпнинг ўқ жойланадиган жойидаги ҳарфларни пай-паслади.

«Дум-Дум. 1846»,— деб ўқиди Инсур гугуртнинг хира ёғдусида.— «Арчдэйл Вильсон».

Вильсон! Ҳа, ўша! Қандай эсдан чиқсин у? Полковник ўша пайтда Дум-Дум устахонасининг бошлиғи бўлиб, янги қуйилган тўпларга унинг номи ўйиб ёзиларди. Ҳозир Деҳли ёнига лагерь қуриб жойлашган ўша Арчдэйл Вильсон!..

— Жойини аниқлаб ол, бу ердан кетамиз!— деди Инсур.— Мен тўпни олиб чиқишга одам юбораман.

Инсур Арсенал майдонида эрталабки тоза ҳаводан чуқур нафас олиб, бир-икки минут турди. Кейин майдонни кесиб ўтди-да, катта-катта қадам қўйиб ёнбағирликдан ўзларининг Кашмир бастионига чиқди.

Шаҳар деворининг шимолида, пастаккина тепаликлар орқасида британияликлар лагерининг оқ чодирлари яши-

ринган. Британияликлар ўзларини тўп ўқидан пана қилиб турган бу тепалик тизмасини. Тоғ деб аташарди. Мана қирқ кундан ошдики, улар бир томондан Жамна дарёсига, иккинчи томондан қуриб қолган каналга бориб тақалган текисликнинг бир парчасини қўлларида ушлаб турибдилар. Шаҳарни ўраб олишга ва чинакам қамал қилишга одамлари ҳам, тўплари ҳам етишмайди.

Бунинг устига, шаҳарга озиқ-овқат ва мадад келтирилишига ҳам халақит беролмайдилар. Британиялик артиллериячилар ўз тўпларини Тоққа олиб чиқишга кўп уриндилар, аммо ҳар гал ҳам Кашмир ва Дарё бастиясининг жуда соз мўлжал билан очган ўти уларни яна тепа орқасига яширинишга мажбур қилди. Инсур кулиб қўйди: бундан атиги бир неча йилгина илгари инглизларнинг ўзлари эски истеҳкомни кучайтирдилар: шаҳар девори тагидаги зовурни чуқурлатдилар, қўрғон деворини ташқаридан отиладиган тўпдан пана қиладиган баланд тупроқ кўтарма — гласив қурдилар, дарвозалар тепасига тўплар ўрнатдилар. Энди ўзлари яшириниб турган тепалар орқасидан Деҳлининг мустаҳкам деворига қараб алам билан тиш ёғирлатишлари қолди.

— Фаранглардан кўпи ўзига қўйса чодирларни йиғиб, жўнаб қолсак дейди-я ҳозир,— деб хабар қилишди разведкачилар Инсурга бир неча марталаб.— Аммо полковник Вильсон ўжарлик қилиб Тоғ орқасига жойлашиб олганича кетгиси келмаяпти.

Инсур яланғоч тепаларга, Тоғнинг ўртасидаги юмалоқ минорага узоқ қараб турди. Минора олдида одамларнинг қораси ғивирларди.

«Тўхтаб тур, полковник Вильсон! Ҳадемай биз сени ўз тўпингдан отилган снарядлар билан меҳмон қиламиз!»— деб қўйди ичида Инсур.

Йигирма биринчи боб

«ЛОРД ЛЭЙКНИНГ ЭСКИ ОҚ КУЙЛАГИ»

Лалл-Сингнинг ориқ оти сўқмоқдан тепага зўр-базўр тирмашиб чиқди. Гаррис отни тепанинг ўртасидаги юмалоқ минора олдида тўхтатди. Ҳар ҳолда, бу от унга ёмон хизмат қилмади, бундан кўра яхшироғи британияликларнинг лагерида йўқ. Кавалерия қисмларида ҳам от етишмайди.

Бу ердан, Ладлов минорасидан қамал қилинган шаҳарнинг баланд кунгирали деворлари, минора ва бастионлари яхши кўринарди.

Қамал қилинган?.. Қўрғондаги қўзғолончилар қамал қилинганми, телалар орқасига беркиниб олган қироллик қўшинлари қамал қилинганми, буни айтиш қийин эди.

Уларни ҳар куни гоҳ ўнг, гоҳ чап қанотда безовта қилишар, алоқа йўллари кесиб қўйишар, озиқ-овқат ва ўқ-дори келтиришга қўймас эдилар. Сипоҳилар кечаси қўрғон дарвозаларидан енгил тўпларни филдиратиб чиқиб, Тоққа яқин олиб келишар ва лагерни ўққа тутишарди. Қўмондоннинг чодирини ҳар кечаси янги жойга кўчиришга тўғри келарди, негаки қўзғолончилар нишонни жуда тўғри оладилар. Генерал ҳолдан тойиб, хафа бўлганидан касал бўлиб қолди, кимдан ёрдам сўрашини билмайди: Калькутта билан алоқа узилган, қўшни Аградаги генерал Кольвин исёнчилар томонидан қуршаб олинган; уларни Панжоб билан боғлайдиган ягона йўл — Курнаул тош йўли ҳаммиша хавф остида. Тош йўлга ҳар кечаси пистирма қўйилади.

Британиялик отлиқ соқчилар кўриниши билан йўлнинг икки чеккасида биқиниб ётган деҳқонлар ўша жойнинг ўзида йиқитадилар. Лагернинг ўзида ҳам, тош йўлда ҳам на кечаси ва на кундузи тинчлик бор. Бу мамлакатда қарерга қадам қўйсанг, оёқ остинг куйдиради. Бунинг устига, иситма-безгак, вабо, офтоб уриши... Лаънати дўзах!

Аммо бугун — яхши кун. Бугун, ниҳоят Панжобдан мададга Британия қироллигининг «Оқ Кўйлақлар» деб ном чиқарган эски корпуси келади.

Бундан ярим аср илгари, лорд Лэйк пайтида «Оқ Кўйлақлар» ана шу Деҳли қўрғонини ҳужум қилиб олган эдилар. Унинг офицерлари ота-боболарининг иши билан ҳозиргача мақтаниб келадилар. Улар, Ҳиндистонда хизмат қилаётган қироллик полкларидан ҳеч қайсиси жангдаги қаҳрамонлиги, чидамлилиги, тропикнинг иссиғига кўнигишида «Оқ Кўйлақликлар»га тенг келолмайди, деб керилишарди.

Панжобда уларни юз йиллик тропик чанги ўтириб қолгандек тутун сингари кўкимтир мундирларига шама қилиб: «Лорд Лэйкнинг Эски Оқ Ифлос Кўйлақлари» деб аташарди.

Улар июль кۈёши остида тўрваларида озгина емак, ҳар қайсиларининг сумкаларида олтмиштадан ўқ, тўқсон соатда икки юз миль йўл босиб, тушдан кейин лагердан бир неча миль нарида Қурнаул тош йўлига чиқдилар.

Ҳозиргина чопар етиб келди. «Оқ Қўйлақлар» жуда тетик, ўзларининг «Жонни, ўғилгинам», деган мардона қўшиқларини айтиб келяптилар, бир соатга етар-етмас лагерда бўладилар, деди у.

Гаррис Тоғнинг марказидаги минорада туриб, уларнинг келишини кутарди. Пастдан лейтенант Франк унинг олдига чиқди. Морий бастioniга яқин жойда, шаҳар деворининг энг яқин бир участкасида қандайдир ҳаракат кўришибди.

Демак, исёнчилар «Қўйлақлар»нинг яқинлашиб келатганидан аллақачон хабардор бўлибдилар.

— Бошқа ёққа қараятсиз, полковник!— деди Франк ўнг томонни, Кобил дарвозаси томонни кўрсатиб.

Дарвоза ланг очиқ эди. Қалъа дарвозасидан дўмбира садоси остида сипоҳиларнинг катта отряди парадгаидек чиқиб келмоқда.

— Кетларидан тўпларини ҳам судраб чиқяптилар! Қаранг!

Сипоҳилар дарвозадан енгил дала тўпларини ғилдиратиб чиқишарди. Шаҳар аҳолиси улар атрофида югуришиб юрар, солдатларга ёрдам берарди.

Узоқда, Қурнаул тош йўлида чанг кўтарилди. «Қўйлақлар» келмоқда эдилар.

— Диққат қилинг, Франк!..

Тўсатдан чап томонда, қаёқдадир олатасир милтиқ овозлари эшитилди. Шаҳар ташқарисидаги Товуқ Бозорининг тош йўл ёқасидаги анчадан бери бўш ётган дўконларидан бирданига милтиқларнинг учи кўринди.

— Исёнчилар!

— У томонга қандай ўтиб олди улар?

— Кеча қўрғондан чиқиб, биқиниб ётишган бўлиши керак.

— Анави томонда ҳам! Қаранг-а!

Ердан чиққандек бирдан каналнинг қуруқ ўзанида қизил нимча кийган ерли солдатлар пайдо бўлишди ва букчайиб тош йўлга чопиб ўтишди.

— Франк, бу бизнинг исён кўтарган Тўққизинчи полкимиз!

— Ҳа, аллигурликлар! Ўшалар, ўшалар!..

...Жонни, ўғилгинам, Ҳиндистонга бормагин.
Ҳиндистон биздан жуда узоқда!..

деган қўшиқ эшитилди тош йўлдан. «Қўйлақлар» келишарди. Аллигурликлар каналдан югуриб чиқиб, уларнинг йўлини кесдилар.

Тўп ўқи «Қўйлақлар» келаётган тош йўлни ва ундан нарироқдаги муюлишни қўпориб ташлади. Қўшиқ тинди. Милтиқ овозлари янгради.

«Қўйлақлар»нинг орқасида, узоқда ун, қанд, доридармон, вино, ўқ, кийим-бош ортиб, Панжобдан катта карвон келмоқда эди.

— Араваларга қараб отишяпти!..

— Тактикани ҳам билишади, аблаҳлар!..

Сипоҳилар тош йўлга чопиб чиқиб олдилар. Ҳиндларнинг «Дэ-ен! Дэ-ен!» деган жанговар наъралари эшитилди. Йўлнинг ўзидаёқ қўл жанги бошланиб кетди. Тўплар жим бўлди.

— Вой-бў, олишишларини қаранг-а!— деди беихтиёр завқланиб Франк.

Гаррис оз бўлмаса: «Менинг жангчиларим ҳамиша жон-жаҳди билан олишарди»,— деб юборай деди, аммо ўзини тўхтатиб қолди.

— Босқинчилар!— деб қўйди жаҳл билан у.

— Анави томон-чи? Ё авлиё Патрик, у томонда нима гап бўляпти ўзи? Тош йўлдан ўнгда, тепалар орқасида чанг кўтарилди. От чопдириб, йўлни кесиб чиқаётганлар кимлар экан? Шовқин-сурон билан қилич яланғочлаб келаяпти-ку? Отлиқ суворилар текисликни қиямалаб ўтиб, тош йўлга ёпирилиб келишарди.

Гарриснинг нафаси бўғизига тиқилди.

«Ҳозир лагерь йўлини кесиб қўядилар!..»

Тош йўл шундай ур-сур бўлиб кетдики, нима бўлаётганини англаб олиш қийин эди. Гаррис қироллик солдатларининг кул ранг мундирлари пиёда сипоҳиларнинг қизил нимчаларига аралашиб кетганинигина кўрди. Суворилар бўлса «Қўйлақлар»нинг Нужуфгур канали кўпригидан ўтайдиган йўлини кесиб, шовқин-сурон билан қиясига от қўйиб борардилар.

Гаррис миноранинг тош зинасидан чопиб тушди.

— Қани кетдик, Франк! — деб қичқирди Гаррис, лейтенантнинг пиёдалигини унутиб. У отига минди-да, биқинига ниҳталади.

«Қўйлақлар»ни қисиб қўйишди, тош ётқизилган йўлдан ёрилиб, ўпирилиб кетган қуруқ текисликка суришди.

Гаррис тошлоқ текислик ва тиканак ўтлар ўсган бутазор орқали тош йўлга қараб от қўйди.

У «Қўйлақлар» нима қилса ҳам канал кўпригидан ўтиб олсалар эди деб шошиларди. Шунда улар Тоғ орқасига бекина олардилар.

«Э, падарига лаънат, исёнчилар қарвонни кесиб қўйишяпти!..»

Тош йўлда ҳамма нарса айқаш-чуйқаш бўлиб кетган. «Оқ Қўйлақлар» ағдарилиб ётган аравалар устидан сакраб ўтиб, дуч келган томонга қочишар; ким каналга; ким ўрга, ким буталар орасига бекинарди. Аравага қўшилган ҳўкизлар маърашар, отишмадан ҳуркиб сапчишар, қайишларни узишар; араваларни ағдаришарди. Тўп ўқидан яраланган фил ғазаб билан ўкириб, одамларни, ҳайвонларни босиб-янчиб, баҳайбат гавдаси билан ерга ағанарди. «Қўйлақлар» кўприкка етиб келолмай, қуроолларини, отларини қолдириб, ўзларини сувга ташлар, чўкишарди.

«Оқ Қўйлақлар» қочишяпти!.. Юқори Ҳиндистоннинг фахри, қироликнинг эски корпуси... Қуроолларини, араваларини, полк буюмларини ташлаб қочишяпти... Панжобдан юборилган ҳамма нарсани — ўқ-дори, сафар қаравотлари, дори-дармон, ром, гуруч — ҳамма, ҳаммасини ташлаб қочишяпти... Уят!..

Гаррис қулоғи устидан иссиқ қон оқаётганини сезиб қолди. Унга ҳам тегибди. Яхши ҳамки, яраси оғир эмасга ўхшайди.

Туялар устидаги юкни ағдариб, ялангликка қараб чопишар, офицерлар лагерга, британияликларнинг тепалар орқасидаги чодирларига қараб отларини елдиришарди.

Мана лагерь. Кўчма госпиталнинг каттакон палатаси тиқилинч, оҳ-воҳ. Ҳамма койкалар банд, ярадорларни энди ерга ётқизишяпти. Ҳиндларнинг икки ёқлама кресло-замбилларида янги-янги ярадорларни келтиришяпти.

Мана, қизил парда тутилган бир кишилик замбилда кимнингдир қўли шалвираб турибди. Ким ярадор бўлга-

никин? Полковник Честер! Ярадор бўлганда ҳам жуда оғир ярадор бўлибди. Доктор Бэтсоннинг чарчаганидан ранги қув ўчиб кетган, пешонасида тер томчилари алтирайди.

Ярадорлар ерда ётиб, навбат кутишади. Ҳинд санитар катта косага пахта солиб ўтди. Гаррис ҳинднинг бамай-лихотир юзига нафрат билан қаради. «Оғайниларинг бугун одобимизни берди-я!..» Доктор санитарга, полковникни столга олинг, деб ишора қилди. Честер ҳушсиз ётарди, бошидан яраланган. Гаррис полковникка эмас, Бэтсоннинг юзига қарарди. Доктор ярани қараб, қаддини ростлади-да, жим қолди. «Умид йўқ!» деб тушунди буни Гаррис.

Британияликлар учун қандай оғир кун-а! Олти офицер яраланган, булардан иккиси оғир ярадор, бунинг устига полковникнинг ўзи... Солдатларни айтинг!..

Ярим соат ўтгач, отлиқ суворилар орқага қайтишди, улар йўл-йўлакай лагерга ҳамла қилиб, ғазаб билан чодирларни босиб-янчиб ўнгу чапда нимаики кўринса чопиб ўтишди. Отлиқлар саросима солиб, лагернинг шарқий бурчагидан кесиб ўтишди ва эски каналнинг қуруқ ўзанидан ошиб, қўрғон деворларига етиб олишди. Қаршиларида қўрғон эшиги катта очилиб, шаҳар аҳолиси уларни шод-хуррамлик билан кутиб олди.

Халойиқ қўрғонда ярим кечагача шовқин-сурон билан ғалабани тантана қилди. Шаҳар деворига чиқиб олган болалар инглизларни масхара қилиб: «Жонни, ўгилгинам, Ҳиндистонга борма», деб ўйинга тушардилар.

«Оқ Қўйлақлар» бўлса қуёш ботгандан кейингина битталаб, иккиталаб, эзилган, руҳи тушган ҳолда, қумга, чанг-тўзонга, тиканга ботиб, лагерга тўпланиша бошлади. Ҳа, Етмиш бешинчи пиёдалар полкининг палаткаларига тўпланиб, бошпана беришни сўрай бошладилар. Отлиқ сувориларнинг соқчи отрядлари яна узоқ вақт уларни Курнаул тош йўлидан четга қувлаб юрдилар.

«Оқ дурнинг баҳоси пасайяпти» — деб ёзди ўша кун и деҳлилик савдогарлардан бири ўз махфий хатида, Лахордаги мум сотадиган ишончли ошнасига.

Савдогар қиролликнинг қўшинларини оқиш қул ранг мундир кийганлари учун «Оқ дур» деб, қўзғолон кўтарган сипоҳиларнинг полкларини эса, қизил форма нимча кийганлари учун «қизил маккажўхори» деб атади.

«Оқ дурнинг баҳоси пасаймоқда, — деб ёзди савдогар, — аммо қизил маккажўхорининг баҳоси кўтариляпти».

Йигирма иккинчи боб

ЧЕМБЕРЛЕН-СОҲИБ

Кечаси ставкага Чемберлен келди. Армия қўмондони генерал Барнарднинг катта чодирда ҳарбий кенгаш тўпланди.

Полковник Гаррис бошини бинт билан боғлаб келди. Битта угина ярадор эмас: бундан бир ҳафта олдин полковник Вильсоннинг юзига ўқ тегди, Чемберлен билан Панжобдан келган ёш лейтенант Робертс бинт ўралган чап қўлини ўнг қўли билан ушлаб олган. Робертс йўлда яраланган эди.

Янгигина Панжобдаги чегара кучлари штабига генерал-адъютант қилиб тайинланган, қотма, томирлари бўртиб чиққан хушбичим, кумуш уқа тутилган чиройли мундир кийиб олган Невиль Чемберлен қўмондон ётган каравотнинг бош томонига ўтирди. Барнард сафар тўшагида ранги ўчган, бўшашган, бўйни боғланган ҳолда ётарди. Генерал бир неча кундан бери қандайдир оғир бетобликдан азоб чекар, штабдаги табиб уни қандай даволашни билмасди.

Вильсон гап бошлади.

«Оқ Кўйлақлар» тор-мор қилинди. Озиқ-овқат ва ўқ-дори ортилган карвон қўлга тушиб кетди.

Шаҳардан ҳар куни тўсатдан ҳужум қилишарди. Душман икки ёндан ҳам, орқа томондан ҳам бостириб келар, Курнаул тош йўлидаги эски ибодатхонани ҳам эгаллаб олиб, энди Панжоб билан ҳалигача очиқ бўлган ягона алоқа йўлини кесиб қўйишга таҳдид соларди. Лагерда британиялик пиёдалар деярли йўқ, ерли пиёдаларга эса ишониб бўлмайди. Отлиқ солдатлар кеча-кундуз соқчилик хизматини адо этар, одамлар йигирма соатлаб эгарда ўтириб, роса чарчаган эди.

Қурол етишмайди; бори эса жуда-жуда оз. Йигирма тўрт фунтлик катта гаубицалар керак, қамалда ишлатиладиган артиллерия керак.

Чемберлен совуққина бош ирғади.

— Ҳа, — деди Чемберлен.

У узунчоқ, бир оз келишимсиз, баъзи шимоллик киши-ларники каби тропик иқлимда қуёш иосиғига сўз бер-майдиған сутдек оппоқ юзли киши бўлиб, бурни устидаги озгина сепкили асл лондонлик эканидан далолат бериб турарди. Бурни чиройли, ингичка, қирра, сал-пал қийшиқ-роқ бўлиб, ўнг томони чап томонига қараганда юпқароқ эканига икки юзи бир-бирига ўхшамаганроқ кўринарди.

Ҳамма, Панжобдан нима гап олиб келди экан, деб ге-нерал-адъютантга қарарди.

Аммо Чемберлен шошмади.

— Калькутта-чи? — деб сўради Чемберлен.

— Алоқа узилган. Калькуттадан ҳозиргача мадад йўқ, битта ҳам одам келмади, — деди Вильсон.

Чемберлен яна бош ирғади.

— Ҳа, — деди Чемберлен ва қўмондонга юз ўгирди.

Барнарднинг қовоқлари шишган, бўшашган сариқ юзи қимир этмасди.

Чемберлен уни шошмасдан кўздан кечирди.

— Генерал, ҳозирги вазиятда қандай тадбир кўришни лозим топасиз? — деб сўради эҳтиётлик билан Чемберлен. Барнард чўртон балиқнинг қарашига ўхшаш бу совуқ на-зардан кўзини четга олди.

— Тадбир?... — Барнард оҳиста инграб, каравотида ўгирилди. — Тадбир кўриш... — Генерал дунёда ҳамма нарсадан ҳам олдиндан тадбир кўришдан қўрқар эди. Би-рон чора кўришнинг натижасини Қрим урушидан кейин у жуда яхши эсларди (Барнард бутун Қрим компания-си мобайнида лорд Раглан штабининг бошлиғи бўлиб хизмат қилган), Барнард ҳаммадан ҳам ўшанда Лондон-да лорд Рагланни барча кўрган тадбирлари учун, айниқ-са кўпроқ, кўрмаган тадбирлари учун қоралаганларини яхши эсларди.

Генерал Барнард инқиллаб, ёнбошига ағдарилди. хас-та чол жуда ҳолдан тойган эди.

Чемберлен эшитмаган бўлиб, оқиш киприкларини ту-ширди. Саволга инграбгина жавоб бериш генерал учун ярашмаган иш эди.

Вильсон сукут қиларди.

— Одамларим ўляпти! — деди кескин равишда Виль-сон. — Тўпларим ҳеч нарсага ярамайди. Агар яқин фурсат-да Панжобдан кучли мадад юборилмаса, мен қамални ташлаб, Деҳли ёнидан кетишга мажбур бўламан.

— Эй, худойим! — деди нола қилиб Барнард. — Лондондагилар нима дейишади... Эй, худойим!..

Хамма Чемберленга қаради.

— Панжобдан мадад келади! — деди совуққина қилиб Чемберлен. — Сэр Жон Лоуренс Деҳлидаги кучларга мадад бериш учун Панжоб Учар колоннасини тузишга буйруқ берди. Бригадир қилиб Никольсон тайинланди.

— Никольсон? — йиғилганлар ҳаракатга келишди.

Никольсон, «Панжоб шери», йиртқич Никольсон, шимол-ғарбий Ҳиндистоннинг даҳшати, афғон чегарасига яқин тоғлик жойлардаги кучманчи қабилалар ё шайтон, ё жин деб юритадиган ўша Жон Никольсон-а!.. Номини «Никкуль-Сейн» деб тошга ёзиб, ёвуз илоҳий тарзида унга қурбонликлар қиладилар.

— Жуда яхши танлашибди! — маъқуллаб бош ирғади Барнард.

— Аммо бригадир Никольсон Лахор яқинида кўпроқ тўхтаб қолади...

Чемберлен сукут қилди.

Хамма унинг гапини кутарди.

— Лахор қисмларини қуролсизлаштириш учун, — деб сўзини тугатди Чемберлен.

— Ие? Лахорда ҳам исёнми? — Вильсон савол тариқасида қошини чимирди.

Чемберлен бош ирғади.

— Ҳа, Лахор ҳам нотинч.

Вильсон ўтирган сафар стулида зўр-базўр ўғирилди.

— Бундан Никольсон бутун Панжобдаги ғалаённи тугатгунча кутишимиз керак деган маъно чиқадиими? — деб сўради Вильсон.

— Ҳа, — деди ингичка бошини оҳиста эгиб Чемберлен. — Кутишга тўғри келади!

— Бу мумкин эмас! — деди қатъий қилиб Вильсон. — Бизга ҳозир мадад керак, тездан, бўлмаса сира керак эмас.

— Ердам келади, полковник! — деди Чемберлен. — Ерлик отлиқлар келади.

— Европалик қўшин керак!

— Европалик қўшин йўқ! — деди совуққина қилиб Чемберлен.

Бу ҳақиқат эди. Британиялик ҳар бир солдат ҳисоб-

лик эди. Ҳирот учун Эрон билан бўлган жанжал туфайли йил бошиданоқ Британиянинг шимолий ва ғарбий Ҳиндистондаги деярли ҳамма пиёда аскарлари Эрон чегарасига чақириб олинган бўлиб, у ерда иш етарли эди. Пешавордаги ғоят кучли европаликлар составини Афғонистон чегарасининг хавфсизлиги учун ўз жойида сақлаш керак эди.

— Ерлик отлиқлар келади,— деди Чемберлен.— Панжоб сикхлари.

— Жуда яхши солдатлар!— деб мақтади Барнард.

Панжобда хизмат қилган ҳар бир киши ёввойиларга ўхшаш, узун сочли бу чавандозларни, урушқоқ халқни яхши биларди.

— Непалдан гурклар келиши керак,— деди яна Чемберлен.— Улар ҳозир йўлда келишаётибди.

— Гуркларми?— деди Вильсон.— Улар ботир бўлади. Аммо мунтазам урушда унча яхши иш бермас.

У қўшни тоғдаги қора, ҳурпайган қалпоқ кийиб юрадиган кичкина, сарғиш қисик кўзли жангчиларни кўп марта кўрган.

— Улар бизнинг пандилар билан урушармикин?— деб сўради шубҳаланиб Вильсон.

— Полковник, сиз уларга, бу ердаги ҳиндлар сизнинг динингизни оёқ ости қиляпти, деб айтинг.

Ёш Робертс хахолаб кулиб юборди ва одобни ҳам унутиб, ўтирган стулидан туриб кетишига оз қолди. Робертс бахтли эди, чунки у Деҳли ёнида, Деҳли бўлса ҳали олингани йўқ...

Генерал Абрахам Робертснинг лейтенант этиб тайинланган ўғли Ҳиндистонда яқингинада хизмат қила бошлаган бўлиб, бирданига ғиж-ғиж воқияларга дуч келганидан бахтли эди.

Чемберлен ҳам бир юзи билан жилмайди. У кенгаш тамом бўлди деб ҳисоблади.

Аммо Вильсон бўш келмади.

— Қамал тўплари зарур!— деб туриб олди Вильсон.

— Кутиш керак.

— Кутиб бўлмайди!— деди Вильсон.— Душманнинг қўшини кундан-кунга кўпайяпти. Деҳлида ҳозир йигирма беш мингга яқин одам бор.

— Йигирма беш минг?— Бутун суҳбат давомида биринчи марта Чемберлен ажабланиб, узунчоқ юзини

сал буриштирди. У Деҳлида бунчалик кўп одам бўлар деб кутмаган эди.

— Йигирма беш минг панди. Ўҳ-ҳў!— деди баланд овоз билан Робертс.

— Бунинг устига, улар кун сайин яна кўпайяпти!..

— Нима ҳам қилардик... Улар қанча кўпайса ўзаро шунча тез жанжаллашадилар,— деди босиқ оҳангда Чемберлен.

— Йўқ. Улар ўзаро жуда аҳил!— деб эътироз билдирди Вильсон.

— Баҳодиршоҳ билан ораларида албатта жанжал чиқади.

— Тўғри айтасиз, генерал!— деди Барнард қувонч югурган юзини Чемберленга ўгириб.— Баҳодиршоҳ билан ўрталарида албатта жанжал чиқади.

— Ўшанда шаҳарни олиш бизга анча осон бўлади!..— деди очикчасига қувониб ёш Робертс.

Ҳамма кулиб юборди.

— Полковник, айтинг-чи, ана шу йигирма беш минг пандидан (у жирканиб шаҳар томонга ишора қилди) биронтаси отишни биладими?

— Билади, жуда кўпи билади!— деб кескин жавоб берди Вильсон.— Уларнинг жуда яхши бомбардирлари, ўткир мерганлари бор! Биз уларни, бошимизга бало қилиб, ўзимиз ўргатганмиз...

У қўрган томонга бош ирғади.

Чодирга кираверишдаги эн кўтариб қўйилган, яқингинада эрталабки қуёш нурида ёришган Деҳли деворлари кўриниб турарди.

Жанг бошланди. Ялангликда гумбурлаб, тўп овози янгради, қўрган девори тепасидан тутун кўтарилди.

Вильсон сергак бўлиб қулоқ солди. Катта тўпдан отишарди.

Инсур-Панди билан шериклари «Арчдэйл Вильсон» тўпини қалъа девори тепасига судраб чиқиб, британияликлар лагерига қарата отаркан, унинг кучини синаб кўрмоқда эдилар.

Тўп ўқи қўмондон чодиридан бир оз нарида ёрилди. Чодирнинг эн деворига тош ва тупроқ келиб урилди. Улар билан бирга кичкинагина осколка чодирнинг ичига учиб кирди.

Вильсон уни олиб, кафтига қўйди: ҳали иссиқ.

Унинг ранги шу қадар ўзгариб кетдики, офицерларнинг ҳаммаси унга қарашди.

Еш Робертс Вильсонга ажабланиб қараб туради. Наҳотки кўпни кўрган жекса артиллериячи, хизмат кўрсатган полковник Вильсон тўп отгандан шунча қўрқса?

— Дум-Дум тўпи!— деди Вильсон.— Катта гаубица!..

«Арчдэйл Вильсон» тўпи полковник Арчдэйл Вильсонга салом йўлламоқда эди.

— Менга ана шунақа тўплар керак!— деди қатъий қилиб Вильсон, кафтидаги ҳалиги осколкани нақ Чемберленнинг тумшуғи тагига олиб бориб.— Йигирма тўрт фунтлик гаубица!

Чемберлен совуққина таъзим қилди:

— Сэр Жонга хабар қиламан.

Йигирма учинчи боб

ТҮП ҚАРВОНИ

Капитан Бедфорднинг тўп қарвони энсиз тўзон лента каби ялангликда салкам ярим милга чўзилиб келарди. Капитан орқасига қараб чанг-тўзон ичида Женни тушган замбарнинг зарҳал дасталарини, икки ғилдиракли араваларни, чодир ва койкалар ортилган қатор-қатор туяларни, отлар тортиб келаётган дала тўплари ва қамал тўпларини, катта мортираларни тортиб келаётган тўрт филни кўрди.

Бедфорднинг ўзи офицерлар юрадиган бир отли усти берк аравада келарди.

Улар кечаси ва эрталаб йўл юриб, куннинг ярмидагина тўхташарди.

Уларни Оллоҳободгача баржаларда иккита шатакчи пароход олиб келди.

Энди Оллоҳободдан Деҳлига боришлари учун нотинч мамлакатда тўрт юз милга яқин йўл босишлари керак.

Капитан Бедфорд саккизта катта қамал гаубицаси, олти қалъа мортираси ва ўн иккита дала тўпи олиб келмоқда эди. Калькутта Деҳли ёнида туриб қолган британиялик қўшинларга қўзғолончиларнинг қаршичилигини синдириш учун ёрдамга энг катта Дум-Дум тўпларини бериб, ўз фортларини бўшаштириб қўйди.

Тўп қарвонини капитан Бедфорд билан бирга унга Калькуттада қўшиб юборилган лейтенант Жон Блэнт музатиб борарди. Лейтенант Жон Блэнт заҳар киши бў-

либ, оёқлари маймунники синғари эгри эди. Калькуттада туриб қолган, урушларда иштирок этмаган, ўттиз икки ёшга кирган бўлса ҳам лейтенантликдан нари ўтмаган, Блэнт бирон ишга аралашиб ўзини кўрсатишни орзу қиларди.

Женнини усти ёпиқ замбарда кўтариб келишар, замбар майда тўлқинда сузиб бораётган қайиқдек тебранарди. Женни тезда тебранишга ўрганиб кетди.

Женни замбар ичидан қараб, филларнинг йўғон оёқларини итоаткорона кўтариб босиб, баланд филдиракли тўпларни болаларнинг ўйинчоқ араваларидек енгилгина тортиб келаётганларини кўрарди.

Оғир тўпларни филга судратиб олиб юриш Ҳиндистонда энди-энди тажриба қилинмоқда эди. У пайда ҳалми ҳеч ким тўп ўти остида қолган фил қандай қўрқинчли бўлишини билмас эди.


Июлнинг охири, иссиққа чидаб бўлмайди.

Солдатлар тўла поход кийимида — таналарига ёпишиб турадиган куртка кийиб, кўкракларига бир учи у ёққа, иккинчиси бу ёққа кесиб ўтган тасма таққан, милтиқ осиб, одеял ва оғир сумка кўтарган ҳолда келардилар. Улар офтобдан сақланиш учун шапкалари устидан елкаларини ёпиб турадиган оқ сурп ташлаб олишган эди. Шундай бўлса ҳам, ҳар бир бекатда офтоб юрган солдатларни аравага ортиб олишга тўғри келарди.

Иссиқ шамол офтобдан ҳам даҳшатли эди. Қитъаннинг ичкарисидан эсадиган мунчин деб аталувчи бу қуруқ шамол икки ҳафтадан бери тинмас, мисдай қизиган ҳаво Осиё чўлларининг чангини келтирарди. Мунчин кетаётганларнинг кўзига қум сепар, тўпланиб қолган қуруқ ўт ва япроқларни копток қилиб, қизиган ерда юмалатарди.

— Свангли, свангли, ажина шамол! — деб бақиршарди замбилкашлар копток бўлиб юмалаб келаётган ўтларни кўрсатиб. Юмалоқланган ўтлар чийиллаб, тўғри одамларга қараб думалар, оёқни куйдирарди. Замбилкашлар, булар свангли деб аталадиган майда жин, жўрттага юришимизга ҳалақит беряпти, деб ўйлашарди.

Баъзан қаршиларида қуюн кўтарилиб, қуриган ўтлар ва қум-тупроқни чирпирак қилиб осмонга учирар, одамларни чулғаб олар, кўзларини очтирмас, оғизларини тўлдириб юборарди.



— Пучхилнай!.. — дейишарди ҳиндлар оғзиларига кирган тупроқни туфлаб ташлаб. — Дев!..

Ҳиндлар ана шу гирдобда «пучхилнай» деган даҳшатли дев бўлади, кичкина жинларни ўша юборади деб ўйлашарди.

Дам олишга тўхтаганларида аҳвол бундан енгил бўлмасди. Чодирларнинг деворлари икки қават бўлиб, оралиғида анча қалин ҳаво бўлса-да, барибир иссиқдан яхши ҳимоя қилолмас эди. Осиё шамолининг қуруқ иссиқ тўлқини барибир ёриб ўтарди.

Хизматкорлар Женнининг чодир ичига қалин ўтлардан гилам тўшаб, унга тинмай мешдан сув сепиб бордилар.

Макфернейнинг ити Сам дам олишга тўхтаганларида чодирга кириб оларди. У бўйра устида ётиб, тилини осилтириб ҳарсиллар ва Женнига ёлворгандек қарарди.

Макферней ҳам карвон билан бирга келарди. У Бедфорд билан бориб, кейин Ражпутанага ўтиб кетмоқчи эди.

Макферней оқ кигиз қалпоғининг соябонини орқасига қайириб, жимжимадор қилиб ўйилган катта ҳассасини дўқиллатиб, яланг оёғига сандал кийган ҳолда тез юрар ҳиндлардан қолишмай карвон кетидан енгил қадам ташлаб борарди.

Капитан Бедфорд унинг бирга келаётганига индамасди, чунки мамлакатнинг ичкарисиди европалик ҳар бир киши қимматли эди.

Қўшин кетидан гала-гала бўлиб, деҳқонлар, савдогарлар, мешкоплар, уйсиз болалар аралаш-қуралаш, шовқин-сурон билан кўчиб келарди. Дам олишга тўхтаганларида чодир ва аравалардан карвон ёнида бутун бир шаҳар пайдо бўларди. Деҳқонлар Бедфорд орқасидан ўз онлалари, аравалари, бола-чақалари, эчкилари билан келишарди. Походда уларсиз на сут, на озиқ-овқат топиб бўлади. Деҳқонлар сув келтиришар, нон ёпиб беришар, икки-уч сариқ чақага ҳаммолликка ёлланишар, британиялик солдатларнинг одеяллари, оғир сумкаларини кўтаришардилар, бундай қилиш расм эди.

Макферней аралаш-қуралаш аламон орасида йўл-йўл меш кўтарган бир мешкоп ҳинд йигитни кўриб қолди.

«Бу одамни желхонада кўргандим! — деб эслади Макферней. — Унда бу одам девор орқасида, ерда ўти-



рар, пешонасига париялик белгиси — қора чизиқлар чизилган эди. Энди мешкоп бўлиб олибди».

«Ҳиндлар ўз зотларини шу қадар осон ўзгартирадиларми?— деб ўйлади Макферней.— Эҳтимол, у бошқа диндадир?»

Ҳинд Пантеонида икки юздан ортиқ худо бор. Урта бош худодан (Шива, Браҳма, Вишну) ташқари қадимий худо Индра, ҳинд Плутони, ер ости худоси Яма бор. Даҳшатли Шиванинг хотини — Минг қўлли Қора Қоли бор, ҳинд Юрони Дурга ҳам шу. Оққушда ҳам, нилуфарда ҳам, кўршапалакда ҳам худо бор. Маймун худо, Илон худо, Бургут худо бор. Минглаб мазҳаблар бор: «дарбадар кезувчи гадолар», жайнилар, эркин роҳиблар, «шамолдан жома кийганлар», йўғлар — хаёл сурувчи философлар, «кулдан жома қилганлар»...

— Сен қайси диндансан? — деб сўраб қолди бир куни Макферней мешкопдан.

— Шива худосининг еттинчи юзини ким кўрибди? — деди гапни чалғитиб ҳинд. — Бедларнинг сирли маъносини ким билади?.. Дурга маъбудасининг ўнг қўли нима иш қилаётганини чап қўли билмайди, маъбуданинг эса мингта ўнг, мингта чап қўли бор...

Озгин, ўрта бўйли, чўтир юзи ичига ботган мешкоп доимо офицерлар чодири яқинида уймалашиб юрарди.

Капитан Бедфорднинг карвони кўп ўтмай шимол-ғарбга бурилди, яқингинада ўт қўйилган қишлоқлар учрай бошлади, улар атрофида гала-гала дайди итлар увлаб юрарди.

Женни йўлнинг икки чеккасида кергиси бор устунларни ва уларга осиб қўйилган қандайдир ғалати қопларни кўрди.

Ҳиндлар бу қопларга даҳшат билан боқиб, юзларини четга ўгириб олишарди.

— Нэйл-соҳиб! — деб шивирлашарди ҳиндлар.

Женни кергида осилиб турган қоп-қора узун нарсага бир гал диққат билан қараб, бу одамнинг қорайиб, қуриб кетган мурдаси эканини англади ва уни даҳшат босди.

Генерал Нэйл — инглизларнинг ўзи «даҳшатли Нэйл» деб аташадиган ўша бригада генерали Нэйл — ўз жазо экспедицияси билан бутун ўрта Ганг бўйлаб ўтган эди.

Нэйл Банорасдаги қўзғолонни босди. У дарёнинг бутун ўнг қирғоғини ва катта йўл бўйлаб бир неча миль ерни дорга тўлдириб юборди.

Ўт қўйилган уйларнинг қолдиқлари, ҳувиллаб қолган қишлоқлар, шошиб-пишиб қўйилган кергили устунлар, уларнинг баъзиларида ҳали ҳам шамолда тебраниб турган қийшиқ, хунук мурдалар генералнинг шу ерлардан ўтганини кўрсатарди.

Улар қанча нари борсалар йўллар шу қадар бўш, қишлоқлар одамсиз бўла борарди, аммо ўрмонга одам сиғмасди. Кечаси улар тепаларнинг нариги ёғида катта-катта манзилларнинг чироқларини кўришди.

Қўзғолончилар яқинда эди.

Кечаси машъала ёқиб юришди. Йўл баландлашиб борди, улар қатор яланғоч тепаларни ошиб ўтдилар. Кечалари совуқ зўрайиб, энди аччиқ шамолдан зам-

билкашлар жун одеялларига бошлари билан бурканиб оладиган бўлдилар. Женни қоронғи тунда у ёқ-бу ёққа қараб қўрқар, худди бошини буркаб олган қора шарпалар йўлда дайдиб юргандек бўларди.

Қўп ўтмай шу яқин орада ёнаётган қишлоқнинг алангаси тушиб, осмон ёришиб кетди. Кечалари отишмалар эшитилиб турди.

— Энди жуда яқин қолди!— деб қувонарди Блэнт.— Тезда Деҳли ёнига етиб борамиз! Шунда менинг «Қора қурбақам» тилга киради.

Лейтенант ўз батареясидаги энг катта мортирани шундай деб атарди. Стволи қисқа, баланд гилдиракли, қурбақа оғзини очгандек катта қора стволини осмонга қаратиб турган мортира ҳақиқатан ҳам олдинги оёқларини кўтариб ўтирган қурбақага ўхшарди.

Алдинургача икки-уч бекат қолди.

Улар йўлда кичкинагина камсув бир дарёни кечиб ўтишлари керак эди. Капитан харитани кўздан кечирди: бу жойлар текис, дарёни кечиб ўтса бўлади, йўлда ҳеч қандай тўсиқ кўрсатилган эмас. Мана бу катта ҳинд қишлоғи-чи? Олдиндан юборилган разведкачилар у ерда бирон кишини учратмадилар.

Улар эрталаб соат ўн бирларга бориб, дам олишга тўхташди. Қушнинг ярмида осмонни тутун қоплади. Қуёш юзини кўланка тўсиб, ёруғ кунда бир дам атрофни қоронғилик босди. Буталар, дарахтлар тинч ҳавода жим қолди, кейин қаттиқ шамол кўтарилди ва яна ҳамма ёқ жим бўлиб қолди. Лагерь атрофида келаётган деҳқонлар гўё биров буйруқ бергандай бир зумда чодирларини йиғиб, от, ҳўкизларига минишди-да, шамол учиргандек кўздан йўқолишди. Капитан Бедфорд у ёқ-бу ёққа қаради, атрофда ҳеч ким қолмабди. Деҳқонлар уларни ташлаб кетишибди.

— Бу яхшиликдан эмас, — деди Блэнт.

Блэнт кечасигача шу ерда кутишни таклиф этди. Аммо Бедфорд ҳар қачонгидек олға юра беришга қарор қилди.

Қарвон йўлга тушиши билан яна шамол туриб, шиддат билан эсиб ўтди; ҳамма ёқни қоронғилик босди, шариллаб ёмғир қуя кетди. Сув одамлар ва ҳайвонлар устига челақдан қуйгандек қуйиларди, бир неча минут ичида йўл ўтиб бўлмас қолга келди. Замбилкашлар зўрға оуд-

ралиб боришар, ҳатто филлар ҳам сув ва қумдан иборат бу бўтқада тиқилиб қолишарди.

Бедфорд кечиб ўтиб бўладими, йўқми — аниқлаб келиш учун икки отлиқни дарёга юборди. Отлиқлар қайтиб келиб: «Дарё тошяпти, оқим жуда кучли, оғир тўпларни ўтказиб бўлмайди» дейишди.

— Кечиб ўтишга бошқа жой қидириб кўрамиз, — деди Блэнт. — Бу жойларни яхши биладиган биронта ерли кишидан сўраш керак.

— Сэр, бир мешкоп ҳамиша биз билан бирга келяпти, — деди Бедфорднинг ординареци Боб Робсон. — Ҳамма кетиб қолди, лекин у кетмади. Рухсат этсангиз, уни шу ерга олиб келай.

— Қани, бу ёққа чақир-чи! — деди капитан.

Ординарец ола-була меш кўтарган мешкопни капитан олдига бошлаб келди.

— Мешкоп, сен бу ердаги йўлларни биласанми! — деб сўради капитан.

— Биламан, капитан-соҳиб.

— Мана бу лаънати сувни тўпларимиз билан қаердан кечиб ўтсак бўлади, шунини бизга айтмайсанми?

— Айтаман! — деб жавоб берди ҳинд, худди шу саволни кутиб тургандай. — Айтаман, капитан-соҳиб! Ҳозир чангалзорга бурилсан, ўт кетган ўрмондан ўтиб, ибодатхона ёнига борсан, ундан ўтгач, бўм-бўш қишлоқни кўрасан. Қишлоқдан нарироқда қияма қирғоқ бор, ўша ерда дарё қўйдаи ювош бўлиб оқади. Бемалол кечиб ўтасан, сув тизсангга ҳам чиқмайди, соҳиб!..

Капитан Бедфорд кўп ўйлаб ўтирмади.

— Жуда соз, — деди у. — Бошла бизни, мешкоп, кумуш рупия оласан.

Йигирма тўртинчи боб

ҚОТМА СОҲИБ

Дарёнинг ўнг қирғоғини бошдан-оёқ қалин ўрмон қоплаб олган, дарахтлар сувга қадар тушиб боради. Қирғоқда на йўл, на бир сўқмоқ бор. Леда тиканли буталарни ёриб, оёғини қаттиқ илдишларга ура-ура борарди. У Чандра-Синг айтган қирғоқдаги қумлоқ тепани ва ёлғиз ўсган баланд тамаринднинг ахтарарди. Кўп ўтмай дарахтлар сувдан анча чекиниб, дарё лабида қум

қиргоқ ва унда туёқ излари кўринди. Бу ерда от ва туяларни суғоришпан бўлса керак. У нарироқ бориб, яқин жойдан инглизча овозлар келаётганини эшитди.

Лела тўхтади.

У дарахтлар орасидан мўралаб қаради, ўрмондаги ялангликда тўп бўлиб турган отларнинг боши, гулхан тутуни ва отлик аскарларнинг узун киверлари кўринди. Ялангликка ёйилиб кетган кишилар бир-бирларини қаттиқ-қаттиқ чақиришарди. Лела шу ондаёқ ўзини чангалзор панасига олди. У дарёдан узоқлашиб, ўнгга қараб юрди. «Бу ерни ўрмон орқали четлаб ўтиб, кейин яна дарёга чиқаман»,— деди ўз-ўзига Лела, лекин эллик одим юрмасдан, қайси томон қаёқ эканлигини билмай қолди. Ҳамма томон ҳам гуж бўлиб қирққулоқлар ўсган қалин ўрмон. Лела ўрмон ичидаги буталар, ҳаводан илдишларни ёриб яна бир оз юрди. У дарёдан узоқлашиб кетаётганини сезиб турарди. Қиз ерга ўтириб, бир оз ўзини босишга ҳаракат қилди. Тепасидаги кўм-кўк япроқлар орасида кичкина-кичкина қушчалар шохдан-шохга сакраб чуғурлашарди. Лела ўрмондан турниб, чангалзордан чиқини билан тор сўқмоқни кўриб қолди.

Сўқмоқ уни қалин чангалзор орасидан каттагина йўлга олиб чиқди. Лела йўл чеккасидаги моллар қамаб қўйиладиган тўсиқларни, деҳқонлар қўтослар турадиган молхона атрофидаги қозиқларга бойлаб қўядиган ранг-баранг латталарни кўрди. Демак, қишлоқ яқин. Нега тўсиқларнинг ичи жимжит, эчкиларнинг ҳам, қўтосларининг ҳам маъраши эшитилмайди?

Йўл қайрилиши билан қишлоқ кўринди. Бу ер ўрмондагидан ҳам жимжит эди. Қишлоқ кўчасининг икки чеккасидаги уйлар бўм-бўш. Ҳамма кетиб қолган, кетганда ҳам шошиб-пишиб, нимадандир қочиб кетишган. Уйлар олдида тўнкарилган ўғирлар, уй-рўзғор асбоблари сочилиб ётибди. Лела бўшаб қолган ҳовлиларда совуқ ўчоқларни, ташландиқ манғалларни кўрди... Деҳқонлар қаёққа кетиб қолишибди? Лела қишлоқни бошидан охиригача айланиб чиқиб, биронта одамни учратмади. Бир кулбанинг атрофини ўраб турган кесак деворда олачипор илон ўзини офтобга солиб ётибди. Ҳамма ёқ жим, бўм-бўш... Лела қўрқиб кетди. Чандра-Синг айтган қишлоқ қаерда экан?.. Яланглик, ибодатхона, ёнган ўрмон қани... Лела адашиб қолди. Дарё бўйига

қайтиб бориб, йўлни топиб олиш керак. Кеч бўлиб қол-
япти, тезроқ бориш керак. Лела чангалзор ўрмондан
ўтиб, дарё бўйига эмас, очиқ тепаликка чиқиб қолди. У
ботаётган қуёш ёруғида узоқдан тепаликдаги балконли,
тунука томи тўрт томонга қия тушган оппоқ уйни
кўрди.

Бу бошлиқнинг, заминдорнинг уйи эди, эҳтимол шу
ерлик рожаникидир. Лела бундай уйларни ўз юртида
кўп кўрган эди. У қўрқиб орқасига қайтди. Рожа ёки
унинг хизматкорлари қўлига тушсинми? Йўқ... яхшиси
қишлоққа қайтиш керак.

Тун яқинлашмоқда, ўрмондаги ҳайвонлар тунги овга
чиқиб, унга даф қилиши мумкин. Лела қишлоққа қай-
тиб келди-да, кимнингдир ташлаб кетилган кулбасида
тунади. Эрталаб яна йўлга тушди. Йўл уни борган сари
ўрмоннинг ичкарисига олиб борарди. Бу ерлар қишлоқ-
дек одамсиз эмас эди. Ўрмонда одамлар бор эди-ю,
кўринишмасди, аммо Лела уларнинг борлигини пайқади.
У ўрмонда борган сари ичкарилаб бораётган кишилар-
нинг узук-юлуқ қўшиқ айтганларини эшитди. Ердан ба-
нанинг жуда янги, ҳали қораймаган пўстлогини топиб
олди. Бир гал тутун ҳиди димоғига урилди, одам-
ларнинг бўғиқ овози эшитилди. Лела баланд бир дарахт-
ни топиб, устига чиқди-да, атрофга назар ташлади. Йўқ,
ҳеч ким кўринмайди. Одамлар беркиниб олган, гулхан-
ни эса ўчиришган бўлса керак. Лела нарироқ бориб, яна
узук-юлуқ ашула овозини эшитди, ерда эса қум сўқмоқ-
ни бир неча оёқ яланг кишилар босиб ўтгани кўриниб
турибди.

«Йўқ, булар британияликлар эмас. Булар ўзимизни-
килар». Лела дадил тортди. Қишлоқ бўшаб қолган эса-
да, ўрмонда одам бор. У тез-тез юриб кетди. Ҳадемай
ўрмон ичида ботқоқлик кўринди, ундан нарида сув бос-
тирилган шоликорлик. Баъзи жойларда сув ташлаб юбо-
рилган бўлиб, шолн бошоқлари қуёш нурида олтинла-
нарди. Лела дадил кета берди. Шу яқин орада қишлоқ
бўлиш керак... Бу нимаси? Бу ерда нима гап бўлган?

Лела тепага чиқди. Бузиб, янчилган кулбаларнинг
харобалари ўрмондаги сўқмоққача сочилиб келган. Қа-
миш девор ва томларнинг ўтдек майдалаб ташланган
қолдиқлари ботқоқ аралаш тупроқда қоришиб ётибди...
Лела қалтираб, яқинроқ келди. Қулаб тушган эшиклар
тагидан мурдаларнинг қўллари чиқиб турибди. Ер қоп-

қора қон, мажақланган бир боланинг қўли туя тезагига қоришиб кетган... Одам бўйи келадиган катта ўғир оғир нарсa тагида қолиб ёрилган сополдай иккига ажраб ётибди.

«Филлар!..» деди Лела. Қишлоққа бу ердаги уйларни, одамларни янчиб ташлаш учун бир гала филларни қўйиб юборишган. Буни ким қилган экан? Нима учун? Бир боланинг ёнгоқ пўчоғидек мажақланган калласи кимнингдир бузилган деворига қоришиб кетган. Унинг омон қолган, аммо қинидан чиқиб кетган кўзлари Лелага ажаблангандай боқарди. Қизнинг аъзойи баданини титроқ босди; у қоча бошлади. Бу ердан тезроқ қочиш керак!..

Лела ўрмонни тиккасига кесиб югурар, қинғир-қийшиқ шох-шаббалар оёғига илашар, тиканлар қўйлагини йиртарди. Пазарида орқасидан, қалин ўрмон ичидан баҳайбат филлар қувиб келаётгандай туюларди.

У ҳамма нарсани унутиб, қаерда кетаётганини ҳам билмай чопарди. Қиз шу югурганича ўрмондан тиккасига ярим миль чопиб бориб, бирдан дарё бўйига чиқиб қолди.

Очиқ ва яланг қирғоқ. Қумлоқ ёнбағирда баланд тамаринд дарахти атрофга шох ёйган.

Чандра-Синг айтган жойнинг ўзи-ку!..

Лела қум устига ўзини ташлаб, анчагача дам олиб ётди.

Номсиз дарёнинг суви ёнбағирлик тагида шовулларди. Қизнинг сувга тушгиси, исиб кетган баданини совутгиси келиб кетди. У Чандра-Сингнинг хати солинган тасқчани тамаринд илдизи тагига, қумга қўмди. Пастга чопиб тушди-да, қўйлагини ечиб, ўзини сувга ташлади. Атроф жимжит, бўм-бўш бўлиб, тиқ этган овоз эшитилмасди. Лела ювиниб, сувдан чиқди, қўйлагини кийди, қайтиб калтакчасини қўмиб қўйган қумлоқ ёнбағирликка чиқмоқчи бўлди.

У ерда Леланинг ён томонидан сувга қараб, соҳиб кийимида бир киши турарди. У сувдан кўзини олмаган ҳолда орқасида турган кимгадир ишора қилди:

— Бу қанақа қиз, билинг-чи!

Шу заҳотиёқ бир хилда ярқироқ тугмали енгсиз камзул кийган икки киши икки томондан югуриб келиб, Лелани ушлашди.

Додвалла, туякаш ўз туяларини қумлоқ ёнбағирликдан пастга ҳайдади. Олдиндаги туянинг бир кўзи кўр бўлиб, ҳамиша чапга қайрилар эди.

— О-о шайтон, шайтонвачча!— деб бақирарди туякаш.

Соҳиб Лелани шошмасдан кўздан кечириб чиқди.

Кийим-бошини чанг босган, баланд бўйли, тор елкали бу соҳиб дарахтга суянганича тик туриб, қизга совуққина қарарди. Унинг қўлида учи тиканакли узун ўт новдаси бор эди. Соҳиб ҳалиги новданинг сертук тиканаги билан этигининг чангини қоқарди.

У қиз билан унинг ўз она тилисида гаплашди. Лела бу одамни илгари сира кўрмаган бўлса ҳам дарҳол таниди: «Қотма соҳиб!»

— Қаёққа кетяпсан? — деб сўради соҳиб.

— Жайхарга, — деди Лела. У таваккал қилиб, эсига келиб қолган бир қишлоқнинг номини айтди.

Соҳиб қизни кўздан кечириб бошлади; устида одадий оқ сорий, барча ёш қизларники сингари ингичка жусса, қорачадан келган юзларида сал қизиллик сезилади, чақнаб турган қўй кўзлари дадил боқади... Қош-киприкларининг қоралигини айтинг!.. Чиройли қиз экан.

— Шошилма!— деди соҳиб.— Жайхарда қариндош-уруғнинг борми?

— Ҳа, ака-укаларим, опаларим бор.

Соҳиб жилмайди.

— Улар энди йўқ.

— Қани улар?

— Босиб-янчиб ташланди.

— Босиб-янчиб ташланди? — Лела қичқириб юборди.

Туякаш, додвалла, қизга ғалати қилиб қараб қўйди. Соҳиб тиканакли ўт билан тиззасидаги чангни қоқа туриб жилмайди. У қизни синамоқда эди.

Қиз рост гапираётганмикин? Чиндан ҳам ўша қишлоққа кетаётганмикин?

— Жайхарнинг ер билан яксон бўлиб кетди. Деҳқонларнинг ҳаммасини уйларига ҳайдаб киритиб, қишлоққа филлар қўйиб юборилди. Негаки, жайхарликлар қўзғолон кўтаришди. Агар у ерда ака-укаларинг, опасингилларинг бўлган бўлса, уларнинг арвоҳи учун ўз худойинг Ямага ибодат қила бер. Ҳаммаси ўлган.



— Оҳ!.. Филлар!..— Лела кўзларини юмди.— Қишлоғимни филлар яксон қилиб ташлабди!.. — Қиз қишлоқдаги кулбаларнинг мажақланган бамбуқ ёғочларини, болаларнинг тупроққа қориштириб ташланган суяқларини янгида кўргандек бўлди.

Лела кафтлари билан кўзини беркитди. «Вой шўрим, вой шўрлик бошим»,— деб йиғлади Лела.

Соҳиб жилмайди. Йўқ, қиз ёлғон айтмаган экан. Бу чинакам кўз ёшлари. Киши жигарлари учунгина шундай йиғлай олади. Нега бўлмаса у шимол хотин-қизлари сингари либос кийган?

— Дам олаётган жойимизга олиб борилсин! — деб қисқа буйруқ берди соҳиб.

Салла ўраган, кумуш тугмали калта камзул кийган икки киши Лелани елкасига туртиб итаришди.

Туя юра оладиган ёлғизоёқ йўл ўрмонга бурилди. Ўрмонда дарахтлари куйиб кетган ялангликка чиқишди, унинг четларида куйган дарахтларнинг танаси қорайиб кўринарди.

«Худди Чандра-Синг айтган жойлар!» — деди та-ниб Лела.

Тез орада бутазорлар сийраклашиб, кенг яланглик ва унда томигача хмель чирмашиб чиққан эски ибодатхона кўринди.

Ялангликда чиройли чодир турибди. Додвалла ва хизматкорлар чодир ёнидаги ўтга ёнбошлашди. Бир хил калта камзул кийган ҳалиги икки киши Лелани қўриқлаб туриш учун четроққа бориб, ағдарилиб тушган дарахтнинг устига ўтиришди.

Соҳиб уларни ёнига чақирган эди, хизматкорлар қизнинг қўлларини орқасига қилиб дарахтга боғлаб кетишди.

Лела ялангликдаги ағдарилган дарахт ёнида бир неча кунни ўтказди. Хизматкорлар уни кун чиққандан, кун ботгунча қўриқлашарди-да, кейин қўлини ечиб кетишарди. Кечаси у барибир қочиб кетолмасди, чунки тунда бу ерларда йўлбарслар изғиб юрар, тонгга яқин дарё бўйига сув ичгани келарди.

Лела кечаси чирмовуқ тагига ўрмалаб кириб, қуруқ жойни топиб ётарди.

Хизматкорлар қуруқ бамбуқ шохларини синдириб келиб, ялангликда эрталабгача гулхан ёқиб чиқишарди.

Кўп ўтмай қотма соҳиб олдиға қаёқдандир тўрт от-

лиқ югуриб келди. Ҳаммалари ҳам пробка шлёмли, саринқ соқолли, узун қамчин ушлаган, камарларига тўп-нонча қистиришган эди. Улар ялангликнинг ўртасида қаттиқ-қаттиқ гаплашиб, нима ҳақдадир баҳслашишди, аммо қотма соҳиб уларга нима ҳам деган эди, ҳаммаси жим бўлиб қолди. Тўртовлари отларидан тушиб, унинг чодирига киришди.

Хизматкорлар нафаслари ичларига тушиб, эшик олдида ерда ётиб кутишарди. Бир гап бўлди. Қотма соҳиб бир нарсадан хафа эди.

Кундузи азоб-уқубатли бир неча соат шундай ўтди.

Хизматкорлар мудрашарди. Лела ҳам бошини қўлига қўйиб, пинакка кетди. Қуёш аста-секин ботиб борарди. Қизнинг тепасидаги дарахтнинг қуюқ шохлари орасида кичкина-кичкина маймунлар қувлашиб ўйнашарди. Маймунлар бирдан қаттиқ чинқиришди-да, урра қочиб қолишди.

Дарахтлар орқасида шовқин-сурон эшитилди. Жангир-жуигур, дўпир-дўпир овозлар, синдирилаётган шохларнинг шақир-шуқуридан қандайдир катта аламон илангликка ёнирилиб келаётганга ўхшарди.

Лела қаддини кўтарди. Туялар худди қамчилаб савалагандек бўкиришар, хизматкорлар елиб-югуришар, бутун кичкина лагерь ҳаракатга келган эди. Ўзи нима гап? Лела ҳеч нарса тушунолмади.

— Қоч! — деб бақирди унинг нақ қулоғи тагига келиб туякан ва қўллари боғлаб қўйилган арқонни пичоғи билан кесиб қоборди.

Лела ўзини чапгалзорга урди, аммо бу ерда даҳшатли шовқин-сурон бадтарроқ эшитилар, худди жуда ҳам яқин ерда, ўрмон оралаб, жуда катта қўшин босириб келаётгандек туюларди.

Лела орқасига қайтди, ибодатхона олдига чопиб бориб, тўхтади.

Ибодатхона томида афти хотинларникига, гавдаси ҳайвонникига ўхшаган каттакон тош ҳайкал ётарди. Маъбуданинг оғир тош қовоғи бўртиб чиққан кўр кўзлари устида солиниб турар, у бир қўлига тош илон, иккинчи қўлига ўлик беш билан бир тутам арқон тутган эди. Лела кетига тисарилди. Бу— даҳшатли Шиванинг хотини, қасос маъбудаси, вайрон қилувчи Қоли эди, афти хотинларникига, гавдаси муқаддас сигириникига ўхшаган Минг қўлли Дурга ҳам шу эди.

Шовқин тобора яқинлашар, ялангликка қараб катта аламон келарди. Қуюқ чангалзорда нурсиз машъаллар кўрина бошлади. Қаёққа бекиниш керак? Лелани ёшлигида Қора Колидан кўрқитишарди; ҳали-ҳали эсида, онаси маъбуданинг ғазабидан ниҳоятда кўрқар, ибодатхонада Минг қўлли Коли ҳайкали олдидаги тошга бағрини бериб, соатлаб ибодат қиларди.

Аламон ялангликка чиқди. Лела жой топди. Маъбуданинг жасади билан унинг букилган қўллари тиралиб турган тош ўртасида каттагина ёриқ жой бор эди. Лела беихтиёр пайдо бўлган титроқни босиб, ибодатхона томига югуриб чиқди-да, тешикдан маъбуданинг гавдаси ичига кирди.

Бу ерда уни ҳеч ким кўрмас эди. Аламон машъал тутатиб, қуролларини шақирлатиб, ибодатхона ёнидан ўтар эди; Лела тартибсиз овозларни эшитиб турди. Кейин ҳамма ёқ жим бўлиб қолди.

Қиз рўмолига яхшилаб ўралди-да, ичкарироқ кириб ётди. Ярим кечага ҳали анча бор эди. Лела нимани кутаётганини ўзи ҳам билмай, узоқ қараб ётди-да, охири ухлаб қолди. Анча вақтдан кейин тунги совуқданми, ибодатхона томида эҳтиётлик билан қўйилган қадамларнинг шитирлашиданми уйғониб кетди. Ҳа, ҳа, демак яна кимдир маъбудада қўрқмабди! Кимдир худди унинг боши тепасида секин-секин гапирар эди,

— Йиртқич қўлимизга ўз оёғи билан юриб келатир. Тўп карвони кечувга анча яқинлаб қолди... Чандра ҳам улар билан бирга, бир боладан иккинчи марта хабар етказди.

«Чандра-Синг?» — Лела диққат билан қулоқ сола бошлади.

— Райотларнинг ҳаммаси тўпланишган, — деб давом этди ҳалиги овоз. — Ҳозир тўрт юз одам белгиланган жойга ўтиб кетди. Ҳаммасида қурол бор. Қўрғондаги аллигушликларнинг ёрдамга етиб кела олармикин, Лалл-Синг?

— Етиб келади, — деб жавоб берди ёшгина қувноқ овоз. — Мен ана шу Робинзонимда Деҳлидан Ранпур-гача шошмасдан юриб, етти соатда келдим. Демак, сипоҳиларим ярим суткада етиб келади. Милтиқсиз ва асбооб-анжомсиз улар полковникнинг оти билан тенг чопишарди. Ёки буни унутдингми, бошлиқ?

— Ҳаммаси хотиримда, — деб жавоб берди бирин-

чи овоз. — Одамларни Ранпурдаги уйларга сен жойлайсан, Лалл-Синг. Карвоини кечувга Чандра-Сингнинг ўзи олиб келади.

— Сен шу ерда қоласанми?

— Ҳа, эрталабгача қоламан. Бу ердан йўл яхши кўринар экан.

Лела унинг олдига — маъбуданинг ҳайкали ичига кимдир секин сирғалиб кираётганини эшитди.

Қиз қотиб қолди. У қўли билан пайпаслаб, яна ҳам ичкарироқ кирмоқчи бўлди, аммо бундан нари бориб бўлмас эди.

Жимликда у кимдир яқингинасида нафас олаётганини аниқ эшитди. У одам Лела билан ёнма-ён, унга тақалиб ўтирарди.

У одам индамасди. Ким экан бу киши — дўстми, душманми?

Улар анчагача шундай ўтиришди. Лела нафас олишга ҳам, увишиб қолган оёғини қимирлатишга ҳам қўрқарди. Тирқишдан ҳавонинг салгина оқара бошлаганини, ўрмон тепаси сезилар-сезилмас ёришганини кўрди. Худди шу пайт тонг олдидаги ўрмон жимлигида Лела қандайдир овозларни эшитди.

Узоқдан бир парсанинг жаҳл билан ириллагани, оғир гавдаининг гурс этиб сакрагани, кейин жим бўлгани, яна сакрагани эшитилди.

Бир қуш чўчиб чуғурлади. Ўрмонга жимлик чўкди. Қуш чиқиши олдидан йўлбарс сув ичгани келмоқда эди.

Лела қимир этмай ўтирарди.

— Йўлбарс сув ичгани келяпти! — деб юборди бехосдан Лела, ўзи ҳам сезмай.

Ёнидаги овоз шу заҳотиёқ жавоб қилди:

— Буталар орасида овчи кутиб турибди!

— Ким бу?

— Овчи, — деди ҳалиги овоз.

— Чандра-Синг менга тайинлаб юборган овчимми?

— Ўша бўлиши керак. Сен ўзинг кимсан, ўғил боламсан ё хотин кишимсан? — деб сўради ҳалиги овоз, бир оз ажабланиб.

Қуш чиқсин, кўрасан, — деди Лела.

Кимсан ўзинг, айт, — деб туриб олди ҳалиги киши.

Мен Лелама, Батманинг қизиман, — деди қиз.

У одам ҳаяжондан нафаси бўғилгандек дарров жавоб беролмади.

— Асли қаерликсан, Лела? — деб сўради у.

— Ражпутанадан.

— Онангни Батма-Севани деб аташармиди?

— Ҳа. Сен уни танирмидинг?

Гўё бу одам ҳаяжонини босолмагандек, яна жим қолди.

— Менга бир кўрин-чи, — деди бир минут ўтгач ҳалиги овоз.

Кейин у Лелани туйнукдан тушиб турган ёруққа тортиб, юзига суқланиб узоқ тикилди. Лела хира ёруғда унинг ярим оқарган узун сочларини, мийтиллаб турган кўзини, ғалати, хунук оғзини кўрди.

— Ўзинг кимсан? — деб қўрқа-писа сўради Лела.

У киши жавоб бермади.

— Сени менинг ёнимга Чандра-Синг юбордимми?

Шу он Лела таёқча орасига яширилган хатни эслади.

— Хат!.. У дарахт тагида қолди. Кечир мени. Мен айбдор эмасман! Анави қотма соҳиб айбдор! — деди эсанкираб Лела.

— Чандра-Сингнинг хатими? Хатидан аввал ўзи етиб келади бу ерга! Мен уни ҳализамон кўраман, болам.

Ҳалиги одам туйнук томонга интила бошлади.

— Қайтиб келасанми? — деб сўради Лела.

— Ҳа, қайтиб келаман! Ҳеч нарсадан қўрқма! — деди у.

Лела бу нотаниш дағал овозда бирдан аллақандай меҳрибонлик, эркалаш ҳис этди.

— Кутгин, Лела! — деб такрорлади ҳалиги киши. — Мен тезда келаман.

У секин маъбуданинг ҳайкали ичидан чиқиб кетди.

Лела гужанак бўлганича ётарди. Қуёш баланд кўтарилди, маъбуданинг тош елкасини қиздирди. Кейин яна салқин тушди. Кун шундай ўтди.

Ҳалиги киши келмади.

«Наҳотки шу ерда яна бир кун ўтирсам?» деб ўйлади хавотирланиб Лела.

Кечқурун ўрмонда қаттиқ шамол бўлди. Дарахтларнинг шохлари қирсиллар, бутун ўрмон гувиллар эди. Ибодатхона томига сел келиб урди.

«Ёмғир бошланди», — деди Лела. Вақт ўтяпти. Ҳалиги киши келмади. Қизни ваҳима босди.

Ёмғир қуйгандан-қуярди, ўрмондаги ариқчаларда сув анчагача шарқираб эқиб турди. Кейин атроф яна жимжит бўлиб қолди.

Лела мудрай бошлади. Шу пайт уни узоқдан келган аллақандай ғалати овоз уйғотиб юборди. Бутун ер тобора яқинлашаётган қандайдир оғир, даҳшатли нарсадан ларзага келгандек бўлди...

Капитан Бедфорднинг тўп карвони ўрмон оралаб дарё бўйига, мешкоп кўрсатган кечувга қараб келмоқда эди.

Қарвон ялангликка аста чиқиб келди. Лела одамларнинг овозини яққол эшитди.

— Мана, ибодатхонага ҳам етдик!.. Демак, мешкопим ёлгон айтмабди, сэр, ҳаммаси тўппа-тўғри, — деди кимдир.

Бу капитан билан гаплашаётган Боб Робсон эди.

«Соҳиблар экан! — Лела маъбуданинг тош қорнига ичкарироқ суқулди. Шу заҳоти яқингинасида оёқ товушлари ва жарангли овоз эшитилди:

— Бу қандай ажойибот, Боб?

— Маъбуда. Юзи одамники-ю, танаси сигир.

— Ие, бунинг ичи ҳаволга ўхшайди-ю!..

Инглиз солдати маъбуданинг елкасини дўмбира чертгандек чертди.

Иккинчи солдат туйнукдан ичкарига мўралади.

— Ичида биров бор, Боб!..

— Тўхта, тўхта, Гедди!.. Ичида биров ўтирибди, рост. Капитанга айтиш керак.

Капитан Бедфорд катта-катта одим ташлаб, ибодатхона тенасига чиқди. Тош маъбудани солдатлар, хизматкорлар, замбилкашлар қуршаб олишди.

— Тирик қўлга олинсин! — деб буюрди капитан.

Лелани юбқасилан судраб чиқариб, капитан олдига турғизиб қўйишди.

— Қиз бола-ку!

Лела нотаниш башараларни кўриб, титраб кетди. Шундайгина қаршисида аламон орасида, мешкоп кийимиди Чандра-Синг турарди. Қиз уни кўрди-ю, ўзини тугитиб олди. Лела рўмолини кўкрагига ўраб олган эди.

— Кимсан? — деб жаҳл билан сўради Бедфорд.

Лела мешкопга қаради.

Чандра-Сингнинг кўзлари: «Айтма!»— деб турарди.

— Кимсан ўзинг? Гапир!— деб такрорлади капитан.

Лела ерга қараганича индамай тураверди.

— Тилимизга тушунмаяпти, сэр!— деди Боб Робсон.

— Уни карвонга қўшдириб қўйинг, капитан, кейин ким ўзи, қаёқдан келяпти, билиб оламиз,— деб маслаҳат берди Блэнт.

Йигирма бешинчи боб

ГАПИРУВЧИ БАМБУҚ

Ёш бамбуқзор ўрмоннинг зичлигидан ёш бола ҳам ўта олмайдиган ғижирловчи бўғим-бўғим поялари орасида одамлар йиғилишди. Бу ерга тўпланган одам қанчайкин? Айтиш қийин, — дарахт қанча бўлса, одам ҳам шунча. Бу ерда Бхагпуддан, Ранпурдан, Жайхардан, Ферузободдан ва яна жуда кўп узоқ-яқин жойлардан келган деҳқонлар бор. Уларнинг ингичка, болдирсиз оёқлари қанча миль йўл босганини, беш ёшли боланинг бармоқлари ҳам айланиб келадиган шу қадар ингичка толма қўллари қанчадан-қанча оғирликлар кечирганини ким билсин!..

Бу ерда хотинлар ҳам, ёш болалар ҳам бор эди. Дармонсиз қўллар бамбуқ ниҳолларига ўралашиб, тупроқ титардилар. Ҳамма жим ўтирар, оналар товуш чиқариб болаларини чақирмас эдилар. Ўрмонда бу кишиларнинг ёнгинасига келинса ҳам, бамбуқ поясининг зичлигидан ҳеч нарсани кўриб бўлмас, на шитир этган овозни эшитиб бўларди. Поялар тебраниб, енгил шабадада шовуллар, одамлар эса чурқ этишмасди. Улар ўрмондан ҳам жим эдилар.

Уларнинг ёндирилган, филларга топтатилган қишлоқлари узоқда қолди. Ўрмон уйлари-ю, бамбуқнинг ниҳол новдаси емишлари бўлиб қолди. Аммо райотлар ёниб кул бўлган кулбаларини унутмадилар. Улар яна ўз қишлоқларига қайтишни, қайтганда ҳам тупроққа қориниб соҳибнинг оёғига йиқилиш учун эмас, балки ўзларининг озод қилинган ерларида уйларини янгидан тиклаш учун қайтишни орзу қилардилар. Деҳқонларнинг елкаларидан милтиқ стволи чиқиб турарди, кекса-

лар ўзлари ясаб олган узун найзаларни кўтаришган, милитик стволлари ораларида ўткир найзалар тебраниб турарди.

Райотлар жимгина ўтириб, ниманидир кутишарди.

Мана, ўрмон шитирлади, бўгин-бўгин нозик поялар сигилгина тебрланди. Дарахтлар орасидан бир одам ўтиб келарди.

У бамбуқ поялари орасида кўринди, ёш, бўйи унча баланд эмас, чанг босган сочини қуролсозларнинг қора рўмоли билан танғиб олган.

— Хабар! — деб қичқирди ҳалиги одам. — Мен сизларга хабар келтирдим, райотлар!..

Ўрмон шу он жонланиб кетди; одамлар шох-шаббани синдириб, бир ерга ғуж бўлиб тўпланишди.

— Хабар!.. — дейишарди улар бир-бирларига. — Чандра-Сингдан хабар!..

— Ўқи, даракчи! — деб шовқинлашди кишилар.

Қуролсоз турли белгилар чизилган узун қоғозни юқори кўтарди.

— Бизнинг томонимизга тўплар келяпти! Калькуттадан катта тўплар келяпти!

— Тўплар!.. Катта тўплар!.. Соҳибларга ёрдамга-я! — деб ҳаяжонланишди райотлар.

— «Оғир гаубицалар, мортиралар!.. Тез отар тўплар», — деб ўқирди қуролсоз хатга қараб.

— Мортиралар? Вой-бў-ў!.. Гаубицалар... Тез отар тўплар-а! Бизга шундай тўплар жуда керак.

— Карвон биз турган жойлардан ўтади. Унда бизнинг одамлар бор... Чандра-Синг карвон билан бирга келяпти.

— Чандра-Синг!.. О-о! Бизнинг Чандра-Синг...

— «Жайхар, Бхагпур, Ранпур», — деб ўқиди қуролсоз. — Соҳибларнинг карвони шу йўл билан келяпти. У Деҳлига боради.

— Ранпур!.. Жайхар!.. — Булар бизнинг ерлар, бизнинг қишлоқларимиз-ку!

— Биз бу тўпларни Деҳлига ўтказмаймиз!..

— Ўтказмаймиз! Йўлини кўксимиз билан тўсиб чиқамиз.

Қуролсоз хатни пастга туширди.

— Албатта! — деди қуролсоз. — Бу карвон Деҳли деворлари яқинига етиб бормади.

чеккасига, йўлга, деҳқонларнинг уйларига диққат билан қарарди. Қишлоқ жимжит, ҳеч қаердан тутун чиқмас, дераза туйнуклари қоп-қоронғу эди. Бу ердаги деҳқонлар ҳам қишлоқларини ташлаб кетган бўлсалар керак. Чандра-Синг айтган думалоқ ҳовуз қани?

Мана у, қишлоқнинг ўртасида, ҳовуз бўйидаги катта уй ҳам ана. Леланинг юраги дукуллаб ура бошлади, назарида торгина бир дераза туйнугидан кимнингдир боши кўрингандек бўлди.

Отряднинг бош қисми қишлоқнинг ярмисидан ўтди. Капитан Бедфорд Жон Блэнт билан пиёда гаплашиб борарди.

Улар қишлоқ ўртасидаги, ҳовуз лабидаги катта уйга етишди. Уйнинг девори тагида бир киши ўтирарди.

Бу одам шу қадар диққатни ўзига тортардики, капитан беихтиёр тўхтаб қолди.

Бу одам жунни тўкилган қоплон териси устида энгашиб, чордана қуриб ўтирар, пешонаси ва юзига қизил қора чизиқлар тортилган эди. У деярли қип яланғоч бўлиб, фақат сони қора мато билан ўралган эди. Боши ва бутун аъзойи баданига кул сепилган. Озғин елкалари кул остида қалтирар, у оҳиста қора тасбиҳ ўгирганича, солдатларни ҳам, тўпларни ҳам, олдига келиб тўхтаган офицерларни ҳам кўрмагандек, ерга боқиб, аста тебранади.

— Блэнт, қаранг! — деди Бедфорд. — Бу йўл.

Блэнт елкасини қисди.

— Найрангбозми?

— Эй, йўқ; муқаддас философ, ер юзидаги ҳамма нарсадан воз кечган, кул жома кийган, оллони билган одам. Мен бундайларни Бомбейда жуда кўп кўрганман, қимматли Блэнт. Йўғлар йигирма-ўттиз соатлаб муттасил ана шундай ўтириб, тасбиҳ ўгирадилар ва фикрга чўмадилар, бундай пайтда улар овқат ҳам емайдилар, ухламайдилар ҳам. Бундай йўғнинг баданига нина тиксанг ҳам, товонини куйдирсанг ҳам ҳеч нимани сезмайди.

— Мен бу философнинг терисига найза тикиб кўрсам дейман,— деди капитаннинг сўзини бўлиб, жаҳл билан Блэнт.— Сезмаслигини бир томоша қилардим...

Лейтенант сўзини тамомламади. Ҳинд энгашиди-да, қўлини шартта қоплон териси тагига тикиб, тўппонча олди.

Йўғ шу заҳотиёқ Блэнтга қараб ўқ узди.

— Ба-бах!

Лейтенант бошидан ўқ еб йиқилди. Қишлоқ устида ҳиндларнинг:

— Э-э-ен! Дэ-э-ен! Д-э-э-ен! — деган чўзиқ ҳайқириқлари янгради.

Ҳамма ёқ жонланиб, қасир-қусур, шовқин-сурон бўлиб кетди. Ясси томлар тепасидан каллалар кўтарилди; ўқ овозлари қулоқни қар қиладиган даражада тарсиллай бошлади. «Пистирма!» Колоннанинг бошида саросима бошланди.

Капитан Бедфорд узоқдан тўп ортилган биринчи арава тўхтаганини, ундаги одамлар саросимага тушиб, ҳар томонга қараб қоча бошлаганини кўриб турарди.

— Орқага қайтларинг!.. Тўплар олдиға!.. — деб бақирди капитан, унинг буйруғини ҳеч ким эшитмасди. Орқадаги тўплар ўз эпкини билан секин-аста ўрмондан йўлга чиқиб келишарди.— Орқангга қайт!—деб бақирди капитан. У филбонлардан бири жони жаҳди билан олдинги филнинг бўйнига темир таёқни суқаётганини, дам ўтмай елкасидан яраланган фил ўзи судраб келаётган оғир тўпни иргитиб ташлаб, уйлар орасида ҳар томонга қараб югура бошлаганини кўрди. Жени тушиб келаётган замбар бирдан лопиллаб, қийшайди, тепасидаги чодир бўронга дуч келган кеманинг елканидек шамолда елпина бошлади, замбилкашлар замбарни ташлаб қочдилар.

— Бу ёққа! Менинг олдимга! — деб бақирди капитан. Аммо унинг ўзини ҳам четга суриб ташлашди. Кейин капитан Бедфорднинг ўзи далани қиясига кесиб, қаёққадир қоча бошлади.

Ўқлар визилларди. Отишинга вақт йўқ.

— Анави уйга қочинг, сэр!—деб бақирди капитанга олдинда қочиб бораётган ординарец Боб Робсон, шолкорликнинг нариги ёғидаги атрофи тош девор билан ўралган минорали катта уйни кўрсатиб.

Уйнинг томига одамлар йиғилишган. Улар капитан Бедфордга қараб қўлларини силкишарди.

У ерда ҳам душман бўлса-я?

Аммо Боб Робсоннинг тахмини тўғрига ўхшайди. Уйнинг икки тавақали дарвозаси британиялик офицерга катта очилди. Капитан Бедфордни уйма-уй ўтказиб, гиламлар ва ёстиқлар тўшалган катта залга олиб киришди. Залдан ёқимли смола, ҳўл мева, чучук тамаки



тутунининг ҳиди келарди. Соч-соқоли оқарган, юзини ажин босган, ҳамма ёғига қаҳрабо мунчоқ қадалган ким-хоб нимча кийган рожа капитанга икки букилиб таъзим қилди.

— Мен умрим бўйи қироличамга ва барча офицер-соҳибларга хизмат қилишдай катта бахтни орзу қилардим!— деди рожа ва кавшаётган бетелини олтин косага тупурди.

— Бутун уйим, хазинам сенинг ихтиёрингда, соҳиб,— деди яна букилиб рожа.

У хизматкорларига ишора қилди, улар капитан Бедфордни узун йўлақлар, қоронғи жин кўчалардан, мангалларнинг сассиқ тутуни орасидан, жилмайиб турган малайлар олдидан олиб ўтиб, саройнинг ичкаридаги биноларидан бирига олиб боришди. Бундаги хонада етти-саккиз инглиз ўтиришарди, улардан учтаси офицер кийимида. Капитан қаргач эшик дарҳол бекилиб, қуролли икки чокедор¹ эшикнинг икки томонига туриб олишди.

Капитан Бедфорд пастаккина диванга ўтирди-да, эс-ҳушини йиғиб олишга ҳаракат қилди.

— Худо ҳаққи, айтинглар, жентльменлар,— деди капитан,— биз бу ерда меҳмонмизми, асирмизми?

— Биз ҳам икки ҳафтадан бери шу саволни ечолмай бошимиз қотади, — дейишди Бедфордга ватандошлари.

Қишлоқда шовқин-сурон анчагача босилмади. Деҳқонлар «Соҳибларнинг тўплари бизнинг қўлимизда!» — деб ғалабани тантана қилишарди.

Тушга бориб, райотларга қарвонни қўлга туширишда ёрдам берган сипоҳилар отряди дарёнинг нариги ёғидан қайтиб келди. Сипоҳилар британияликларнинг тарқоқ отрядларини дарёнинг нариги томонига ҳайдаб юбордилар.

— Саккизта оғир тўп,— деб ўлжаларини санашарди деҳқонлар. — Ун иккита майда тўп, порох ва ўқ-дори ортилган элликта арава! Ун, сухари, гуруч, қуруқ мева ортилган аравалар-чи!.. Бугун соҳибларнинг ҳолига вой...

Одамлар ҳовуз бўйидаги ўт ўстига, судраб келтирилган араваларга ўтиришди. Хотинлар буғдой унидан нон ёпишди. Семиз эчки гўшти солинган ликопчалар қўлдан-қўлга ўтди.

Лела аравалардан биридаги пичанга биқиниб ётиб

¹ Чокедор — рожа саройининг қўриқчилари.

олди. Икки кундан бери ҳеч нарсa емаганидан овқат хиди кўнглини беҳузур қиларди. У ётган жойида Чандра-Сингнинг:

— Лела қани, Лела?— деб қичқирган овозини эшитди-да, пичан тагига яна чуқурроқ бекиниб олди.

Қиз топшириқни бажармадим, хатни олиб келиб беролмадим, деб уятидан ич-этини ерди. Энди Чандра-Сингнинг кўзига қандай қилиб қарайди?

Чандра-Синг уни: «Бизнинг Пандининг қизи»,— деб атарди. Энди кўриб нима дейди?..

— Лела қани? — деб қичқирарди Чандра-Синг аравалар ичига қараб.

Чандра-Синг Лелани энг кейиндаги аравадан топди. У қизнинг кийимига илашган чўпларини қоқиб, ўрнидан турғизди. Лела унга тик қарай олмасдан, юзини рўмоли билан бекитди.

— Чандра-Синг, мени кечир, хатингни олиб келиб беролмадим.

Чандра-Синг жилмайди.

— Хатимдан олдин ўзим етиб келдим,— деди у. Кейин қизни одамлар тўпланган ҳовуз лабига олиб борди.

— Лела, сен отангни қидириб юрган эдинг-а? — деди Чандра ва қизни даврага бошлади.

Қиз шод-хуррам деҳқонларни ва давранинг ўртасида ўтирган оқ саллали, баланд бўйли сипоҳини кўрди.

— Панди!.. Панди!.. — деган товушларни эшитди Лела.

Лела кишилар Панди деб атаётган сипоҳининг узун, оқ оралаган сочига ва тишлари тўкилиб кетган оғзига қаради. Уша, ибодатхона тепасида кўрган одами!

— Панди?.. — деб такрорлади Лела.

Сипоҳи ўрнидан туриб, унинг олдига келди.

— Мен келаман деб келолмадим, — деди сипоҳи. — Кечир мени, қизим!

У Лелани олдига тортиб, ўз ёнига ўтқазди.

— Онанг мени кута-кута дунёдан ўтипти, — деди Инсур. — Сен билан биз икки марта учрашай-учрашай дебмиз-ку, учрашолмай кетиб қолибмиз, қизим. Энди ҳаминша мен билан бўласан.

— Ота! — деб пичирлади Лела. Қиз узоқ вақтгача отасининг қўлини бағрига босиб, қимир этмай ўтирди.

ҲАММА ИҮЛЛАР ДЕҲЛИГА ОЛИБ БОРАДИ

Ранги ўчиб кетган Женни ўт устида ҳинд аёлларидек оёғини букиб ўтирарди. У сариқ саллалик ёш сипоҳи сопол косада келтирган муздай сувни ичмай, қайтариб юборди.

— Уйимга кетаман!— деди Женни.— Мени қўйиб юборинглар.

— Уйинг узоқда-ку!— деди кулиб сипоҳи. Унинг қантдек оппоқ тишлари, мугомбирона, эркалатувчи кўзлари чақнаб турарди.

У қизнинг қўлига янги узилган анжир берди.

— Биз билан бирга кетасан. Қўрқма, яхши қиз, хафа қилмаймиз.

У қизни ҳовуз ёнига кўмилган устун тагидаги намага ўтқазди, кейин тозалаб супурилган бир парча ерга сув сеппи ва дуо ўқиди.

Энди бу ер дахлсиз бўлиб, ҳеч ким қадам қўёлмас, ҳатто яқин келиб, саясини ҳам тушира олмас эди.

Кундуз соат икки — овқат тайёрлайдиган вақт. Бу пайтда бутун Ҳиндистон халқи очиқ жойда ўзининг озгина топган-тутганини нон қилиб ёпади.

Сипоҳи ўтни пуфлаб, унга ўтин ташлади. Кейин ҳовузга бориб, енгил кийимларини ечмай, сувга бир шўнғиб чиқди. Овқат пишириш олдидан шундай қилиш уларда расм тусига кирган.

Кейин кийимларини офтобда қуритди-да, олов ёнига келиб мис идишда йирик тортилган кепакли буғдой унидан хамир қорди.

Женни атрофга назар ташлади. Ҳамма хамир қориб, олов ёқарди. Райотлар овқат ҳозирламоқда эдилар.

Энди қўзғолончиларнинг уни кўп. Бедфорд карвонидаги ҳамма озиқ-овқат уларнинг қўлига ўтди.

Сипоҳи қорган хамиридан нон ясаб, пишириш учун тунука устига қўйди. Кейин мис қозончага ясмиқ солиб, шўрва қила бошлади.

Ҳадемай нон пишди. Сипоҳи катта пальма япроғини идишга ўхшатиб ўради-да, қўлларини куйдира-куйдира унга нонни олиб солиб, Женнига берди. Кейин қозончадаги ясмиқ шўрвани унга яқин суриб қўйди.

— Ол, ейвер!— деди сипоҳи.

Ўзи ҳам нонни ясиқ шўрвага ботириб ея бошлади. Женни шўрванинг рангидан ирганиб, нонини қуруқлайин еди.

Кейин сипоҳи қаёққадир чопиб кетди. У Женни ёшлигидан эслайдиган ювош ҳинд энагага ўхшамаса ҳам, ҳар ҳолда раҳмдил эди. Ҳадемай у қизга косада қўтос сути келтириб берди.

— Ол, ич,— деди сипоҳи,— қўрқмагин. Сенга ҳеч ким тегмайди, қизча. Ҳиндистон болалар билан урушаётгани йўқ.

Женни қуюқ, тами аччиғроқ сутни индамай ичди.

— Қани, энди йўлга!— деди сипоҳи.

Бутун отряд йўлга отланиб бўлган эди.

Женнини шу пайтгача ўзи саёҳат қилиб келаётган замбар олдига олиб боришди.

Замбар ичида бошига оқ рўмол ўраб олган бир қиз ўтирарди.

Женнини шошиб-пишиб ўтқазишди. Замбилкашлар бамбуқ дастадан кўтаришди, замбар тебраниб, олға юрди.

Женни: «Бизни қаёққа олиб кетишяпти?»— деб замбардан бошини чиқариб қарамоқчи бўлган эди. Ёнида кетётган сипоҳи:

— Қараш мумкин эмас!— деб қичқириб берди.

Замбарда бирга ўтирган қиз рўмолини кўтариб, чақнаб турган кўзларини Женнига тикди.

— Мумкин эмас! Йўлни кўришинг мумкин эмас!..— деди у.— Сен бизнинг асирамизсан.

Бу Калькуттада Женнининг ёнига келган ўша қиз эди.

Женни бўйсунди. У кун ботгач, замбилчилар алма-
шинганини, улар янги куч билан замбарни бир текида
тез кўтариб бораётганларини сизди.

Уларни тез, жуда тез олиб кетишмоқда эди.

Кечасидаги дам олиш пайтида Женни беҳосдан аллакимларнинг узук-юлуқ сўзларини эшитиб қолди.

— Замбарда кетишни сира ҳам истамайди!— дерди кимдир.— У бутун йўлни ити билан бирга пиёда босишга тайёр.

— Браҳман эмас,— деди иккинчиси.— Мусулмон ҳам эмас, аммо табаррук одам!..

Женни гап Макферней ҳақида бораётганини сизди.

«Яхшики у ҳам шу ерда экан»,—деб қўйди қиз. Уни

замбарда яна бир суткага яқин, шошилиб, жимгина но-
маълум томонга кўтариб боришди.

Кейин Женни замбилкашларнинг оёқ таги худди улар
сузиб юрувчи кўприкда кетаётгандай кўтарилиб-тушиб
турганини, йўл тебранаётганини сизди.

Замбар тепасига ёпилган парда четидан кунгирали
девор ва минора кўринди.

Дарвоза узоқ гижиллади, гунгур-гунгур гаплашган
овозлар, сўнгра замбилкашларнинг тош устида шип-шип
қадам ташлаганлари эшитилди.

«Кўчами?— деб ўйлади Женни.— Шаҳарми?..»

Уларни бўғиқ шов-шув, тушуниб бўлмас овозлар
эшитилиб турган кўчалардан яна анча кўтариб бордилар.
Кейин тўхташди.

Женнини замбардан туширишди. У атрофни ўраб ол-
ган аламонни кўрди, гўнғир-гўнғир гаплашган овозларни
эшитди. Қуёш нури кўзини қамаштирди.

Женнини ярим қоронғи бир уйга олиб киришди, одам-
лар тарқалди, ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

— Қаерга келдик?— деб сўради Женни.

— Деҳлига,— деб жавоб беришди унга.

СЕЛИМГУРДАН БЕРИЛГАН СИГНАЛ

*Йигирма саккизинчи боб***НАҲОТКИ ДЕҲЛИ ҲАЛИ ОЛИНМАГАН БЎЛСА?**

— Наҳотки Деҳли ҳали олинмаган бўлса?— деб сўрашарди узоқ. Буюк Британиядаги уйларида инглизлар бир-бирларидан.— Наҳотки ҳалигача мунтазам қўшинларимиз исёнчиларнинг қаршилигини синдира олмаган бўлса?..

Ҳар сафар янги хабар олинганда Лондондаги Ҳиндистон Уйи олдига одамлар тўпланишарди. Кишини довдиратиб қўядиган хабарлар келарди. «Генерал Кольвин қуршовда қолибди... Генерал Уирел тор-мор қилинибди...»— деб пичирлашарди кишилар қўрқа-писа.

Хабарлар жуда кеч етиб келарди: Деҳлининг исёнчилар томонидан эгалланганини Лондонда йигирма учинчи июндагина — дастлабки исёнчи полклар қўрғон дарвозасига олиб борадиган сузувчи кўприкларга оёқ қўйгандан қирқ икки кун кейин билишди.

Ҳиндистонга юбориладиган қўшин шошилиш равишда кемаларга ортиларди. Буюк Британиянинг портларидан деярли ҳар куни ҳарбий кемалар ва солдат ортган ёлланма транспортлар йўлга чиқарди.

Лордлар палатасида Ҳиндистонга қўшинни қайси йўл билан тезроқ юбориш мумкин: Африка қитъасининг атрофини айланиб ўтиш орқалими ёки Александрия — Сувайш орқали Ўрта денгизданми, деган масала узундан-узоқ муҳокама қилинди.

Биринчи йўл жуда узоқ, аммо йўлда юкларни тушириб, яна ортиб ўтиришнинг кераги йўқ; иккинчи йўл яқин бўлса-да, йўлда юк кўп марта тушириб, яна қайта ортилади, сувсиз чўлдан юриб ўтиш оғир эди, чунки Сувайш каналли ҳали қазилмаган эди.

Қандай ҳисоблашмасин, барибир қироликнинг қўшинлари Ҳиндистонга уч-уч ярим ойсиз етиб боролмас эди. У ёқдан бўлса нуқул янги-янги хунук хабарлар келиб турарди.

Қўмондон генерал Ансон вабодан ўлибди. Унинг ўрнини босган генерал Барнард ҳам вабодан ўлибди.

Қисқа вақт ичида бирин-кетин икки қўмондон вабодан ҳалок бўлишибди.

Галифакс ўлибди.

Честер ўлдирилибди.

Невилль Чемберлен оғир ярадор бўлибди.

Деҳли яқинидаги барча британиялик кучларга қўмондонлик қилиш шошилиш равишда генералликка ўтказилган полковник Вильсонга юкланибди.

Лондонда кейинги хабарларни ваҳима билан кутишарди.

Черковларда «ўз ҳаётини Ҳиндистондаги меросий мулкларимиз ва буюмларимизни қутқариш йўлида фидо қилган мард жангчиларга бағишлаб» тантанали қисқа дуолар буюрилди.

Август келди.


— Наҳотки Деҳли ҳали олинмаган бўлса?— деб бир-бирларидан ташвишланиб сўрашарди Англияда.

Август тугади. Қамалнинг учинчи оёи кирди. Деҳли ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам турарди.

Бир инглиз полковниги Лондондан Калькуттадаги бир дўстига: «Бу ерда Ҳиндистоннинг бутунлиги учун қаттиқ ташвиш қилиняпти,— деб ёзди.— Ҳаммамиз ҳам, Деҳли олинди, исён бостирилди, деган хабарни эшитиш-ни шу қадар истаймизки».

«Деҳлидагилар Деҳлини қўлдан бермайдилар, менимча чинакам ёнгарчилик даври бошланиши билан инглизлар чекинишга мажбур бўладилар...» — деб ёзган эди ўша йилнинг августида Карл Маркс ўз дўсти Фридрих Энгельсга.— «Сенга... Деҳлининг планини юборяпман, лекин кейин сен уни менга қайтаришнинг керак».

Британиянинг кичик тўплари ўқ узиб етказолмай-



диган Жамна дарёсидаги сузиб юрувчи кўприкдан эса сипоҳиларнинг янги-янги мадад кучлари деярли ҳар куни тўла жанговар тартибда, байроқ кўтариб, дўмбира садоси остида Деҳли дарвозасига томон ўтардилар. Британияликлар лагеридаги офицерлар уларга тоғдаги минорадан туриб қарар, қайси полkning пандилари ўтаётганини ва улар қаердан келишаётганини дала биноклида аниқлашга ҳаракат қилишарди.

Шаҳарга келиб кираётган «панди»ларнинг кети ўзилмасди.

— Деҳли Севастополдек бўлди,— дейишарди британияликларнинг лагерида.— Қанча ўзоқ турса, ёрдамга ҳимоячилар шунча кўп келади.

— Деҳли Севастополдек бўлди!— деди майор Бриггс ўзоқдан Деҳли қўргонининг оқ минораларига тикилиб.— Эллик бешинчи йили ҳатто Қримда ҳам мен бундай тўп отишмасини кўрмаган эдим.

Улар отда капитан Бедфорд билан бирга юқори-

дан Курнаул йўлидан айланиб, Деҳли яқинидаги британияликлар лагерининг оқ чодирларига яқинлаб келишди.

Капитан Бедфорд икки ҳафтагача рожанинг уйида ўзининг нима бўларини билмай қамалиб ўтирди. Кейин аҳвол бирдан ўзгарди. Ҳовлида ҳам, уйда ҳам тўс-тўполон кўтарилди, ҳамма отхоналардан отлар олиб чиқилди, чўктириб, оғир юк ортилган туялар бўкиришар эди. Рожа бирдан шошилишча равишда кўчадиган бўлиб қолди.

Рожанинг чопарлари, жануб томондан соҳибларнинг катта отряди келяпти, деган хунук хабар келтиришди.

— Бунақасини бизнинг томонларда ҳеч ким кўрмаган!— дейишди чопарлар.— Аскарларининг афти-ангори бир бало, худди ёввойига ўхшайди, ўзлари отда, бошига узун шалпа, эгнига британиялик хонимлар киядиган юбка кийиб олишган. Бошларидан соч ўрнига пат ўсиб чиққан, ҳеч бир шафқатсиз урушади, йўлида кўринганнинг кечкирдагини узиб ташлайди. Ўзлари буни «эски Гарри ўйини» деб аташади-да, яна кулишади; афтидан, оналари шайтонга дўст бўлган кўринади...

Чопарлар Бедфорднинг тўп карвони билан кетма-кет Калькуттадан йўлга чиққан Хайленд тоғ полкининг батальони ҳақида гапирмоқда эдилар. Майор Бриггс ўзининг тоғлик ўқчиларини Деҳли ёнидаги британияликлар лагерига ёрдамга бошлаб келмоқда эди.

Рожа соҳибларнинг қўшини нима ниятда келаётганини билмай, оиласи, хизматкорлари, сандиқлари, қимматбаҳо буюмлари, олтин ва кумуш пулларини олиб, шимолга қочди.

Майор Бриггс рожанинг уйида қамалиб ётган инглизларни озод қилди ва капитан Бедфордни ўзи билан бирга олиб кетди.

Икки кундан сўнг Генри Бедфорд Деҳли ёнидаги британияликлар лагерининг чодирлари ўртасида эски дўсти Ричард Гаррис билан қўл қисиб кўришди.

Гаррис дарҳол:

— Женни қани?— деб сўради.

Генри Бедфорд ўз дўстига қайғули хабарни айтди:

— Тўп карвони қўлга тушиб, бечора Женни исёнчилар қўлида қолди, қаердалиги номаълум.

ЖЕННИ АСИРЛИКДА

Женни шом пайтида муаззинларнинг азон айтганларини, ҳинд ибодатхоналарида кичкина қўнғироқларнинг жингиллаганини эшитарди. Ҳар куни унга сув, пуруч, нон келтиришарди. Каттакон бўш уйнинг деразаси йўқ, дераза ўрнида баландда энсиз туйнуклар бўлиб, улар ҳам ташқаридан тарновча қилиб ёрилган бамбуқ поялари билан тўсиб қўйилган эди.

Бу деҳлилик бой савдогарлардан бирининг ўйи эди. Савдогар бўлиб турган воқиалардан чўчиб, Деҳлидан қочиб кетган, шундай катта ўй бўм-бўш қолган эди. Уйда на стол бор, на стул; Женни уйнинг ўртасидаги чанг босган патли гиламда узоқ-узоқ ўтирар ёки ётар онда-сонда ташқаридан ўтган-кетганларнинг оёқ товушини, болаларнинг овозини ҳаммолларнинг қийқириқларини эшитиб қоларди. Бу кўча бозор кўчаси бўлмаганидан кўпинча жимжит бўларди.

Икки ҳафта ана шундай кутиш билан ўтди. Кейин шундай кун келдики, унда бутун шаҳар узоқ вақт даҳшат билан ҳайқирди, ярим кечагача кўчалардаги чироқларни ўчиришмади. Женнини қўриқловчи ҳинд йигит овқат олиб кирганда ҳамиша кулиб турарди, бу гал эса у қовоқ-тумшуғи осилган, ташвишли кўринди. Женнининг юраги ғаш бўлди, аммо у ташқарида нима бўлаётганини кимдан сўрай оларди?

Эртасига эрталаб барвақт уни шитирлаган овоз уйғотиб юборди. Кимдир ташқаридан уй деворига тирмашиб, туйнукка тутиб қўйилган бамбуқ новдаларини қўзғатмоқда эди.

Женни ўридан турди. Дераза ўрнидаги туйнукдан кимнингдир узунчоқ қалпоғи секин кўтарила бошлади, ориқ қўллари туйнукка осилди. Унинг қайрилган тирноқлари бармоқларидан ҳам узун эди... Ким экан бу?

Женни қимирлашга ҳам журъат этмай, жим турарди.

Туйнукдан аллакимнинг кўзлари, ёмон яра ўйиб еган қаншари кўринди... Бу кўзлар Женнига тикилиб қарарди.

— Кимсан?— деб бақирди Женни. Ҳалиги калла шу ондаёқ ғойиб бўлди. Бу кишининг девордан ириб тушгани эшитилди. Яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

Кўп ўтмай Женни турган уй атрофида аламон тўплана бошлади.

Женни кишиларнинг дукур-дукур юришини, ғазаб билан бақирганини, борган сари кучаяётган даҳшатли шовқин-суронни эшитди.

— Бу ерда фарангиларни яшириб қўйишибди!..— деб қичқирган овоз эшитилди аламон орасидан.— Қофирларни ўлдилинг!

— Қофирларни, уларнинг қофир ака-укаларини ўлдилинг!— деб бақирдишарди кўчада.— Келгиндиларга ўзим!

Бугун шаҳардаги мусулмонларнинг авлиёларни эсга оладиган кунлари эди. Мусулмонлар кўчада тўп-тўп бўлиб юриб, азиз-авлиёларнинг номини тилга олишар, чанг-тўзонда ўйинга тушиб, кўкракларига муштлашарди. Бундай кунларда мусулмонларнинг бегоналарга, «фаранглар»га ғазаби жуда ҳам ошиб кетган бўларди.

Кимдир уларга, браҳманлар савдогарнинг уйига бир неча отоқли инглизни яшириб қўйишди, Британия қироличасидан уларнинг эвазига катта ҳадя олишмоқчи, деб айтибди.

— Мар фаранги!.. Фарангларни ва уларнинг ака-укаларини ўлдилингиз!

Женни тушуниб бўлмайдиган бу ҳайқириқларни даҳшат билан тинглаб ўтирди. Аламон тобора яқин силжир, деворга тош ёғдирарди.

— Бу ерга офицерлар яширинган!.. Энг катта соҳиблар яширинган!.. Улар ўз аскарлари билан тил бириктириб, кейин шаҳарни сотадилар!..

— Ҳа!.. Ҳа!.. Хаммамизни хароб қиладилар!..

— Қани уларни бу ёққа олиб чиқ!.. Эшикларни бузинглар!..

Зарб остида оғир дарвоза қирсиллаб кетди. Женни ичкариги уйга югурди. Орқадаги уйдан қоровул бошини чиқариб қаради. У оқариб кетган эди.

— Бу ёқдан ҳам тақиллатишяпти!— деди қоровул, ичкариги ҳовлига олиб чиқадиغان кичкина эшикни кўрсатиб.

— Қўйиб юбор!.. — Мени у қизнинг олдида қўйиб юбор!..— деган таниш овозни эшитди Женни бирдан.

Женни йўлда ва уйдан олдин Калькуттада кўрган оқ рўмолли ҳинд қиз қоровулни итариб юбориб, ичкарига кирди.



У қаттиқ ҳарсилларди.

— Аҳвол ёмон! — деди қиз. — Муслмонлар жуда дарғазаб. Уларга кимдир, бу ерга офицер-соҳибларни яшириб қўйишган, деб айтибди.

Ташқаридаги эшик яна ҳам қаттиқроқ тақиллади.

— Мар!.. Мар!.. Фаранги!.. Келгиндиларни ўлдир!

— Энди нима қиламан? — деди Женни. — Ҳозир бостириб киришади!..

Қиз ҳар томонга аланглади.

— Қани, менинг орқамдан юр! — деди у Женнининг қўлидан ушлаб.

Улар икковлашиб бир неча бўш, ярим қоронғи уйлардан чопиб ўтиб, қалин газмолдан қилинган пардани юқори кўтаришди-да, диванлар қўйилган пастаккина

қатта залга киришди. Яхшилаб безатилган тахмонларда бўялган сандиқ ва ёстиқлар турибди.

Бу занона — уйнинг хотинлар турадиган ичкари қисми эди.

— Мен сени бу ердан олиб чиқиб кетаман! — деди Лела. — Қўрқма, мен сени боплаб кийинтираман.

Лела сандиқни очди-да, улардан ранг-баранг кўйлақлар, гулдор дўппилар, ипак рўмоллар, лозимлар ва маржонлар олиб ташлади.

— Буларга қара! — деди Лела.

Лела шошиб-лишиб Женнига этагига уқа тутилган узун юбка кийгазди. Кейин гулдор дўппини олиб, қизнинг бошига қўндирди.

— Бўлмас экан! — деди Лела ва бошини қимирлатиб, тилини чўкилатди.

Женнининг малла ранг сочлари дўппининг тагидан ҳар томонга чиқиб турарди.

Лела Женнининг бошидан дўппини олиб, ерга отди.

— Сочларинг сомонга ўхшаш сариғ-эй! — деди Лела қизга қараб, ранжиган ҳолда.

Женнининг юз ва қўллари ҳинд офтобида анчагина қорайган эди, кўзи ҳинд қизларники каби қўй кўз. Аммо сочи сариқ! Буни нима қилиш керак?

— Топдим! — деди Лела.

У яна сандиқни титди, ундан майда атир гул солиб тикилган таги тўқ кўк уч бурчак дурра олди-да, уни Женнининг бошига ўраб, махратт қизларники каби томоғининг таккинасидан боғлаб қўйди.

— Ана!.. — деди Лела. — Энди сен бизнинг ҳинд қизларига ўхшадинг... Юр энди!

Женни қўрқа-писа унинг қўлидан ушлади.

— Ҳеч нарсадан қўрқма! — деб шивирлади Лела. У кўчага олиб чиқадиган эшикни ланг очди.

Аламон ҳали ҳам уй эшиги олдида турарди. Болалар дераза тагида сакрашиб, уймалашар, эркаклар қичиришиб, муштларини силкитишарди.

Лела тўғри уларга қараб юрди.

— Нега тўпланиб турибсизлар бу ерда, ола кўзлар! — деди мардона бақириб Лела. — Бўм-бўш уйда сизларга ким керак?

— Бу уйга кофирларни яшириб қўйишибди! — деб қичқирди бўялган жингала соқолли ёш йигит. — Қани, олиб чиқ уларни бу ёққа, жазосини берамиз!..

— Нима? Ҳали сизлар ўзларингнинг одамларингни бошқалардан ажрата олмайсизларми? — Лела Женнини қўлидан етаклаганича аламонга қараб тик борди.— Ёки энди маҳрабб болаларига ҳам қўл чўзаясизларми?

— Йўқ, биз болаларга тегмаймиз, — деди жингала соқолли йигит бўшашиб.

— Ундай бўлса сизларга нима керак бу ерда, бақачалар... Жўнанглар бу ердан!..

Аммо аламон тарқамади.

— Мунча шаддод бу қиз! — деди аламон орасидан бир мусулмон хотин. Унинг юзига тутиб олган оқ дока рўмоли тешигидан ғазабнок қора кўзлари Лелага ўқрайиб боқарди.— Мунча шаддод бу қиз!.. Бу уйга фараангларни яшириб қўйишибди, деб бизга туппа-тузук мўмин-мусулмон одам айтди.

— Ким айтди шунини?

— Бозорда бир чол айтди.

— Ўша чолни ўзинглар танийсизларми?

— Йўқ! — деган товушлар эшитилди аламон ичидан.— Йўқ, йўқ, у шаҳаримизга яқинда келган... Биз уни танимаймиз.

— Ҳар қанақа одамнинг гапига ишона берасизларми? — деб қичқирди Лела аввалгидан қаттиқроқ. — Унда кўра ўз кўзларингга ишонинглар!..

У эшикнинг иккала табақасини ланг очиб юборди. Бир неча киши ичкарига кириб қаради.

— Йўқ! Ичкарида ҳеч ким йўқ! — дейишди улар. Аммо Лела чекинмади.

— Яхшироқ қаранглар! — деб бақирди Лела. — Бизнинг браҳманлар инглизларни яширармиди? Улар инглизларни сизлардан бадтар ёмон кўришади. Соҳиблар ҳиндларнинг болаларини очдан ўлдиришмадими, сизларники, каби бизнинг оталаримизни ҳам бегона юртларга ҳайдаб кетмадиларми? Бизнинг ибодатхоналарда соҳибларнинг бошига вабо ва бошқа турли балолар ёғишини тилашмаяптими?

— Кўр бўлишсин, акашак бўлишсин келгиндилар! — деб гапни илиб кетди аламон. — Биз ҳам ўз мачитимизда беш вақт номоз олдида худодан шуни сўраймиз.

— Болаларимизни қирганлар минг-минг балога мубтало бўлсин! — деб йиғлади дока чодрага ўралган аёл.

— Қиз ҳақ гапни айтяпти! — деди кекса бир мусулмон. — Бизнинг мамлакатимизда хоҳ ҳинд, хоҳ мусулмон бўлсин, қайси одам ўз истаги билан фараңгиларга бошпана беради? Тинчгина кета беринглари!.. Бу ерда душман одам йўқ.

Аламон четга чиқиб йўл берди.

Лела Женнини тинч кўчадан кенг майдонга олиб чиқди. Улар майдонни тиккасига кесиб ўтиб, ёндаги кўчага бурилишди. Худди шунда Женни эрталаб деразадан қараган узун қалпоқли чолни кўриб қолди. У кўчанинг охирида буларга тикилиб турарди.

Женни тўхтади.

Чол ўша заҳотиёқ бир тор кўчага бурилиб кетди.

— Худди ўша! Худди ўша чол! — деди Женни.

— Қалпоғи узунми? Юзида оқ яраси борми? — деб сўради Лела.

Қизнинг кўзида қўрқув, чинакам қўрқув пайдо бўлди. Аммо у дарҳол ўзини босиб олди.

— Кетдик! — деди Лела.

У Женнини бўм-бўш тор кўчалардан олиб ўтиб катта боққа, у ердан европача қурилган бинонинг ҳовлисига олиб кирди. Бу англиз резиденциясининг қўзғолончилар томонидан ишғол қилинган уйи эди.

— Бу ерда бизнинг соқчиларимиз турибди, — деди Лела.

У Женнини ҳовлининг жануб деворига ёпишган пастаккина бамбук уйга олиб кирди.

— Шу ерда турасан.

Женни тагига бўйра солинган бўш уйни кўздан кечирди.

— Қачонгача тураман мен бу ерда? — деб сўради Женни.

— Уруш тугаши билан сени биздан асир бўлиб тушганларга алмаштирамиз, — деб тушунтирди Лела.

— Алмаштирамиз? Мени-я? Ҳиндларга-я? — деб сўради Женни ҳайрон бўлиб. — Мени ҳиндга алмаштириб бўладими? Мен Британия фуқаросиман-ку.

Женни ўзи айтган сўздан ўзи қўрқиб кетди. Леланинг қорачадан келган юзига қон тепди, кўзлари ғалати қисилиб, қоронғулашди, у олдинга қадам ташлади.

— Британия фуқаросимисан?..— Леланинг аъзойи баданини титроқ босди. Британияликларинг қишлоқларга ўт қўйишяпти, оч-яланғочларни осийшяпти, шаҳар ва қишлоқларни бизга қолдириб, қуроолларини ташлаб қочишяпти. Улар ўлгудек қўрқоқ. Бизнинг ҳиндлар инглизларинг қаерда учраса бошлаб адабини беришяпти, шаҳарларни озод қилишяпти, зўравонларни юртимиздан ҳайдашяпти, очларга нон беришяпти. Ўнта британиялигинг битта ҳиндга арзимайди. Сен-чи... Мен сенинг бунақалигингни сира билмовдим!..

Лела унга нафрат билан қаради.

— Мен полковникнинг қизиман. Мен билан ҳазиллашма! — деди Женни.

— Сени қутқариб қолмасак ҳам бўлар экан... — деди Лела бош чайқаб, юзини тескари ўгираркан.

Женни йиғлаб юборди.

— Энди нима қиламан?

— Жим бўл! — деди Лела. — Шу уйда ўтиравер, ҳеч ким сенга тегмайди. Шу ерда ўтирсанг ҳиндлар қанақа ю, британияликларинг қанақа эканлигини билиб олсан.

Лела ўша куни Деҳли кўчаларида адашган кимсадек дайдиб юрди.

«Чол келибди! Нега келганикин у Деҳлига? Нима иш бор экан бу ерда?»

Мусулмонлар маросими майдондан ўтарди. Оқ газламага ўралган одамлар кўкракларига муштлашар, ерга йиқилишар, ирғиб туриб, чир-чир айланишарди.

— Ё олло! Ё Ҳасан!

— Ё Ҳасан, ё Ҳусан... Ол-ло!

Лела ибодат қилаётганларнинг қизарган кўзларини кўрди, бўғилиб қичқиришган овозларини эшитди.

Эҳтимол мусулмонларга, ҳиндлар эгаси ташлаб кетган уйга инглизларни яшириб қўйишган, деб ўша чол айтгандир?

Деҳли халқи қизиққон ва ишонувчан бўлади. Шаҳар, аҳолиси орасида жанжал чиқариш учун баъзан эҳтиётсизлик билан айтилган бир оғиз сўз кифоя.

Леланинг хаёлини ҳамон: «Чол нима учун қалъага келган экан?» — деган фикр чулғаб олган эди.

«Отамга айтайми?.. Э худойим, отамнинг мен билан гаплашишга вақти борми ҳозир?.. Унинг бу чолдан бошқа ҳам иши бошидан ошиб ётибди».

Ўттизинчи боб

ЯНА ШОТЛАНДИЯЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

Женни бир ўзи қолди. У атрофга диққат билан қулоқ солиб ўтирарди. Ҳамма ёқ жимжит. Афтидан Лела бошлаб келган бу енгилгина бамбуқ уйда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Боғбоннингми, бирор хизматкорнингми уйи бўлса керак.

Чирмашиб ўсадиган ўсимликлар уйнинг деворини қоплаб, томгача кўтарилган. Собиқ резиденциянинг боғини жануб томондан ажратиб турган пастаккина оппоқ гиштин деворга томдан ошиб, ёввойи ток новдаси тушиб турибди.

Женни ана шу пастак девор устида қора қизғиш қумтошдан қилинган бақувват деворни ва баланд миноранинг бир бурчагини кўрди. Резидентнинг боғига қандайдир катта бир бино келиб туташган эди.

Бу Баҳодиршоҳнинг саройи эди.

Уйча жимжит. «Наҳотки бу ерда мен ёлғиз ўзим бўлсам-а?» — деб ўйларди Женни.

Бамбуқ эшик орқасида ингиллаган товуш эшитилди.

Нимадир эшик тагини оҳиста тирнар, эшикнинг бамбуқ новдаларини зўр бериб икки ёнга итарарди. Кейин каттагина юм-юмалоқ қора нарса Женнининг оёғи тагига пилдираб келди.

— Сам! — деб юборди қиз севиниб кетиб. — Демак мистер Макферней ҳам шу орада экан!.. Эганг қани, Сам?

Ит Женнига қайрилиб қарай-қарай, югуриб ташқарига чиқди. Қиз ҳам итнинг кетидан борди.

Сам иккинчи ҳовлига қараб югурди, бу ҳовли катта, чиройли бўлиб, ўртасида фонтан ва қуёш соати бор эди. Фонтан ёнида бир неча сипоҳилар ўтиришибди. Сам яна нари югурди, мармар зивали террасага икки томондан ёруғ тушадиган уйнинг баланд, ўймакор эшиги олдида борди. Женни эшик олдида ярадорларни ташийдиган замбилларни, олтин суви юритилган оқ мармар

устунларин, устунлар оралигига қўйилган қатор енгил бимбуқ каравотларни кўрди.

Бу британиялик резидентнинг қўзғолончилар томонидан лазаретга айлантирилган зали эди. Каравотларнинг бири ёнида ярадорлар устига энгашиб Макферней турарди. У сипоҳининг тиззаси тагидаги чуқур жароҳатни зонд билан кавлаб кўрмоқда. Каравот ёнидаги табуретка устида қаттиқ қилиб ўралган бинтлар турибди.

Яхши ҳамки ёшлигимда Эдинбургда озгина бўлса ҳам табибга шогирдлик қилган эдим...— деб мингиллади шотландиялик.

У қўлини бинтга узатди.

Мистер Макферней,— деди қалтираб Женни. Макферней ўғирилди.

Мисс Гаррис!

Женни унинг сипидан ушлади-да, йиғлаб юборди.

Мисс Гаррис, йиғлама! — деди шотландиялик мулоҳимлик билан. — Бу ерда сизга ҳеч ким ёмонлик қилмайди. Уруш тамом бўлсин, юртингизга — Англияга кетасиз.

Ярадор ишраб, каравотида тўлғанди.

Жим ётинг! — деди жаҳл билан Макферней. — Тўтингизни тинч тутинг!

Кейин у сипоҳининг оёғини бинт билан маҳкам боғлай бошлади.

Женни эшикка қараб юрди. Сам ташқарида, эшик олдида турарди, чунки унга лазаретга кириш қатъий ман қилинган эди.

Раҳмат, Сам! — деди Женни ва итнинг бўйнидаги қоп-қора ялтироқ жунини силади.

Ўттиз биринчи боб

БАҲОДИРШОҲ

Оқ дока рўмол ўраган ёшгина бир ҳинд аёл ҳар куни эрталаб Женнининг олдига келарди. У кира берингга кувачада тоза сув, косада пишган ёсмиқ ёки туруч қўйиб. Женнига хушмуомалалик билан жилмаярди-да, қайтиб кетарди. Бу хотинни Даринат деб аташарди. Женни кейинроқ, кечки соатларда Даринатни кўпинча резиденциянинг кенг ҳовлисида ярим яланғоч кичкина бир қиз болани кўтариб юрган ҳолда кўрарди.

Бу хотин қизалоқни ҳовуздаги қуёшда илиган сувда чўмилтирар, қўшни хотинлар билан гаплашиб ўтирар, ўзи жуда эзма эди. Аммо Женнининг олдига келганда ҳамиша жим бўлиб қолар, фақат унга бошини силки-тиб, жилмаярди. Даринат соҳибларнинг уйида ҳеч хизмат қилмаган ва уларнинг тилига тушунмас эди.

Женни анча кунгача ҳеч ким билан гаплаша олмади. Мистер Макферней ўз лазаретида банд, чунки ярадорлар ҳамон келиб турарди. Энди гоҳ яқиндан, гоҳ узоқдан тобора тез-тез тўп отишмаси эшитиладиган бўлиб қолди. Қалъани британияликлар лагеридан кундан-кунга тобора жадал тўпга тутта бошладилар, қалъа тўплари ҳам тобора ғазабланиб жавоб қайтарарди.

Қўзғолончилар капитан Бедфорддан тортиб олган тўплар ҳам жим турмади, катта гаубицалар ва тез отар мортиралар лагерни ўққа тутиб, тепа орқасидаги кўпгина чодирни тилка-пора қилиб кўкка учирди. Инсур ва унинг шериклари мўлжални тўғри олардилар.

Женни кечалари осмонга қарар, узоқ-узоқлардаги ёнгинларнинг шуъласини кузатарди. Резиденция уйининг олдидаги кенг майдонда гулханлар ёқилар, қўзғолончилар қалъадан чиқиб қилинган янги муваффақиятли ҳужумдан шодланиб, гулханлар атрофида шовқинлашишарди.

Қўзғолончиларнинг чодирлари атрофида шовқин-сурон анчагача тинмас, у ердан қувноқ қийқириқлар, карнайнинг тантанали садоари, музика келиб турарди. Қўзғолончилар британиялик қўшинлар устидан эришган ғалабаларини тантана қилардилар.

Бошқа шаҳарлардан хушхабарлар келарди. Деҳли яқинидаги Сахранпурда мусулмонлар билан ҳиндлар деҳлиликлардан ибрат олиб, якдиллик билан чет элликларга қарши курашга қўзғолибдилар. Муродобод қўзғолончилари Британия резидентини ҳайдаб, бутун инглиз гарнизонини асир олибдилар, инглизларнинг хазинасини қўзғолон фойдасига мусодара қилиб, очларга нон, солдатларга ўқ-дори сотиб олишибди. Деҳли чопарлари Битхур князлигига ва Жансига бориб, Нана-соҳиб Каунпур яқинида инглиз генералига қарши муваффақиятли жанг қилаётганини, Жанси раниси¹

¹ Рани — аёл ҳоким.

Лакшми бай катта қўшин тўплаб, инглизларга қарши бораётганини билиб келишди.

Деҳқимиз — тоғлар устидаги тоғ! — деб фахрланганларди қўзғолончилар. — Бу ерда ёқилган буюк аянга яқин орада бутун Ҳиндистонни қоплайди.

Деҳқиннинг шоҳи ҳам қўзғолончиларнинг муваффақиятидан хурсанд эди. Шоҳ саройда тантанали қабул маросимлари дурбарлар ўтказиб, сипоҳиларнинг галабаси шарафига байрам қиларди.

Сарой боғида нушти, сариқ фонарлар порлар, фокусчилар катта фонтан олдида шарлар отишарди; боғда ярим кечатгача найлар чийиллаб, дўмбиралар гумбурлаб турди.

Орқидagi ҳовлининг ҳовузи ёнида ўйинчилар, фақирлар, влон ўйнатувчилар, фокусчилар кечки овқатни елтишмоқда. Шоҳ ўз дастурхонидан қолган поз-неъматни уларга олиб чиқиб беришни буюрар эди.

Кекса шоҳ бу бағмларда оппоқ соқолини шоҳи чопонига буркаб ўхларди. Баҳодиршоҳ бир вақтлар ёш, бақувват, шафқатли эди. У улуг ота-боболарига муносиб шўҳратни, саройдаги тантанали қабул маросимларини, Шарққа ҳос дабдабани, қон тўкишни, бўйсунматиниларни жаюладани яхши кўрарди. Бироқ буларнинг ҳаммаси ўтиб кетди. Баҳодиршоҳ саксонга кириб шеър ёзи бошлади. У боғдаги қумга ўйиб нақш солинган ҳиссиётининг уч билан байтлар ёзарди, кейинчалик, Ёригани қиролчасига асир бўлгач эса, зиндон деворига уч куйдирилган таёқ билан ҳамду сано, яъни диний ашулаларнинг сатрларини ёзди. Деҳли подшоҳи саксон икки ёнида бўлиб, ювош, ақлсиз одам эди.

Женни боғининг тош девори раҳнасида шоҳ саройининг тарбий бурчагини, унга туташтириб солинган майда иморатларини, отхоналар, хизматкорлар турадиган уйларини кўроларди.

Мангаллардан тутун бурқсар, айвонлардан бола йиғиси келар, катта фонтан ёнида хотинлар қувачаларини тақирлатиб сув олишарди.

Бир куни Женни узоқдан Баҳодиршоҳни кўриб қолди. Шоҳ пастаккина бўйли, мункайган, оппоқ саллали бўлиб, ўзи ҳам кексаликдан оппоқ бўлиб кетган эди. У билан ёнма-ён очиқ тахтиравонда безаниб кийинган, қон кўзларига сурма қўйган кампирни кўтариб кели-

шарди. Кампирнинг ияги оқ шоҳи билан пала-партиш ўралган. Кампир алланималар деб шоҳга жаҳл билан гапириб келмоқда. Бу шоҳнинг катта хотини Зайнаб Маҳол эди.

Улар тахт вориси ҳақида тортишардилар.

— Тўнғич ўғлинг Фақириддин камтар, диёнатли эди, — дерди Зайнаб. — Қуръоннинг йигирма тўрт порасини ёд билар, Маккан Мукаррамага бориб зиёрат қилган эди... Бироқ олло таоло умрини қисқа қилди. Мана бир йилдан ортиқ бўлдим, ўғлинг Фақириддинга аза тутамиз, қалбимнинг чироғи...

Кампир тахт ворисини ёввойи парранда гўшти ва зираворга заҳарли куркума аралаштириб, усталик билан тайёрлаган овқатни едириб ўзи ўлдирган эди (чунки Фақириддин подшоҳнинг бошқа хотинидан бўлган бола эди). Қолган шаҳзодаларнинг ҳаммаси қўрқиб қолиб, сотилиб, кампирнинг ўғли Жовон Бахт фойдасига тахт ворислигидан воз кечамиз, деб ёзилган қоғозга қўл қўйиб берган эдилар.

Фақат ҳалок бўлган шаҳзодадан кичиги Мирза Мўғулгина қаршилик қилмоқда эди. Партияларнинг кураши, сотқинлик, дўқ, алдамчилик бошланди. Британия резиденти бу ихтилофни эшитиб, Лондонга, Ост-Инд компаниясининг советига хабар қилди.

«Ҳеч қандай ворис тайинланмасин! — деб қарор қилди совет.— Баҳодиршоҳ сулоланинг энг сўнгги шоҳи бўлади, ўғилларидан ҳеч қайсиси тахтга ворис бўлолмайди».

Ост-Инд компаниясини Ҳиндистоннинг юрагида подшоҳлик саройи бўлиши, қадимий сулоланинг дабдбаси, унинг мусулмонлар ўртасидаги обрўси анчадан бери ташвишлантирар, кекса, бефаҳм шоҳ, талабчан шаҳзодалар, шарқ дипломатиясининг найранги, фитналар, ҳаммасидан ҳам Баҳодиршоҳнинг йўл қўйилган баъзи эркинликлардан фойдаланиб, Эрон саройига ва ҳатто Миср султонига қадар махфий мактублар юбориб туриши додиратиб қўйган эди.

«Баҳодиршоҳ билан Темир авлодлари сулоласига хотима берилсин!» — деб қарор қилишди Лондон савдогарлари.

Қўзғолон бошланиши билан ишлар ўзгариб кетди. Қўзғолон кўтарган халқ Деҳли шоҳини қайтадан тикланаётган Ҳиндистоннинг ҳокими деб эълон қилди.

Қўзғолончиларнинг қўшинлари томонидан Деҳли қўргони ишғол қилиниши билан шоҳ янғидан Деҳлининг ҳукмдори бўлиб, яна шаҳзодалардан бирини валиаҳд қилиб тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Мирза қизиққон, хасис, ўзбошимча,— деб ши-
ирларди Зайнаб кампир. — Бу кўп бахтсизликларга
сбаб бўлади ва тахтни ҳалокатга келтиради.

Келгусида нима бўлиши бизга қоронғу, Мирза
бўлса ўғилларимнинг энг каттаси, — деб эътироз бил-
дирди шоҳ.

Унинг чап қулоғида чандиғи бор, айби бор киши
тахтга ворис бўлолмайди!..

Қулоғи кесилган бўлса бу айб эмас...

Эллик ёшли қовоғи солиқ шаҳзода Мирзанинг ўзи
оғир кимхоб тўп кийиб, хиралашган қора кўзлари
ҳамини бир нуқтада тўхтаб қолгандек ўқрайиб ўтирар,
отасининг саройида кунларини айш-ишратда ўтказарди.

Менга қийин, Ҳасанулла!..— деб ҳасрат қилар-
ди шаҳзода ўзининг бирдан-бир ишончли дўсти, сарой
табиби Ҳасануллага. — Менга оғир... Зайнаб бебош
кампир, отамга ҳукмини ўтказди. У шу ерда экан —
мен ўз арқимда ўзим асирман. Мен шаҳзодалар ичида
энг каттаси бўла туриб, ўз ихтиёримча иш қилол-
майман.

Шаҳзода, Зайнабнинг унга йўл бермаслигини, кам-
пир тирик экан, куркум аралаштирилган таомни Мир-
зага ҳар қачон едира олишини, ҳатто мана шу Ҳаса-
нулла ҳам, агар кампир айтса, уни заҳарланган Фақи-
риддинни даволагандай даволашини биларди (ўшанда
табибининг давосидан заҳар икки соат илгари таъсир
қилган эди).

Лекин шаҳзода кутишни истамасди.

Сабр қилинг, қалбимнинг чироғи! — деб қайта-
қайта такрорларди табиб. — Оллонинг карами кенг.
Ким нима бўлади, фақат унинг ўзи билади.

Саройда тантана, қабул маросимлари ва тортишув
кечаётганда британияликлар ўз позицияларини мус-
таҳкамлаб олдилар. Биринчи ҳафтадаги эсанкирашлар
ўтиб кетди, нимжон Барнард ўлди, энди бригада гене-
рални даражасини олган полковник Вильсон муваффа-
қиятли равишда куч тўпларди. Ўз солдатлари озми?
Буюк Британия узоқми? Аммо кўп марта синалган, эски

усул: қўшнилардан солдат олиш бор-ку. Баъзиларига пул тўлашди, бошқаларига ваъда қилишди ёки дўқ уришди. Қўшни Непал князлиги икки минг гур — кўчманчи ёввойи жангчи берди. Непалликлар баъзилари соябон аравада, баъзилари ҳурпайган пакана отларида ўзлари ясаб олган қалқон ва найзаларни кўтариб, йўлга чиқишган.

Панжобдан яхши-яхши отлар минган сикхлар отряд-отряд бўлиб етиб келаётир. Қашмирдан пиёдалар, Билужистондан отлиқлар келиб, Тоғ орқасидаги турли қабилаликлар лагерида чодирлар борган сари кўпаярди. Кечалари гулхан алангаси тепа орқасидаги бутун текисликни қопларди. Тўп отишмаси борган сари даҳшатли тус олар, қўрғондан чиқиб бирдан ҳужум қилишлар борган сари кўпаяр, тобора кўп қон тўкилар эди.

Ўттиз иккинчи боб

ПАНДИНИНГ БОШИНИ ОЛИБ ҚЕЛГАНГА БЕШ ЮЗ РУПИЯ

Резиденциянинг катта ҳовлисидаги фонтан ёнида Инсур тонг отар пайти асирларни сўроқ қилди.

Кечаси шаҳар ташқарисига қилинган катта ҳужумдан кейин асирлар жуда кўпайиб кетган эди. Фонтан ёнига бўшашиб, қўлидан яраланган бир ҳинд солдати чиқди. У сўроқни кутиб, хижолат ичида Инсурга қарарди.

— Нечанчи полкдансан? — деб сўради Инсур.

— Етмиш тўртинчи, — деб жавоб берди асир. — Панжоб пиёдалар полки.

— Кўпдан бери соҳибларга хизмат қиласанми?

— Бир неча ҳафта бўлди, холос. Лахордан ҳайдаб келишди.

Инсур асирга тикилди. Ёш, жуда ҳам ёш, лекин ниҳоятда озгин — яқингинада қишлоқдан олинган бўлса керак.

Пендзин чечаги унинг юзини уч гулбарглик кўм-кўк нилуфарга ўхшатиб чуқурча қилиб кетган. Асир ранги ўчган ҳолда, ердан бошини кўтармай, тек турарди.

— Қандай қилиб ўз одамларингга қарши келдинг? — деб сўради Инсур.

Сипоҳи титраб кетди.

— Бизни офицерлар қўрқитишди. Елкамизга тўп-понча тираб туриб, олдинга ҳайдашди. «Ўқ тагида ўз пандиларига қарши биринчи бўлиб жангга кирсинлар»—деб бақиринишди улар.

— Нима? — деб сўради Инсур.

— Ўз пандиларига қарши!..

— Ҳа! ҳа! Улар қўзғолон кўтарган барча сипоҳиларни «панди» деб аташади, — дейишди бошқалари.

— Соҳиблар, — деб қўрқа-писа давом этди биринчи асир,— бу ерда, Деҳлида дастлаб қўзғолон кўтарган полкдаги биринчи Панди бекиниб ётибди, у Панди одам боласи эмас, шайтон дейишади.

— Шунақами? — деди Инсур.

— Ҳа, ҳа, соҳиблар: у жуда катта ва даҳшатли шайтон ёки дев, тишлари пўлатдан дейишади... уни осиб ҳам бўлмас эмиш.

— Фақат тўп билан отиш мумкин экан!

— Лагерга Ходсон-соҳиб от чопиб келди, — деди бошқа бир асир. — У, кимки ўша Пандини тириклайин ушлаб келтирса, катта мукофот берилади, деб айтди.

— Беш юз кумуш рупия!..

— Вой-бў-ў...— деб кулди Инсур.— Уларга бу Панди жуда ҳам қиммат турар экан-ку!

— Соҳиблар уни жуда ёмон кўришади.

— Соҳиблар ҳамма пандиларни ҳам ёмон кўришади!

— Улар сизларнинг бу мустаҳкам деворларингизни сира ёриб ўтолмайдилар.

— Ҳозир уларнинг аскарлари кўн-ку, катта тўплари йўқ.

— Панжобдан кучли тўплар кутишяпти. Соҳибларнинг бутун умидлари ана шу тўплардан.

— Ҳадемай Лахордан қамал тўплари келади, катта карвон йўлга чиққанмиш, — деди шошиб-пишиб биринчи асир. — «Шундан кейин биз Деҳлининг баланд деворларини тешиб, шаҳарга штурм қилиб кирамиз», дейишади соҳиблар.

Инсурнинг юзи қоронғулашди.

— Шундайми, — деди Инсур.— Жуда муҳим янгилик.— У бир оз жим қолди.— Кетишнинг мумкин. Лазаретга кирсанг қўлингдаги ярангни боғлаб қўйишади.

Асир яраланган чап қўлини кўтарганча секин-секин юриб, террасага чиқди.

«Демак, бу ерда асирларни ўлдиришмас экан-да? — деб ўйларди у. — Соҳиблар бўлса бизга пандилар қўлга тушганини суриштирмай чавоқлаб ташлайдилар, дейишарди».

У лазаретга кирди. Оқ рўмолли хотин тонг отиб, ёруғ тушиб қолгани учун бронза шамдондаги шамни ўчирди-да, ярадорга каравот кўрсатди.

«Демак, бу ерда асирларни ўлдириш у ёқда турсин, даволашар ҳам экан-да? — деб ҳайрон бўларди ярадор асир. — Соҳиблар бизни нега алдашди?»

Инглизларнинг лагерида ярадор бўлган ерлик пиёда аскарлар бир неча кунлаб ерда, офтоб тигида тупроққа қорилиб ётишар, ҳеч ким уларга ёрдам қилмасди. Санитар ҳинд титилган ип бинт келтириб, сўрадиган дори тайёрлади.

— Ҳозир ҳаким келиб, ярангни боғлайди.

«Ҳаким?» — асир оппоқ соқолли, салласини ғалати қилиб ўраган араб олими келса керак деб кутди.

Залга қорача юзли, мовий кўзли жиккаккина европалик киши кириб келди.

— Сен ҳам асирмисан? — деб сўради ярадор сипоҳи ажабланиб.

Ҳаким индамади.

— Ярангни кўрсат-чи, — деди Макферней.

У ярага ёпишиб қотиб қолган енгини йиртиб олиб, ярани ювида, шошилмасдан боғлай бошлади.

— Мана бу нима? — деб сўради ҳаким қовоғини солиб. У асирнинг бўйнидаги кўкариб мўматалоқ бўлиб кетган ва йиринглаган узун ярани кўриб қолди.

— Уришган эди, — деди тилар-тиламас сипоҳи.

— Нега йиринглатиб юбординг? Нега олдинроқ келмадинг? — деди жаҳли чиқиб Макферней.

— Нарёқда экан пайтимда бўлган... — Сипоҳи британияликлар лагери томонни кўрсатди.

Макферней бир шишани олди-да, йиринг боғлай бошлаган ярага дори суртиб ишқалади.

— Ким урди? — деб сўради у.

— Полковник. Тўппончанинг қўндоғи билан, — деб жавоб берди асир.

— Қандай полковник? Оти нима?

— Гаррис-соҳиб.

Ҳакимнинг юзи бир оз ўзгарди.

— Гаррис? — деб сўради Макферней. — Яхши эсингдами?

— Ҳа, ҳаким, яхшигина эсимда. Аллигурдан келган Гаррис-соҳиб.

— Шундай дегин,— деди Макферней.— Ҳмм. У ўзининг дори куйдириб юборган кичкина қўлини жарбол кистота билан жимгина артарди.

«Демак Женнининг отаси қамал қилувчилар лагерида экан-да»... Макфернейнинг бармоқлари оҳиста титрарди.

— Ҳаким, сени бу ерга зўрлаб олиб келишдими? — деб сўради асир оҳиста, юрак ютиб.

Макферней жилмайди.

— Йўқ, — деди у. — Мен кетаверишим ҳам мумкин эди. Аммо кетмадим.

— Ярадор пандиларни ҳали ўз ихтиёринг билан даволаяпсанми?

Макферней «ҳа» дегандек бош ирғади.

— Демак булар тарафдори экансан-да? — деб сўради асир.

— Ҳа, — деди Макферней. — Мен булар тарафдориман. Пандилар ҳақ иш учун курашишяпти.

Ярадор жим бўлди. Ярасининг оғриги босилди, аммо у ухлмас, каравотда ётиб, хаёл суларди.

«Соҳиблар софдил бўлса, ўзлари ҳам булар томони бўлишар экан», деб ўйлади асир.

Эрталабки овқат пайти ҳалиги оқ рўмол ўраган хотин битта косада пиширилган гуруч олиб кириб, унинг олдига қўйди.

— Овқат егим келмаяпти. Мен кечаси фонтан олдида бизни сўроқ қилган одам билан гаплашмоқчиман. — деди асир.

У бетинч эди.

— У одам кетиб қолди, — деди хотин.

Асир каравотига ётди.

— Мен уни кутаман,— деди асир.

Сўроқ тамом бўлди. Инсур постларни кўришга кетди.

Инсур қиямаликдан тош зинапояга, ундан ўз бастинининг минорасига кўтарилди.

Қуёш чиқди. Инсур қалъага ва осмонга кўз югуртирди.

Деҳли тепасида булутлар сузар, дарахтлар, биноларнинг ясси томлари устида тутун балқирди. Боғлар орқасидан уйлар, ибодатхоналар кўринар, Катта Ма-читнинг кўм-кўк гумбази тепасида каптарлар чарх уриб учишарди. Қалъа деворининг бу томонида катта ажойиб шаҳар ястаниб ётарди.

Деворнинг у томонидаги қатор тепаликлар орқасида кенг ярим доира олиб британияликлар лагерининг чодирлари тизилган. Тепаликларнинг шаҳарга қараган томони очиқ бўлиб, бирон киши шаҳар деворига яқин келолмас эди. Аммо тепанинг қоқ ўртасида, Флагстаф минорасидан сал ўнгроқда анчагина чуқур бир жарлик тепаларни кесиб ўтиб, текислик орқали чўзилиб келган эди. Инсур ўша ерда қандайдир ҳаракат борлигини пайқаб қолди. Жар ёқасидаги сийрак буталар панасида кишилар гивирлашарди.

Британияликлар у ерда қандайдир катта қазиш ишлари бошлашган эди.

Инсур тепалик ёнбағрига узоқ тикилиб турди. Соҳиблар нима қилишмоқчи?.. Уларга яқинда Панжобдан катта тўплар ёрдамга келади, бундай тўплар Деҳли қалъасининг қалин деворларини тешиб бериши мумкин. Шунда штурм куни — ҳал қилувчи кун келади.

Кекса сержант Рунжит ўз тўпи олдида ивирсиб юрарди.

— Ташвишли кўринасан, Инсур? У ёқдан ёмон хабар борми? — деди Рунжит.

У тепалар орқасидаги оппоқ, учи чўққи чодирларни кўрсатди.

— Хушхабар, — деб мийиғида кулди Инсур. — Соҳиблар менинг бошимга беш юз кумуш рупия тикишибди.

Кекса артиллериячилар бир-бирларига қараб олишди.

— Соҳиблар билан бизнинг ҳисобимиз бошқача: чўян чақа билан бўлади, — деди Рунжит ва ўзининг катта тўпи стволига қўлини қўйди.

— Камига сочма ўқ берар эканмиз-да! — деб гапга қўшилди Шайтон оға, кулиб турадиган қувноқ кўзларини Инсурнинг кўзига тикиб.

Инсур жилмайди. У булар албатта ўз сўзларининг устидан чиқишларини биларди.

Қўзғолончиларнинг юраги қўрғонни сақлашдек ягона мақсад билан тепар экан, Деҳли мустаҳкам тура беради.

Ишқилиб, қора кучлар бу бирликни бузмасинлар-да. Деҳлининг ўзида ҳам қўзғолоннинг душманлари бор. Эркин сипоҳилар шаҳардаги бойларнинг жонига тегди. Норозиликлар тез-тез эшитила бошлади. Кўп мингли қўшинни боқиш, кийинтириш керак. Савдогарлар чўнтакка фойда кирмаса, урушни ёмон кўришади.

Бунинг устига... Инсур худди дарё тепасидаги қизил тошдан қилинган баланд девор томонга қаради. Қўрғон ичига солинган қўрғондек шоҳ саройи Жамна қирғоғида атрофи девор ва фортлар билан қуршалиб турарди. Ў ерда турли фитналар уюштирилар, саройда бир гуруҳ иккинчи гуруҳ билан тортишарди. Кўпдан-кўп малайлар, маслаҳатчилар, хизматкорлар, жуда кўпайиб кетган оила, бир-бирига душман бўлган шаҳзодалар, буларнинг ҳаммаси ўртасида эса ақлини йўқотиб, атрофини қуршаб олганлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган кекса шоҳ...

Сотқинлар уяси эртами, кечми—бирон томондан зарба беришга уриниб кўради.

Инсур Арсенал харобалари ёнидан айланма йўл билан яна резиденциядаги уйига қайтди.

Қўзғолончилар уйқудан шовқин-сурон билан туришарди. Майдонда эрталабки биринчи чақириқлар эшитилди. Темирчилик дўконининг очиқ эшикларидан қурум учиб чиқар, темирнинг гурсиллаб темирга урилгани эшитиларди. Катта Мачитга кира беришда гадолар тўпланишган. Эгаси ташлаб кетган бир катта ҳовлидан отларини елдириб, суворилар чиқишарди. Хизматкорлар безатилган тахтиравонда бир бойвучча мусулмон хотинни кўтариб келишар, хоним гиламнинг бир бурчинини кўтариб азамат сувориларнинг майдондан от чоптириб ўтишларини, ўткирлигини синаб кўриш учун боғ-боғ янги қамишга қилич солишларини кўрқа-писа томоша қиларди.

Ҳадемай Деҳли учун ҳал этувчи жанг бошланади. Жанг бошланганда шаҳар аҳолиси бир тан, бир жон бўлиб тураолармикин?..

Чинта тўқувчи хотинлардан иккитаси ўз уйлари ол-

дидаги бостирмада ўтиришарди. Бир йўғон толани кафти билан эшар, иккинчиси уни қозиқчаларга тортиб тўқир эди. Иккови ҳам Инсурга қарашди.

— Ана Инсур-Панди келяпти,— деди бири.— Соҳиблар унинг бошига беш юз рупия тикишибди... Бекиммасдан бемалол юрибди-я: қўрқмаса керак-да.

— Нимадан қўрқади!— деди иккинчиси.— Деҳлида Инсур-Пандини соҳибларга ушлаб берадиган биронта чипта тўқувчи бормикин?..

Инсур Қуролсозлар растасига бурилди. Пастаккина гиштин иморатнинг очиқ эшигидан унинг юзига қуёш қиздирган кўча ҳавосининг таптидан ҳам кучлироқ яллиғ урди. Бу қурол-яроғ устахонаси эди. Ёш қуролсоз Застра қинғир шамшир дами устига эгилиб ишларди. Қўрадаги оловнинг шуъласи унинг дуддан қорайиб кетган озғин, чиройли чеҳрасини, қирра бурнини ва чақнаб турган кўзларини ёритарди.

— Салом, Застра!— деди Инсур.— Янгиликни эшитдингми?

— Эшитдим,— деди қуролсоз.— Сенга катта пул тикишибди.

Застра жилмайди.

— Бемалол юравер, Инсур,— деди қуролсоз.— Деҳлида сени соҳибларга ушлаб борадиган биронта темирчи, мискар, тунукачи ёки қуролсоз йўқ.

Кумуш Бозорнинг шарқидаги боши берк кўчада Тўққизинчи Алигур полки шовқин-сурон қиларди. Сипоҳиларнинг бундаги қароргоҳига Лалл-Синг бош эди. У қизишган, терлаб-пишган, ҳамма вақтдагидек кулимсираган, хурсанд ҳолда орадан чиқиб, Инсурнинг ёнига келди.

— Соҳиблар мени тутиб берган кишига беш юз рупия беришмоқчи бўлибди,— деди унга Инсур.

— Эшитдим!— деди Лалл-Синг, қувлик билан жилмайиб.— Мен сенга айтсам, Деҳлида бу пулни ҳеч ким олмайди.

— Нима учун? Мен яширинмасдан юрибман, ҳамма танийди.

— Қалъада ўз Пандисини ушлаб берадиган биронта сипоҳи йўқ,— деди қатъий қилиб Лалл-Синг.— Сени ушлаб бериш шаҳардаги ҳамма пандиларни ушлаб бериш бўлади.

Резиденция дарвозаси олдида Инсурни бир хотин чақирди.

— Сени бугун кечаси келтирилган асир сипоҳилардан бири кутяпти,— деди хотин.— Овқат ҳам емайди, ухламайди ҳам, ҳеч ким билан гаплашмайди ҳам. У сенга бир нима демоқчи, Инсур.

Инсур лазаретга кирди. Асир дарҳол туриб ўтирди.

— Мен сени кутиб ўтирибман, бошлиқ!— деди асир.

Унинг рангсиз юзига қон юришди, ҳатто чаккасидаги чечакнинг изи ҳам қип-қизариб кетди.

— Бошлиқ, мени кечир, отингни билмайман, сўзимга қулоқ сол, мен Пандини, соҳиблар ушлаб берганга беш юз кумуш рупия беришмоқчи бўлган ўша энг катта Пандини кўрмоқчиман... Мен унга... Ў-ў, менинг Пандиларингизга айтадиган жуда зарур гапим бор!..

— Унга нима демоқчисан?— деб сўради Инсур. У асирнинг ҳаяжондан бужмайиб кетган озгин юзига диққат билан боқди.

— Менга унинг ўзини чақириб бер!— деб туриб олди асир.

— Қўрқмайсанми?— деб сўради Инсур.— У жуда даҳшатли, пўлат тишли дев-ку... Соҳиблар шундай дейишганмиди?

— Йўқ, қўрқмайман,— деди асир зўрға овозини чиқариб.— Мен унга, биз ҳаммамиз, шу ерда қанча асир бор бўлсак— ҳаммамиз Деҳлини ҳимоя қилиб жанг қилишамиз, деб айтмоқчиман... Менга Пандини чақириб бер, бу гапларни унинг ўзига айтаман!..

Инсурнинг қорача чеҳрасини табассум ёритди.

— Сен унга гапирадиганингни гапириб бўлдинг,— деди Инсур оҳиста.— Ўша Панди мен бўламан.

Ўттиз учинчи боб

ФАҚИРЛАР ФАҚИРИ

Қалъага Юқори Ҳиндистоннинг ҳамма еридан қўзғолончи аскарлар оқиб келарди. Сахранпурдан Деҳлига яна бир полк сипоҳи келди. Лалл-Синг бу полкни жойлаштириш билан машғул бўлди.

Лалл-Синг Кумуш Бозорнинг жанубий бурчидан ўтти сотувчи савдогарни ҳайдаб чиқарди.

— Кўтар таппи-тезагингни, гўнгвачча!— деди савдо-

гарга Лалл-Синг.— Бу ерга Сахранпур қаҳрамонлари жойлашади.

Бу савдогар бир неча бой хонадонларни таппи-тезак билан таъминлар, шунинг учун ҳам ўзини жуда зарур одам ҳисобларди.

— Жўнаб қол, савдомга халақит берма, падар лаънати,— деди савгодар.— Менинг таппи-тезагим бўлмаса шаҳар аҳолисининг ярми овқат пиширолмай очидан ўлади. Дўконим бекилса одамлар қўй гўшти билан гуручни нима ёқиб пиширишади?..

— Эй, туянинг қумолоғи, сенинг суягингни ёқиб пиширишади!— деб жавоб берди Лалл-Синг.— Тезроқ жўнаб қол, анов-манов десанг ўзингни нақ шоқолининг қорнида кўрасан!..

Лалл-Синг савдогарни дўконидан туртиб чиқарди, кетидан бир неча тапписини улоқтирди.

Гиламфуруш кўчада ўтирар, у ҳам дўконидан ҳайдаганидан зўр бериб бақирарди.

— Ярамас сипоҳилар мени хонавайрон қилишди! Дўконимдан ҳайдаб чиқариб, молим устига ўзлари ётиб олишди. Бу гадовачча сипоҳилар қачондан бери қимматбаҳо Мирзанур гиламларида ётишадиган бўлган?..

— Лаънати сипоҳилар!— деб бақирарди донфуруш.— Энг тоза гуручдан ярадорларига нон ёпишади-я!

— Дўконим хароб бўлди!— деб бошини ерга урарди таппифуруш.— Сипоҳилар молимни бутун шаҳарга сочиб ташладилар, синдим!

Кечга яқин От бозорида бир чол пайдо бўлди. У майдоннинг қоқ ўртасидаги от ва туялар суғориладиган, ҳаминша одам кўп бўладиган водокачканинг ёғоч минори олдига чошиб бориб, ўзини ерга ташлади-да, тупроққа қорилиб, ибодат қила бошлади.

Бу чол, шубҳасиз, авлиё эди. Қўли ва яланг оёқларининг тирноқлари бармоқларининг ўзидан ҳам узун, сочсоқоли туғилганидан буён олинмаган, муҳтожликдан ва жон-жаҳди билан ибодат қилишидан аъзойи бадани яра эди.

Оддий халқ водокачка атрофига зич тўпланиб, чолга ҳурмат ва қўрқув билан қараб туришарди.

— Мен уни танийман,— деди гиламфуруш.— Бу авлиё одам. Банорасдан то муътабар Апра мақбараларигача бўлган бутун йўлни тиззаси билан юриб ўтган.

Кун чиққандан то кун ботгунча тинмай ибодат қилади, кечаси қуруқ ерда ётади.

— Ерда эмас! Тахтага қоқилган ўткир мих устида ётади!..

— Асл авлиё!.. Фақирлар фақири!

Нотаниш чол ибодат қилиб бўлгач, халққа башорат қила бошлади:

— Қиёмат қойим бўлади! Брахманлар Ведлардан юз ўгириб, гуноҳ ишларни қилдилар. Улар қулларга қопун ўргатишади, қулларга хизмат қилишади, қулларнинг овқатини ейишади. Аблах сипоҳилар, қуллар кеккайиб кетиб, дунёга икки марта келганларнинг ўрнини эгаллаптилар... Бошимизга фалокат келяпти, ёмон кунлар келяпти: париялар, чаңдалалар, чамарилар оламга ҳукмронлик қиладилар!..

Чол ерда юмалаб, кўкрагига урар, бошини силкитиб хирилларди. Ифлос, ифирисқи сочларидан пайдо бўлган лақмайган қалпоғи бошининг ҳар бир ҳаракатига итоаткорона эргашарди.

Савдогарлар бош иргитиб, маъқуллашарди. Кимхоб нимча кийган, кўк шоҳи салласининг туғунини қоқ пешонасига келтириб, олимлар каби ўраган бир киши яқинроқ келиб, фақирнинг гапларини диққат билан тинглади. Бу шоҳ саройининг табиби Ҳасанулла эди.

— Бошимизга фалокат келяпти, зотлар аралашиб кетади, қиёмат-қойим бўлади; қуллар, шудрилар пок одамлар устидан ҳукмронлик қиладилар!— деб бақирарди чол.

— Фақир доно!— деди Ҳасанулла.— У ҳақиқатни башорат қиляпти.

Фақир ғингиб бўлиб, одамлар тарқагач, Ҳасанулла чолни бир чеккага чақириб олиб, у билан узоқ гаплашди.

Шу кун кечқурун кекса фақир, шоҳнинг орқа томондаги ҳовлисида қўй гўшти билан гуруч еди. Уша ерда тунаб, эрталаб жанубий дарвозадан шаҳар ташқарисига чиқиб кетди.

Ўттиз тўртинчи боб

ШАҲЗОДАНИНГ МАСЛАҲАТИ

Деҳлининг Жанубий дарвозаси анчагача очиқ турди. Қалъага ана шу дарвоза орқали озиқ-овқат келтириллар, сипоҳилар, деҳқонлар, шаҳарма-шаҳар юрган

савдогарлар, бошқа шаҳарларнинг вакиллари бемалол чиқиб-киришар эди.

То августнинг сўнгги кунларига қадар қалъани ҳамма тарафдан қуршаб олиш учун британияликларнинг қўшини етишмади.

Дарвозалар тагида, бангхоналарда, чойхоналарда, ҳовузлар ёнида доим халойиқ тўпланиб шовқинлашарди.

Мана, август ойи бир куни эрталаб Деҳлининг аҳолиси ғалати бир манзарани кўрди.

Шаҳарнинг жанубий дарвозасидан усти гиламлар билан ёпилган ва очиқ аравалар, тахтиравонлар қатор тизилиб чиқиб кетарди.

Тахтиравонлардан ясанган хотинлар, хизматкорлар, болалар мўралаб қарашади. Олдинда яхши отларда шаҳарнинг энг муътабар савдогарлари — Иссахар Али, Наҳрандат Бабу, Гуфуриддин ва бошқалар боришарди. Савдогарларнинг белбоғлари ички яширин чўнтакларига бекитилган олтин ва қумуш пуллардан оғирлашиб турарди.

Орқада катта юклар ортилган туялар келишарди.

Савдогарлар шаҳардан чиқиб кетишмоқда. Хавф яқин эканлигини сезиб, қалъадан бирийчи бўлиб қочишмоқда эди.

Шу куни кечқурун шаҳарда: фарангиларнинг қўшини кўпайибди, улар Деҳлини ҳамма томондан қуршаб олишга тайёрланмоқдалар, шимолдан уларга катта мадад келяпти, деган овоза тарқалди.

Шаҳар аҳолисини ғам босди. Ибодатхоналарда фақир ва гадолар хунук гаплар айтиб башорат қилишарди. Миш-миш гаплар шу қадар кўпайиб кетдики, энди қайси бири тўғри, қайси бири ёлғон эканини билиб бўлмасди.

— Нана-соҳиб тор-мор қилинибди!..— деб шивирлашарди Деҳлида.— Унинг сўдатлари фарангларнинг марҳаматига сизиниб таслим бўлишибди.

— Фоттихпурда қўзғолон бостирилибди. Муродобод қуршовда қолибди.

— Ёлғон!— дейишарди баъзилар.— Нана-соҳиб ҳали кучли, унинг қўшини ҳам кўп ҳали. У инглиз генералига яхшироқ зарба бериш учун ўрмонга чекинди, холос.

Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай жануб ва ғарбдан

чопарлар келмай қўйди, қўзғолон кўтарган бошқа шаҳарлардан алоқаси узилган Деҳли ўз ҳолига қолди.

Деҳлидаги қўзғолончи кўшинларга ҳеч ким раҳбарлик қилмасди. Ҳар бир полк, полкгина эмас—ҳар бир батальон ва ҳар бир рота мудофаани ва ҳужум қилиш масаласини ўзича ҳал этар, шаҳар ташқарисига мардона, аммо тартибсиз ҳужум қилиб чиқишарди.

Солдатларнинг таъминоти ва мойнасини ҳеч ким ўйламас эди. Савдогарлар сипоҳиларга ун ва туз беришдан бош тортишарди. Улар озик-овқат учун пул талаб қилишар, солдатларнинг эса пули йўқ эди.

Солдатлар томонидан сайланган вакиллар Баҳодиршоҳ саройига келдилар.

— Савдогарлар биздан пул талаб қилишяпти,— дейишди вакиллар.— Улуғ шоҳ, шаҳарингга жуда катта кўшин тўпланган, сен бўлсанг уларга мойна бермайсан. Савдогарлар дўконларини бекитиб олдилар; улар бизга нон беришмаяпти.

Кекса шоҳ балконга чиқди. У қариликдан хиралашган кўзларини қисиб, саройи олдига тўпланган солдатларга қаради.

— Менинг сизларга тўлайдиган олтиним йўқ!— деб қичқирди у кучсиз товуш билан.— Сипоҳилар, кўриб турибсизлар-ку, мен нақадар қашшоқман!— У оёғи тагидаги кичкина гиламчани олиб, боши устида силкитди.— Мана менинг бор-йўқ нарсам, сизларга бергулик ҳеч нарсам йўқ, сипоҳилар!..

Шоҳ йиғлаб юборди. Вазирлар қўлтиғига кириб, уни балкондан олиб кириб кетдилар.

Британияликлар лагеридан келган айғоқчилар ўз офицерларига, шаҳарда тартиб йўқ, ҳамма ўз ҳолига, қўзғолончилар Баҳодиршоҳ билан ҳеч нарсада келишолмаяптилар, шоҳ саройидагилар ичида ҳам ихтилофлар бор, деган хушхабарлар олиб боришарди.

Сипоҳиларнинг лагерида ярим кечагача шовқин-сурон тинмасди. Файзободлик сипоҳилар ўз хизматлари билан мақтаниб, бошқа сипоҳиларнинг хизматини ерга урардилар.

— Ҳаммасидан ўзимиз ботирмиз!— деб шовқин солиншарди файзободликлар.— Энг яхши мерганлар бизда!.. Жангда офицер-соҳибларни ҳаммадан кўп биз ўлдирдик!

— Биз ҳам сизлар қатори жанг қилишдик!.. Биз от-

ган ўқ фарангларнинг бошини айланиб ўтиб кетмагандир? Инглизларнинг найзаси қаршисида биздан ким титраб-қалтиради?— дейишарди бошқалари.

— Ҳа, ҳа! Ўқчилар, гренадерлар, сапёрлар, отликлар, пиедалар — ҳаммамиз бир мақсад билан юрган кишилармиз!— деган овозлар янгради.— Бу урушда кимки келгинди душманга қарши қилич кўтарган бўлса барабар шуҳратга эга.

— Мирут, Файзобод, Бэрелий сипоҳилари ака-укадирлар! Бхай-банд!..

Аммо файзободликларнинг қулоғига ҳеч нарса кирмасди. Улар ҳамма билан жанжаллашиб, эрталаб барвақт туришди-да, қаттиқ-қаттиқ бақиршиб, осмонга қарата ўқ узишганча қалъадан чиқиб, Жамна устидаги сузувчи кўприкдан ўтиб кетишди.

Инглиз офицерлари Тоғдаги ўз минораларидан кетаётганларга дурбин билан қарар, оқ қўлқопли қўллари-ни кўтаришиб, бир-бирларини табриклашарди.

— Соҳиблар бугун жуда хурсанд,— деди хафа бўлиб Чандра-Синг, ўша кунни кечқурун Инсурга.

— Бошлиқсиз қўшин, калласиз тана деган гап!— деди ташвишланиб кекса Рунжит, Инсурнинг батареядаги дўсти.— Соҳиблар ялангликда уч жойда хандак қазишяпти, Деҳли деворларига ҳужум тайёрлашяпти, биз бўлсак ҳалигача қалъани ҳимоя қилишда ким бошчилик қилишини билмаймиз.

Кечасилари отишма борган сари кучаяр, британияликларга янги-янги мадад кучлар келарди. Шоҳ саройи нотинч бўлиб қолди, боғда энди музыка, қўшиқ ўрнига қаттиқ-қаттиқ гаплашган овозлар, шовқин-сурон эшитиларди. Баҳодиршоҳ ўз вазирларини, сипоҳиларни нима учун шаҳарга киритдиларинг, деб койир эди. Тахт тақдирини қўзғолончи қўшинлар тақдири билан боғлашнинг нима кераги бор эди?..

Машшоқлар ва раққосларни саройга тобора кам чақиришадиган, улар учун фонтан олдига шоҳдан қолган овқатни борган сари кам чиқаришадиган бўлиб қолишди. Саройга маъюслик чўкди, шаҳардаги тўхтовсиз шовқин ярим кечагача давом этарди.

Курнаул йўлида эса филлар узун стволларини кўкка қаратган баҳайбат гаубицаларни, катта қамал мортираларини, тўп ўқлари, снарядлар, ҳарбий аслаҳалар солинган яшиқларни тортиб келарди.

Жон Лоуренс ниҳоят афғон чегарасидаги тўпларни олиб, Деҳлини қамал қилиб турган британияликларга ёрдамга юборди. Сэр Жон ўзининг панжоблик Учар коллоннасига сафарга тайёрлик кўришни буюрди.

Бу ҳақда айғоқчилар Курнаулдан дастлабки хабарни келтиришди. Қалъага тўпланган полкларда жанговар қизғинлик, тўлқинланиш бошланди. Мерганлар, гренадерлар, отлиқлар, артиллериячилар Катта майдонга чиқишди.

— Нега биз бу ерда қопқонга тушишини кутиб турган сичқонларга ўхшаб ўтирибмиз?— деб гувиллашишди Тўққизинчи Аллигур полкининг сипоҳилари.— Қалъадан чиқиб душманга зарба берамиз! Жанубга, шарққа ёриб ўтамыз, бутун мамлакат биз билан бирга, Агра қўзғолончиларига, Нана-соҳибнинг қўшинларига бориб қўшиламыз, ахир улар ҳам биз нима мақсадда урушаётган бўлсак шу мақсад билан урушяптилар-ку!..

— Тўғри, тўғри, биродарлар!..— деб бақиршди отлиқлар.— Ҳиндистон—улуғ мамлакат. Жанубга ёриб ўтиб, Ауд, Рохильканд қўзғолончилари билан қўшилишамиз, шунда ҳинд ерида ҳадемай битта ҳам инглиз қолмайди!..

— Мудофаага ўтиб олмасдан душманга биринчи бўлиб зарба бериш керак!— деб қувватлашди отлиқларни, 1842 йилда Бенгалияда бўлган қўзғолонни эслаб, тажрибали кекса пиёда аскарлар.

— Шоҳ ҳали қалъадан чиқиш ҳақида буйруқ бергани йўқ,— деб эътироз билдиришди Саксон иккинчи полкнинг солдатлари.— Шоҳ вазирлари билан маслаҳат қиляпти.

— Улуғ шоҳнинг маслаҳати жуда ҳам узайиб кетди-ку!— деб бақиршди отлиқлар.— Вакилларимиз саройга кириб, Бахтхоннинг ўзи билан гаплашишсин.

— Пандини юборамиз!.. Пандимизни!..— дейишди Ўттиз саккизинчи полкнинг артиллериячилари.— У саройдаги бошлиқлар билан гаплаша олади.

— Ҳа-ҳа!.. Шоҳнинг олдига, саройга энг яхши бомбардиримиз Инсур-Панди борсин!— деб гувиллади бутун Ўттиз саккизинчи полк.

Инсур Баҳодиршоҳнинг саройига келди.

Барча отлиқ ва пиёда қўшинларнинг бошлиғи қилиб тайин этилган Бахтхон Инсурга саройнинг гиламлар тўшалган пастки залига киришга рухсат этди.

Бахтхон паст бўйли, озгин юзли, қилтириқ бўйинли киши эди. Унинг қовоқлари қорайган, шилпиқ кўзлари Инсурдан бир оз ёироққа қараб турарди.

У қўл ҳаракати билан сипоҳини девор ёнидаги гилам устига тўшалган ёстиққа ўтиришга таклиф этди.

Инсур ипак билан тикилган ёстиққа ўтирмади, чилимининг узун найини қўлига олмади, сўзини ҳам одатдагидай салом-аликдан бошламади. Бахтхон дарров тўмсайиб олди.

— Қалъада йигирма беш минг аскаринг бор, бошлиқ!— деди Инсур.— Мирутлик отлиқлар, аллигурлик азаматлар, Эллик тўртинчи полкнинг гренадерлари жангга отилиб турибдилар. Бизнинг Ўттиз саккизинчи полкимизда енгил тўплар ҳам, оғир тўплар ҳам, ўшанга яраша бомбардирлар ҳам бор... Бахтхон, артиллериячиларим мени сенинг олдинга юборишди. Нега сен фарангларнинг тепалар орқасида куч тўплаб, қалъага штурм қилишини кутиб ўтирибсан? Солдатларингга душман қўшинига зарба бериб, уни Деҳлидан узоққа суриб ташлашни буюр... Бутун мамлакат, Ҳиндистондаги барча шаҳарлар қўзғолончи қўшинларни қўллаб-қувватлайди.

Бахтхон Инсурга норизо назар ташлади.

— Шоҳга қасамёд этган полкларни Деҳлидан ташқарига чақириб, шаҳарни кучсиз қолдиришининг нима кераги бор?— деб жавоб берди Бахтхон.— Улуғ шоҳ, тахтни ҳимоя қилиш энг юксак вазифадир, дейди. Деҳли тахтига шикаст етса, Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларида уни ким қўллаб-қувватлайди?

Бахтхон гапни шу билан тугатди.

— Баҳодиршоҳдан яхшилик кутма,— деди Инсур шу кечаси дўсти ва ёрдамчиси Лалл-Сингга.— Шоҳ Ҳиндистонни эмас, ўз тахтини ўйлайди.

Шоҳ ўзи сипоҳиларнинг вакили келганини эшитиб, ўлгудай қўрқиб кетди. У саройга бундан кейин на шаҳар аҳолисидан, на қўзғолончи қўшинлардан бирон кишини киритмаслик ҳақида фармон берди.

Шоҳ ўз хосхонасига яшириниб олиб, ҳамма деразаларнинг пардасини яхшилаб бекитишни, ҳар бир эшик тагига африкалик қора хизматкорлардан соқчи қўйишни буюрди. Пешин пайтидан тортиб ярим кечагача ичкари залларнинг ҳаммасига пушти ранг шам ва хушбўй ўтлар ёқишарди. Мовий ранг эрон қоғозига шоҳ қора



тушъ билан қадимги Эрон шоирлари томонидан минг марталаб куйланган булбулнинг гулга муҳаббати ҳақида шеърлар битарди.

Шоҳ ўз шеърларини ёзиб битиролмади. Мусулмон гадо кийимидаги қандайдир бир чол шоҳнинг ичкариги хосхонасига югуриб кирди-да, шоҳнинг оёғи остига йиқилди.

— Узинг сақла бизни, улуғ шоҳ, пушти ланоҳимиз!— деб бақирди чол.— Аҳли мўминни ва муқаддас мачитимизни сақлаб қол!.. Шимол томондан фарангиларнинг Учар колоннаси Деҳлига қараб келяпти, икки минг отлиқ сикх, шайтондек ёвуз... Уларни фарангиларнинг полковниги соқолли иблис Никкуль-Сейннинг ўзи сенинг устинга бошлаб келяпти, шоҳим!..

— Ўзингнинг раҳминг келсин, парвардигор! — деб мингирлади Баҳодиршоҳ.

— Бугина эмас, улуғ шоҳ, мўмин-муслмонларнинг паноҳи!.. Фарангларга Панжобнинг катта тўплари ёрдамга келяпти.

— Лоуренс-соҳибнинг тўплари-я?— деб сўради бечора шоҳ лабларигача оқариб.

— Ҳа, шоҳим, пушти паноҳимиз!.. Бу тўпларни зўр филлар судраб келяпти, чанг-тўзон кўкка қадар кўтаририлган, шевқин-сурон ва шалдир-шулдурдан ер ларзага келади. Улуғ шоҳим, ҳали бугина эмас! Деҳлига тоғдан кичкина-кичкина шайтонлар—афти-башараси бир бало, ҳамма ёғини жун босган ваҳший гурклар келяпти. Улар енгил араваларини учуриб келишяпти, уларни тоғдан текисликка тушганда кўргин, машриқдан мағрибгача тутиб кетади, сон-саногига етолмайсан.. Шоҳим, сипоҳиларга ортиқ ишонма, ўзингни, бола-чақангни, тож-тахтингни сақлаб қоламан десанг Вильсон соҳибга қўл беравер!..

Баҳодиршоҳ ўша куниёқ вазирларини маслаҳатга чақирди. Шоҳ ночор аҳволда қолганлигини билдириш учун салласини шартта ечди ва оппоқ соқолидан бир неча мўйни юлиб олди.

— Оҳ, бахтсиз пешонам!— деди у қайғуриб.— Тахтим, тахтимнинг суянчиғи—болаларим, набираларим хароб бўлди. Сипоҳилар шаҳримга келиб кирган кунга минг-минг лаънат!

Вазирлар эҳтиром билан хўрсиниб-хўрсиниб қўйишар, нима дейишларини билмай бошларини чайқашарди.

— Деҳли қўрқоқлар ўйлагандек кучсиз эмас,— деди шоҳни тинчлантиришга уриниб муҳрдор Мукунд Лалл.— Қалъада тўп-замбараклар кўп. Файзободликлар ажраб кетишган бўлса ҳам, қўшинимиз ҳали кўп; сипоҳилар қаҳрамонона жанг қилишади.

— Тўп-замбараклар кўп-у, ўқ-дори оз, — деб сўзга аралашди сарой табиби Ҳасанулла.— Ўқ-дорисиз тўп ҳам, милтиқ ҳам отиб бўлмайди.

— Йўқ, Деҳлини сақлаб қолиб бўлмайди, — дейишди вазирлар. — Улуғ шоҳ, яхшиси бу ердан кетайлик, Вильсон-соҳиб шаҳарни ҳамма ёқдан қуршаб олмасдан бурун жанубий дарвозадан чиқиб кетайлик.

— Энди кетиб бўлмайди, фарангларнинг отлиқ от-

рядлари жанубий дарвоза йўлини ҳам кесиб қўйган, — деди Ҳасанулла.

— Улуғ тахт хароб бўлди!.. Олло таолонинг ғазаби-га учрадик!

— Ҳали ҳам бўлса тахтни сақлаб қолиш мумкин, — деди вазминлик билан шаҳзода Мирза Мўғул.

Вазирларнинг ҳаммаси унга ўгирилди.

— Фаранглар куч тўплаяпти, — деди Мирза. — Бўрдоқи Лоуренс уларга Пешавордан тўплар юборяпти. Деҳли остоналарида катта жанг бўлади, ким ғолиб чиқиши ҳали номаълум.

— Тўғри айтасан, Мирза Мўғул, — дейишди маъюс бўлиб вазирлар.

— Агар қалъани олишда фарангларга ёрдам берсак, Деҳли шоҳи шоҳлигича қолаверади.

— Менга йўл-йўриқ ўргат, содиқ ўғлим Мирза, нима қилишим керак? — деб сўради шоҳ мадорсиз овоз билан.

— Фарангларга Дарё бастioni томондан саройга кириладиган махфий йўлни очиб бериш керак. Ҳужум бошланганда фарангларни шаҳарга киритиш лозим. Генерал Вильсон бу хизматимизни унутмайди.

Ҳамма жимгина шоҳга қаради. Шоҳ бош ирғади.

— Тўғри айтасан, Мирза! — деди шоҳ.

Вазирлар ҳам хурсанд бўлишиб:

— Улуғ отанинг боласи улуғ Мирза, доно экансан! — дейишди.

Шоҳ қўл силкиб, ҳаммага чиқиб кетишни буюрди. Вазирлар чиқишди.

Шаҳзода Мирза Мўғул, сарой табиби Ҳасанулла ва муҳрдор Мукунд Лаллгина қолишди.

Мукунд Лалл пастаккина стол устига пат солиқ-лиқ лакланган қутича билан тушъ солинган кумуш сиёҳ-дон олиб қўйди. У табибга савол назари билан қарарди.

— Улуғ шоҳим, Вильсон-соҳибга хат ёзишни буюр, — деди шоҳга таъзим қилиб Ҳасанулла. — Мен уни фаранглар лагерига етказиш йўлини топаман.

Уттиз бешинчи боб

ДУШМАН ЛАГЕРИДА

Кечқурун қоронғу тушганда қалъанинг Кобил дар-возасидан икки киши: қуролсозлик устахонасининг ёш мастери Застра билан оқ нимча кийган, сариқ саллали, ингичка белига ўшшовсиз қилиб энли камар боғлаб ол-

ган отбоқар бола чиқишди. Инсур уларни дарвозагача кузатиб борди. Хайрлашаётганда у қўлини ёш отбоқарнинг елкасига қўйди.

— Сен довораксан, Лела,— деди Инсур.— Соҳибларнинг тилфни ҳам яхши биласан.

У илон изи бўлиб тизилган тепаларни, каналнинг эски ўзанини ва шимол-ғарб томонга чўзилиб кетган Курнаул йўлини қумга чизиб кўрсатди.

— Мана бу ерда,— деди Инсур лагернинг чап томонига чўпни тиқиб,— мана шу ерда қандайдир катта ишлар борапти. Соҳиблар буни нима ниятда қилаётганини билиш керак.

Британияликлар лагерининг чап томонига туташган каналнинг эски ўзанига етиб олиш унча қийин эмасди, чунки юз кун давом этган тўп отишмасида шаҳар ташқарисидаги Парранда бозорнинг ярим биноси қулаб кетган бўлса-да, қолгани яхшигина пана бўла оларди. Аммо Парранда бозорнинг нарёғидан яланглик бошланарди. Бу ерда душманнинг отлиқ соқчилари доимо айланиб юришарди.

Лела билан Застра ўнқир-чўнқирликлар, ўқ узиб кетган буталар олдидан ўтиб, лагернинг чап томонига туташган эски каналнинг ўзанига секингина эмаклаб тушдилар.

Ҳамма ёқ жимжит. Улар канал ўзанидан оҳиста эмаклаб олдинга юришди. Қуриб қолган супурги ўтлар Леланинг қўли тегиб шитирлаб кетди.

Шу заҳоти яқингина жойдан ерлик кишининг инглизчалаб:

— Қим у? — деб қичқиргани эшитилди.

Каналнинг нариги томонида отлиқ соқчилар турарди.

Лела турган ерида қотиб қолди.

Овоз қайталамади.

Улар узоқ кўтишди, кейин эҳтиётлик билан яна олдинга эмаклаб кетишди.

Каналнинг ўнг қирғоғида усти берк аравалар қатор тизилиб турарди. Лела билан Застра қирғоққа судралиб чиқишди-да, аравалар тагига яширинишди.

Қўқ ва қизил саллала отлиқлар чопиб ўтишди. Отлиқларнинг узун сочлари шамолда ҳилпиради. Лела сикхларнинг овозини таниди.



Яна ҳамма ёқ жим бўлиб қолди. Кейин арава олдига бир неча киши келди. Улар араванинг нариги томонига ўтиришди.

— Эртага ҳаммасини бошқа ерга кўчиришга тўғри келади, — деди бири. — Белужлар келишди.

— Ҳа, лагерда сиқилишиб қоладиганга ўхшаймиз. Улар мингдан ортиқ киши.

— Индинга яна бир батальон отлиқ аскар келади деб кутишяпти.

— Сикхларми?

— Йўқ, кашмирликлар.

— Вильсон бу ерга бутун дунёдан одам тўплаяпти.

— У ҳужум бошлашдан олдин шаҳарнинг ҳамма дарвозалари олдини тўсиб олмоқчи.

Улар жим бўлишди.

— Юр нарироққа борамиз, Застра! — деди шивирлаб Лела.

— Тўхта, манавилар кетсин, — деди секингина Застра.

Аравакашлар ҳўкизларни аравадан чиқариб, суғоришга олиб кетишди. Лела билан Застра аравалар орасидан чиқишди-да, дадил тортиб, яна олдинга юришди.

Ўнг томонда гулханлар тутарди. Ўт атрофида қандайдир кишилар ўтиришибди. Тутун иссиқ, катта қозонларда эчки гўшти қайнардди.

Лела салласини маҳкам ўраб, печини ўнг қулоғи устига туширган одамларни, уларнинг қора ҳошияли оқ ятакларини кўрди, хириллаган товуш билан нота-ниш тилда сўзлашганларини эшитди.

— Булар белужлар, — деди Застра. — Кўчманчи белужлар, мен уларнинг тилини биламан.

Застра қулоқ сола бошлади.

— Шаҳарни ўраб оламиз, — дерди баланд бўйли йўл-йўл бурнус кийган, жингалак қора соқолли киши, — уни ҳамма томондан ўраб олиб, лаънати пурбийликларни¹ битта қўймай қиличдан ўтказамиз. Улар оллонинг номига шак келтиришди.

¹ Пурбийликлар ёки «пурбиялар» — Юқори ва Марказий Ҳиндистон аҳолисини Белужистонда шундай деб аташади.

— Пурбийликлар!.. Дуоб ҳиндларини улар шундай деб аташади!— деб шивирлади Застра ҳаяжонланиб,— Соҳиблар шундай деб ўргатганда!

— Ҳаммасини қиличдан ўтказамиз, — деб такрорлади қора соқолли киши. — Бўлмаса улар бизнинг ер-мизга бостириб кириб, яйловларимизни тортиб оладилар, молларимизни ҳайдаб кетадилар...

Застра тоқат қилиб туrolмай бирданига қоронғуликда...

— Ким айтди шуни сенга? — деб бақириб юборди. — Ким айтди шуни сенга, тентак?..

Застра хавф-хатарни унутиб, гулхан олди-га чиқди. У ғазабидан оппоқ оқариб кетган эди.

«Бу нима қилипти ўзи!.. — Лела ўт орасида қотиб қолди. — Ишни расво қилди-ку, эсини еган ласкар!..»

— Фаранглар сизларни алдабди! — деди нафаси бўғилиб Застра. — Улар сизларнинг кучингиз билан Деҳлини олиб, кейин бизнинг халқимизни ҳам, сизнинг эркин қабилаларингизни ҳам бўғиб ташлашмоқчи.

— Нималар деяпти бу? — деб ўшқирди ҳалиги бунус кийган киши. — Нима дейди-а?

— Фаранглар ҳаминша шундай қилишади, — деди Застра. — Бошқаларнинг кучи билан уруш қилишади.

Ҳамма унга қаради. Ласкарнинг сўзини қулоқ бериб тингладилар.

— Шаҳарда сизга душман одам йўқ, — деди Застра қўли билан қалъани кўрсатиб. — У ерда тинч аҳоли яшайди. Улар сизлар билан ака-укадек тотув яшашни истайдилар, сизларнинг ерингиз уларга керак эмас. Келгинди фарангларни ҳайдаш керак, дейди бизнинг ҳиндлар, шундагина ҳар бир киши ўз ерида бемалол ишлайди, молини боқади, худосига тинчгина ибодатини қилади. Фаранглар бир мамлакатнинг деҳқонлари билан иккинчи мамлакат чорвадорлари ўртасида адоват уруғини сепиш, орага низо солишни истайдилар, улар сизларни алдаяптилар. Чўл болалари, келгиндиларнинг сўзига ишонманг!

Гулхан атрофидагилар жим бўлиб қолишди. Застра уларнинг чеҳраларидан хижолат бўлаётганларини пайқайди.

— У тўғри айтяпти, — деди кимдир бир оз чўчин-қираб.

Аммо йўл-йўл бурнус кийган новча белуж, отряд бошлиғи бўлса керак, гулхан олдига чошиб келдида:

— Ёлғон!—деди бақриб.—Уни нариги ёқдагилар юборган!

Белуж тишларини тиржайтириб, Деҳли томонни кўрсатди.

—Уни шаҳардан юборишган,—деди белуж маъносиз кулиб. —Биламан, фарангларнинг офицерлари айтишган эди. Лаънати пурбийликлар бизнинг динимизни оёқ ости қилмоқчилар! Улар бизни ўзларининг икки бошли ва олти қўлли мурдор худоларига сажда қилдирмоқчи бўладилар. Гулда ўтирган, кўршапалакда, балиқда, калхатда учадиган худоларига ибодат қилишимиз керак эмиш... Худоларини қара-я, ҳар йили ўлиб, ҳар йили янгидан туғилади... Жангчиларимизнинг мурдасини ерга кўммай, осий ҳинднинг жасади каби гулханда куйдиришимиз керак эмиш. Тўф!..

Белуж ерга тупурди.

— Ҳа, ҳа!—деган овозлар эшитилди.—Ғаффор тўғри айтади! Ғаффор яхши билади, у фарангларнинг катта бошлиқлари билан ошна. Никкуль-Сейннинг ўзи унга кумуш қилич тақдим қилган.

— Ҳа, ҳа... Ҳинд ёлғон гапиряпти!..

— Ушла уни! Ифлос пурбийликни!

Застра қимир этмай турарди. Аммо белужлар олдига яқинлашиб келди дегунча у бир сакраб гулханнинг нариги томонига ўтди. Бу ерда ўтирганлар чўчиб орқага чекилишди. Лекин шу заҳотиёқ Застранинг кетидан қувишга тушишди. Йигирма қадамча нарида зич бўлиб, бир неча қатор тизилган аравалар турарди. Ласкар ўзини ўша арвалар тагига олди.

— Анави ерга кирди, анави ерга!—деб қичқиришди кўчманчилар; бир неча киши аравалар тагига кирди. Ласкар қоронғида дарҳол йўлни буриб, бошқа томонга қараб қочди. У яланг оёқлари билан ўтларни шитирлатиб, нақ Леланинг елкаси олдидан югуриб ўтди. «Тезроқ кет»,—деб шивирлади ласкар. Дарҳақиқат белужлар бутун атрофга ёйилиб, ҳамма буталар орасини тинтий бошлаган эдилар. Лела секин ўрнидан турдида, чошиб кетди.

Лела саросимага тушиб қолиб, бирдан канал қаердалигини, қаерда қайрилиши кераклигини эсидан чиқариб қўйди. Афтидан у ариққа тамомила қарама-қарши

томонга чоғиб кетган эди. Унинг йўлини устига чодир ёпилган узун тўп карвони тўсиб чиқди. Лела уни айланиб ўтди, қандайдир ёғоч будкалар орқасига бурилди ва бирдан ўзини офицерлар чодир орасида кўрди.

Чодирлар кўп эди. Ётоқхона чодир, овқатхона, меҳмонхона чодирлари, офицерлар тўпланадиган тўрт бурчакли катта чодир — оппоқ газмолдан қилинган бутун бир шаҳар дейсиз.

Энди қаёққа бориш керак?

Лела қаёққа бурилишини билмай, чодирлар орасидаги тор йўлакда туриб қолди.

— Кимни қидиряпсан?—деб қичқирди ёнидан ўтиб бораётган бир солдат.

— Полковник Гаррисни,—деди Лела шошиб-пишиб.—Мени унга отбоқар қилиб юборишди.

— Полковник ўз палаткасида йўқми?

— Йўқ.

— Ҳа, ана, ўзи келяпти! Генералнинг маслаҳат мажлисига келаётган бўлса керак.

Мўйловини калта қилиб қирқтирган новча бир офицер тўғри уларга қараб келарди.

Бирдан отбоқарликка олишни сўраб келган ёшгина ҳинднинг ранги оқариб кетди ва у лип этиб ўзини ён томонга, чодир орқасига урди. Полковник ҳам ўша томонга қараб борарди.

Лела ерга ётиб, қандайдир каттакон бир чодирнинг устки ёпқичи ичига эмаклаб кирди. Ичкаридан қиммат баҳо тамаки ва гул эссенциясининг ҳиди келарди.

Чодирлар икки қаватлама бўлиб (Ҳиндистонда офтобдан сақланиш учун доим шунақа қилишади), биринчи қавати билан иккинчи қавати ўртасида бир футга яқин очиқ жой бор эди. Лела ана шу очиқ жойга жойлашиб олди.

Лела чодирнинг иккинчи қавати орқали хира чироқ устига эгилишиб ўтирган кишиларни кўрди. Бу ерда соҳиблар кенгашмоқда эдилар. Леланинг юраги дукиллаб уриб кетди.

— Бу қари маймунга ишониб бўладими?—деди унга жуда яқин ерда турган бир киши истеҳзо билан.

— Ҳар ҳолда, шохнинг кейинги таклифига эътибор бериш зарур!—деб эътироз билдирди бошқа чийилдоқ

ва бепарво овоз.—Эҳтимол кекса тавия алдамаётгандир? Аниқ билиш керак. Агар чол алдамай, қўшинларимизга қалъанинг дарё томондаги дарвозасини очиб берса, шаҳарни штурм қилиш биринчи пландагидан анча енгиллашади. Биринчидан, у ҳолда бизнинг чап қанотимиз дарёга бориб тақалади, демак, чап томондан хотиржам бўламиз. Иккинчидан...

Буни Чемберлен гапирарди.

«Агар чўртон балиқ гапиролса, овози худди шундай чиқарди»,—деб хаёлидан ўтказди Лела.

Невилль Чемберлен яраси тузалиб, ҳарбий кенгашда қатнашаётган эди. Деҳли қалъасига бўладиган штурмнинг қатъий плани муҳокама қилинмоқда эди.

—... Иккинчидан,—деб давом этди ҳалиги салмоқли овоз,—агар саройга тўсқинсиз кириб, душмanning ўнг қанотида муҳим участкани эгаллаб олсак, қўшинларимиз саройнинг ҳарбий дарвозасидан шаҳарга кириб, Қумуш Бозорнинг кенг кўчаси бўйлаб секин-аста душмanning ички марраларини эгаллай бошлайди...

—Менинг фикрим бошқача!—деди бошқа бири дона-дона қилиб, шижоат билан.

Бу Никольсон эди.

—Менинг фикрим бошқача. Менимча, қалъага Кашмир дарвозаси томондан тикка ҳужум қилинса, ҳозирги шароитда анча тўғри бўлади. Ён томонлардан ҳужум қилиш, айланиб ўтиб, душмanning орқа томонига чуқур кириб бориш, ҳар бир уй, ҳар бир кўча қаршилик кўрсатадиган бундай шароитда хавфли бўлади. Шоҳ Кашмир дарвозаси остига олиб борадиган йўлни очиб берса яхшироқ бўларди.

—Шундай йўл борми?

—Албатта, бор. Асосий йўлнинг бир тармоғи.

—Бир неча мина кўмиб портлатилса Кашмир дарвозаси кўкка учади-қўяди... Девор бузилади-ю, қалъага пешонадан штурм бошлаймиз.

—Жуда соз! Қойил, Никольсон.

—Ажойиб фикр!..

—Чолга ана шу вариантни таклиф қиламиз. Деҳли тахтини сақлаб қоламиз, шунга хурсанд бўлаверсин.

—Бу билан ким шуғулланади?

—Ходсон, албатта Ходсон!.. Унинг бундай топшиқларни бажарадиган кишилари бор.

— Бечора Ходсон!.. Кун бўйи унинг чодирда аллақандай гадолар, фақирлар қайнаб ётади. Бундайлар келиб-кетиб бўлгандан кейин у ювинишга шунча гул сувини қаердан топаркин, билмайман.

— Қани, ишга келайлик, жаноблар!.. Саройдан қатъий жавоб индинсиз келмайди. Биз аввал: шоҳ ҳақиқатан ҳам бизга дарвозани очиб берадими, ёки бу шарқликларнинг навбатдаги найрангими—шунини текширмоғимиз керак.

Лела қолган гапни эшитиб ўтирмади. Баҳодиршоҳ соҳибларни қалъага киритмоқчи! Деҳлини уларга топшириб, қўзғолонни бостирмоқчи!.. Лела хавф-хатарни тамом унутиб, зингиллаганича орқасига югурди. Қанал бўйига етиб келиб, унинг қуруқ ўзанига ўзини отди, шу ерда бир дақиқагина тўхтаб, кўкрагини қисиб юборган нимчасини ечиб ташлади, тор этикчасини ҳам улоқтириб юбориб, ғарч-ғурч тиканлар қадалаётганини ҳам сезмай оёқ яланг чопиб кетди. Тезроқ, тезроқ! Эшитганларининг ҳаммасини кечикмасдан тезроқ отасига бориб айтиши керак.

Умтиз олтинчи боб

ДЕҲЛИ КЕЧАСИ

Кобил дарвозасида турган соқчилар олдиндан огоҳлантириб қўйилганидан, Лелани ўша заҳоти қалъага киритдилар. У йўлни қисқартиб тор кўчалар орқали резиденция уйига чопди. Соқчилар учун ажратилган бинода сипоҳилар ерда давра олиб ўтиришарди. Огаси одатдаги жойида кўринмади.

«Ҳадемай ярим кеча бўлади!—деди бирдан эсига тушиб Лела.—Ярим кечадан бошлаб отам бастионда навбатчилик қилади».

Кечалари бастионларга махсус соқчилар қўйилади, Лела эса отасидан бу кечанинг паролини сўраб олмабди! Лела дарвоза олдида турарди. Узоқдан ибодат қилаётганларнинг овози ва ҳинд ибодатхонасидаги мис кўнғироқчаларнинг бўғиқ жаранглаши эшитиларди. Кумуш Бозорда тунги соқчилар бир-бирларига овоз беришарди. Ой ҳали чиқмаган, Богон кўчасининг нарёғидаги христианлар черковининг гумбази ва бути ярим

Жамнанинг ўртасидаги оролга—қадимий беш бурчакли Селимгур фортидаги минорага Чандра-Синг ўз полки билан ўрнашиб олди.

— Соҳибларгина эмас, сув сичқони ҳам ўталмайди бу ердан, — деди Чандра-Синг.

Қурулланган шаҳарликлар отряди Дарао-Ганж, Шайтон-Пора, От Бозорни ва шаҳарнинг барча маҳаллаларини айланиб келди.

Отряд бир неча дарвешни, дайдиб юрган қўзбоғловчиларни, ибодатхона ғадоларини ушлади.

Қалъанинг ҳамма дарвозаларидаги соқчилар икки ҳисса кучайтирилди.

Шаҳар жим бўлиб қолди. Шаҳар штурмга ҳозирлик кўрмоқда эди.

Деҳли кўчалари жимжит'ва ваҳимали бўлиб қолди.

Аввалги жанжал-тўполонлар тинди. Ҳиндлар ва муслмонлар яқин хавф-хатар олдида бирлашдилар.

Уйларнинг деразаларини қум тўлғазилган қоплар билан тўсишди.

Арсеналдан бутун қолган тўпларни олиб чиқиб, шаҳар деворига ўрнатишди. Катта кўчаларнинг чорраҳаларига батареялар ўрнатилди.

Хотинлар тўп ўқларини ташишга ёрдамлашишар ва уларни тўплар ёнига келтириб тахлашар эди. Ясси томларнинг кунгира тўсиқлари мерганлар учун пана жой бўлди. Кўчалар бўйлаб бир-бирига айри қилиб қўйилган милтиқлар тизилиб кетган эди.

Деҳли катта ҳарбий лагерга ўхшаб қолди.

У т т и з т ў қ қ и з и н ч и б о б

ПАНЖОБНИНГ КАТТА ТЎПЛАРИ

Бутун лагерь траншея қазирди. Британияликлар, белужлар ва сикхлар барабар ишлашарди. Генерал Вильсон лазаретдаги безгакларни ҳам турғизиб, ер ишларига ҳайдади.

— Бу ишнинг ҳаммамизга фойдаси бор!— деди генерал.

Ниҳоят Панжобдан юборилган катта тўплар карвони келди, бу тўпларни британияликлар анча яқин ергача қазиб келинган учта истеҳкомга ўрната бошлашди.

Бирлаштирувчи траншеялар баъзи жойларда шаҳар деворига икки юз ярдгача яқин ердан ўтарди.

Энг катта батарея турадиган ўртадаги истеҳкомдан оғир тўплар қўзғолончиларнинг муҳим мудофаа участкаси бўлган Кашмир ва Дарё қалъаларига зарба беради.

— Ҳадемай Панжобнинг катта тўплари ишга тушади! — деб хурсанд бўлишарди офицерлар.

Траншеяларни тўртинчи сентябрда, оғир тўплар келган кун қазий бошлашди.

Шаҳардагилар бир кундан кейингина эсларига келиб, қарини траншеялар қазишга киришдилар.

Сипоҳилар қоронғида ўз хандақларини душмanning траншеяларига яқинлаштириб қўйдилар, енгил тўпларни шаҳар ташқарисига гилдиратиб чиқдилар, тез орада тўп ўқлари ва бомбалар британияликларнинг траншеяларига бориб туша бошлади.

— Бир дюм ҳам орқага чекинилмасин! — деб буйруқ берди генерал Вильсон.

Одамлар сафдан чиқар, улар ўрнига бошқаларини қувиб келтиришарди. Лагерда энди одам кўп: беш ярим мингта.

Деҳқон ёнидаги лагерга қироллик пиёдалари, ерли отлиқ аскарлар, кашмирликлар, белужлар, сикхлар, гурклар — ҳулласи Юқори Ҳиндистоннинг барча қабилалари тўпланишган эди.

Катта, ҳал қилувчи штурм тайёрланарди.

Британияликлар лагерида ўн беш соатдан тўхтовсиз ер қазиларди. Уч ойдан бери шаҳарни қамал қилиб турган солдатлар сипоҳиларнинг тўхтовсиз атакалари, қаттиқ иссиқ, безгак натижасида ваҳшийлашган эдилар. Фуражкалари устидан рўмол ўраб олган, кийимлари йиртилиб кетган, жазирамада қовжираб, башарасини темирлатки босган, ифлос британиялик солдатлар бутун дунёдан тўпланиб келган дайдиларга ўхшарди.

Штурм саккизинчига белгиланди. Аммо саккизинчи сентябрь кун эрталаб энг катта тўп икки марта поқ-поқ этди-ю, оғзига латта тиқилгандек бирдан жим бўлиб қолди.

Кейин текшириб кўришса, отишга тайёрланган ўқнинг порохига майдаланган тош ва шағал қўшилган экан.

Генерал Вильсон тўплар ёнидаги ерлик хизматчиларнинг ҳаммасини бошқа ёққа олишга буюрди. Ҳиндлар ўрнига британиялик солдатларни қўйишди. Тўпчилар етишмас, пиёдалардан ва ҳатто отлиқлардан одам оли-

шарди. Умрида тўппонча, ханжар ва қиличдан бошқа қурулни билмаган эски отлиқ офицерлар катта гаубицалар ва тез отар мортираларни ишга солиш йўдларини ўрганар, ер кавлардилар.

Ун биринчи сентябрь эрталаб барвақт ракета отиб берилган сигналга мувофиқ олдинги батареядаги йигирма тўрт фунтлик катта гаубица шаҳарга қарата ўт очди. Унинг кетидан бошқа тўплар ҳам тилга кирди.

Тўпларнинг ўлим ташувчи ўти Деҳлининг шимолидаги мустаҳкам истеҳкомларга, қалъа деворига, панжараларига, бурчак минораларига ёғила бошлади.

Қалъа деворига снаряд кетидан снаряд келиб урилар, гранитдек мустаҳкам терилган гиштларни парчалаб учирарди. Кечга бориб Кашмир ва Дарё истеҳкомлари ёнида, шимолий деворда иккита катта рахна очилди.

Британияликларнинг лагеридагилар кечаси билан ухламай штурмга тайёрланишди. Офицерлар бошларини сипоҳиларнинг ўқидан сақлаш умидида шапкалари устидан иккита-учтадан салла ўрардилар. Аскарлар милтиқларини кўздан кечиришар, сувдонларига тоза сув тўлғизишар эди. Эрталабга яқин машъаллар ёруғида аскарларга генералнинг буйруғи ўқиб эшитдирилди:

«Сўнгги чеккача олишинг! — деб буюрарди генерал. — Асир олманг! Шаҳар ичкарасида учраган ҳар бир ҳинд — у қурулликми, йўқми, бундан қатъи назар — қўзғолончи сифатида чавоқлаб ташланг. Бу урушда асир олинмайди, қўлга тушганини шафқатсиз равишда ўлдилинг!».

«Қурбон кўп бўлади! — деб огоҳлантирарди генерал. — Ярадорлар жанг майдонидан олиб чиқилмасин, одам жуда кам. Ярадорлар яраланган жойларида кутишсин. Ғалаба қозонсак ёрдам берамиз. Агар бизни янчиб ташласалар, ярадор бўлганлар бошларига тушганини кўраверадилар».

Қирқинчи боб

ШТУРМ

Британияликлар шаҳар устига уч колонна бўлиб боради. Уртадаги марказий колоннага Панжоб шери Никольсоннинг ўзи бошчилик қилади. «Оқ Қўйлақлар»

олдинда боришади. Лорд Лэйкнинг эски «Оқ Кўйлаклари» яқиндаги мағлубиятларининг ўчини олишмоқчи.

Атака қуёш чиқиши билан карнай овозига биноан бошланади.

Бастионлардаги сипоҳилар ухлашмади, сигналчилар кузатиш постларида пойлаб турибдилар. Қўзғолончилар кечаси билан девордаги рахналарни тош териб ёпишди, катта рахна олдига тўпларни келтиришди, одамларни жой-жойига қўйишди.

Лалл-Синг ўз аллигурликлари билан рахна олдида саф тортди; Қашмир бастионининг минорасида Инсур навбатчилик қилмоқда.

Қуёш чиқди, унинг дастлабки нурлари ялангликка тушди. Ҳалокатга маҳкум этилган шаҳарнинг гумбазлари, кунгиралари ва минораларини ёритди.

Карнай қаттиқ чалинди. Бу қироллик қўшини Олтишинчи полкнинг сигнали эди.

Тоғ орқасидан чанг ва тутун кўтарилди. Қўшин атакага силжиди.

— Тўплар олдига!.. Тайёрланинг! — деб команда берди Инсур.

Олдинги саф Тоғ устига кўтарилди. Олдинда «Оқ Кўйлаklar».

— Ўрта фас, огонь! — деб команда берди Инсур. Тўплар ишга тушди.

«Кўйлаklar» тепа ёнбағридан чопиб келишарди; олдингилар йиқилар, кетидан янгилари бостириб келарди. Унгроқда — қизил ва кўк салла ўраган панжоблик сикхлар катта колонна бўлиб келмоқда. Сикхларни Никольсон бошлаб келаётир.

Панжара бўйлаб тизилган мерганлар отишга тайёрланишди. Британияликлар ўзларининг ерлик пиёдаларини хўп яхши ўргатишган: ўз шаҳарини ҳимоя қилаётган сипоҳиларнинг битта ҳам ўқи бекор кетмайд.

«Оқ Кўйлаklar» яқинлашди. Кул ранг мундирлари порох ва чангдан қорайиб кетган. Улар қизишиб, олға чопишарди.

«Ҳиндга найза санч! — деб ўргатишарди уларга британиялик офицерлар. — Сипоҳилар милтиқ отишмасида ва артиллерия жангида кучли. Ҳиндлар найзага дош беролмайди».

«Оқ Кўйлаklar» энди командага ҳам қулоқ солмасдан олға чопардилар. Ота-боболари бу қалъани бун-

дан ярим аср илгари забт қилган эдилар, энди навбат уларники.

Инсур-Панди блиндажга беркинмади. Бастион минорасидан унинг оқ саллали, қизил белбоғ тортиб боғланган, бир оз тўла, баланд қомати, узун сочлари узоқдан кўриниб турарди.

— Шайтон! — дейишарди уни шаҳардаги савдогарлар. — Дев! Унга ўқ тегмайди.

— Мени осолмаганларидек отолмайдилар ҳам! — деб бақирарди Инсур.

Девордаги мерганлар «Кўйлақлар» яқинроқ келсин деб кутиб туришарди.

Ана, порох тутунидан қорайган, иситмадан кўкарган башаралари кўрина бошлади. «Бизнинг еримизда хизмат қилиш осон бўлмади сизларга, соҳиблар, биз сизларни чорлаб чақирмаган ҳам эдик...» Бах!.. Ба-бах!.. Бах!

«Кўйлақлар»нинг дастлабкилари баланд кўтарма тепасига югуриб чиқдилар ва шу заҳотиёқ қўлларини кўтариб, чалқанчасига йиқилдилар. Уларни сипоҳиларнинг мўлжалга олиб отган ўқлари тўхтатиб қўйди. Дастлабкилар орқасидан бошқалари, яна ва яна бошқалари жонжаҳдлари билан юқорига югуриб чиқиб, хандаққа ағдарилишарди. «Ҳа-а, қалъанинг хандағи чуқур эканми, ўзларинг уни чуқур қилиб қазитган эдиларинг».

Мана, «Кўйлақлар» штурм нарвонларини келтирмоқдалар, аммо нарвон келтираётганларнинг бири кетидан иккинчиси қулар, қайтиб ўрнидан турмасди. Йўқ, ҳар ҳолда икки-учта нарвонни қарши томондаги қиямага қўйиб олишди.

«Кўйлақлар» нарвондан кўтарилиб, найзаларини ўқталган ҳолда девор рахнасига ташланардилар. Сипоҳилар тепадан уларга сочма ўқ ёғдиар, юмалоқ миноралардан ракета ташлашар, қалъа деворининг туйнуқларидан ўққа тутишар эди.

«Кўйлақлар» деворнинг рахнасига етиб қолдилар, пастда яна ва яна нарвонга тирмашиб кўтарилишарди, аммо шу пайт сипоҳилар ғазаб билан ҳайқириб, найза ва қиличларини ўқталиб, улар устига булутдай ёпирилдилар.

«Дэ-э-ен!..» — Лалл-Синг ўз аллигүрликларини қарши атакага олиб чиқди.

Ҳиндиларнинг жанговар ҳайқириги янгради: «Дэ-э-ен! Дэ-э-ен!» Ана улар юзма-юз келиб, найзабозликни бошлаб юбордилар.

Инсур тепадан қараб турарди.

Яша Лалл-Синг! Ана унинг сариқ салласи анча олдинда кўринмоқда, ана у баланд бўйли англиз солдати билан олишмоқда, солдат хандаққа ағдарилиб, мундирини ўз қонига беллади. «Оқ Кўйлақлар» саросимага тушиб қолди, қироллик солдатлари қўзғолончиларнинг қаттиқ сиқувларига дош беролмай орқага чекинишга тайёр эдилар-у, аммо орқадан янгидан-янги ҳайқиріқлар эшитилди, тепанинг бутун ёнбағрини, текисликнинг ҳаммасини хурпайган қон-қора қалпоқлар босиб кетди. Булар Непал гурклари бўлиб, қиролликнинг солдатларига ёрдамга чиққан эдилар. Қисіқ кўзли ёввойи тоғликлар булутдек ёпирилиб, деворнинг рахнасига тўлқиндек бостириб кела бошлади, улар кетидан ваҳшиёна шовқин солиб, янгидан-янги қутурган галалар сипоҳиларни сиқиб девордаги катта рахнага қуйила кетдилар.

Унтроқда эса, баланд бўйли, кўк ва қизил саллали сикхларнинг катта колоннаси келяпти. Қашмир бастиони уларни тўнлардан сочма ўқ узиб қаршилади, аммо уларнинг олдинги сафлари ўқ ёғдирарди, Инсурнинг тўнчилари бирин-кетин сафдан чиқа бошлади. Мана, кетма-кет икки тўн шидан чиқди, бастионга тупроқ уюлиб кетди. Замбарак ўқлари қаердандир чап томондан учиб келмоқда, блиндажларнинг тахталари ёниб кетди; тутундан кўзлари юмилган, нафаси бўғилган кишилар блиндаждан қочиб чиқадилар. Лекин Инсур ўзини панага олмади, у қизил белбоғ боғлаган ҳолда девор устида тик турарди.

— Инсур, ўзингни панага ол! — деб бақирарди унга ўртоқлари. — Соҳиблар отиб қўядилар!

— Мендан ўқ ўтмайди, — деб кулди Инсур.

Аммо шу пайт бастионнинг худди ўзида бомба ёрилди, тупроқни, тахталарни қўпориб ташлади, чап шинакдан сипоҳилар йиқилди, осколка тегиб, Инсур бошидан ярадор бўлди. Оғир ярадан қон тизиллаб оқарди. Инсур оқариб кетди, уни қўлтиғидан кўтаришиб, олиб кетишди.

Тўнларни парчинла! — деб бақирди Инсур.

Соҳиблар яқин келиб қолишди, мана улар истехкомнинг тупроқ нишабига ёпирилишди, мана энди улар деворнинг бу томонидаги тор кўчада жанг қилишмоқда. Улар ўз тўнларини бастионга судраб чиқиб, унинг ичкари томонидан шаҳарга, яқин маҳаллаларга қарата ота бошладилар.

Девордан ёриб кирган душманни Осиёнинг қадимий

шаҳаридаги эгри-бугри тор кўчалар қаттиқ қарши олди. Британияликларга рўпарадан дўлдай ўқ ёғдирилди, ҳар бир уй найза ўқталарди. Ҳар бир уй бир қалъа, ҳар бир ҳовлида пистирма. Британияликлар кечгача жанг қилиб, шаҳар ичкарисида ўзлари қўлга киритган шимолий девор ёнидаги бир парча ердан нари ўтолмадилар.

Никольсон чоққина отряд билан девор ёқалаб бориб, Берней бастиони ёнига ёриб ўтди, аммо бу ерда Никольсонни сипоҳиларнинг ўқи қаттиқ ярадор қилди ва унинг отряди орқага чекинди.

Тун яқинлашди; қамал қилувчилар нари боролмадилар. Британияликларнинг қўлида шаҳар девори ёнидаги бир парча ер, қўзғолончилар қўлида эса бутун шаҳар. Яланг деворлар, шинаклар, тош тўсиқли уйлар. Катта-кон қадимий шаҳарнинг ҳаммаси қўзғолончилар қўлида, ундаги ҳар бир уй сўнгги нафасигача жанг қилади. Деҳлининг пастқам тош кўчалари унга суқилиб кирган келгиндиларга гўр бўлади.

Тун яқинлашмоқда, британияликлар талафотларини ҳисобладилар. Сафдан чиққан офицерлар рўйхати жуда узайиб кетди, солдатлар ўн ҳисса ортиқ. Британияликлар штурмнинг биринчи кўниёқ ўз кучларининг қарийб учдан бир қисмини йўқотдилар.

Генерал Вильсон кун бўйи Ладлов минорасида туриб, жангнинг боришини кузатди. Кечқурун унга жанг натижасини хабар қилишди: мингдан ортиқ солдат ўлдирилган, бригадир Никольсон қаттиқ ярадор қилинган, Кэмпбелл, Рэйд ярадор қилинган, хулласи атака қилган уч колоннани бошлаб борганларнинг ҳаммаси ярадор бўлган. Олтимиш етти офицер ҳалок бўлган, ярадорлар икки ҳисса ортиқ, талафот кўп-у, шимолий девор ёнида озгина жой, шаҳар ичида эса бир неча тор кўча ишғол қилинган. ҳолос.

Қўмондон Вильсон саросимага тушиб қолди. Хужумни давом этдириш керакми? Уни шубҳа босди.

У қўшини минорадаги Чемберленга маслаҳат сўраб хат ёзди:

«Талафотимиз жуда катта. Қалъа ичидаги позициямиз унча мустаҳкам эмас. Душман қаттиқ қаршилиқ кўрсатмоқда. Мен қўшинимни шаҳардан олиб чиқиб, тоғ орқасига қайтишга тайёрман».



Аммо Чемберлен генералнинг фикрига қўшилмади.
«Қириб олдикми, бу ёнига маҳкам туриш керак»,—
деб жавоб берди Чемберлен.

Қирқ биринчи боб

ДЕҲЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Эрталаб британияликларнинг қўпоровчи отряди Лахор дарвозасини портлатишга муваффақ бўлди, шундан кейин британияликларнинг учинчи колоннаси ҳам шаҳарга суқилиб кира олди.

Чорраҳаларга тўплар ўрнатишди, тўп ўқлари машхур Катта Мачитининг оқ мармар деворларини парчалаб, унинг бебаҳо нақшдор безакларини кул-кул қила бошлади.

Қўзғолончилар тезда эс-ҳушларини йиғиб олиб, душманни орқага ҳайдадилар. Учинчи колонна шимолий девор остига чекиниб, иккинчи ва биринчи колонналар билан қўшилишди, сўнг яна шимолий девор ёнидаги участкада, христианлар черкови яқинида қаттиқ жанг қилиб кетди.

Британияликларнинг бастияларга ўрнатилган тўплари яқин ва узоқдаги кўчаларга олов ёғдирадди. Сент-Жемс черковининг гумбази илма-тешик бўлиб кетди, ҳатто черков тепасидаги бутни ҳам тўп ўқи учириб юборди.

Қочишга улгурмаган тинч аҳоли даҳмаларга, ибодатхоналарнинг ертўлаларига яширинди.

Европаликлар резиденциясининг шимол томондан шоҳ саройига туташган оппоқ ҳашаматли биносига хотинлар, болалар, кексалар тўпланган. Женнини кўпдан бери ҳеч ким қўриқламас, қонга беланган, ўз ҳаёт-мамоти учун курашаётган бу улкан шаҳарда энди унга ҳеч ким эътибор бермасди.

Женни бир неча кунлардан бери тўп ўқларининг оғир зарбини, бир хилда такрорланадиган жонга тегар гумбурашларни, пранаталарнинг яқингинага келиб тушиб портлаганини эшитарди.

Ковушдўзлар растаси, Гидамчилар растаси, Боғон кўчасидагилар илгарилаб келаётган бирлашган британ қўшинлари устига тинимсиз ўқ ёғдириб, уйма-уй аста-секин чекинарди.

Сипоҳилар алоҳида отрядларга бўлиниб, ҳар бир отряд ўз участкасида ҳарбир уй, ҳар бир кўча учун қаттиқ туриб жанг қилди. Британияликлар ҳаминиша бир-бирлари билан алоқа қилган ҳолда уч колонна бўлиб ҳужум қилишди.

Қўзғолончилар ҳар бир қадам ерни ўз қонлари билан ювиб, секин-аста шаҳар марказига чекина бошладилар. Ун еттинчи сентябрь куни кечга бориб, яъни штурмнинг еттинчи куни, қамалчилар шаҳарнинг учдан биринигина эгалладилар. Асосий истеҳкомлар: Арсенал, сарой ва Селимгур форти қўзғолончилар қўлида эди.

Макфернейнинг медицинадан хабардор бўлган ёш мусулмон ёрдамчиси снаряд осколкеси тегиб ҳалок бўлди. Шунинг учун энди шотландиялик ёлғиз ўзи ишлар, тўрт кеча-кундуздан бери ухламасди. Ярадорлар борган сари кўпаярди. Жой егишмаганидан энди ярадорларни ерга ётқиза бошлашди; нақшланган поллар қонга беланган эди, санитарлар бўлса янгидан-янги ярадорларни келтиришарди. Енгил ярадорлар жанг майдонидан тўғри келиб, яраларини боғлатардилар-да, яна жангга киришиб кетардилар.

Отишма кечаси ҳам тўхтамади. Барча марказий кўчаларда ва шарқий маҳаллаларда тўплар гумбурларди, кўчалардан югуриб кирган болалар: Арсенал маҳкам турибди, Боғон кўчаси таслим бўлди, жанг энди Катта Мачит олдида бўляпти, деган хабарлар келтиришарди.

Ҳужумнинг саккизинчи куни полковник Гаррис ўз тўпларини Қуролсозлар растасининг бурчагига ўрнатишга буюрди. Бу ердан саройнинг катта биноси ва саройга чап томондан туташган колоинали оппоқ резиденция уйи кафтдек кўриниб турарди.

— Саройнинг чап қаноти ўққа тутилсин! — деб команда берди Гаррис.

Тўп ўқлари саройнинг бурчагига, террасасига, оппоқ бинонинг томига келиб туша бошлади.

Хотинлар ва болалар ҳовлининг ғарбий бурчидаги девор тагига қисилишди. Женнини танийдиган ҳинд хотин Даринат сояга бўйра ташлаб, қизни ёнига чақирди. Сув келтирди-да, ўз нонуштасини Женни билан баҳам кўрди.

Шу куни уйда олов ёқишмади, ҳатто ярадорларга ҳам иссиқ овқат пиширишмади. Даринат Женнининг кафтига бир сиқим қуритилган жўҳори солди.

Жўхори оч сариқ бўлиб, металл маржон каби қатиқ эди. Женни икки-уч донни зўрға чайнай олди. Даринат унга донни аввал офтобда илиган сувда ивитишди, кейин кичкина ёғоч ўғирда майдалашни ўргатди. У қизга ўз челагини берди ва тоза сувни қаердан олишни кўрсатди.

Тушга бориб, ҳовлининг ғарбий бурчига ҳам снарядлар келиб туша бошлади.

— Қудратли парвардигор, бизга раҳминг келсин!..— Хотинлар болаларини бағриларига босиб, у бурчакдан-бу бурчакка чопишар, қаерга бекинишларини билмас эди. Бир снаряд Женнининг ёнгинасидаги тош деворга келиб тегди, девор катта-катта тош бўлакларига парчаланиб, қулади. «Ёрдам беринг!.. Ёрдам беринг!..»— Даринат эс-ҳушини йўқотиб, боласини кўтарганича, ҳовлининг ўртасига чопиб борди. Фонтанга бомба келиб тушиб, мармар ҳовузни бузиб ташлади, сув ҳамма ёққа сачраб, бутун ҳовлини босди. Яна гумбурлаш, қий-чув... Даринат ирғиб тушди, қўлидаги қизчаси чинқириб юборди. Гўдакнинг қорача пешонасидан қон оқарди, чаккасини осколка сидириб кетибди.

— Оҳ, худойим! — деб бақирди хотинлар. Бунга жавобан яқингина ерда тўп гумбурлади, милтиқ отишмаси эшитилди.

— Раҳминг келсин, парвардигор, раҳминг келсин!

Хотинлар йиғлашди. Даринатни боласи билан лазаретга олиб кетишди, унинг кетидан ярасини боғлатишга яна бир неча хотин эргашиб кетди. Женни бурчакда саранг бўлиб ўтирарди. Отишма кучая борди.

— Соҳиблар бизга нон беришмаган эди, мана энди кўрғошинни аяшмаяпти, — деб қарғашарди хотинлар.

Ғишт парчалари, майда шағал, сувоқ кўчкилари ҳавога учарди. Женни қаерга бекинишини билмай, ўзини айвонга урди, мармар устунга суяниб шу ерда ўтирди. Доймо лазарет эшиги олдида эгасини пойлаб турадиган Сам Женнининг ёнига келди-да, эркаланиб оёғи тагига ётди. Ит ҳар сафар ўқ узилганда аста ингиллаб қўяр, бошини кўтариб, нам кўзларини ғамгин қисарди.

— Қўрқма, Сам, жоним, қўрқма! — деб шивирлади Женни ва унинг ялтираб турган қоп-қора жунларини силади.

Анчагина вақт ана шундай ўтди. Отишма бир оз па-

сайди, ammo Сам тобора кўпроқ ингиллар ва Женнига ёлвориб қараб, қиздан худди бир нарсани сўраётгандай бўларди.

«Сувми!» — деди охири тушуниб Женни. У челақчани олди-да, ҳовузга қараб кетди. Боғ деворининг устидан бир-икки ўқ визиллаб учиб ўтди, бирдан Самнинг олатдаги овозига ўхшамайдиган қаттиқ вангиллаши бутун боғни тутди. Женни югурганча кетига қайтди. Лазаретдан яра боғлашни ташлаб, Макферней чиқиб келди. Сам гулдор мовий полда қонини оқизиб унга қарши ўрмалади. У эгасининг оёғи остига бош қўйиб, сўнгги бор хириллади-да, жим бўлиб қолди.

Макферней унинг устига энгашди.

— Британияликларнинг ўқи сени ҳам еди, бечора итим, — деди шотландиялик.

Ҳинд санитар яқин келди-ю, ammo итга тегмади. Унинг зоти бунга йўл қўймасди. Ҳинд узоқдан қараб, раҳми келиб тилини чўкиллатарди. Макферней дўстининг совиб бораётган мурдасини авайлаб кўтарди-да, ҳовлининг бурчагига олиб бориб, тошлар остига кўмди.

— Мана, Шотландияга, уйимизга қайтиб боролмading, Сам, — деди Макферней ити тепасида туриб. — Хўжайининг қайтиб борадими, йўқми, буни ҳам ҳеч ким билмайди.

Эрталаб ҳужум янги куч билан авж олди. Қўзғолончилар почта биносини ташлаб чиқдилар. Катта Мачит ҳали турибди, жанг Катта Майдонда ва Ражрат дарвозаси олдида борарди.

Мусулмонлар бозори майдонида мирутлик суворилар жанг қилишарди. Зич қилиб солинган расталар орасида жанг қилиш отлиқларга жуда қийин бўлди. Британияликларнинг олдинги отряди бозорга олиб борадиган ён томондаги тор кўчалардан бирининг бошига суқилиб кирдилар. Улар ён томондан зарба беришлари ва мирутликларни қуршаб олишлари мумкин эди. Исми номаълум бир сувори, отини тор кўчага кўндаланг ётқизиб, британияликларнинг йўлини тўсди. Бош яланг, бутун аъзойи баданидан тер қуйиб кетган, елкасидан ярадор бўлган бу сувори қиличбозлик қилиб, ёлғиз ўзи анча вақтгача британияликларнинг бутун бир отряди сиқувига бардош бериб турди. Отлиқлар отларини майдоннинг ўртасига ҳайдаб юбордилар-да, пиёда жанг қилишга шайланиб сафландилар. Отлиқлар ботирларча

жанг қилинди, аммо барибир уларни якки томондан сиқиб келган британияликлар енга бошлади. Шундай ёнгинада, қўшни маҳаллада Тўққизинчи Аллигур полки жанг қиларди. Аллигурликлар душман кучларининг умумий жойлашувидан беҳабар, яна почта биноси олдига ёриб ўтдилар ва душманныннг атрофларини ўраб олган устун кучлари ва британияликларнинг тўрт батареяси ўқи остида анчагача қаттиқ олишдилар. «Биродарлар, ўлампиз, аммо таслим бўлмаймиз!..» — сипоҳилар ўз жонажон шаҳарларининг ҳар бир тошини қонлари билан ювиб, унинг учун жон берардилар.

Қўзғолончилар британияликлар штабида офицерлик билимини ўқимаган эдилар. Улар жангда, отлик ва пиеда бўлиб, душман билан юзма-юз жуда яхши урушдилар. Аммо британияликларнинг бирлашиб ягона ҳужум қилиш планига ягона қаршилиқ кўрсатиш планини қарши қўя олмадилар. Деҳлининг қаҳрамон химоячилари ягона раҳбарликсиз, алоҳида қисмлар ўртасида алоқа ўрнатмай, шаҳарнинг ҳар томонида қаҳрамонона жанг қилдилар ва қаттиқ жангда аста-секин шарқий маҳаллаларга чекиндилар.

Куннинг ярмига бориб, Ҳиндистон банкининг биноси қўлдан кетди, жанг энди Кумуш Бозорда борарди.

Полковник Гаррис бир оз танаффусдан кейин оқ бинони яна тўпга тутишга буюрди.

— У ерда роса ўжар ҳиндлар жойлашиб олганга ўхшайди!— деди у, ёрдамчиси капитан Бедфордга.— Уларни тўп ўқи тутуни билан қувиб чиқариш керак.

Яна резиденция ҳовлисига снарядлар чийиллаб уча кетди. Тўпларнинг ўқ узишидан ер титрарди; Гарриснинг тўплари ёнига янгилари қўшилган эди.

Снарядлар ҳовли юзига терилган тошларни қўпориб ташлади. Хотинлар ва болалар бинонинг ичкарасига қочиб кирдилар.

Тўпдан отилган бомба бинонинг томини тешиб кетди. Уйдаги барча эшиклар шақирлаб, деворларнинг сувоқлари кўчиб тушди.

— Қутқаринглар!.. Қутқаринглар!— иккинчи қаватга яширинган одамлар пастга югуришди.

Тўплар яна гумбурлади... Кейинги снаряд уйнинг бурчагини ўпириб кетди. Хотинлар ўзларини қаёққа уришларини билмай, айвонга отилдилар, бу ердан ярадорлар ётган пастки залга чопиб тушдилар.

Бирдан шундай дераза тагида тасир-тусур милтик овозлари эшитилди. Ҳатто ярадорлар ҳам бошларини кўтардилар. Боши боғланган баланд бўйли бир ярадор койкасидан турди-да, деразадан қаради.

Катта залнинг деразаси сарой дарвозасига олиб борадиган кўчага қараган эди.

— Қаранглар, қаранглар!— деб бақирди, бир хотин дераза олдига чоғиб кела туриб. Унинг орқасидан дераза олдига Женни келди. Бурчакдан эшитилаётган олатасир милтиқ овозлари яқинлашиб келар, сипоҳилар жон-жаҳдлари билан отишиб, кўчани қияламасига кесиб ўтардилар. Женни нима бўлаётганига тушунмай, оқариб-бўзариб, ойна солинмаган деразанинг панжарасига ёпишди. Отишма бадтар зўрайди, жуда ҳам яқиндан шовқин-сурон эшитилди. Шу пайт боши боғланган новча сипоҳи шартта ўрнидан туриб, йўлакка қараб юрди. Макферней қўлидаги бинтларни ташлаб, унинг орқасидан югурди.

— Мумкин эмас!— деб қичқирарди шотландиялик.— Мен йўл қўймайман!.. Ҳали ярангиз битгани йўқ!.. Мумкин эмас!..

Аммо сипоҳи аллақачон резиденция дарвозасидан чоғиб чиққанди. Бу Инсур эди. У ўнгга, чапга аланглаб, аҳволни дарров билиб олди. Қўзғолончиларнинг катта колоннаси британиялик солдатлар сиқуви остида шоҳ саройининг дарвозаси томон чекинмоқда. Британияликларнинг иккинчи бир отряди чекинаётганларнинг йўлини тўсиш учун ёнбошдаги кўчадан яқинлашиб келарди. Нима қилиб бўлса ҳам ана шу иккинчи отряднинг йўлини тўсиб, сипоҳиларнинг сарой девори панасига ўтиб олишларига ёрдам бериш керак эди.

Икки-уч сипоҳи отиша-отиша унинг ёнидан чоғиб ўтди. Бири кўкрагидан оғир ярадор бўлиб, Инсурнинг оёғи остига йиқилди, карабини қўлидан тушиб кетди.

— Сипоҳилар, менинг орқамдан!— деди Инсур ердаги карабинни олиб ва кўчани қирқиб ўтиб, олдинга ташланди.

— Биродарлар, менинг орқамдан!

Қўзғолончиларнинг катта бир группаси унга эргашди. Бурчакдан чиқиб келаётган британиялик солдатлар қўққисдан ўқ ёмғирига дучор бўлдилар, қаршиларида найзалар ялтиради. Британияликлар келаётган ерларида таққа тўхташди ва кетларига бурилишди.

Женни ҳамон дераза олдида қараб турарди. У Инсурнинг озгина одам билан британияликларнинг катта отрядини сиқиб қўйганини, британиялик солдатлар саросимага тушиб, тўс-тўс бўлиб қоча бошлаганини, Инсур душмани борган сари нари қувиб бораётганини кўрди. Муюлишда у бир зумгина сипоҳининг юзини кўра олди; яқиндагина яраланганидан ранги оқарган бўлса ҳам, унинг юзида қатъият, мардлик акс этиб турарди.

«Эй, худойим!— деди Женни.— Булар қандай урушади-я!.. Улар бизни нақадар ёмон кўришади-я!».

— Дикқат, Дик! Анави ерда қандайдир силжиш кўринапти. Қарагин-а!

Гаррис дурбинни капитан Бедфорд қўлидан олди.

У сипоҳилар отряди британиялик солдатларни суриб келаётганини, уларни ёндаги кўчага ҳайдаётганларини кўрди.

— Булар қаёқдан чиқиб қолди?

— Резиденция биносига яширинган бўлишса керак. Афтидан, у ерга кўзғолончиларнинг асосий резерви яширинган.

— Ҳа, тўғри айтасан, Генри.

Полковник Гаррис ўз тўпларини бирмунча ўнгроққа олиб ўтишни буюрди.

— Резиденциянинг катта уйига қарата ўқ узилсин!

Сержант Жонсон полковникнинг ёнига иккиланиб келди.

— Рухсат этсалар, сэр!

Сержант қаддини ростлади, Гаррис унинг юзида норизоликка ўхшаш ифода ўқиди.

— Рухсат этсалар, сэр... Айғоқчиларнинг берган хабарига қараганда бу бинода фақат хотинлар ва болалар бор... Шунингдек, ярадорлар, сэр...

Гаррис елкасини қисди.

— Жонсон, бу ҳақда менга ахборот беринг деб сиздан ҳеч ким сўрамаган эди-ку.

Резиденциянинг чиройли биносини артиллерия сурункасига бир неча соат ўққа тутди.

Бино томининг тўрт жойидан катта тешик очилди.

Фонтан суви ярадорлар қонига бўялиб оқарди. Сочлари пахмайган, кўзлари киртайган, кўйлаклари йиртилган Женнини аламон орасида ажратиб бўлмас эди.



Даринат ярадор қизчасини қўлига олиб, Женнинг ёнига ўтирди-да, елкасидан қучоқлади.

Ана шунда, айвоннинг зинапоясида титраб-қалтираб, ҳинд хотиннинг пинжига суқилиб, ўлаётганларнинг дод-фарёди, снарядларнинг портлашини эшитиб ўтириб, Женни Лела-Пандининг «Британияликларинг ана шунақа» деганига тушунди.

Кундуз соат учларга бориб, резиденциянинг бир неча жойидан тешилган тош дарвозаси емирилиб тушди.

Британияликлар бир неча ўнта қўрққан, бир ерга руж бўлиб олган хотин-қизларни, йиғлаётган болаларни, ҳовли юзида ўлаётган элликка яқин ярадорни қўришди.

— Юра оладиганларининг ҳаммасини тўплаб, конвой билан христианлар черкови олдига ҳайдаб борилсин!— деб буйруқ берди Гаррис.

Асир хотин-қизлар, болалар билан унинг ўзи шуғулланмади; ҳозиргина Вильсондан келган отлиқ чопар унга генералнинг янги буйруғини келтирди:

«Ихтиёрингизда бўлган ҳамма тўпларни жангнинг бир участкасига, ўнг қанотга қаратинг; марказий ўт, шоҳ саройига йўналтирилсин».

Гаррис Бедфордни қўшни батареяга юбориб, ўзи тўпларини янги участкага ўрнатишга бошчилик қилди.

Британия солдатлари икки қатордан давра олиб, бир группа асирларни христианлар черкови томонга олиб кетдилар.

— Тезроқ юришсин!—деб буюрди Гаррис.—Ким кейинда қолса, адабини беринглар.

Кейин у ўз тўплари билан шуғулланди.

Қирқ минутчадан кейин сержант Жонсон қайтиб келиб, хабар қилди:

— Асирларнинг ҳаммаси христианлар черкови олди-га олиб борилди, сэр!

Фақат шаҳар учун жанглар тамом бўлгачгина полковник Гаррис христианлар черкови олдига олиб борилган асирлар орасида Британия фуқароси, унинг ўз қизи Жеральдина Гаррис ҳам борлигини билди.

СЕЛИМГУРДАН БЕРИЛГАН СИГНАЛ

Ҳужумнинг тўққизинчи куни Арсенал қўлдан кетди. Шаҳарнинг бутун жанубий қисми ва Катта Мачит таслим бўлди. Аймер, Туркман, Деҳли дарвозалари тагига британиялик соқчилар қўйилди. Эндиликда Баҳодиршоҳ саройига ўрнашиб олган бир неча юз сипоҳигина қаршилиқ кўрсатарди. Шунингдай, сарой девори ёнидан оқиб ўтган дарё ўртасида бўлган кичкинагина оролдаги қадимий Селимгур қалъасигагина британияликлар аввалгича тўп отиб зарба беролмасдилар.

Баҳодиршоҳ аллақачон жанубий дарвоза орқали шаҳардан қочиб кетган эди. Саройга ўз отряди билан Инсур-Панди кириб олди.

Сипоҳилар ҳовлининг ўртасидаги катта фонтан ёнига жойлашдилар.

Иккита кучли батарея тўрт кеча-кундуздан бери машҳур саройнинг тўқ қизил баланд деворини тинмай ўққа тутарди.

Иигирманчи сентябрь тонги отди. Сарой ҳамон қаршилиқ кўрсатарди.

— Нима қилиб бўлса ҳам бино қуршаб олинсин ва қўзғолончилар тириклайин қўлга туширилсин!—деб буйруқ берди генерал Вильсон.

Саройнинг икки дарвозаси бўлиб, биридан шарқ томонга—Жамна қирғоғига, иккинчисидан ғарбга—душман томонга чиқиларди.

Беш юзга яқин киши саройнинг баланд девори орқасига бекиниб олишган: булар Уттиз саккизинчи полkning омон қолган сипоҳилари ва икки юзга яқин Бенгал тўпчилари эди.

Инсур саройдаги қадимий мис замбаракларни ғарбий дарвоза тагига судраб келиб, йўлни ичкаридан тўсишга буюрди.

— Сўнгги нафасимизгача олишамиз!—деди Инсур.

Инсур британияликларнинг оғир тўпларига бир неча юз ҳориб чарчаган кишиларни, тўртта эски мис замбаракни, нафаси ўчган милтиқларни (чунки порох таслом бўлган эди), сабот-матонатни, қўзғолончиларнинг ўлсак ўламузу, таслим бўлмаймиз деган муқаддас сабот-матонатинигина қарши қўя олар эди.

Икки катта батарея дам олмасдан, тўхтовсиз равишда муҳташам бинони ўраб турган, катта-катта қизил харсанглардан тикланган баланд деворни ўққа тугтарди.

Инсур-Панди кенг ҳовлидаги жим турган тўплар орасида у ёқдан-бу ёққа югуриб, сочилиб ётган сўнгги карабинларни йиғиб оларди. Яқинда яраланганидан иситма баданини ўтдай ёндираар, юзлари қорайиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди.

Кекса шоҳнинг махфий суҳбатхонаси—Девони Хоснинг нақшланган тош полида ярадорлар инграб ётишар, кенг мрамр зинапоя ўлганлар билан тўлган эди.

Тўпларни яқинроққа судраб келишди, иккала батарея яна янгидан саройнинг деворларига, томига баҳайбат гумбазларига, мрамр айвонига ўт ёғдира бошлади.

Британияликларнинг катта отряди дарё томондан саройга кириладиган йўлни тўсиш учун ён томондан кела бошлади.

Лалл-Синг томдаги кузатиш постида навбатчилик қиларди.

— Инсур, улар дарё томонни тўсиб қўйишяпти!—деб бақирди Лалл-Синг.—Улар дарё томондан келишяпти, мен эса олдинда келаётган лаънати соҳибнинг бошини отиб мажақлолмайман ҳам!..

Британияликларнинг қўпоровчи отряди катта дарвозага қараб чошиб келарди.

— Ҳозир дарвозани портлатиб юборадилар,—деди Инсур.

У сигналчини бинонинг минорасидаги гелиоскопга чиқариб юборди.

Ҳаво очиқ, кун иссиқ, қуёш тиккага келиб қолган. Селимгур фортининг минорасидан саройга форт бошлиғи Чандра-Синг қараб турарди.

Лела унинг ёнида. Штурмнинг биринчи куниёқ отаси унга фортга кетишни буюрган эди.

Кун ёруғида сарой минорасидаги қуёш телеграфининг гардиши айланди.

«Биз қуршовда қолдик!»—деб сигнал берди қуёш ёғдусида чақнаб турган гардиш.

— Саройнинг боғида ер ости йўли бор!—деб қичқирди Лела.—Уларга айт, Чандра-Синг. Тезроқ хабар қил, дарёнинг ёнгинасида эшикча бор.

Чандар-Синг ўзи асбоб ёнига югурди.



Қўпоровчилар отряди сарой дарвозаси тагига келиб қолган эди. Британияликлар хандақ устига қўйилган ходалар устидан югуриб ўтишарди (бу ходаларни олиб ташлашни сипоҳилар унутмишган эди).

Британиялик бир лейтенант олдинда пилик кўтариб чопар, яна бир лейтенант порох ва портлатгич труба солинган сумкани олиб келарди.

Шу пайт жавоб сигналини кўрган Лалл-Синг минорадан:

— Селимгур форти гапиряпти! — деб қаттиқ қичқирди.

«Ер ости йўли билан чиқинглар! — деб сигнал берарди форт. — Биз қирғоқ бўйлаб чекинаётганларни пана қилиб турамыз».

— Лалл-Синг, одамларни олиб чиқ! — деди Инсур. — Мен дарвоза олдида қоламан.

Биринчи лейтенант дарвоза тагига порох кўмди. Иккинчиси пиликни тутатиб, нари қочди.

Аланга лоп этди-ю, портлади, саройнинг гарбий дарвозаси парча-парча бўлиб кетди.

Аммо у дарвозанинг орқасида баррикада қуриб, ичкаридан тўсиб қўйилган яна бир дарвоза бор эди. Инсур йўлни тўсиб турган бронза замбарак устига энгашган ҳолда эшикдан кўзини олмай, карабинини тайёр тутиб турар, дарвозага биринчи бўлиб кирган киши учун унинг битта ўқи қолган эди.

Сипоҳилар ҳовлидаги майда иморатлар нарёғида, чим билан ярим бекитилган тош олдида уймаланишарди. Тош кўтарилиб, одамлар ер остидаги қоронғу ва зах йўлга бирин-кетин туша бошладилар.

Сипоҳилар туртинишмай, шовқин-суронсиз ер ости йўлга тушиб борардилар. Ҳаёт учун бўлган бу навбатда ҳеч ким олдин ўтишга ҳаракат қилмас, бир-бирини итармас эди.

Иккинчи дарвоза милтиқларнинг қўндоғи зарбидан ларзага келди.

Сигналчи ёш сипоҳи ҳовлидан энг кейин чолиб ўтди.

— Ҳайдар, бир оз шошма! — деди унга Инсур. — Минорага чиққин-да, Чандра-Сингга сигнал бер, мен айтиб тураман.

Ҳовли бўшаб қолди. Сарой минорасидаги гардиш ярқираб айланди.

Чандра-Синг сигнални қабул қилди. Унинг чечак чўтир қилиб кетган юзи мурдадай оқариб кетди.

«Яна йигирма минут кутинглар! Кейин ўз тўпларин-гизни биз томонга буриб, саройни тўпга тутинглар!»

Дарвозадан биринчи бўлиб британиялик лейтенант чошиб кирди. Бронза замбаракка суяниб турган новча сипоҳи лейтенант қаршисида тик кўтарилди. Шошмасдан мўлжал олиб, сўнгги ўқни лейтенантнинг нақ пешонасига михлади.

Британия солдатлари ҳовлига сочилиб кетдилар. Улар дарвоза олдида боши ёрилган ҳолда ётган сипоҳини босиб ўтардилар. Кенг ҳовли деярли бўш эди. Тўхтаб қолган фонтан олдида бир неча ўлдирилганлар ётарди. Рангба-ранг гуллар солиб нақшланган Девочи Хоснинг ҳашаматли зали қонга бўялган. Солдатлар зали тинтидилар. Улар қиммат баҳо буюмлар ахтарардилар, аммо улар на бирор нақшинкор тошни, на бирор гулдор мармар колоннани олиб кетолмасдилар. Бу зали Темур авлодлари азиз меҳмонларни қабул қилиш ва базмлар учун қурган эдилар. Залнинг деворига форс тилида олтин ҳарфлар билан жимжимадор қилиб: «Агар дунёда жаннат бўлса, ўша жаннат мана шу, мана шу, мана шу» деб ёзилган эди. Бу хатлар остида ўлаётганлар тошларни тирнардилар.

Отряд бутун ҳовлини эгаллади. Қироликнинг ўқчилари эндигина катта фонтан атрофига жойлашишган ҳам эдики, ҳовлининг ўртасида граната портлади, унинг кетидан яна бири келиб тушди, кўп ўтмай саройга ёриб кирган отряднинг ярмидан ортиғи қирилди.

Бу гранаталарни Чандра-Синг Селимгур фортидан отарди. Чандра-Синг ўз бошлиғи Инсур-Пандининг буйруғини бажариб, саройни тўплардан ўққа тутарди.

Қирқ учинчи боб

ПАНДИ ҚАНИ?

«Тўрт ой мобайнида бутун Ҳиндистонни йўлдан оздириб, васвасага солиб келган, исён ва хиёнатнинг ўчоғи бўлган Деҳли, исёнчи Бенгал қўшини ўз кучларини тўплашга уринган қалъа, ниҳоят, биз томонимиздан олинди. Деҳли ҳокими ўз саройида асир бўлиб турибди».

Генерал-губернатор лорд Каннинг бир кун ўтгач, Ҳиндистондаги Британия фуқароларига қарата чиқарган мурожаатида ана шундай деб ёзди.

Деҳли ҳукмдорини Ходсон олиб келди. Қалъа ишғол қилинган куннинг эртасига у майор даражасига эришди, генерал унга ташақкур айтиб, ана шу масъулиятли топшириқни берди. Ходсон қочиб кетган Баҳодиршоҳни қалъадан бир неча ўн миль жанубдаги қадимий катта Ҳумоюн мақбарасининг тош биноларидан топди.

Майор мақбарага отрядсиз, икки ҳамроҳи билангина келди-да, шоҳга элчи киритди.

— Ўз ихтиёринг билан бизга таслим бўл, Баҳодиршоҳ, — дегин деди Ходсон элчига, — британияликларга ўз ихтиёринг билан таслим бўлсанг, жонингни сақлаб қоламиз.

— Бу гапларни Ходсон соҳибнинг ўзи келиб менинг олдимда айтсин, — деб талаб қилди кекса шоҳ.

Ходсон бунга рози бўлди.

У шоҳнинг олдига соқчисиз ёлғиз ўзи кириб, генералнинг ваъдасини такрорлади.

Бир неча соатдан сўнг устига кимхоб парда ёпилган тахтиравон ва усти берк бир неча аравадан иборат мол-жонга бой қарвон Деҳлининг Лахор дарвозасига етиб келди. Шоҳнинг хотинлари, хизматкорлари араваларда ўтиришарди. Қарвонни отлиқ мусулмон соқчилар қўриқлаб келишарди. Барча соқчилар ўртасида фақат битта европалик — новча Ходсон бор эди, у асирнинг ёнида отда келарди.

Ҳаммалари дарвоза олдида тўхташди.

— Тахтиравондаги ким? — деб сўради Ходсондан соқчиликда турган офицер.

— Деҳли шоҳининг ёлғиз ўзи, — деб жавоб берди.

Соқчилар Ходсонни уч марта «ура» дея қичқириб табриклашмоқчи эди.

— Керак эмас, — деди Ходсон. — Чол булар мени табриклашяпти, деб ўйламасин яна.

У ўз асири билан бомбардимон натижасида вайрон бўлган Кумуш Бозоридан ўтди ва сарой дарвозаси олдида шоҳни граждан соқчиларига топширди.

Шоҳнинг ўғиллари ва набираларини олиб келиш учун Ходсон Ҳумоюн мақбарасига эртасига кичкинаги-на отряд билан келди.

У ишни ворисларнинг мулозимларини қуролсизлан-тиришдан бошлади. Мақбаранинг тор гиштин иморатларига суқилиб, изтиробда ўтирган малайлар ҳеч қандай қаршиликсиз қуроллари-ни топширишди. Ходсон шоҳнинг барча ўғил ва набираларини, шу жумладан энг

катта ўғли Мирза Мўғулни ҳам иккита усти берк аравага ўтқазиб, Деҳлига олиб боришга буюрди.

Аравалар ярим йўлда тўхтади. Ходсон шахзодаларнинг ҳаммасига аравадан тушишни буюрди. Улар етти киши эди. Ходсон уларга ечинишни, камарларини, ханжарларини, устки кийимларининг ҳаммасини ечишни буюрди. Шахзодалар титраб-қақшаб бўйсундилар. Ходсон яқинроғида турган бир солдатнинг карабинини олди-да, ўз қўли билан еттиталовини, шу жумладан тахт ваъда қилинган Мирза Мўғулни ҳам отиб ташлади.

Шундай қилиб, майор Ходсон бир зарб билан Деҳли тахтининг валиаҳдларини тугатди ва Темур авлодлари сулоласига хотима берди.

Генерал Вильсон майорни тезкорлиги ва қатъийлиги учун мақтади ва жанубга томон кетган исёнчиларни таъқиб этиш учун британиялик отлиқлардан иборат катта отряд берди.

Аммо Ходсон генералнинг мақтовидан хурсанд бўлмади. Қотма соҳиб Пандини, энг катта Пандини ахтарар, аммо ҳеч тополмасди.

«У қани?.. Бошқалар қатори Деҳли кўчаларида ҳалок бўлдимиз, қочишга улгуриб, бошқа бирон ерда жанг қиляптими?..»

Вильсоннинг чодирда, штаб офицерлари даврасида Ходсон керилиб, Британия офицери сифатида сўз бериб айтманки, уни албатта топиб ўлдираман, деган эди.

Ана шу Пандининг боши елкасидан жудо қилинмас экан, қўзғолон кўтарган бошқа пандиларнинг ҳаммаси, Ҳиндистоннинг шимолидаги, жануб ва шарқдаги барча исёнчилар ўзларини жазоланмаган деб ҳисоблайдилар.

— Тўп оғзига қўйиб отиш унга жуда ҳам боп тушди, — деди Ходсон. — Мен энг паст зотлик ҳиндини топиб, унинг бўйнига арқон солишни буюраман ва дорга осдириб, оёқларини типирлатишини ўзим томоша қиламан.

Шу кунларда Деҳлидан жануброқдаги ва ғарброқдаги кўп ерларда — Агра, Жалоли, Роҳилқандда қаттиқ тўп отишмалари эшитилиб турарди. Юз минглаб пандилар Ҳиндистон далаларида она ватанларини озод қилиш учун жанг қилардилар; эҳтимол Инсур-Панди ҳам ўшалар орасидадир?..

— У мендан тириклайин ҳам, ўлиб ҳам қочиб қутулолмайди, — деди майор. — Панди дордан қочди, лекин барибир осилишдан қутулолмайди.

Ходсоннинг одамлари шаҳарнинг барча бурчакларини ва саройни тити-пити қилиб чиқишди. Панди ҳеч қачонда йўқ эди, ёки улар уни топа билмасдилар.

Шаҳарда пандиларнинг ўлиги шу қадар кўп бўлиб, ҳаммаси бир-бирига ўхшарди.

Ходсоннинг ишончли сержанти саройдаги биноларни ва ҳовлини бир неча марта айланиб чиқди.

У Пандини тополмади, аммо чеккадаги дарёга қараган деворнинг ёнида ертўла эшигига ўхшаш ҳалқали тош тахта ва сочилиб ётган чимми кўрди.

Сержант тош тахтани кўтарди. Ер остидан кишиларнинг инграган овози эшитилди.

Сержант навбатчи офицер ёнига чопди.

Қирқ тўртинчи боб

ИСМИ НОМАЪЛУМ СОТҚИН

Майор Ходсон шаҳарнинг энг катта кўчаси — Кумуш Бозорда устига чиройли гилам ёпилган айвончада ўтирарди.

Ходсоннинг ўнг томонида муллалар, оппоқ соқолли шоҳи саллалари савдогарлар, мартабаси баланд фуқаролар туришарди.

Орқада соҳибга фахрий соқчи қилиб тайинланган сикхлар отряди ўз бошлиғи билан саф тортган.

Майорнинг чап томонида қўрқувдан ранги бўзарган ёш бир сипоҳи турибди.

— Қара! — деди унга қотма соҳиб. — Яхшилаб қара, сипоҳи!.. Бош Пандини ўтказиб юборсанг осиласан. Топиб кўрсатсанг шарафли ўлимга муяссар бўласан — тўп оғзига қўйиб отдираман.

Сипоҳи тикилиб қарарди. Кўзлари жимирлашиб кетди. Унинг олдидан ўтаётган пандилар шу қадар кўп эди. Энг катта Пандини қандай топиш керак?..

Асирларни катта кўчадан, майорнинг олдидан ўнчадан қилиб боғлаб олиб ўтмоқдалар.

— Қара! — дерди майор сипоҳига. — Пандини кўрсатиб бермасанг осиласан!

Ходсон-соҳиб Ҳиндистонни яхши биларди. У бугун эрталабдан бери шу сипоҳи билан овора бўлди. Осон гап эмас.

— Биз ҳеч кимга шафқат қилмаймиз! — деди Ход-

сон. — Сиз қўзғолончилар ҳаммангиз қатл қилинасиз. Тирик қолгинг келади-ми? Бош Пандини менга кўрсат, ҳаётингни сақлаб қоламан.

Йўқ! Сипоҳи ўз ҳаёти учун биродарларини кўрсатиб бермади.

Аммо майор Ходсон Ҳиндистонни билади.

— Сен браҳмансан,— деди майор.— Сен учун дор тайёр! Паст зотдаги меҳтар сени осади, ўлганингдан кейин ҳам руҳинг ҳеч қаердан ҳаловат топмай, ер юзида саргардон кезиб юради.

Сипоҳи титраб кетди.

— Ундай қилма, Ходсон-соҳиб!— деди сипоҳи.

Ҳинд учун осилиб ўлиш — энг ёмон ўлим. Худодан юз ўнгирганларгина шундай ўлиши мумкин.

— Менга яхшироқ ўлим бер!— деб ялинди сипоҳи.— Мени тўп оғзига қўйиб от, Ходсон-соҳиб! Ўлганимдан кейин руҳим ором олади.

— Шунга яраша хизмат қил! — деди Ходсон. — Биз бош исёнчинларни ўликлар орасидан ҳам, тириклар орасидан ҳам тополмаяпмиз. Бизга Пандини, исёнчиларнинг бошқа бошлиқларини кўрсатиб бер, яхши ўлим берамиз. Тўп оғзидан шарафли ўлим топасан.

Сипоҳи бошини қуйи солди.

— Хўп, мен уни ахтараман, соҳиб.

Алданган бечора сипоҳи ўз ҳаёти учун эмас, яхши ўлим топиш учун шерикларини айтиб бермоқчи бўлди!

Мана, у пешайвонда, майорнинг чап томонида олди-ларидан олиб ўтилаётганларга қараб турибди.

Сипоҳининг орқасига қайириб, арқон билан боғланган қўли титрарди. У олиб ўтилаётганларга қарар ва назарида, ақлини йўқотаётганга ўхшарди.

Асирларни ер остидаги даҳмалардан ўнталаб олиб чиқар, ўнови ҳам битта узун арқон билан боғланган эди.

Улар эллик саккиз соат қоронғу, зах ер ости йўлида жой торлигидан қисилишиб, ҳаво етишмаганидан нафаслари бўғилиб ётишди. Булар ер ости йўлига энг кейин тушган ва Селимгурга етолмай қолган сипоҳилар эди.

Портлаш натижасида фортга чиқадиған йўл ўпирилиб тушган ва охириги бир юз йигирма киши қоронғу ер ости йўлида қамалиб қолган эди.

Ходсон уларни ўша ердан топди, энди битта ҳам қўймай ҳаммасини дорга олиб кетишяпти.

— Бошлиқлари бир ёққа ажратилсин! — деб буюрди генерал, шунинг учун майор Ходсон исёнда бошчилик қилганларни ахтармоқда. Бошқаларига ибрат бўлсин учун уларни алоҳида қатл қилишмоқчи.

Сипоҳиларни ўнта-ўнта қилиб олиб чиқиб, майорнинг олдидан майдон томонга олиб ўтишарди.

Уйқусиз тунлар, мудофаа ва жанг машаққати, ер ости йўлидаги оғир аҳволдан кейин сипоҳилар маст кишидек гандирақлашар, кўзлари мудрарди.

— Кулинглар! — деб буюрди уларга майор-соҳиб.

У сипоҳиларни қулдириб, Пандини, бош Пандини уқаланиб кетган тишларидан таниб олмоқчи эди.

Сипоҳилар тишларини кўрсатиб, кулиб ўтар, телбалардек осилишга кулиб борардилар.

Ходсон пешайвонда ўтириб, ҳар бир кишининг юзига диққат билан қарарди.

— Хал-ло-о! Ходсон-соҳиб! — деб кулиб қаршиларди сипоҳилар уни.

Лаънати ҳиндлар, ўлимдан ҳам қўрқинмайди!

— Хал-ло-о!.. Ходсон-соҳиб!..

Уларнинг яланг оёқлари оҳангга мослаб ташланарди: бир арқонга боғланган ўн киши ана шу оҳангга барабар муқом қилишарди.

Жин-га-жи, жин-га-жи,

А-ло-о, жин-га-жи...


Группа кетидан группа ўтиб борарди, кўчалар бўм-бўш, сикхлар жимгина орқада туришибди; шаҳар жонсиздек, ҳатто майорнинг ўнг қўлидаги савдогарлар ҳам жим.

— Хал-ло-о!.. Ходсон-соҳиб!..

Сикхлар орқада қовоқларини солиб туришибди, олдинда узунчоқ чўққи қалпоқ кийган, ҳамма ёғига минчоқлар қадаб ташлаган, қора соқолли бошлиқлари.

— Ҳа, Панжоб сикхлари!.. — деб қичқиришарди кўчадан ўтиб бораётган сипоҳилар. — Сизларни ҳам осилиб кетаётганларида маъбудангиз Девони ёрдам берармикин?

Сикхлар индашмади. Уларнинг соқол босган юзлари қоронгу Эҳтимол, улар 48-йилни, Мултоннинг олининини эслашаётгандир?



деб ўйинга тушишарди маҳкумлар.

Мана, олдинда арқонга боғланган ёш бир йигит келмоқда. Оғзини катта очиб хахолаб кулади, кўзлари чақнайди. Лалл-Синг майор буюргани учун кулаётгани йўқ. У арқонга боғланган ҳолда кулиб, рақс тушмоқда.

Бу кулги ва ана шу чақнаб турган кўзларни шаҳардагилар билишади.

— Исёнчиларнинг бошлиқларини айт! — деб буюрарди майор ёнидаги сипоҳига.

Таппифуруш ҳам савдогарлар ўртасида турибди. Ана шу кулаётган сипоҳи ўзини бозордан ҳайдагани унинг эсида. Таппифуруш майорга эгилди:

— Анавини ушла. Ходсон-соҳиб!..

— Ажратилсин!.. — деб буюрди майор.

Лалл-Сингни олиб кетишди.

Группа кетидан группа ўтиб келмоқда.

— Панди қани? Энг катта Панди! — деб талаб қиларди майор.

Майорнинг чап қўл томонидаги сипоҳи қўрқувдан оқариб кетган. Панди йўқ, у Пандини тополмайди. Панди ўликлар орасида ҳам, тириклар орасида ҳам йўқ.

— Уни қандай топиб бўлади? У шайтон... Дев... — деб пичирлашарди савдогарлар.

Муллалар оппоқ қошлари остидан диққат билан тикилишади.

— Йўқ, булар орасида Панди йўқ.

— Шайтон! — деб пичирлашади муллалар. — Сувнинг тагига тушиб кетган, ёки тутунга айланиб, тўпининг оғзига кириб олган.

Ана арқонга боғланган мовий кўзлик, ўрта бўйли киши келяпти, у бошқалар қаторида ака-укалардек бўлиб кетган. Макферней ер ости йўлига энг кейин тушган эди, мана энди уни ҳамма қатори қатл қилишга олиб келяптилар. Макфернейнинг бурда-бурда бўлиб кетган оқ шляпаси оппоқ сочларига қўндирилган; азоб чеккан юзида ташвиш сезилиб турибди. Савдогарлар уни танишди-ю, индашмади. Савдогарлар муллаларга қарашди, муллалар ҳам индашмади. Бу ҳаким — муҳим одам, у уларнинг ярадорларини шифолади. Ҳатто муллаларнинг

ҳам Макфернейни кўрсатиб бергилари келмайди. Аммо майорнинг чап қўлидаги сипоҳи бир қадам олға босди.

— Панди қани? Бизга Инсур-Пандини кўрсат! — дейди майор. — Бўлмаса дорга осиласан.

— Мен сенга бошқасини кўрсатаман, соҳиб. — деб шивирлади сипоҳи. — Яхши ўлим ваъда қилганинг учун мен сенга бошқасини кўрсатаман. Ана сенинг ўз халқингдан бўлган одам келяпти, соҳиб, сен эса уни бошқалардан ажрата олмаяпсан!..

— Европалик?.. Манфур сипоҳилар ўртасида-я? Европалик одам исёнчилар ўртасида нима қилиб юрибди?.. — Ходсон Пандини ҳам унутди. Унинг ишораси билан Макфернейни ҳам ажратиб олиб кетишди.

«Жин-га-жи, жин-га-жи» — деб рақсга тушишарди маҳкумлар. Мана ҳаммаси ўтиб бўлди. Улар орасида Панди йўқ.

— У дев! — деб пичирлашарди савдогарлар. — Шайтон!..

Қирқ бешинчи боб

МАХФИЙ БУЙРУҚ

Шаҳардаги уйлар қоронғу, кечқурунлари чироғ ёқишмайди. Эрталаб хонаки тегирмонларнинг тоши айланмайди.

Ўлдирилган ҳўкиз ва хачир гўштини ея бериб, мушуклар семириб кетган.


Катта майдондаги гранитдан қилинган қатл тахтасида етти ўлик ётибди: булар шоҳнинг ўғиллари ва неваралари бўлиб, Вильсоннинг буйруғига кўра шаҳар аҳолисини чўчитиш учун қўйилган.

Йиғиштириб олинмаган мурдаларнинг сассиғи бутун Деҳлини тутиб кетган.

«Бўйсунмаганлар жазолансин! — деб буйруқ берди Вильсон. — Фитначиларга ҳомийлик қилганлар, исёнчини уйига яширганлар раҳмсиз равишда ўлдирилсин».

Деҳлининг бир неча ўн миль атрофидаги деҳқон қишлоқлари ёндириб, вайрон қилинди.

«Бизнинг қўшинларимиз қилган ваҳшийликни кўрсанг юракларинг эзилиб кетади, — деб ёзди бир инглиз чиновниги Жон Лоуренсга. — Талашда бўлса Нодиршоҳдан ўтиб кетдик».



Сурункасига бир неча кунгача туш пайтлари тўп отиб салют берилди. Ялангликда акси садо бериб янграган тўп садолари қалъанинг енгилгани ва инглизларнинг ғалаба қозонганини хабар қиларди.

Шаҳардаги барча мусулмонлар шохнинг ўлдирилган ўғилларига хайрихоҳ деб шубҳа остига олинди. Мусулмон оилаларнинг ярмиси бир неча кунда Деҳлидан чиқариб юборилди.

Британиялик солдатлар қудуқларни ўпиришар, тегирмонларни портлатишар, дўконларни ёндиришар, ибодатхоналарни булғатишарди.

Ўлдирилган ҳар бир британиялик солдат учун минглаб ҳинд қатл этилди. Шаҳарнинг ўн икки араваси ўн кеча-ю ўн кундуз эрталабдан ярим кечагача қатл қилинганларнинг мурдасини ташиди.

Дор тагига тахта супа қуриб ўтирмаслик учун қатл қилишда филлардан фойдаланишди. Фил ҳукм қилинганларнинг бир группасини елкасида тўппа-тўғри сиртмоққа олиб келарди.

Шаҳар ташқарисидagi майдонда тўплар қатор қилиб қўйилган. Сипоҳини ўқланган тўп олдига келтириб, орқаси билан тўпнинг оғзига боғлашарди-да, офицернинг командаси билан отиб юборишарди.

Қувноқ сипоҳи Лалл-Сингни шундай отишди.

Тўп олдида Лалл-Синг ўзи келди. Боғлаб қўйишмоқчи эди, у арқонни қўли билан четга сурди.

— Керак эмас! — деди Лалл-Синг.

У елкасини тўп оғзига тутди-да, майдонда саф тортган қўшинга кўз югуртириб чиқди.

— Сипоҳилар! — деди Лалл-Синг. — Ҳамнафас биродарлар!.. Ҳиндлар, мусулмонлар, махраттлар!.. Катта жангга тайёрланишлар! Менинг ўлимим ёдингларда бўлсин.. Эй, келгиндилар, сизлар эса огоҳ бўлинглар!..

Офицер команда берди, тўп отилди, Лалл-Синг турган жойда бир неча қон доғи-ю, куйган кийимининг латта-путталаригина қолди.

Жазога ҳукм қилинганлардан бири тўғрисида ҳарбий прокурор алоҳида буйруқ чиқарди. Жазоланувчи европалик эди.

«Британия фуқаросининг қатл этилиши солдатларимиз орасида норозилик туғдириши мумкин, — деб ёзишди прокурорга Ҳиндистон махфий комитетидан. — У одамни генерал ҳузурига чақириб, ўлим жазосини саккиз йил қамоқ жазоси билан алмаштирилганини эшитдириш ва кўрсатган шафқатлари учун қиролича ҳазрат олийларига ташаккур айтидиришнинг ўзи кифоя қилади».

Британия штаби Сент-Жемсдаги христианлар черковида жойлашди. Аммо черковнинг гиштин равоқлари генерал Вильсоннинг юрагини сиқиб юборди. У ўзининг сафар чодирини черков олдидаги кенг ўтлоққа қуришни буюрди.

Бир-бирларига яқин бир неча офицерлар — Вильям Ходсон, ёш Робертс, майор Бэрд ва ҳарбий прокурор Кэйт-Янгу билан чодирда кеча-кундуз мажлис қилишарди.

— Макферней менинг олдимга келтирилсин! — деб буюрди генерал.

Маҳбусни узоқдан, шаҳар айлантириб олиб келишди, у резиденция уйида ҳукмни кутиб ётган эди.

Ғолиблар кўчаларни қароргоҳ қилишди; белужлар, кашмирликлар, панжоблик сикхлар, қиролик пиёдалари палаткаларда, кўчма чодирларда ва очиқ майдонларда жойлашдилар.

Макфернейни катта кўчадан соқчилар олиб бормоқда. Кенг майдонда белужлар кўч-кўрони билан туришибди. Уларни бу ерга Ҳиндистоннинг қадимий шаҳарини олиш-

да британияликларга ёрдам бериш учун бир неча минг миль ердан ҳайдаб келган эдилар. Кенг, йўл-йўл бурнус кийган, пешоналарини кўзларига қадар оқ газлама билан ўраган белужлар Макфернейни кўриб, бир-бирларига қарашди. Ана, мовий кўз, жиккаккина Макферней қушдек енгил юриб келмоқда. Кўчманчилар уни жуда яхши танишади, у уларга чўлда сув топишни ва юлдузга қараб вақтни аниқлашни ўргатган.

— У бизга ҳамisha ҳақиқатни гапирарди. Уни қаёққа олиб кетишяпти?

Белужлар Макфернейнинг кетидан қараб қолдилар.

Чўл болалари маъюс; ғалаба уларнинг дилини шод этмади.

— Мана Деҳлига ҳам кирдик... Бу ерда нима кўрдик?.. Фарангиларнинг тўп ўқи вайрон қилган қадимий мачитними? Шаҳарнинг ярим аҳолиси Муҳаммад уммати, биз ўз юртимизда олло таолога қандай ибодат қилсак, улар ҳам парвардигори оламга шундай ибодат қилишади. Наҳотки, биз бу ерга мусулмон аёллари эрларининг ўлиги устида йиғлаётганини томоша қилишга келган бўлсак?.. Фарангилар бизни ўз динимиздаги кишиларни ўлдиришга мажбур қилишди.

Макферней йўлида давом этди. Уйлар жимжит, деразалар қоронгу, дўконлар бўш, ер тўлалар ўликларга тўлиб кетган, Деҳли сукутда.

Кумуш Бозорида қироликнинг пиёдалари жойлашган. Солдатлар ўз чодирлари олдида уймаланишмоқда.

— Тедди Жонс, уни қара!.. Биз билан кемада келган чол келяпти, бирмунча қарибди-ю, ҳали ҳам аввалгисидай.

— Боб, у биз билан жуда яхши муносабатда бўлар эди, нега уни соқчилар олиб кетяпти?

— Ушанақа бўлгани учун олиб кетяпти-да.

Боғон кўчасида панжоблик сикхлар қараргоҳи жойлашган. Уларнинг камгап бошлиқлари Макфернейнинг орқасидан узоқ қараб қолди. У Панжоб учун бўлган урушни ва Собраондаги жангни эслади, ўшанда сикхларнинг яшил-қора байроқлари британияликлар оёғи остида хокисор бўлган эди.

— Мана, шаҳарга ҳам кирдик... Бу ерда нима кўрдик?.. Қондош биродарларимизнинг мурдасини кўрдик-да.

— Лекин бу киши биз билан жуда яхши муносабатда

бўлар эди... Кексаларимизнинг ҳикояларини тингларди. Овчиларнинг яраларини боғларди..

— Қаранглар, ҳиндлар ҳам унга салом беришяпти!..

— Оҳ, бахтсиз халқ, Дуоб ҳиндлари!.. Соҳиблар у халқнинг ҳам, бунисининг ҳам мурдалари устида тантана қилсин учун сикхлар ҳиндларни, ҳиндлар сикхларни ўлдиришди!

Макферней яна йўлида давом этди. Панжоб молбоқарлари, Кашмир тоғликлари унга салом беришарди. Шотландиялик ўларнинг болаларини даволаган. Уларнинг халқ ашулаларини ёзиб олган.

— Бу одам бизга ҳамиша ҳақиқатни гапирарди. Уни қаёққа олиб кетишяпти?

— Бошлиқларнинг чодирига олиб боришади.

— У ўз соҳибларига ҳам ҳақиқатни гапирарди, — деди астойдил ишонч билан соч-соқоли оппоқ кекса бир ҳинд ва сабр билан кутиш учун штаб чодирга ёнига ўтирди.

Вильсоннинг палаткасидан шотландиялик Макферней узоқ вақтгача чиқмади. Шундай кира беришда кутиб ўтирган кекса ҳинд аввал генералнинг қаттиқ-қаттиқ гапирганини, кейин шотландияликнинг оҳишта жавоб берганини эшитди, шундан кейин анча вақтгача жим бўлиб қолишди.

Макферней генералнинг олдидан ҳам ҳалигиндай хотиржам чиқиб келди.

Шотландияликнинг гапига Вильям Ходсон жавоб тополмай қолгандай, чодирдагилар ҳам жим эдилар.

Ёш Робертс биринчи бўлиб ўзига келди.

— Бу одам қизиқ гапларни айтди, — деди хижолат тортиб Робертс. — Бу мамлакатда хўжайинлик қилишга ҳаққимиз йўқ эмиш... Бу мамлакат бизники эмас, бу ерда яшовчи халқларники эмиш. Биз бу ерда бегона эмишмиз.

Чодирда яна бир минутча жимлик ҳукм сурди. Фақат генерал Вильсоннинг сигарасини қаттиқ-қаттиқ тортганигина эшитиларди.

— У яна тағин, Ҳиндистон ери сизнинг оёғингиз тагида ўт бўлиб ёняпти, деди... Бизни бу ерда кўргани кўзлари йўқ... эмиш... бупунми, эртами, ишқилиб, бир кунни бизни бу ердан қувиб чиқарар эмишлар.

— Бу гаплари учун уни саккиз йил қамоққа ҳукм қилиш эмас, умр бўйи каторгага жўнатиш керак бўлади, — деди ҳарбий прокурор кескин қилиб. — Ўзи христиан ва Британия фуқароси бўла туриб, британиялик офи-

перлар ўртасида фитначиларни очикдан-очиқ ҳимоя қилди. Британия ҳокимиятининг Ҳиндистондаги обрўсига путур етказди!..

— Унга шафқат қилинмасин! — деди Ходсон ўзини тутолмасдан стулдан туриб. — Бу одамни дарҳол Улуғ Британияга, Қироллик судига жўнатиш керак.

— Мен рози! — деди боши билан маъқуллаб Вильсон.

— Демак, энди уни ўлди деб ҳисоблай беринг, жентльменлар, — деди мамнуният билан ҳарбий прокурор.

Вильсон навбатчи офицерга ишора қилди.

— Соқчилар икки марта кўпайтирилсин! — деб буюрди Вильсон.

Офицер ташқарига чиқди.

Чодир орқасида солдатларнинг бир хилда қадам ташлашгани, милтиқларнинг шақирлагани эшитилди.

Макфернейнинг атрофини соқчилар ўраб олишган эди.

Қирқ олтинчи боб

ПАНДИНИНГ ҚИЗИ

Ойдинсиз, қоронғу тунда дарё ўртасидаги кичкина оролнинг қумлик ясси қирғоғидан тўртта катта қайиқ сузиб кетди. Қайиқлар жанубга томон сузарди.

Одамлар қайиқларда ғуж бўлиб тик туришарди, булар Селимгур фортида шу пайтгача қаршилиқ кўрсатиб турган қўзғолончиларнинг сўнгги группаси эди.

Ҳаммадан кейинда келаётган қайиқнинг қуйруқ томонида Чандра-Синг ва унинг ёнида катта рўмолига ўралиб, Лела турарди.

Эшкакчилар орқага, қоронғуликка тикилардилар.

Ҳадемай форт устида ловиллаб аланга кўтарилди, сув мавж уриб, қирғоққа шапиллаб урилди. Селимгур форти кўкка совурилди.

Аланга анча вақтгача узоқда бурқираб, қоронғу осмонни, қалъа деворини, дарёни ёритиб турди.

Чандра-Синг орқага қараб турарди. У узоқдан аланга ёруғида ёришган шаҳар тепасида шуълаланиб сузётган тутун булутларини кўрди. Назарида қалъа тепасида минглаб кишиларнинг оҳ-фарёди эшитилаётгандек, нола-фиғон кўкларга кўтарилиб, узоқ вақтгача эшитилиб тургандек бўларди.

Дарёнинг бурилишида ҳаммаси кўздан ғойиб бўлди. Ўт шуъласи сўнди, яна жимлик чўкди.

Эшкакчилар эшкакка зўр беришарди. Қоронғу уларни кўздан яширади ва улар Бхагпутга етиб олишадя, ундан нарида эса Агра форти, соҳил бўйлаб чўзилган қўзғолончиларнинг чодирлари, очиқ йўл, қадрдон қишлоқлар.

Ходсоннинг отлиқ отряди ниҳоят ўзига иш топди: у Деҳлидан жанубга томон кетган қўзғолончилар орқасидан қувгани йўлга чиқди. Штурм кунларида британияликларнинг отлиқ қисмлари резервда турди, чунки шаҳарнинг тор кўчаларида отлиқлар ҳеч нарса қилолмас эдилар. Мана энди Ходсон ўзини кўрсатиши мумкин.

Унинг отрядини британиялик офицерлар «Ходсоннинг отлари» дейишарди. Бу отряд ҳаммадан олдин эди. Бу ерларда Жамнанинг икки томони ботқоқликлар, қўлтиқлар, отлиқлар ўтолмайдиган қумликлардан иборат бўлиб, Деҳлининг фортдан йўлга чиққан энг сўнгги қўзғолончилари ҳеч қандай тўсқинликка учрамасдан жанубга, Аграга қараб сузиб борардилар.

Отлиқлар аллақанча ерни айланиб ўтиб, дарёнинг жуда олисдаги, Бхагпут яқинидаги бурилиб оқадиган ерига қараб келардилар, улар бу ерда от билан сувга тушиб, қўзғолончиларнинг йўлини тўсишлари мумкин эди.

Чандра-Сингнинг эшкакчилари дам олмасдан, ҳеч қаерда тўхтамасдан эшкак сулардилар.

Мана, улар британияликлар томонидан бузиб, қирғоққа чиқариб ташланган Бхагпут яқинидаги сузувчи кўприкдан ҳам ўтдилар.

Тоигга яқин эса Ходсоннинг отряди отларини тарқлатиб қўйиб, сув бўйига етиб келди.

Эшкакчилар сал ўринларидан туриб, бараварига эшкак сурдилар. Бу ерда отларнинг юришига қулай қирғоқ ва кечув бор эди.

Отлар сувга тушди. Улар сувнинг оқимини кесиб, қайиқларнинг йўлини тўсишга бурилишди.

Тоиг ёришиб қолган, шарқ томонда осмон эрталабки қирмизи тусга кирган эди.

Отлиқлар формаси кийган, оқ шлёми устидан салла ўраб олган офицер-соҳиб олдинда келарди.

Энди офицернинг юзини, сап-сариқ соқолини ва катта очиқ оғзини бемалол кўрса бўларди. Офицер алланималар деб қичқирар, шамолдан унинг нималар деяётгани эшитилмасди.

Биринчи қайиқ ўтиб кетди. «Ходсоннинг отлари» йўлни тўсмоқчи бўлиб, иккинчи, учинчи қайиқларга қараб суза бошладилар. Отларнинг боши сув бетида тартибсиз чайқаларди.

— Отларни мўлжалга олинсин! — деб қичқирди Чандра-Синг.

«Бах! Ба-бах!» — ҳамма қайиқлардан бараварига ўқ узилди. Отлар пишқириб, сув ичида айланарди. Сипоҳиларнинг аниқ узилган ўқлари отларнинг бошига, қаншарига бориб тегар, отлар устларидаги эгаларини эргаштириб чўкарди.

— Лаънати пандилар ҳозир ўтиб кетадилар! — деб қичқиришар ва сўқинишарди «Ходсоннинг отлиқлари» оёқлари узангига ўралашиб, оғиз-бурунларига сув кириб.

Ҳамма қайиқлар олдинга ўтиб кетди, фақат Чандра-Синг тушган энг кейинги қайиқ қолди. Сариқ соқолли офицер бир қўли билан шу қайиққа томон сузиб келарди.

У сузиб етиб келди-да, чап қўли билан қайиқнинг четига тирмашди, оғир қайиқ бир ёнга қийшайди; офицернинг ўнг қўлида тўппонча бор эди. У мўлжал ола туриб, қаттиқ сўқинди.

Лела бортга қараб юрди. Оқ рўмоли тагидан ханжарини суғуриб олди. Офицер бир хириллади-ю, сувни қонга бўяб, чўкиб кетди.

Лела ханжарини сувга тиқиб, қонни ювиб ташлади. Кейин қайиқнинг орқа томонига ўтиб, чарчаган эшкакчининг қўлидан эшкакни олди. Узун эшкакни дарё тагига тираб туриб, бир силташда қайиқни анча олдинга суриб юборди.

Чандра-Синг худди биринчи марта кўраётгандек, Лелага тикилиб турарди.

— Бизнинг Инсурнинг қизи! — деди Чандра-Синг. — Бизнинг қизимиз.

«Ходсоннинг отлари» дарё бетида ҳар томонга ёйилиб кетди. Қайиқлар жадал сузиб борардилар.

Қуёш қизи, ўлим худоси Яманинг сингдиси бўлмиш
тиниқ сувли Жамна жанубга томон, Ганг сари инти-
ларди.

Олдинда, қуёш ёруғида баланд Агра форти деворла-
рининг оппоқ кунгиралари, бастиянлари ва миноралари
кўриниб қолди.

Қайиқнинг дум томонида турган Лела олға қараб,
қоматини ростлади.

— Энди биз Аграда жанг қиламиз,— деди Лела.



Э. И. ВИГОДСКАЯ

(Танқидий-биографик справка)

Эмма Иосифовна Вигодская 1899 йилда Гомель шаҳрида (Белоруссия) врач oilасида дунёга келди. У 1922 йилда Москва I давлат университетининг тарих-филология факультетини битиради ва Ленинградга бориб туради, унинг бутун ҳаёти шу ерда ўтади.

Э. И. Вигодская юксак маданиятли, кенг маълумотли аёл бўлиб, кўп тилларни биларди. У меҳнатсевар, ҳаддан ташқари камтар, ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан ёзувчи эди.

Э. И. Вигодскаянинг адабий фаолияти 1928 йилдан бошланади. У Эптон Синклер, Томас Бэрк, Р. Грессол, Анри Барбюс, Майкл Голд, Вайан-Кутюрье, Леоnard Франк ва бошқаларнинг асарларини таржима қилди.

Унинг болалар учун ёзган биринчи китоби 1930 йилда «Молодая гвардия» нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Марк Твеннинг бошдан кечирганлари» повести бўлди. 1931 йилда худди шу нашриёт унинг Сервантес ҳақидаги «Жазойир асири» деган иккинчи китобини босиб чиқарди. Кўп ҳодисаларни бошдан ўтказган, кўп ҳарбий юришларда қатнашган, асирликда азоб чекиб, тутқунликдан бир неча марта қочган «Дон Кихот» асари авторининг ҳаётини Вигодская қизиқарли биографик повесть қилиб ёзган.

1932 йилда Э. И. Вигодская А. М. Горький чақиригига мувофиқ «Фабрика ва заводлар тарихи»ни тузиш ишига қўшилилади. Бундан ташқари, у «Чиж», «Костёр» ва «Резец» журналларида қисқа ҳикояларини бостиради. 1934 йилдан бошлаб голланд ёзувчиси Мультигули ҳақида китоб ёзишга киришади, кейинчалик бу китоб тўлиқ ҳолда «Эдвард Деккернинг тарихи» номи билан босилиб чиқади (Детгиз, 1936).

Улуғ Ватан уруши Вигодскаянинг 1939 йилда бошлаган иккинчи катта асари — Ҳиндистондаги халқ қўзғолони ҳақидаги «Хавфли қочоқ» повестини тугаллашига халақит берди.

Улуғ Ватан урушининг биринчи йилини Э. И. Вигодская қамал қилинган Ленинградда ўтказди, мудофаа ишларига қатнашди — танкка қарши зовурлар қазишди, госпиталларда навбатчилик қилди. Кейинги йилларда Пенза областида эвакуацияда бўлди. Уруш тамом бўлиб, Ленинградга қайтиб бор.

гагягина яна адабий-ижодий ишга киришди. 1947 йилда «Хавфли қочоқ» повестини тугаллади, бу асари учун унга «Болалар учун энг яхши бадий асарлар конкурси»нинг мукофоти берилди (1948 йил).

«Хавфли қочоқ» ва «Ғазаб алангаси» (аввалги «Эдвард Декернинг тарихи») балоғатга етган санъаткорнинг асарлари эди. Вигодская бу асарларида Твен ва Сервантес ҳақидаги аввалги асарларидан фарқ қилиб, тасвир этилган қаҳрамонларнинг ташқи биографияси кетидан қувмай, тўла, мукаммал бадий образлар ярамади, тарихий ҳужжатларга асосланган ҳолда колониализмга қарши олиб борилган озодлик курашини чуқур тасвирлади. Вигодскаянинг ўзи иқрор бўлишича, «Хавфли қочоқ» устида ишлаганда, у «эски колониаль романларда тасвир этилган «ёввойи»лар ҳақидаги ҳақиқатни очиб кўрсатувчи ҳаққониятга интилган, зулм чекаётган ва курашаётган ҳинд халқи ҳақидаги ҳақиқатни кўрсатишга тиришган». Вигодская бунга тўла эришган.

Одий инсонга совет гуманизми нуқтан назаридан туриб, меҳрибонларча муносабатда бўлиши авторнинг бу повестларда халқ нафрати миллионлаб кишиларнинг «Ғазаб алангаси»га айланишини катта маҳорат билан тасвирлашга имкон берган. Автор Жанубий Осиё ороллариининг бой тропик табиатини ва Хиндистоннинг ажойиб манзараларини усталик билан чизган; бу мамлакатлар халқларининг меҳнатсеварлиги, соф диллиги, довиорақлиги ҳамда уларнинг ватан ва озодлик йўлида ҳар қандай қурбон беришга тайёрлигини моҳирлик билан кўрсатган.

Иккала повесть ҳам колониаль қулликка қарши халқ озодлик ҳаракати тарихининг ёрқин саҳифаларини тасвирлайди. Бу талантли совет ёзувчисининг анча кучли ва ҳаяжонлантирувчи асарларидир.

Бевақт ўлим Эмма Иосифовна Вигодскаянинг самарали фаолиятини унинг ижоди барқ уриб гуллаётган бир вақтда узиб қўйди. Вигодская кўп йиллар мобайнида ҳормай-толмай қилган меҳнати туфайли ортдирган ҳаётий тажрибаларининг ҳаммасини айтиб улгуролмади. Афсуски, у ўйлаб қўйган кўп нарсалар тугалланмай қолди. Э. И. Вигодская 1949 йил 1 сентябрда вафот этди.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ

ДОРДАН ҚОЧИШ

Биринчи боб. Ҳинд телеграфи	3
Иккинчи боб. Учқунлар йироқларга кетади	8
Учинчи боб. Чандала	14
Тўртинчи боб. Рўмолчадаги гул	24
Бешинчи боб. Катта Арава йўл	28
Олтинчи боб. Желхона	37
Еттинчи боб. Бош Панди	45
Саккизинчи боб. Қизил нилуфар	54
Тўққизинчи боб. Деҳли, Ҳиндистоннинг юраги	60
Унинчи боб. Бошланди	65
Ун биринчи боб. Қўрғон деворларида	74
Ун иккинчи боб. Беш ўлик генерал	86

ИККИНЧИ ҚИСМ

ҲАММА ЙЎЛЛАР ДЕҲЛИГА ОЛИБ БОРАДИ

Ун учинчи боб. Женни Гаррис	92
Ун тўртинчи боб. Шотландиялик Макферней	98
Ун бешинчи боб. Калькутта	106
Ун олтинчи боб. Париянинг қочиб кетиши	111
Ун еттинчи боб. Калькутта ҳам нотинч	117
Ун саккизинчи боб. Қувноқ чархчи	125
Ун тўққизинчи боб. Узоқдан келган даракчи	133
Ингирманчи боб. «Полковник Вильсон» тўли	140
Ингирма биринчи боб. «Лорд Лэйкнинг Эски Оқ Кўйлаги»	144
Ингирма иккинчи боб. Чемберлен-соҳиб	150
Ингирма учинчи боб. Тўп карвони	155
Ингирма тўртинчи боб. Ҳотма соҳиб	162
Ингирма бешинчи боб. Гапирувчи бамбуқ	174
Ингирма олтинчи боб. Тўппончали йўл	176
Ингирма еттинчи боб. Ҳамма йўллар Деҳлига олиб боради	182

СЕЛИМГУРДАН БЕРИЛГАН СИГНАЛ

Йигирма саккизинчи боб. Наҳотки Деҳли ҳали олинмаган бўлса?	185
Йигирма тўққизинчи боб. Жени асирликда	189
Ўттизинчи боб. Яна шотландиялик билан учрашув	196
Ўттиз биринчи боб. Баҳодиршоҳ	197
Ўттиз иккинчи боб. Пандининг бошини олиб келганга беш юз рупия	202
Ўттиз учинчи боб. Фақирлар фақри	209
Ўттиз тўртинчи боб. Шаҳзоданинг маслаҳати	211
Ўттиз бешинчи боб. Душман лагерида	219
Ўттиз олтинчи боб. Деҳли кечаси	227
Ўттиз еттинчи боб. Фақирдан чиққан хат	232
Ўттиз саккизинчи боб. Саройда хиёнат	238
Ўттиз тўққизинчи боб. Панжобнинг катта тўплари	240
Қирқинчи боб. Штурм	242
Қирқ биринчи боб. Деҳли ҳимоячилари	248
Қирқ иккинчи боб. Селимгурдан берилган сигнал	257
Қирқ учинчи боб. Панди қани?	261
Қирқ тўртинчи боб. Исми номаълум сотқин	264
Қирқ бешинчи боб. Махфий буйруқ	269
Қирқ олтинчи боб. Пандининг қизи	274
Э. И. Вигодская	279